

Қамчибек Кенжа



ЖАСОРАТ

ҚАМЧИБЕК КЕНЖА

# ЖАСОРАТ

*Маърифий-биографик қисса*

УДК: 61(575.1)(092)Асқаров

КБК: 53.59

К37

**Кенжа, Қамчибек.**

**К37 Жасорат: маърифий-биографик қисса/Қ.Кенжа. – Тошкент: Tafakkur, 2012. – 304 б.**

ISBN 978-9943-24-088-9

Дунё галати яралган. Миллион-миллион (балки миллиардлаб) одам фақат ўз қорни гамида, шунчаки умр, кун ўтказиш учун не кўйларга тушмайди. Кўплар шуни ҳам эғлолмайди. Худо ярлақаган баъзилар эса юзлаб, минглаб кишиларнинг ризқланиши, ижтимоий фойдали шахс бўлиб етишувига замин яратиб беради, давлатга, халққа хизмат қилади. Мамлакатнинг иқтисодий, илмий-маданий ривожига улкан ҳисса кўшади. Қанча-қанчалар оддий тумов учун бурнини тортиб дўхтирма-дўхтир, дорихонама-дорихона изғийдилар, кимлардир минг-минглаб беморларнинг дардига дармон бўлади. Истеъдодли олим – кимё фанлари доктори, ҳуқуқшунослик фанлари фахрий доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, 600 дан ортиқ илмий-оммабоп мақола, 70 дан зиёд рисола, дарслик ва қўлланмалар муаллифи, иккита янги фан асосчиси Иброҳимжон Асқаров жамиятга бир неча соҳа бўйича катта наф етказаётганлардан. Жигар циррози, бош мия ўсмаси, кўкрак беши саратони (рак), фарзандсизлик ва бошқа оғир хасталикларга чалинганларни муваффақиятли даволаб келаётган бу табиб-шифокор, Ўзбекистон халқ таъбири академияси илмий кенгаши раисининг шахсий ва ижтимоий ҳаёти машаққатлар ва зиддиятларга жуда бой. Ушбу китобда шулар ҳақида ҳикоя қилинади.



УДК: 61(575.1)(092)Асқаров  
КБК: 53.59

ISBN 978-9943-24-088-9

© ҚАМЧИБЕК КЕНЖА, 2012  
© «ТАФАККУР», 2012

## БУЮК ЖАСОРАТ СОҲИБИ – АДАБИЁТ КЎЗГУСИДА

Дунёда миллатлар, эл-элатлар кўп, одамлар бисёр. Ер юзида яшаётган кишиларнинг ҳеч бири бир-бирига тўла ўхшамайди. Энг ўхшаш одамлар ҳам қаери биландир бир-биридан фарқ қилади. Оллоҳ бандасини яратар экан, ҳар қайсисига ўзига муносиб иқтидор беради. Кимдир ана шу иқтидорни эзгуликка, бунёдкорликка, инсоният тинчлиги, фаровонлигига, кимдир эса ёвузликка, бузғунчиликка сарфлайди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар одамзоднинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин.

Ана шундай одамлар бугун ҳам орамизда кўплаб топилади. Муҳтарам юртбошимизнинг буюк маънавий жасорат соҳиблари ҳақидаги доно фикрларини ўқир эканман, беихтиёр кўз олдимга эл-юрт хизмати учун елиб-югурган, ўзбек кимё фанининг доврўғини кўтараётган, бу сирли олам жумбоқларини очишда қанчадан-қанча ихтиролар қилган, кимё фанлари тизимида “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш”, ҳуқуқшунослик фанлари тизимида эса “Божхона ҳуқуқи” номли янги йўналишларни очган ва бу йўналишларни Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссияси рўйхатига киритган, кимё фанини ўқитишни такомиллаштириш бўйича тинимсиз жон куйдираётган, узлуксиз таълим тизими учун янги типдаги катор дарсликлар муаллифи, моддаларнинг кимёвий таркибига

таянган ҳолда, уларни инсон саломатлигини тиклаш йўлида самарали қўллаётган ва бу билан табобатда мўъжиза яратаётган аллома Иброҳимжон Асқаров келади. Мен у билан яқин қирқ йилдан буён ҳамфикр, ҳамнафасман. Эришган ютуқларидан юрак-юракдан қувонаман, чеккан азобларидан изтиробга тушаман.

И.Асқаровнинг юқорида санаб ўтилган ҳар бир амали унинг жасорати меваси эканлигини ҳис қиламан. Энг аввало, у юксак инсоний фазилатга эга. Ота-онаси, опалари, қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари, дўстлари, устозу шогирдларига бўлган самимий муносабати, ҳурмат-эҳтироми унинг жамият ўртасидаги обрў-эътиборини сарбаланд қилди. Кимё фанига қизиқишини орттирган биринчи муаллими К.Шабанов ва илмий тадқиқот ишларига йўналтирган Ғ.Ҳақимов, номзодлик ва докторлик диссертациясига раҳбарлик қилган Абдулҳамид Махсумовлар номларини ҳеч тилидан туширмайди.

Истеъдодли педагог-олим, ташкилотчи, жонкуяр раҳбар Асқаров қаерда ишламасин – Андижон тиббиёт ва педагогика институтларида ҳам, Республика Божхона қўмитаси қошидаги экспертиза лабораториясида ҳам, Фарғона вилоят божхонасида ва бошқа масъулиятли вазифаларда энг муаммоли масалаларни ҳал қилишда ҳамиша ўзининг мустақил фикрига эгалиги, принципиаллиги, ҳақгўйлиги билан обрў-эътибор қозониб келган. Ҳамма жойда адолат мезонини маҳкам тутиши унинг фавқулодда ютуқ ва ғалабаларини таъминлаган омиллардан бири эди. Унинг бу хусусияти айни пайтда кимларгадир ҳалал берганлиги ҳам, зиддиятларга, тўқнашувларга сабаб бўлганлиги ҳам ҳақиқат... Қайтмас феълли Иброҳимжон ана шундай қурашларда чиникиб боради.

Шу баён қилинган фикрларнинг ўзиёқ, Иброҳимжонни давримизнинг ёрқин хусн хили эканлигидан далолат беради. Халқ эъзозига сазовор бўлган бундай зотларнинг ҳаёт йўлини кенг оммага таништириш катта тарбиявий, маърифий аҳамиятга эга эканлиги жаҳон маданияти тарихидан кўпчиликка маълум.

Рус тилида “Машҳур кишилар ҳаёти” сериясида чиқаётган юзлаб китобларни биламиз. Бундай китоблар орқали Ч.Дарвин,

Д.Менделеев, И.В.Курчатов, С.П.Королев сингари дунёга донг таратган олимларнинг бадиий образлари гавдалантирилгани ва кенг китобхонлар оммаси бу асарларни илиқ кутиб олганини яхши биламиз. Ўзбек адабиётида академик Ҳабиб Абдуллаев, М.Ҳамрабоев сингари алломаларнинг бадиий сиймолари акс эттирилган асарлар ҳам китобхонлар қалбидан мустаҳкам ўрин олди.

Қатор ҳикоялари, сафарномалари ва “Палахмон” романи билан эл меҳрини қозонган Қ.Кенжа ана шу анъанани давом эттирган ҳолда, Иброҳимжон Асқаров образини бадиий адабиётга олиб киришга жазм этди. Маърифий-биографик қиссанинг “Жасорат” деб номланиши унинг моҳиятини тўла акс эттиради. Бу асар Иброҳимжон образи орқали ёшларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ростгўйлик, инсонийлик, жасурлик руҳида тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга. Қиссанинг китобхонлар ўртасида катта қизиқиш уйғотиши ва китоб жавонларидаги энг сеvimли асарлар қаторидан жой топишига ишончимиз комил.

**Абдулҳамид НУРМОҢОВ,**  
*филология фанлари доктори, профессор*  
*7 март, 2012 йил.*

## «ҲАЁТДАН УМИДИМНИ УЗГАНДИМ...

Мен 2006 йил 12 сентябрда чап қўлтигим остида кичкинагина шиш (без) пайдо бўлганини сезиб қолдим. Олдини олиш мақсадида хирург кўригига бордим. Гидроденит ташиxisини қўйдилар ва 15 кун даволадилар. Лекин ўзимда ҳеч қандай ўзгаришни сезмадим. Сўнгра физиотер кўригига боришни тавсия этишди. 1 октябрдан бошлаб лимфоденит ташиxisи бўйича 12 кун муолажалар олдим. Без йўқолиш ўрнига 3 та бўлиб қолди, шундан кейин гинеколог кўригига ёзишди. У ерда бу касаллик уларга тегишли эмаслигини айтиб, онкология кўригига йўлланма беришди. Аҳволим оғирлашиб борарди. 2006 йил 21 октябрь куни онкология шифокорига учрадим. Цитограмма анализини топширдим, компьютер-томография текширувидан ўтдим. Таҳлиллар натижасида кўкрагим атрофидаги ва қўлтигим остидаги безларнинг хавфли ўсма эканлиги аниқлангач, онколог врачлар даволашнинг икки хил йўли, яъни оператив ёки консерватив усули борлигини ўқдиришди, аммо мени операция қилиб бўлмалигини, ўсма хавфли бўлиб тарқаб кетганлигини айтишиб, химия-терапевтик муолажаларни бошлашди. Бу вақтга келиб мендан тўхтовсиз қон кетиб, сочларим тўкила бошлади. Ишитаҳам бутунлай йўқ, сийдик ажралмас, қорним шишган, ўзимни билмай қарахт ҳолатда ётардим, ҳаётдан ҳам умидимни узиб қўювдим.

Иброҳимжон Асқаровнинг ўсма касалликларини даволай олишини эшитиб, дадам ва турмуш ўртоғим зудлик билан, 2007 йил 5 январь куни мени ўша профессорнинг кўригига олиб боришди. Кўп қон йўқотганлигим... хасталик авж олиб бораётганлиги сабабли юришга ҳам ҳолим қолмаган эди. Профессор томиримни ушлаб, қандай дардларни кечирганим ва касалликни анча ўтказиб юборганимни айтиб мени ҳайрон қолдирди.

Узоқ вақт диагностик текширувлар натижасида аниқланган касалликларимни ҳеч қандай анализ ва аппаратларсиз, фақат тилимни ва томиримни кўриш орқали тўғри топа олганлиги табибнинг организм ҳақида чуқур билимга эга эканлигини кўрсатиб турарди. Буюрилган дориларни ичсам, парҳезга қатъий амал қилсам тузалиб кетишимни таъкидлаб, умуман бу ўсма касаллиги даволаш мумкин бўлган касаллик эканлигини тушунтирди ва бир нечта дори берди. Булар «Мажмуи Раҳмоний», «Аскальций», «Алқоман», «Шифои Марҳабохон», «Ўзбекистон» дамламалари эди. Суҳбат давомида буюрилган дориларни ўз вақтида, белгиланган тартибга амал қилиб ичсам, 7 кун ичида қон тўхташи ва сезиларли ижобий ўзгариш бўлиши мумкинлигини айтди.

Тўғриси, мен бунга ишонмагандим. Чунки ўзим тиббиёт ходимиман, замонавий тиббиётнинг шундай кучли дорилари таъсир қилмаган касалимга аллақандай дамагаю томчи дорилар қор қилишига ақлим етмасди. Иложсиз дориларни ичишни бошладим. 6 кун деганда 45 кун мобайнида келаётган қон тўхтади, оғриқлар пасайди. 15 кундан сўнг бошимни кўтаришига, ўзим овқатланишига, юришига ҳаракат қила бошладим. Кун сайин аҳволим яхшиланиб, тузалаётганимни ҳис қилиб турар эдим. Ҳозирги вақтга келиб бутунлай ўзимни соғлом ҳисоблайдиган даражага келдим.

Ҳаётга, фарзандларим, ота-онам, яқинларим бағрига соғсаломат қайтишимга сабабчи бўлган профессор Асқаровга миннатдорчилигим чексиз.

**Наима Умрзоқова,**

*Андижон вилояти, Булоқбоши тумани.*

*2007 йил, 15 март.»*

\* \* \*

Хўш, юқоридаги халоскор, нажоткор аслида ким?

Унинг ҳаёт сўқмоқлари қандай пасткамликлардан, ўнқир-чўнқирлардан ўтганини, қандай ғовларга дуч келганини билишга қизиқарсиз, балки?



Энг мураккаб табиий фан – кимёни пухта эгаллаган, замонавий тиббиётдан яхши хабардор етук олим нега беморларни халқ табобати усуллари билан даволашни маъқул кўрди?

Номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёклаш жараёнларида қандай тўсиқларни енгиб ўтишига тўғри келди?

Бир вилоят университетидида проректор бўлиб ишлаётган педагог-олим Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона кўмитасининг Марказий экспертиза лабораторияси бошлиқлигига қандай кўтарилиб қолди?

Қандай қилиб унга – оддий аскар сифатида ҳарбий хизматни ўтаган одамга бирданига полковник деган юксак унвон берилди?

Кимё фани даҳолари, буюк кашфиётчилар сафидан ўрин олиш унга қандай насиб этди?

Отаси, онаси, синглиси (кейин бошқалар)ни рақ деган вабодан қандай халос этди?

Шу пайтгача қанчаларни энг ашаддий хасталиклар чангалидан қутқариб, уларга қайта ҳаёт бағишлади?

Қандай қилиб бу борада пешвога айланди?..

Умуман ундаги мисли кўрилмаган шижоат, жасорат қаёқдан пайдо бўлди?...

## МУҚАДДИМА

Асқаровни пешонаси яркираганлар сирасига кўшиш мумкин, албатта. Бобур подшоҳнинг тўнғич ўғли, валиаҳд Ҳумоюн мирзога толе кулиб боққани сабабини у бир вақтлар сайр қилиб юрган чоғида Орзу, Давлат, Шуҳрат деган кишиларни учратгани билан боғлайдилар. Иброҳимжонга хосиятли исм эгалари дуч келганми, йўқми, билмадик, аммо унинг мўътабар, файзу фазилатга бой аёллар – Бузокира ая ва Марҳабохон опаларнинг назари остида, уларнинг кўз қорачиғларидай улғайгани рост. Таржимаи ҳолига, илмий фаолиятига оид ҳайратомуз далиллар тўғрисида ўқиган ё эшитган, аксарият ҳуш кайфиятда юриши, ўзига ишонч билан шахдам қадам олишини кўрганларга унинг умри бир текисда, силлиқ кечгандай, ҳамма рутба, фозиллик даражатларига ўнғайгина эришавергандай, асаблари, руҳиятига сираям дарз етмагандай туюлиши турган гап: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, кимё фанлари доктори, ҳуқуқ бўйича фахрий доктор, икки карра профессор (камдан-кам бўладиган ҳодиса!), ўттиздан ортик ихтиро, бир неча юзлаб илмий, услубий мақолалар, етмишдан зиёд дарслик, ўқув қўлланмалар ва монографиялар муаллифи, иккита янги ихтисослик асосчиси, божхона хизмати полковниги, Ўзбекистон халқ таъбири академияси илмий кенгаши раиси, саратон, бош мия ўсмаси, фарзандсизлик, ўт ва буйрак тошлари, қандли диабет, жигар циррози каби ажуз-маъжузларни бурчакка қисиб кўяётган табиб-шифокор...

Ҳа, Парвардигор ёлғиз ўғил ўқсимасин дебми, унга иқтидор ва бошқа имтиёзлар ато этган, аммо ҳаёт уни ҳамиша ҳам ўз лутфу карами билан сийлайвермаган. Истеъдоди ё турфа хислатлари билан фарқланиб турадиганлар умри зиддият-

ларга, ҳар хил тўқнашувларга «бойроқ» бўлишини ҳаётнинг аччиқ қонуниятларидан беҳабарларгина инкор этиши мумкин.

Иброҳимжон мактабда математика ва адабиётга қизиқарди. Унинг бир нималар қоралаб юрганини сезган кимё фани ўқитувчиси Кўчали Шабанов бир куни ёнига чорлади. Болакай яна бирор гуноҳ қилдиммикин, деб, муаллимга тайсаллаброк яқинлашди. Аммо ўқитувчининг авзои бузукқа ўхшамасди.

– Менга қара, Аскарров, – деди домла хийла мулойимлик билан, – сен шеър-пер ёзишни йиғиштир. Нима кўп, шоир кўп, адабиётни сенсиз ҳам амаллашади. Лекин бизи соҳага қизиқадиган, ақли етадиганлар жуда кам. Химия – зўр фан, турган-битгани мўъжиза. Сени химияга сал укувинг борга ўхшаб қолди. Яхши ўқисанг, катта шаҳарларга, олимпиадаларга юбораман.

Ўша пайтларда энди урф бўлаётган олимпиадаларда – турли фанлар бўйича мусобақаларда қатнашиш ўқувчилар учун катта шараф саналарди.

Муаллим ваъдасида турди. Иброҳимжон Андижон шаҳрида ўтказилган олимпиадада фахрли ўрин олди – бу унинг кимё соҳасидаги илк муваффақияти эди. Шабановнинг Иброҳимжонга, Иброҳимжоннинг эса унга ихлоси ортди. Болада кимёга бўлган муҳаббатни дастлаб ўша ўқитувчи уйғотган эди.

– Кейин билсам, устоз Ғуломнаби Ҳакимовнинг «Оламининг асоси – кимё» деган гапни қайта-қайта таъкидлаши, қулоқларимизга куйиши бежиз эмас экан, – дейди Иброҳимжон ўқувчилик ва талабалик чоғларини хотирлаб.

Ер, қуёш, ой, юлдузлар, дарахтлар, гиёҳлар, сувлар, қўйингки, борлиқнинг илми ҳикмат – физика қонуниятлари асосида мангу ҳаракатдалигидан, табиатдаги, коинотдаги барча майда, улкан ўзгаришлар моддалар бирикиши ёки парчаланиши оқибатида рўй беришидан воқиф бўлгач, Иброҳимжоннинг бир нарсани иккинчисига қўшса, уриштирса учинчи нарса келиб чиқадиган афсонавор фанга қизиқиши чандон кучайган эди.

Моддаларнинг таркиби, тузилиши ва ўзгаришини ўрганадиган кимё фанининг шаклланишини Оврўпа олимлари яқин ўтмишга – XVII асрга (инглиз кимёгари ва физиги Р.Бойл ва бошқаларга) тақайдилар. Аслида кимё ғоят кекса – мавжудият

билан тенгдош бўлиб, унинг ихтисослик сифатидаги илк куртаклари қачон, қаерда, қандай юзага келганини аниқ айтиш ҳам мушкул бўлса керак. Ҳар ҳолда, кимёвий жараёнлар (конлардан металл қазиб олиш, қотишма, жумладан, шиша тайёрлаш, матоларни бўяш, тери ошлаш ва бошқалар...) билан инсоният ўзининг дастлабки маданий ҳаёти давриданоқ шуғуллана бошлагани аниқ. Милоднинг III–IV асрларида Шарқда зарарли моддаларни фойдали моддаларга айлантириш тажрибалари юзага келганлиги қайд этилади соҳага оид адабиётларда.

Ўзбекистон худудида яшаган аҳолининг минг йиллар муқаддам кимё мўъжизаларидан жуда яхши хабардор бўлганлиги ҳам тарихий маълумотлардан маълум. Бухоро яқинидаги Пойкенд деган жойда топилган, VIII асрга тааллуқли кимё лабораторияси шундан далолат беради. Умуман бу фан узок давом этган тараққиёт босқичларини босиб ўтган. Ўрта асрларда ал-кимё (муаллифи Жобир ибн Хайём) ривож топди, бу борада ҳозирги Эроннинг қадимий Рай шаҳрида таваллуд топган улуғ табиб Абубакир Розийнинг ҳиссаси каттадир. У кимё тарихида биринчи бўлиб моддаларни синфларга ажратган. Абу Али ибн Сино эса қатор кислота, ишқор, шифобахш моддаларни таъбибат амалиётига киритган. Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб ас-сайдана» (фармокология) асарида эса минерал дорилар ҳақида гап боради. Турон заминидан етишиб чиққан, тажрибалар асосида металл ва бошқа моддалар хусусиятларини ўрганишган Абу Наср Фаробий, Абу Абдулло Хоразмий, Абу Ҳаким ал-Хоразмийларни ҳам фан асосини яратганлар қаторига киритиш мумкин.

Дарҳақиқат, XVII–XIX асрларда Оврўпа (шу жумладан Россия) олимлари Р.Бойл, М.Ломоносов, А.Лавузье, Д.Ж.Дальтон, А.Бутлеров, Д.Менделеев ва бошқалар кимё соҳасида кўплаб кашфиётлар қилиб, фанни такомиллаштиришга самарали ҳисса қўшдилар. Масалан, Менделеев томонидан кимёвий элементлар даврий системасининг яратилиши дунёнинг қандай тузилганини билишга интилган илму фаннинг юксак ютуқларидан бири бўлди. «Мазкур жадвал микродунёдан тортиб космологиягача бўлган анча кенг доирадаги ҳодисаларни тушунишга ёрдам берди», деб ёзилади китобларда.

Хуллас, биргина «кимё» атамасидан бошланган фан ХХ асрга келиб янада кенг қулоч ёзди ҳамда бир қанча тармоқ ва ихтисосликлар (физик кимё, органик кимё, юқори молекулали бирикмалар кимёси, табиий бирикмалар кимёси, каллоидлар кимёси, ноорганик кимё, аналитик кимё, биоорганик кимё ва ҳоказо)га бўлиниб кетди, шунингдек асосий табиий фанлардан бирига айланди. Эндиликда халқ хўжалигининг бирон-бир жабҳасини, умуман ҳаётни кимёсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

ХХ асрда Ўзбекистонда ҳам кимё фани ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Академиклар Обид Содиков, Собир Юнусов, Ҳамдам Усмонов, Карим Аҳмедов, Малик Набиев, Абдулла Султонов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари дунё миқёсида эътироф этилди, бир қатор хорижий тилларга таржима бўлди. Хусусан, Меҳнат қаҳрамонлари Собир Юнусов ва Обид Содиковлар туфайли Ўзбекистоннинг алколоидлар (ўсимликларда, кам ҳолларда ҳайвонларда учрайдиган ва асос хоссаларига эга бўлган азотли органик бирикмалар) тадқиқоти бўйича пешқадам республикалардан бирига айланганини таъкидлашарди А.Н.Несмеянов, Н.С.Кочеткова, В.А.Сергеев, А.Ф.Махсумов каби дунё тан олган алломалар олимларимизнинг органик кимёни бойитишдаги беқиёс хизматларини тан олишиб. Асқаров кимё оламига ана шу фан даҳоларининг илмий фаолиятлари гуркираётган паллаларда, ХХ асрнинг 70-йилларида кириб келди.

Эйнштейн қадимги замоннинг энг буюк олимларидан бири Эвклиднинг геометрия тўғрисидаги рисоласига нисбатан «Ёшлигида бу китобни ўқиб ҳайратга тушмаган одам назарий тадқиқотлар олиб боришга қодир эмас», деб ёзган экан. Арасту эса «Ҳайрат – фалсафанинг ибтидосидир» деган. Умуман, ҳайрат туйғуси кам ё заиф кишидан олим ҳам, ижодкор ҳам, ҳатто рисоладаги оддий инсон ҳам чиқиши даргумон. Иброҳимжоннинг оламнинг ўзи каби бепоён кимё фанига иштиёқи, рағбати Шабанов томонидан мактаб лабораториясида кўрсатиладиган «Фиръавн илонлари» – мўъжизасиз мўъжизалар каби қизиқарли кимёвий тажрибаларга ҳайратланишдан бошланган эди.

## БИРИНЧИ БОБ

### МУСОДАРА ВА ҲУКМ

Ўзининг пойдевори мустаҳкамлигига ишончи йўқ бешафқат салтанат, узоқроқ яшаш илинжида ҳар қандай разиллик ва қабоҳатдан қайтмас тузум Иброҳим ва унинг нажотсиз қолган онаси, икки опа-сингилдан иборат оиласини ота-боларидан мерос ҳовлиларидан ҳайдаб чиқаришига бир баҳя қолувди.

Шўронинг катагон сиёсати оқавалари – одамларни бўлар-бўлмас сабаблар, айблар билан кўчириб ё қамаб юборишлар хали ҳам давом этаётганди. Раҳмонжон акани дастлаб бир неча кун туман мелисахонасида саклашди. Мурғак Иброҳимга (балки бошқаларга ҳам) отанинг дабдурустдан ҳибсга олинишидан ҳам кўра, орган ходимларининг ҳамма ёқни тинтиб-титкилаб, кўрпа, ёстикларнинг чокини сўкиб, йиртиб юборишгани ёмон таъсир қилган эди. У онаси, опалари билан бир четда, мелисаларнинг важоҳатли хатти-ҳаракатларини ҳайрат ва даҳшат ичра кузатарди.

– Болишларни нимага йиртишяпти, буви, уларда пахтадан бошқа нарса йўғу... – деб юборди болаларча ғижиниб.

– Бор, бор, нари тур, – жеркиб беришди уни.

Марҳабохон ўғлини бағрига тортиб, бошини силаркан, пичирлаб, жим туришни тайинлади.

Раҳмонжон акада пул яширадиган одат ҳам, беркитадиган пулнинг ўзи ҳам йўқ эди.

Хонадон хожаси ва устунининг озодликдан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги ноҳақ ҳукм Марҳабохоннинг юрагини момақалди роқ каби ларзага солди. Содда жувон, тўғрисўз ва диёнатли жуфти ҳалолининг бегуноҳлигига ишонар ва уни албатта қўйиб юборишади, деб юрарди хаёлида. Суднинг уй-жойларни мусодара қилиш хусусидаги қарори эса муштипар

аёлни батамом эсанкиратиб кўйди. У бўш-баёв, ношуд-нотавон хотинлардан эмас эди, аммо бира тўла ҳам бош эгасидан, ҳам бошпанасидан ажраш, боз устига бир эмас, учта норасида гўдак билан сўппайиб колиш ҳар қандай матонатли аёлнинг метин иродасини ҳам букиб, синдириб ташлаши ҳеч гапмас. Жужуқларни етаклаб қайси хеш-ақрабосиникига бо-радио, беш йил давом этган қаттол уруш доғи, асоратлари кетмаган бир замонда ўзларини аранг эплаб ўтирган қайси бир жигаргўшасининг тор уйларига сиғишади? Боринги, қондошчилик, жигарчилик юзи-хурматидан ё эл-халқдан уялишганидан биронтаси бағирларига олиши ҳам мумкинди, лекин уч оғиз, ўзи билан тўрт жонни боқиш-чи? Бир товукка ҳам дон керак, ҳам сув. Тўрт қоринни тўйғазишдан ташқари уст-бошчи? Ўкситмаслик, отаси йўқлигини билинтирмаслик учун ўғил-қизларини бошқалар қатори кийинтириш керак.

Кетмон кўтариб далага чиқишдан бошқа касби, хунари ҳам йўқ...

Шундай ўй-хаёллар билан она шўрлик ҳар ўтган куни, тунига шукр қилиб, эшик «тик» этса юрагини ҳовучлаб ўтирар, ана шу кунларнинг яна бири улар учун машъум қаро шомга айланишини зориллаб кутар ва у дақиқаларнинг узоқроқда келишини, тирик етимларнинг ҳаққи-хурмати деб, Яратгандан тиларди.

Уч кундан кейинми, беш кундан сўнгми, она тасавуридаги дев-азроил сиёкли кимса қўлтиғида чарм сумка билан эшикдан кириб келди. Ана, тамом, ўйлади она, у юк-такларни машинага ортади, болаларни қўлидан етаклаб, турткилаб кўчага чиқариб ташлайди-да, «тўрт томонларинг қибла!» дейди, сўнг дарвозага қулф уради-ю, калитни чўнтагига солиб жўнайди.

Бор-йўғи олти сотихли ҳовлида куёшга қаратиб солинган оддий бир уй – бир даҳлиз ва ўтин-чўпга мўлжалланган бостирма бор холос. Лой томдан баҳорги, кузги ёмғирларда чакка ўтарди. Уйлар томондан ташқари уч тараф очиқ эди. (У пайтларда баланд девордан кўрғон қилиб ташлаш расм эмас, бунга кўпларнинг қурби ҳам етмасди). Уйдаги бор бисот устига кўрпа-тўшак йиғилган бир сандиқ ва тоқчалардаги санокли чойнак-пиёла, ликоблардан иборат эди.

Томорқадаги икки-уч қизил олма, шафтоли, узум энди мевага кирган. Саҳн чеккаларига райхон, намозшомгул, чиннигуллар экилганди – Марҳабохон қиз болалиқдан гулларни яхши кўрарди. Қандай бўлишидан қатъи назар, она ҳам, болалар ҳам ўз кулбаларини яхши кўришар, ундан ажралиб қолишни ўйлаб титраб-қақшашарди.

Онажонисининг болаларини хавотир билан бағрига босганича, тили калимага келмай, чарм сумкали нотаниш кимсага илтижоли тикилиб тургани, миждаларидан ёш сиза бошлагани Иброҳимжоннинг хаёлидан сира кетмайди. Лекин юборганлар аҳволни кўриб хулоса қил, дея тайинлашганми ёки йигитнинг ўзи, гарчи орган ходими бўлса-да, раҳм-шафқат ҳисларидан буткул маҳрум эмас эканми, ҳарқалай, унинг хижолат бўлаётгани сезиларди. Она пинжидаги бегуноҳ гўдақларнинг мўлтираган кўзларига қарашга юраги дош бермади чоғи, ғамбода жувонга юзланди.

– Айбга буюрманг, опа, мен кичик бир ижрочиман, буйрукни бажараман холос. Аҳволингизни кўриб турибман. Болалар майда экан, борадиган жойларинг бўлмаса, катталаримиз билан гаплашиб кўраман. Эҳтимол ижро муддатини суришга рухсат беришар. Унгача бир чораси топилиб қолар...

Ҳовли-жой уч минг етти юз сўмга баҳоланиб, хатланган эди. «Шу пулни бир амаллаб тўласанглар, ҳовли ўзларингга қолаверадиган бўлди», деди ижрочи кейинги гал келганида чарм матоҳини қўлтиғига қистириб, қайтишга чоғланаркан.

Марҳабохоннинг бўздай оқарган юзларига ранг югурди. Ҳа, одамларнинг ҳаммаси ҳам тошбағир эмас экан, инсофлилари ҳам бор экан. Умридан барака топсин...

Лекин Марҳабохон энди уйда ўтиришга ҳам безилларди. Ёнида икки қиз ва бир ўғил – барининг ҳам она сути оғзидан кетмаган. Тунлар узун ва ваҳимали. Ҳовлида, кўчада бир нима шитирласа ҳам онанинг юраги питирлайди, кўзларидан уйку қочади.

У ота ҳовлига бориб, онасига ҳолатни, кўнглидан кечаётган гапларни айтиб зорланди. Бузокира опа типирчилаб қолди. Ўғли Муҳаммаджонга буюрди:



– Бориб, буларни тезда кўчириб ке, болам. Кўз олдимда ўтиришсин. Уйларини ит емас. Ўғри оладиган нарсалариям йўқ...

Ўшанда Иброҳим энди олтига кирган, мактабга қатнаса-да, ёши етмагани учун ҳали рўйхатга ҳам тиркалмаган эди. Отаси Раҳмонжон ака Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. Тўрт синф маълумотига эга бўлса-да, саводи дуруст, лотинча ёзарди. Фронтга кетмасидан олдин ҳам колхозда ишларди, кетмон чопарди. Ўн тўққиз ёшида уни ҳарбий хизматга чақиришди. Россияда роппа-роса уч йиллик хизматни ўтаб, 1941 йилнинг ёзида юртига, ота-оналари бағрига, қариндош-уруғлари ҳузурига ошиқиб қайтаётган эди. Қозоғистонга етиб келишганда уруш бошланиб қолиб, ўша ердан қайтариб кетишган. 1944 йили – урушнинг учинчи, хизматининг олтинчи йили, жангларнинг қайноқ палласи эди – Украинада, Днепр дарёсидан кечиб ўтишаётганда қўлидан яраланади. Ҳарбий шифохонада ярадор қўлни елкадан кесиб ташламоқчи бўлишади, лекин Раҳмонжон ака кўнмайди: майли, чириса, чириб тушсин, аммо кестирмайман, дейди. Буни қарангки, Раҳмонжон аканинг қўли тузалиб кетади! (Узоқ даволашга вақт ҳам, тоқат ҳам зиклигидан шифокорлар шундай қарорга келишарди). Худди ўша пайтда яраланган ҳамюрт қуролдоши Чопқи аканинг қўлини кесиб юборишган экан, қайтиб келишгач, Раҳмонжон акага «ўшанда менгаям кестирма, демаган экансан-да», деб ҳазил аралаш ўпкалаб, ўзига ўзи ачиниб юрди. «Раҳматли яхши одам эди», дейди Иброҳимжон. У отасининг тенгқури, полкдоши сифатида Чопқи акадан у дунёдан ўтгунча хабар олиб, анча-мунча қўллаб-қувватлаб турди.

Раҳмон ака урушдан қайтиб, колхозда турли вазифаларни бажариб юрди. Омборчилик қилаётганига энди бир ярим йил бўлган эди. Бир вагон буғдой келиб қолиб, раиснинг буйруғи билан, аммо тилхат олиб-олмай, ведомостга ёзиб-ёзмай (у ҳаммага ишонарди), одамларга тарқатиб юборди. Ҳужжатларни расмийлаштиришга улгурмай, омборни тафтишчилар босди – уларга чақув борган эди. Хуллас, дондан камомад топиб, Раҳмон аканинг бўйнига илишди-да, хибсга олишди – 1955 йил


5 январь, ҳаво совуқ эди. Иброҳимжон ҳам, оиланинг бошқа аъзолари ҳам мудҳиш воқеа юз берган ўша бахти қаро кунларни ёддан чиқаришмайди!

Шаҳардан терговчилар келиб, туман суди биносига Раҳмон акани уч ой сўроқ қилишган.

Орадан кўп ўтмай, тафтишнинг сабаби ҳам аниқланди – гадонинг душмани – гадо, деганларидек, бу – омборчиликка кўз тиккан, шу «қасб»нинг донини еб мазахўрак бўлганларнинг иши экан. Лекин оилада каттароқ эркак йўқ, бировнинг эсига арз қилиб, ҳақиқатни қарор топтириш, тухматни асослаш мумкинмикин, деган фикр келмас, бундай фикр келганда ҳам унинг уддасидан чиқа оладиганлар йўқ эди. Марҳабохон эса аёл киши – ожиза эди. Йиғлаб-йиғлаб қолавердилар. Такдирни қарангки, кейинчалик Иброҳимжон Асқаровга ҳуқуқшунослик касби ҳам насиб этди. Ўғиллари Носиржон ва Нодирбек ҳам ҳуқуқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан битирдилар. Лекин энди эски тарихни кавлаштиришнинг, битиб кетган яра изини чуқулашнинг фойдаси борми?

\* \* \*

Тоғаларининг уйи бир чақиримча наридаги кўшни маҳаллада эди. Иброҳим анчагача гарангсиб юрди, кейин кўникиб, дилидаги иккиланиш, ётсираш барҳам топди. У азалдан тоғаси Муҳаммаджонни яхши кўрарди, бу ерда эса унга тамоман боғланиб қолди. Муҳаммаджон (маҳаллада Маҳаммаджон тарзида қўллашади) ҳам жиянини туғишган инисидай авайлар, чунки ўғил укаси йўқ эди. Бир-бирига жуда яқин бўлишгани учун ҳам Иброҳим тоғасини «ака» дерди. Катта бувиси Бузокира опа эса набирасини ҳамма эналар каби, балки ортиқроқ суяр, унга меҳри бўлакча эди. Муҳаммаджон дадасидан барвақт айрилган – отаси 1940 йили вафот этганида Иброҳимдан сал каттароқ – ўн ёшда эди. Шунинг учун у отасизлик нималигини яхши биларди. Тоға-жиян қисматида яна бошқа ўхшашликлар ҳам йўқ эмас – ҳар иккисининг ҳам манглайига ёлғиз ўғиллик битилган, ҳар иккисига ҳам (кейинги туғилганлари билан) бир опа ва икки сингли бор эди.



Муҳаммаджон холаси ва жиянлари атрофида парвона эди. Сингиллари қатори Иброҳимга ҳам ҳар куни мактабга кетишда 20 тийин берарди. Унга мактаб буфетида бемалол қоринни алдаш мумкин эди. Ҳарқалай, жиян шу тангага келадиган нарсага – пиражка ва чойга қаноат қиларди.

Раҳмон ака Товоқсойда, кейин Чаноқ совхози (Бўка тумани)да камоқ муддатини ўтай бошлади. Қариндошлари, хусусан тоғаси кўргани борганда Иброҳимни ҳам етаклаб олишарди. Бир гал боришганда ота ўғлига қараб: «пул олиб келинглар, эртароқ чиқиб кетишга уриниб кўраман», деди.

Уйига етишгунча, отасининг гапини онасига етказгунча боланинг юраги така-пука бўлиб келди. У ўйладики, бирмунча пул топиб боришса бас, отажониси турмадан кутулади!

Уйларида бор бойлиги оддий бир гилам эди – учга тўрт бўлса керак, рўзғорда ундан бўлак пулга чақиладиган нарса йўқ эди. Иккиланиб, муҳокама қилиб ўтиришмай, сотувга қўйишди – гилам 340 сўмга кирди – бу 1961 йилги пулга 34 сўм эди, аммо у ўша даврга нисбатан йириккина ақча эди – 17–18 кило гўшт келарди. Иброҳим тоғасини куткилаб, Бўка туманининг Чаноқ совхозига етиб боришгунча ўпкаси оғзига тикилай деди. Қирқ сўмни йўл кирага ва отага олинадиган майда-чуйдаларга сарфлашиб, 300 сўмни ажратиб қўйишганди. Болақайнинг наздида отажон ишни дарров битирадию, булар билан бирга, ўғилгинасини кўлидан ушлаганича қайтадигандай эди. Аммо пулни кўриб Раҳмон аканинг ранги ўчди. «Оз-ку, бу пул нима бўлади?» деди. Қайноға, яъни Муҳаммаджон эътироз билдирди: «Шуниям аранг эплдик, почча (опаси гиламни сотганимизни айтмай қўя қолинглар, деганди), уйда ишга, пул топишга ярайдиган одам бўлмаса, сиз айтган кўп пулни қаердан топамиз?..»

Иброҳимнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Бўкадан Сўфи қишлоққача юм-юм йиғлаб келди. Тоғасининг тасаллиси ё жеркиши билан бир пас тинардию, ичидаги хўрсиниқни босолмай, яна хиқиллашни бошларди.

Тоға, йиғламаса-да, унинг ҳам қалби вайрон эди. Бир томондан, онасидай меҳрибон, ёлғизгина опасига поччасининг

шаъмасини айтиб суюнчилаб кўювди, у ҳам ўқитувчилик қилиб оладиган маошига қараганда 300 сўмни анча салмокли маблағ деб ҳисобларди. Иккинчи томондан, ана шу гиламнинг пулига ўзидан қўшолмаганидан хижолатда ва афсусда эди. Нима қилсин, бу хонадонда ҳам ишга ярокли одам унинг ўзи эди. Оила боши – отаси барвақт ўтиб, рўзғор тебратиш ёлғиз ўғил гарданига тушган эди. Унинг ҳам онаси, икки синглиси бор эди қарамоғида. Бунинг устига опаси ҳам энди уч боласи билан буларникида... Бунга таъна қилишга-ку Муҳаммаджоннинг ҳаққи йўқ, ахир ўзининг туғишганлари, онасининг ўз фарзандларидан кам кўрмайдиган дилбандлари... Тирикчилик шунга ярашалигини айтади-да. Лекин, Худога шукр, ҳозирча борини баҳам кўриб, амаллашяпти. Қанийди энди, поччасини чиқариб олиш қўлидан келса?! Ахир Иброҳим ва бошқа жиянларининг ўқисик ҳолатларини кўриб юраги эзилмаяптими? На чораки, осмон узоқ, ер каттик...

\*\*\*

Иброҳим болалигидан зехнли, тетик, дадил эди. Беш ёшида опаси Ёқутхонга эргашиб мактабга борган. Уни мактаб журналига ҳам ёзишмаган. «Журналда йўқ бола» дейишарди у ҳақда гап кетгудай бўлса. Дастлабки пайтларда қалам-дафтари ҳам йўқ, ёзмай ўтирарди. Лекин эртасига қўлини ҳаммадан аввал, баланд кўтариб, «Мен айтаман, мен айтаман!» деб барчани ўзига қаратар ва муаллимани холи-жонига қўймасди. У ўтилган дарсни деярли ёддан айтиб берарди. Айниқса, шеърни шовуллатиб ўқиб кўпларни лол қолдирарди. Синф раҳбари Мукаррамхон унга: комиссия ё бошқа биров сўраса, «Ёшим еттида, бўйим унча ўсмай қолган» дейсан, дея тайинлар, ўзи эса педкенгаш ва бошқа жойларда «Ким нима деса, деяверсин, бола ўқийди, зехни еттига кирганларникидан ўтқирроқ, миясига дарс, қулоғига кап қиради», деб митти ўқувчисини каттик ҳимоя қиларди. Кейинчалик, Иброҳимжоннинг набиралари – Нодирбекнинг ўғиллари Акмалжон ва Абдулазизжон шунақа зийрак, уқувли чикди.

– Худди сенинг ўзинг, – деб қўяди Марҳабохон опа.

Ўша маҳалларда ҳамма жабҳада бўлгани каби мактаб-маориф соҳасида ҳам камчилик, муаммолар кўп эди. Ҳозирги дангиллама бинолар, компьютерлару бошқа шарт-шароитлар қаёқда дейсиз! Кўплаб мактаблардаги бошланғич синф ўқувчилари полига похол тўшалган, қишда қора печка ёкилиб тутунга тўлиб кетадиган хоналарда ўқишарди. Уйда сандалда ё ерга ётвилиб дарс тайёрлашар, Иброҳим опаси билан дафтар-ручка талашгани талашган эди. Унга Ёкутхон ҳам, ўзгалар ҳам гап топиб беролмай қолишарди: жуда маҳмадона, дард десангиз, бало дейдиган бола эди. Лекин отаси эсига тушса бирдан сумсайиб қолар, уни соғинган, кўмсаган кунларнинг ўтиши жуда кийин кечарди. Аммо у кўпинча иш билан андармон бўларди: меҳнатдан қочмасди. Дарсдан кейин даладан ўт ташиб, бузук бокишда тоғасига қарашар, у билан шоли экишиб, обжувозга гуруч оклагани боришарди. Мезон ойида, айти пишиқчилик мавсумида туғилгани учунми, пишиқ-тетик, мияси бўла, илиги тўла эди чоғи. Қолаверса, у хонадонларида қандай кўнгилсиз, изтиробли воқеа юз берганини англай бошлаган, отасизлик оиланинг бошқа аъзолари каби унинг нафис қалбига ҳам аччиқ аламлар уруғини тўккан ва бу уруғлар тезгина ниш урган эди. Дастурхону кийим-кечакларнинг нотўқислигини яхши ҳис этар, баъзи-баъзида онасининг миждалари қизарганидан унинг йиғлаганини пайқаркан, идроки, шуури барвақт ва шитоб амал олаётган болакай ғамгузор волидан мухтарамасига далда бўлгиси келар, аммо унга қандай, нима деб таскин беришни билмасди.

Нонуштада ҳам, кечки овқат маҳалида ҳам кўпинча унсизгина – бир-бирларидан нигоҳларини яширган ҳолда, худди бир-бирига кўзи тушса, дардларини янгилаб қўйишдан эҳтиётлангандай овқатланишарди. Ким нимадан гап очмасин, отага бориб уланар ва сўзларга кўз ёшлари аралашиб аччиқ таъм берарди. Айниқса, опа-сингилнинг жолалари ҳамиша миждаларида симоб каби килкиллаб турарди. Иброҳимжон эса ўғил болалигига бориб ўзини тутиб, ё йиғлагиси келаётганини пайқашини билан ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетар ва бир четга бориб кўнглини бўшатиб оларди.

Аммо «отаси қамалган» деган тавқи лаънатни, мана шу зилдай тошни кўтариб юриш нозик ва кичкина, жароҳатланган юракка барибир оғир эди. Тўғри, Раҳмон акани яқиндан биладиган оқ кўнгил, холис кишилар «Отанг ноҳақ кесилди, унда айб йўқ эди, бўхтонга учради» деб боланинг кўнглини кўтаришарди. Лекин бунақалигини ҳамма, хусусан болалар яхши тушунишмайди-да. Кимлардир Иброҳимга таъна билан қараётгандай туюлаверарди. Шунинг учун у ўзини ишга, ўқишга урар, ўртоқлари билан ўйнагани ҳам кам чиқарди. Унга тоғасининг кичик келиб қолган эски кастими енгини қирқиб беришар, бола шунга ҳам хурсанд бўлиб (бунақа кастим ҳам ҳаммада йўқ, кўпчилик болалар ҳали ҳам пахтали тўн устидан белбоғ боғлаб юришарди), зипиллаганича мактабга жўнар ва синфда, кўчада ўзидан бўйдор, ёши катта болалар билан тенг, бакамти кадам ташлашга, улардан ҳеч бир соҳада орқада қолмасликка тиришарди. Иккинчи синфга ўтишганда энг аълочилардан бири эди у.

Ҳа, Иброҳим Асқаров синфда, балки бутун мактабда ёши ҳам, жуссаси ҳам энг кичиги эди, бошқаларнинг юзига у бошини кўтариб қарарди. Лекин ўша пайтларда Иброҳимжонга тепадан назар ташлайдиган ўқувчилар орқа партадан секин-аста олдига ўтиб бораётган кичкинтойнинг вақтлар келиб каттакон олим бўлиб етишиши ва унга кўплар бўйнини чўзиб қарашга мажбур бўлишларини тасаввур ҳам этишмаган, албатта. Бирок, ўшандай кунларга етиш ҳам осон кечмади, омад юз бургунича ҳаётнинг ҳазилакам синовларини бошидан кечиришига тўғри келмади.

## МУТТАҲАМЛАР

Суд ижрочиси бот-бот келиб, мусодара қилинган ҳовлижой пулини қистар, ўзининг катталаридан танбеҳ эшитаётганини айтиб, бир иложини топинглар, акс ҳолда мажбурий чора кўришга тўғри келади, деб таъкидлар, аммо ғамдийда, муштипар онаизору норасидаларнинг маъюс кўзларига қараб,

яна шаштидан қайтар ва яна мухлатни суриб қайтиб кетарди. Марҳабохон опа тагин қанчадир муддатга фалокат ариганига шукрона айтиб, рӯмолининг учи билан кўзларини артганча, унга суйкалиб, ундан мадад кутиб, айна вақтда далда, суянч, юпанч бўлиб турган нуридийдаларининг боши, елкаларини силай бошларди.

Ижрочи бир гал, 1960 йилнинг ёзи эди, анча тажанг келди. Ҳамма нарсаниям, раҳм-шафқатниям чегараси бор, раҳбарларимиз мениям сабр косамни тўлдиришди, деб, охирги марта шарт қўйди:

Марҳабохон опа ундан-бундан йўл-йўриқ сўради, она-си, жияни ва ўғил-қизлари билан кенгашди. Хуллас, бир мавсумда ҳаммалари далага чиқишадиган, пахта теришадиган ва терим ҳақларини колхоз ҳисобхонаси орқали керакли жойга ўтказадиган бўлишди. Опа шу кунгача ҳам колхозда ишлар ва топган-тутган даромадини онасиникидаги умумий ҳампага ташларди. У энди саҳарлаб иккала қизини олиб далага жўнар, ўқишдан қолишни истамаган Иброҳим тушдан кейин уларга кўшиларди. Марҳабохон қиз болалигидан пахта териб ўргангани учун, бу иш қийин туюлмасди. Аҳволларининг мушкуллигини эслатиб, қизларини тезроқ ва кўпроқ теришга ундар, ўзи ҳам эгатдан бош кўтармасди. У одамларга, хусусан эркакларга кўринишни хоҳламас, шунинг учун унинг терган пахталарини болалар хирмонга кўтариб чиқиб, торттириб келишарди. Зеро, Марҳабохон ориятли, тагли-тугли кишилар зурёди эди. Дадаси Камолиддин ака асли Андижон шаҳридан, ҳовлилари ҳозирги Чўлпон номли кинотеатр ўрнида бўларди.

Бу оила азалдан жабру жафолар кўриб келган. Шўро сиёсати шундоқ эди-да: сал ўзига тўқроқ, саводли, ўтли-шудли одамларни кўпам сиғдиравермас, тўғрироғи; улардан ҳадиксирарди.

Марҳабохон опа ўшанда салкам қирқ ёшда, роса кучга тўлган пайти эди, пахта териб чарчамасди, масъулият, қарздорлик азоби, уй-жойдан ажраб қолиш ҳавфи уни баттар кучлантирарди. Ёқутхон ўн тўртда, қўлидан ҳийла иш келиб қолган, пахтани онасидақа теролмаса-да, эгатда ундан орқада

қолмасликка тиришарди. Шоҳидахон эндигина етти ёшдан ўтган, ғўза ичида бўйи кўринмай, излаб қолишарди. Лекин уч-тўрт кило терса ҳам, ҳарна деб уни ҳам далага олиб чиқишарди (Озодахон ҳали туғилмаган эди). Иброҳим ўн бир ёшда, бешинчини битириб, олтинчи синфга кўчган эди. У жуда тиришқоқ бўлиб ўсаётганди. Пахтани опа-сингилларидан камроқ терса ҳам, аммо улардан кичик тугун кўтармасди — орият қиларди. Уватларда, ўқарикларда қоқилиб, мункиб олға интиларди. Болакайнинг нимагадир бот-бот бурни қонаб турарди, бироқ бунга ҳам парво қилмасди, қонни рўмолча ё этак учига артиб олиб кетаверарди.

Ёмғир кунлари шумтираб қоладиган эгни юпун болаларига қараб, Марҳабохоннинг юраги ачишар, шамоллаб қолишмасайди деб жони халак бўларди — улар ҳар қандай шароитда касалга чалинмасликлари керак эди, айниқса, ўгли, чунки у кичик бўлса ҳам, оиланинг эркаги, онанинг суянчию ғурури эди. Иброҳимжон ҳам анча-мунча ёмғир, совуққа бардошли, чайир эди. Лойда сирғалиб йиқилиб кетса ҳам, ўзгалар кўмак беришини истамас, ўзи ўдаланиб юриб, бир амаллаб оёққа туриб оларди. Жуссаси ихчамлиги учун узокдан қараган одамга этак остида ҳеч ким йўқдай, оппоқ тугуннинг ўзи муаллақ ҳолатда қийшайиб-қинғайиб келаётгандай кўринарди. У Марҳабохоннинг ҳай-ҳайлашига ҳам кулоқ осмасди. Чунки онасига, опа-сингилларига ачинар, ўзича уларнинг оғирини енгил қилишга уринарди.

Оқшом ҳам хирмонга ҳаммадан кейин чиқишар ва уйга ҳаммадан кеч қайтишарди. Баъзан онажонларининг ҳолдан тойганини сезган қизлар (Иброҳим ҳам) уйкумиз келяпти, овқат емай қўя қолайлик, дея ўзларини мудраганга солишарди. Тўғриси, қозон ҳам унча куюқ эмас эди. Энди тўққиз оғиз биргина Муҳаммаджоннинг топганига қаноат қилишлари керак эди. Она ёки тоға ўз жигарбандларининг еган-ичганини малол олишармиди, аммо қизлар ва Иброҳим барибир хижолат чеқишарди-да, бироқ ҳозирча бошқа чоралари йўқ эди.

Ёлғизгина, ёшгина ўғил учун ўша ночор даврларда отасизликда ўн йилни ўтказиш нақадар оғир, азобли бўлганини тасав-



вур қилиш қийин эмас. Айниқса, уйларини, кўрпа-ёстикларини шафқатсизлик билан тинтишганда жароҳатланган юрагининг тузалиши қийин кечарди. Лекин унинг ушоққина қалбида изтироб, ўкинч туйғулари билан бирга ҳаёт машаққатларини енгилга ишонч, матонат шаклланиб борган бўлиши керак. Балки бу омиллар унинг шахсиятидаги бир қатор ижобий хислат куртакларининг барвақтроқ япроқ ёзишига туртки бўлган бўлса ҳам эҳтимол.

Ўша йили куз гарчи серёгин келса-да, пахта ҳосили мўл бўлган эди. Бригадининг пахта тайёрлаш йиллик режаси ортириб бажарилди. Теримга ҳар ўн, ўн беш кунда пул, ун ёки бир кийимлик аёллар матоси бериларди. Марҳабохон ва унинг ўғил-қизлари иш ҳақи тарқатилаётганда ўзларини четроққа олиб туришарди. «Мукофот, ун пулларини ҳам тўловга кўшинглар, бизга ҳеч нарса керакмас, фақат уйнинг қарзидан қутулсак бўлди», дейишарди ҳисобчи Умарга. Йил охирида кунлик меҳнатга режа тўлгани муносабати билан кўшиб бериладиган устама даромаддан ҳам бош тортишди.

Албатта, эрталабдан кечгача бел-оёқлари толиб, чарчоқдан силлалари қуриб ишлаган одамларга ҳақ олмаслик алам қиларди. Аммо кичкиналар ҳам хоҳишларини, нафсларини тийиш кераклигини яхши англашар, тўйиброқ еб-ичиш, мактабга дурустроқ кийиниб бориш орзуларини ҳам ичига ютишарди. Балки ана шу вақтлардаги сабр-бардош борасида ҳосил қилинган кўникмалар кейинчалик Иброҳим Раҳмонжон ўғлининг кечалари алламаҳалгача кимёвий формулалар, реакциялар устида бош қотириб, моддаларни синтезлаш орқали қишлоқ хўжалигида, табобатда фавқулодда аҳамият касб этувчи моддалар, дори-дармонлар ва қатор ихтиролар яратишда асқотгандир. Асқотиш ҳам гапми, ўша йиллар бўлажак олим, педагог, божхоначи ва шифокорни чийралган арқон каби пишиқ тортириб, марварид изловчи сингари чиниқтирганлиги, пўлат мисол тоблаганлиги табиий.

Лекин ўша аламли воқеалар Иброҳимжоннинг ҳали-ҳануз кўз ўнгидан кетмайди, хотирасидан то абад ўчмаса ҳам керак.

Марҳабохон опа ғоят машаққатли пахта теримидан бўйин товлашмагани, зорланишмагани учун қизларидан, яккаю ёлғиз ўғлидан жуда-жуда хурсанд, шундай қобил, мўмин фарзандлар дунёга келганидан мамнун эди. Ўзи ва ўша норасидаларининг меҳнатлари туфайли уйнинг қарзидан хориж бўлдиқ деб ҳисоблар ва эл-юрт олдида, болаларининг отаси олдида юзи ёруғ бўлишини ўйласа, ичи ёришарди.

Қиш чилласининг изғиринли кунларидан бирида Марҳабохонни яна ўз уйларига чакиртиришди. Суддан келишибди, деди хабар берган одам. Кўнгли бир оз ғашланган она Иброҳимни етаклади-да, ҳовлиларига жўнади. Ижрочига «пулни тўлаб қўйдик-ку, яна нима гапингиз бор, ука?» демокқа чоғланиб борди.

Дарвозалари олдида титиғи чикқан қора чарм сумкани кўлтиғига қисган бошқа бир йигит безовталаниб турарди, унинг қовоғидан қор ёғиларди.

– Опа, сизларни деб олдинги ижрочи ишдан ҳайдалди. Мен унга ўхшаб ким нима деса лаққа ишонадиган сўтакларданмасман. Ё ҳозирок пулни тўлайсиз, ё уйнинг калитини менга топширасиз, – деди у. – Бўлмаса, мелиса олиб келаман...

Марҳабохон бир лаҳза эсанкираб турди-да, дилига тугиб келган гапини айтди.

– Бир йил бир сўм олмай, болаларимга тузук-курук едирмай, ичирмай, далада ишладик, пахта тердик, йиллик даромад-ниям олмадик-ку, ука!..

– Бизга бир сўм ҳам ўтгани йўқ, – деди янги ижрочи ҳамон қовоғини очмай.

– Колхоз ўтқизмадимикин? Биз табелчига айтувдик.

– Билмадим. Майли, яна икки кун муҳлат сизларга. Суриштириб, хабарини берасиз, бўлмаса, мендан ўпкалаб ўтирмайсизлар, уйни бўшатиб қўйишингизга тўғри келади. Ҳар қанча иззатинглар бўлса, битти. Сизларни деб бир бечора ишсиз қолди. Мен индинга эрталаб бир йўла мелиса билан келаман.

Ижрочи зарда қилгандай, тез-тез қадам ташлаб жўнаб қолди. Унинг туяга ўхшаб лўкиллаши беўхшов кўринарди.

Онанинг киприқларига ёш сизиб, Иброҳимнинг бошини бағрига босди. «Кимдан, қаердан суриштираман? Хотин киши бошим билан колхоз идорасига, эркаклар ичига кириб бораманми?...» – гўдранди у ночор ахволдан дили хуфтон бўлиб.

Иброҳим онасининг пинжидан чикди-да, чақноқ кўзларини унга дадил тикди.

– Сиз акамларникига кетаверинг, буви, мен идорага бориб сўраб келаман, – деди у катталардай.

Онанинг азои баданига илиқлик югурди. Қаршисида энди ўн бир ёшга кирган бола эмас, етук бир эр йигит тургандай туюлди, дадилланди. Лекин бир зумда рўпарасидаги эр йигит яна кичкинтой болага айланди.

– Сени менсишармиди, болам. Аканг суриштирар, – деди.

– Ўзим бориб кўрай-чи, бўлмаса кейин акамга айтаман, – деди Иброҳим шахтидан тушмай.

Марҳабохоннинг кўнгли бузилди, ич-ичидан хўрсиниқ отилиб чикди. Шу муштдайгина болаям ташвишга қолди-я... Уйинг куйгур тухматчилар буларни шу кўйга солиб кўйиб, қандай хотиржам ўтиришибдийкин, томоқларидан қандай овқат ўтяптийкин?.. Айни вақтда она битта бўлсаям ўгли борлигидан; унинг тетиклигидан суюнди, шукр қилди, қувватланди, болажонисининг шаштини қайтаришдан тийилди. Майли, пишгани яхши...

## ИЛК ЖАСОРАТ

«Правда» колхозидан идораси Қадоксин қишлоғи марказида эди.

Катта кирза этик ва пахтали пинжак ҳам Иброҳимнинг чуваккина жуссасини бўлароқ қилиб кўрсата олмасди.

У олди айвонли баҳайбат (боланинг кўзига шундай кўринарди) идора эшигига етганда қаёқдандир пайдо бўлган, гуппи чопон устидан дока белбоғ боғлаган жиккакина одам ҳай-ҳайлаб кела бошлади.

– Йўл бўлсин, болакай?

– Раисни олдига, – деди Иброҳим пинагини бузмай.

– Раисни олдида нима қиласан? – ишшайди энсаси қотган қоровул.

– Ишим бор.

– Қанака иш?

– Ўзига айтаман.

– Қани, бир туёгингни шиқиллатиб қол-чи!..

– Йўқ, кираман! – Иброҳим олдинга талпинди.

Қоровул унинг елкасидан тутди.

– Бор-бор-бор, тошингни тер. Отанг келсин.

Иброҳим йиғлаб юборди.

– Отам йўқ! – деди у овозининг борича. – Отамни қаматишган!

Жони қакшаб турган боланинг бақирғи бино деворларини зириллатиб юборди. Ҳозир у нафақат колхоз идораси, балки олам зириллаб кетса ҳам пайқамасди.

Ичкаридан шитоб чиқиб келган, пальтоли, ўрта бўй бир йигит қоровулга юзланди.

– Нима гап?

– Манови тирмизакни раисда иши бормиш.

– Қўйворинг, раис кирсин дияпти. Қани, юрчи, болакай.

Иброҳим кўзларини пинжаги енги билан апил-тапил артиб, «халоскор»нинг ортидан эргашаркан, қоровул амакига бир ўкрайиб қўйди.

Халоскор – раиснинг котиби эди. У кичик арзгўйни қабулхонадан ичкарига киритиб юборди.

Иброҳим орқасидан шириклаб ёпилган эшик ёнида тўхтаган эди, хона тўрисида, катта стол ортидаги қора креслода газета («Коммунист»)ни варақлаётган раис Тўхтасин ака унга қўли билан «мана бу ерга кел» дегандай имо қилди. Бола шахдам юриб раис кўрсатган жойга – ўртаси чуқур, қизғиш чармли диванга ўтирган эди, оёқлари полдан кўтарилиб қолди.

Иброҳимжон Аскаронинг ҳали ҳам кўз олдида: столда яна «Қизил Ўзбекистон», «Правда», «Известия» деган қалинқалин газеталар ҳам тахланиб ётарди. Шифти баланд хона совуқ. Раис жигарранг пальтосини елкасига ташлаб олганди.

– Кимнинг ўглисан? – сўради у ҳамон газетадан кўзини узмай, эътиборсизроқ бир тарзда.

– Раҳмонжон акани.

Раис газетани йиғиб, столга кўйди-да, Иброҳимга юзланди.

– Ўзимизнинг Раҳмонжон акани-я?

– Ҳмм...

– Менда нима ишинг бориди?

– Уйимизни мусодара қилишмоқчийди, шунга бувим, опа-сингилларим билан бир йил пул олмасдан ишлагандик. Ҳақимизни судга ўтказадиган бўлишувди. Ўтказишмапти.

Раис ҳушёр тортгандай, Иброҳимга астойдил тикилиб қаради. Афтидан у ҳузуридаги кичик ёшли катта инсон билан жиддийроқ гаплашиш керак шекилли деган қарорга келди.

– Пахтага ҳақ беришдими?

– Йўқ, биз ҳақ олмаганмиз. Бир сўмам олмаганмиз.

– Шунақа дегин. Ростдан ҳечам пул олмадингларми? Мукофот-чи?

– Йўқ, сираям, – жавоб берди Иброҳим шоша-пиша гапириб. – Мукофотга берилган баркутларниям бувим табелчи Умар акага қайтариб берган. Даромад пулиниям олганимиз йўқ. Бригадада олтмиш уч киши бор, ҳаммаси билади.

– Ҳмм... Шунақа дегин... Бор, анови хонада ўтирган акангни чақир.

Иброҳим ирғиб туриб, котибни бошлаб кирди.

– Ҳисобчини айтвор, – котибга буюрди раис.

Ҳисобчи киргунча раис Иброҳимни у ёқдан-бу ёқдан гапга тутди. «Отангни кўргани боряпсизларми, келай деяптими?» деб сўради мулойимлик билан.

Тўхтасин ака ўрта бўйли, қорачадан келган, оғир-босиқ, оҳиста, тоблаб гапирадиган киши эди. У узоқ йиллар бригадирлик қилган ва ўтган йили раисликка сайланганди.

Ҳисобчи кирди. Раис унга кўзларини қадади.

– Раҳмонжоннинг оила аъзолари пахта теришган экан, уларга ҳақ ёзилганми?

– Ёзилган, раис, ведомостларда бориди, – деди ҳисобчи хайрон бўлгандай бир раисга, бир Иброҳимга кўз югуртириб.

– Пул олмадик деяпти-ку?

– Унисини билмадим. Табелчидан сўраб кўриш керак. Умар ака ўзиям шу ерда юрувди.

– Дарров топиб, менга киритвор!

Тўхтасин ака бинони зириллатиб, ўзини эсанкиратиб кўйган болакайни яна сухбатга тортди. Онаси, опа-сингилларининг соғлигини сўради.

– Ҳа, отангнинг қамалиб қолгани ёмон бўлди. Кўнгилчанлик қилиб, ким нима деса бераверарди-да. Содда, тўғрисўзлиги бошига бало бўлди. Одам ёмон. Буғдой олганларниям айримлари тонишган. Қисқаси, ишга қора ниятлилар аралашиб қолган. Худо хоҳласа...

Эшик шириклар очилиб, табелчи Умар кирди. У болани кўриши билан бирдан мушукни кўрган сичқондай авзон ўзгарди.

– Раҳмонжонларнинг оиласи терган пахталарни пулини нима қилгансан?

– Берганман, ўртоқ раис, ўзларига берганман.

– Имонингни ютма. Мана, ўғли олганимиз йўқ деяпти.

Табелчи Иброҳимни эндигина кўргандай, унга бирров назар ташлади. •

– Шу ёш болани гапига ишонайсизми, ўртоқ раис? У билмайди, бувисига берганман.

Ювошгина бўлиб ўтирган Тўхтасин ака бирдан ўлжага ташланаётган йўлбарсдай хурпайди. Ўрнидан туриб, Умар томон юрди. Табелчи бир-икки одим тисарилди. У барваста, елкаси чикқан, узун мўйловли эди. (Умрининг охиригача Иброҳимжондан ҳадиксираб яшади бояқиш).

– Иссиқ овқатга ишлатувдик, ўртоқ раис, мени кечиринг, – деди у бошини бўйни ичига тортиб, мўйлови ҳам бир зумда лабининг икки четида шалвираб қолди.

– Менга қара, хў нобакор! – деди раис қўлини бигиз қилиб. – Етимларнинг ҳаққидан кўрқмадингми?!.. – Бу гап болага оғир ботди. Ахир улар етиммас-ку, отасиям, онасиям бор... Лекин ота узоқда, уларга ёрдам беролмагач, етимдай гап-да... Иброҳимнинг юраги эзилди, яна хўрлиги келди, шу пайтгача

биров уни етим демаган, отасининг қамалганини юзига солмаган эди. – Келиб-келиб шуларникини ишлатасанми иссик овқатга, тешиб чиққур! – дағ-даға қилишда давом этарди раис. – Ҳозироқ қаердан бўлсаям топиб, уйига олиб бориб берасан. Агар бир сўмига хиёнат қилсанг, мўйловингни юлволаман! Уқдингми?! – Тўхтасин аканинг юз-кўзлари қизариб кетди.

Табелчи иккала қўлини кўксига қўйиб кўзларини мўлтиратди.

– Хўп-хўп. Тавба қилдим. Бугуноқ етказаман. – У худди подшолар мулозимидай орқачасига юриб чиқа бошлади.

Жойига қайтаётган раис бирдан тўхтаб, яна ортига кескин ўтирилди.

– Тўхта! Буларга мукофотга берилган барқутларам эсингдан чиқмасин!

Тўхтасин ака креслосига ўтириб, нима қилишини билмай қакқайиб турган Иброҳимга юзланди.

– Шунақа ноинсоф, ножинслар ҳам бор. Хафа бўлма, ўғлим. Бувингга айтиб қўй. Уйни қарзидан қутилдик, деб ҳисоблайверсин. Хавотир олмай, яшайверинглар. Худо хоҳласа, отанг ҳам ҳадемай қайтиб келади. Бу кунларни кўрмагандай бўп кетасизлар. – Раис шундай деб, ўша пайтларда умуман раҳбарлар, айниқса раислар орасида кенг урф бўлган носранг галифе шимининг қаппайган чўнтагидан қизил ўн сўмлик чиқариб, болага тутди. – Манови пулга оққант, сингилларингга егулик олиб кетгин.

Иброҳим жойидан қимирламади.

– Раҳмат, раис тоға, уйимизда егулик бор. – Унинг киприклари йилтиллади, буни сездирмаслик учун тезгина кафтини орқаси билан шуваб артиб ташлади.

Тўхтасин ака ўрнидан туриб келди-да, боланинг бошини силаб, пулни яна узатди.

– Ол, ўғлим, ол. Раҳмонжон ака билан бирга ишлаганмиз. У бизни кўп меҳмон қилган. Отанг – кўнгли оқ, улфат одам.

Иброҳим бу гал мижжаларига тошиб чиққан ёшни артишга улгурмади. Думалаб юзларига оқиб тушди. Падари бузруквори тўғрисидаги гаплар юрагини эзиб, дийдасини юмшатиб юборган эди.

Раис сўзининг устидан чикди. Шундай килиб, Фрунзе кўчасидаги 100-уй ўз эгаларига қолди. Бунда Иброҳимжоннинг дадил ва дангал ҳаракатининг ҳам ҳиссаси бор эди. Бу ҳолат унинг ҳаёт синовлари ва машаққатлари билан яна бир тўқнашуви, илк муваффақияти эди. Кейинчалик ўша журъат қаёқдан пайдо бўлувдийкин, деб ўйлаб қўярди. Мусибат катталарни тез қаритгани каби, кичикларни барвақт улғайтириши, эҳтиёж одамда кўп феъллар қатори жасоратни ҳам шакллантириши ростдир-да.

Аслида бунга унча ажабланмаса ҳам бўлади. Бу ёшда Алишер Навоий устози Мавлоно Лутфий ўзининг бутун ижодини алмаштиришга тайёр бўлган ғазалини ёзган, Бобур мирзо тахтга ўтирган,.. Бетховен мусикалар басталай бошлаган. Бу ёшда... уйланишган... Лекин Иброҳимжоннинг – оддий хонадонда ўсаётган қишлоқ боласининг. жасуруна хатти-ҳаракатлари фавқулодда ҳодиса, ноҳақликка, номардларга қарши исён эди. Болакайнинг «ғалаёнини» оқиллик ва олижаноблик билан «бостирган» Тўхтасин ака бир неча йиллар раислик килди. Орқаворотдаги гапларга қараганда у анчагача Иброҳимжоннинг дадиллиги, олдига киргани тўғрисида ҳар хил давраларда сўзлаб юрган. Иброҳимжон ҳам раисни кўп хотирлар, унга қачондир қай бир йўлда ташақкур айтишни дилига тугиб қўйганди, афсуски, унга ўша кунлар насиб этмади. Унинг чўнтагига уч-тўрт сўм тушиб, қўлидан иш келадиган бўлган пайтларда Тўхтасин ака оламдан ўтган эди.

## КЕЙИНГИ ТЎҚНАШУВ

Хуллас, Иброҳимжон зиммасига оила, рўзғор ташвиши барвақт тушди. У ўз аҳволларини жуда яхши туярди. Гарчи туғишганлариникида яшаса-да ва уларни ҳеч ким малол олмаса-да, биология фанидан дарс берадиган биргина тоғанинг маоши тўққиз жонни боқиб-кийинтиришга етармиди? Опа-сингиллари ҳам ҳали ёш, балоғатга етмаган заифалар нима билан ҳам шуғулланишарди? (У маҳалларда савдо-тижорат соҳасида ҳам



фақат ҳукумат қўйган маълумотли мутахассисларгина ишлар, ҳозиргидай ҳар ким хоҳлаган юмушини қиладиган эркинлик қаёқда дейсиз!). Қисқаси, ёш бўлса ҳам, Иброҳим ишлаши, оиласи оғирини енгиллаштириш учун тоғасининг ёнига кириб, унга ёрдам бериши зарур эди. Ахир ўғил бола бир касб ё ҳунарнинг бошини тутиши лозим-ку. Мактабни битиргач барибир ишлайди-да. (Мактабдан кейин институтга кираман, олим бўламан деган фикр Иброҳимжонда ҳали шаклланиб улгурмаган, фикри-ёди ўзларининг моддий-иқтисодий ҳолатида, қамокдаги отасида эди).

У ниятини аввал онасига айтди. Марҳабохон, ўзига қолса, эҳтиёж сезмаса, суяги қотмаган болагинасининг ҳалитдан меҳнат деган оғир тош остида эзилишини сираям истамасди, албатта. Аммо у ҳам, гарчи ўз онасиникида яшашига қарамай, тўрт бирдай одамнинг қўл қовуштириб ўтиришидан хижолат чекарди. Ўз уйларига қўчиб кетишни ҳам бот-бот хаёлларди, лекин у ерда қандай тирикчилик ўтказишади? Колхозда ҳам ёздагина иш бўлади, қиши билан бекор ўтиришади. Қолаверса, иккита қизининг бўйи чўзилиб қолди. Бувиси уларнинг ҳовлида каттароқ эркаксиз ўтиришларига ҳечам унамайди.

Она кўнди ва укасига «Майли, пишсин, фақат енгилрок иш топиб бергин, болагинам қийналиб қолмасин», деб таяинлади. Муҳаммадjon жиянини Раҳимjon исмли сартарошга шогирдликка берди. Иброҳим энди мактабдан келарди-да, қорнини наридан-бери тўйғазиб, кўчада соққа, даста ўйнаётган ўртоқларига зимдан қараганча марказга ишга чопарди.

Намозшомгача, баъзан кечалари алламаҳалгача (одатда сартарошхоналар кечқурунлари гавжум бўлади) оёқда тик туриб, асбоб-ускуналарни ювиб-тозалар, шундоқ полга қоқилган соч-соқолларни супуриб, ҳаворанг мато билан ҳавол тўсилган, чимилдиксимон бурчакдаги пақирга ташларди. Уйга хорибтолиб қайтса ҳам онаси, опа-сингилларига билинтирмасликка тиришарди. Марҳабохон унинг овқатини сочиқ ё дастурхонга ўраб кутиб ўтирарди. Иброҳим азбаройи қаттиқ чарчаганидан овқат еб-емай донг қотиб қолар, эрталаб одатдагидай мактабга жўнарди. Кейин-кейин уста унга битта-иккита болаларнинг

сочини олишга рухсат бера бошлади. Бу 1961 – пул янгиланган йил эди, Иброҳим еттинчида ўқир, эндигина ўн икки ёшга кирганди. Олти ойда соч-соқолни росмана олаверадиган бўлди. Уста ҳар куни тушумдан бир-икки сўм бериб турарди. Асосан тангалардан иборат бу чой-чақалар Иброҳимга анчагина салмоқли пулдай, катта иш қилаётгандай туюлар ва топган озми-кўпми даромадининг рўзғорга асқотаётганидан хурсанд эди. У энди тоғаси мактабга деб, яна байрам, ҳайитларда берадиган ҳайитликларни тежаб-тергаб, дафтар-китоб ва бошқа зарур нарсалар сотиб оларди. Муҳаммаджон жиянини колхоз идорасида баъзан-баъзан қўйиладиган кино, концертларга олиб чиқарди. Иброҳимжон тоғанинг нақадар яқин, нақадар меҳрибон жигарлигини юрак-юракдан туяр экан, «ҳайриятки, шу акам бор экан, у бўлмаганда менга қим шунча ғамхўрлик қиларди, деб, меҳри янада товланиб, кўзларига ёш келарди. Шундай пайтда тоғасини маҳкам қучоқлаб, уни жуда яхши кўришини, миннатдорлигини сездиргиси келар, аммо тортинарди, журъат этмасди. Ичида «Худо хоҳласа, катта бўлганимда акамнинг яхшиликларини албатта қайтараман», деган орзу билан ўзига тасалли берарди. Тасалли қалбида аҳдга айланиб борарди. Балки мана шу яхши тилак ва аҳд унинг мактабда тирришиб ўқишига, меҳнатсеварлигига сабаб бўлгандир. Тўғри, ўнинчини тугатганда тоғаси битирув кечаси қилиб беролмаган (ўша маҳалларда бу «тадбир» энди оммалашиб бораётганди). Иброҳимжон ўшанда бир оз ўксиган, фақат... отасининг йўқлигидан... Зеро, акасида ўпкалашга ҳаққи йўқлиги, унга ҳам қийинлигига ақли етарди. Аммо Муҳаммаджон уни бозорга бошлаб бориб туфли ва қўл соати олиб берган. Қувончи, ҳаяжонини аранг босиб турган Иброҳимжон онгида, юрагида яхшиликларни қайтариш нияти ўшанда янада қатъийлашган.

Сартарошлик ҳунарини энди эгаллаб уч-тўрт сўм пул топадиган бўлганда Раҳимжон уста Марҳаматга кўчиб кетиб, Иброҳимнинг яна беиш қолгани ёмон бўлди.

У ҳиқиллаб хархаша қилавергач, Муҳаммаджон, тўғриси, у ҳам муштдайгина ўспириннинг ўртоқлари билан ўйнаш, болалик гаштини суриш ўрнига ташвишдан боши чиқмаётганига

ачинар, лекин бир томондан жиянининг меҳнатдан бўйин товламагани, ишга чиппа ёпишаётганидан ва зорланмаётганидан суюнади. Ростдан ҳозир пишиб, чийралиб олса, кейин кийналмайди-да. Кўп ёшларнинг институтга киролмай, на бир тузукрок касб ё ҳунар эгаллай олмай, аросатда қолишларига асосий сабаб болаликда илашган дангасалик, тоқатсизлик каби тузалиши кийин касалликлар-да. Шундан Худо сақласин. Почча қайтиб келганда ҳам бир ўзига кийин бўлади. Иброҳим отасининг ёнига кириши керак. Демак, иш ўрганиб тургани маъкул.

Муҳаммаджон уни туман марказидаги ресторанга, таниш ошпазнинг олдига бошлаб борди. Аҳмаджон ака «бунинг ҳали жуда ғўр-ку, эртагаёқ жуфтакни ростлаб қолмайдими?» дегандай, кўзлари билан Иброҳимни тафтиш қиларди.

– Ишдан қочадиганларданмас, жуда чайир бола, – изох берди тоға жиянининг елкасига шапатилаб.

Сартарошхонадаги иш ошхонадагига қараганда бир неча баробар енгиллигини Иброҳим биринчи кунданок англади. У эрталаб соат олтига қолмай ошхонага дафтар-китоби билан етиб бориши, масалликлар арчиб-тозалаш, чиқиндиларни йиғиштириш, ўтин-чўп тайёрлашга ёрдам бергач, ўн беш минути кам тўққизда мактабга чопиши ва ўқишдан чиқибок яна ресторанга ғизиллаши керак эди. Бу – ўн икки-ўн уч ёшли ўсмир учун оғир заҳмат эди. Бир кун эмасу, уч кундан кейин силласи қуриб, иликлари тола бошлаган Иброҳим чиндан ҳам узоққа чидаш кийин шекилли, деб ўйлади. Шу қисқа муддатда ёлғизгина ўғлининг уйкуга тўймаган кўзлари киртайиб бо-раётганини кўрган онаизор ҳам «қўй, болам, бошқа енгилроқ иш топилар», деб қайтаришга уринарди. Лекин Иброҳим бундай қилолмасди, тоғаси танишининг олдида нима деган одам бўлади?

– Йўқ, буви, ўрганиб кетаман, – деди у кўзларини яширишга уриниб. – Иш кийинмас, фақат ўртада мактаб...

– Ҳай-ҳай, болам, мактабдан кечишни хаёлинггаям келтирмагин.

Иброҳим орқасидан бош чайқаб қолган онаизорининг кўзларидан дув-дув ёш тўкилганини кўрмас эди.

У аввал ташқарида сомсапазга ёрдам бериб юрди, анчадан кейин ичкарига – кухняга олишди. Бир ҳафталик иш ҳақи бир кунлик «суп-набор» (гўшти шилиб олинган суяк) ва беш сўм пул эди. Дам олиш куни деган нарса йўқ эди. Нима бўлсаям, чидаб ишлаятувди. Чунки «суп-набор» ва 5 сўм оила рўзгорининг йиртиғига ямоқ бўлаятувди. Бир куни ресторанга йигирма беш-ўттиз ёшлардаги бир-биридан ориқ, дорбозларнинг иштонидай тор қора шим кийган икки йигит кириб келишди.

– Якшанба, соат кундузги тўртлар чамаси эди, – деб ҳикоя қилади Иброҳимжон. – Ёрдамчи ошпаз Ҳошим ака ва яна бир неча хизматчи дам олишувди. Катта ошпаз Аҳмаджон ака, официантка Гулшан опа ва мен – уччаламиз эдик. Хўррандалар ҳам йўқ ҳисоби. Меҳмонлар қандай овқатлар борлигини сўрашди. Борш, гуляш, манти бор эди. Манти буюриб, четроқдаги столга ўтиришди. Мен иккита ликобга тўрттадан манти кўйиб, устига мурч сепдим-да, озгинадан қатик қуйиб Гулшан опага бердим. Бир зумдан кейин опа ранги оқарган ҳолда ёнимга келиб, хўррандаларнинг “Халқ назорати”дан келишгани, бир дона манти неччи грамм бўлиши кераклигини сўрашиб, бош ошпазни суриштиришаётганини айтди. Бу нохуш хабарни зудлик билан Аҳмаджон акага етказдик. Мантининг донаси 75 грамм бўлиши керак экан, меҳмонларга берилган манти 48 грамм чиқибди. Тўртта манти хийла машмашага, ташвишга сабаб бўлди.

У пайтда халқ назорати деб аталадиган ташкилотдан савдо ходимлари асроилдан кўрққандай чўчишарди. 20 тийинлик камомад ё ўзгалар ҳақиға хиёнат учун иш судга оширилиши мумкин эди. Бироқ астойдил «изланилса» ҳар қандай мушкулотнинг қалови топиларди.

Назоратчилар ҳеч шаштларидан тушишмас, сенлар «у»сан, сенлар «бу»сан, емахўрсанлар, дея, бири кўйиб иккинчиси танбеҳ беришар, дағдаға қилишарди.

Аҳмаджон ака бир зумда у ёқ-бу ёққа сим қокиб юборди. Вилоят умумий овқатланиш трестининг туман бўлими

бошлиғи Глазинов ва яна бир мартабали киши келди. Хўкизнинг шохига урсанг, туёғи зирқирайди, деб, бир ошхонадаги кўнгилсизлик унинг юқори ташкилоти, қолаверса, туман ё шаҳар раҳбариятига катта нохушлик келтириши тайин, шунинг учун ҳар қандай можарони иложи борица жойида, бир амаллаб тинчитишга ҳаракат қилинарди.

Иброҳимжоннинг бунақа бош оғриғига биринчи марта дуч келиши эди.

Ниҳоят, «аланга» пасайди, тафтишчи «хўрандалар» ва юқори мансабли кишилар учун алоҳида хонага махсус дастурхон тузалиб, куюқ зиёфат уюштирилди. Ғавғо кўтарганларнинг ҳар бирига эллик сўмдан пул (ўртача маошнинг ярмидан зиёд, Иброҳимга ўхшаганларникидан бир неча баробар кўп) беришди. Бу Асқаровнинг ҳаётида порахўрликка – кейинроқ чивин каби болалаб, бутун дунёда оммалашиб кетадиган, фақат онгли йнсонларгагина хос бўлган иллат, таъмагирлик билан, шунингдек, одамларнинг жазодан кўрқиб ваҳимага, таҳликага тушишлари билан ҳам илк бора тўқнашуви эди.

Унинг қалби қаттиқ озор чекди, ўша кундан шашти қайтди, ресторанга оёғи тортмай қолди. Бирон кўнгилсизлик юз берса, бувиси, опа-сингиллари қай ҳолга тушишади?.. Йўқ, бўлак иш топиш керак...

Бошқалар эртасига ҳеч нарса бўлмагандай, яна боягидай ишлаб кетишаверди. Улар учун бунақа ҳодисалар янгилик эмас экан. Фақат Иброҳимжоннинг қалби ҳамон муздай эди.

– Бўлди, мен бу ерда ишламайман, – дил ёрди у бир неча кундан кейин ўзига яқин кўрадиган ёрдамчи ошпаз Ҳошим акага.

– Тўғри қарорга кепсан, Шербола (уни ошхонадагилар шундай аташарди). Сен яхши ўқийсан, янаям астойдил бўлиб, институтга киришинг керак. Биз кун ўтганига шукр қиладиган одамлармиз. Чунки бошқа борадиган жойимиз ҳам, бошқа касбимиз ҳам йўқ. Бунақа ишлар сенга тўғри келмайди. Умринг ҳадик-хавотирда ўтади. Тўғриси, балоғатга етмаганларни ишлатиш ҳам мумкинмас. Тоғангнинг юзидан ўтолмай, шароитинглар оғирлиги учун олишувди...

У ниятини Аҳмаджон акага ҳам айтган эди, аввалига бош ошпаз бошқача англади. Унинг беш ўғли бўлиб, тўнғичи Анвар Иброҳим билан синфдош эди.

– Нима, сени биронтаси хафа қилдими? Ё... иш ҳақим оз десаң, қўшамиз, – деди у. Иброҳим оёқ-қўли чакқон, хушёр эди, уста дегани бунақа қобил шогирдни дарров қўлдан чиқариб юборгиси келмайди-да.

У дарслардан қолиб кетаётгани, дурустроқ ўқиб институтга кириш орзуси (бу орзунини унинг дилига Ҳошим ака солган эди) борлигини пеша келтиргач, Аҳмаджон ака унинг фикрини қувватлади, елкасига қоқиб, «яхши ўйлабсан, ўқи, болам, бизданам катта одамлар, олимлар чиқсин», деб алқади, дуо қилди. Сўнг унга кунлик улуши – «суп-набор» ўрнига бир килодан ортиқроқ таллиқ гўшт ва беш сўм пул берди.

– Буларни бувингга олиб бор, тоғанга ишдан ўз хоҳишинг билан чиқиб кетганлигингни айтиб қўйгин, – деб тайинлади.

## КИМЁ – АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИ

Иброҳимжон янги келган сартарошга ёрдам бергани ва чой-чақа ишлагани чиқа бошлади. Отасини кўргани боришганда суюнчиловди, у аввалига хурсанд бўлгандек кўринди. Кейин авзои ўзгарди. «Ишни қўй, китоб ўқи, дарс қил, институтга киришинг керак», деди.

Иброҳим отасининг гапи билан ўқишга янада астойдил киришади. У аввал математикани хуш кўрарди. Тўғрироғи, Абдуллаев Мадаминжон домла, Халилова аялар таъсирида бу фанга қизиқиши ортган эди. Кимё (у маҳалда химия дейиларди) фанини жини суймасди. Уйда дарс тайёрлашда ҳам химияни мумкин қадар ортга сурарди: ундаги «ажиб-бузи», «қинғирқийшиқ» катакли формулалар жуда мураккаб ва зерикарли туюларди. Шу фандан тутилган дафтар ё дарсликни қўлига олди дегунча энсаси қотиб, ўқимасликка, вазифа бажармасликка баҳона қидириб қоларди. Кейинчалик у зерикарли соҳанинг ўзи йўқ, инсон меҳр қўймайдиган ҳар қандай соҳа мароксиз, у

кизиқадиган ҳар қандай соҳа жозибали ва завқбахш экан деган хулосага келди.

8-синфда кимёдан Кўчали Шабанов деган ўқитувчи дарс ўта бошлади. Иброҳимжон энди ўйласа, айнан ўша муаллим унинг ҳаётга, мактаб ва фанларга муносабати, фикри-аҳдини тубдан ўзгартириб юборган экан. Дарҳақиқат, бола дунёқарашининг шаклланиши, орзу-ниятларининг қарор топиши, ҳатто унинг феъл-атворида ижобий ўзгаришлар юз беришига муаллимнинг таъсири беқиёс эканлиги эътироф этиладию, аммо кўпинча улар саҳна ортида қолишади. Шунингдек, ўқувчиларнинг аксарияти ўзи суйган, эъзозлаган ўқитувчисининг фанига қизиқишидан ташқари, унинг шахсиятига ҳам беҳад ҳурмат билан муносабатда бўлишини, унга таклид қилиши, эргашишини, демакки, устоз-мураббийнинг шахсиятига, илми даражасига, ўқитиш услубига, дарс бериш маҳоратига кўп нарса боғлиқлигини ҳамма жуда яхши англагани ҳолда, негадир педагогика олийгоҳларига қабул қилишда ҳам, бошқа жараёнларда ҳам бу масалага жиддий аҳамият берилгани сезилмайди.

Иброҳим кимёни билмагани учун дарсни менсимас, у фандан паст баҳо олишни фожа деб ўйламасди. Шабанов «икки» қўйган эди, Аскарлов «Менга бу баҳоингиз чикора» дегандай, кулимсиради. Домла унинг юзига бир шапалоқ туширди. Иброҳим ҳеч бир ўқитувчидан тарсаки емагани, чунки бошқа фанларни яхши ўзлаштириб олганидан анча керилиб юрарди. Шапалоқ унга оғир ботди, синфдошлари олдида изза тортди – қулоқларигача қизариб кетди, у орият, номус деган туйғулар ҳам борлигини англади ва шу кундан эътиборан кимёдан дарс тайёрлашга астойдил киришди. Шабанов кимё фани моҳиятини яхши тушунтирар ва лабораториясида фанга оид амалий тажрибалар қилиб кўрсатарди. Бир стакандаги оппоқ, тиниқ сувни иккинчи стаканга қуйган эди, сув кўк тус олди, қайта 1- стаканга ағдарган эди, сув яна бояги тиниқликка – асил ҳолатига қайтди. Бошқа бирон фанда бунақа ажойиботни кўрмаган Иброҳим Аскарлов тарсакини ҳам унутиб, кимёга боғланди-қолди. Тўққизинчи синфга ўтганда у кимёнинг чинкамига мўъжизалар яратишга қодир фан, энг кизиқарли

соҳалардан бири эканлигига батамом ишонч ҳосил қилган эди. Энди у дарсликдан ташқари муаллим берган «Кимёдан ўқиш китоби», «Даврий қонун ва даврий система», «Органик кимё» деган қўлланмаларни берилиб ўқий бошлади. Кейинроқ эса, уни бу китоблар ҳам қониқтирмай қўйди.

Шабановнинг:

– Химияни билмасанг, саводли бўлишинг мумкин, аммо одам бўлмайсан, – дея таъкидлаши Иброҳимжонни баттар ҳаяжонга соларди.

Шундай қилиб, ўспиринлик даври ҳам қарийб ўйин-кулгиларсиз, нашъу намосиз кечди. Бола бўлиб пионер лагерига, олисроқ саёҳат ё бошқа кўнгилочар сайрларга борганини эслолмайди. У кўпинча тушларида ёлғиз ўзи кир-адирлар, баланд тоғларга чиқиб, лолақизғалдоққа ўхшаш гуллар териб, қийқириб ўйнар ва бир неча кун ана шу туш завқини суриб юрарди.

## ОНА ДУОСИ

Иброҳимжон Асқаров табиатидаги таваккалчилик ҳам кичик ёшлигиданоқ хийла бўртиб кўринарди. Тоғаларининг сивири нобуд бўлиши сабабли мол дўхтири бўлишга аҳд қилиши ҳам ана шу феълидан далолат эди. Аҳд унинг ўзи билан бирга икки синфдошини ҳам Самарқандга етаклади.

– 1965 йил, 6 июль куни эди, – деб хотирлайди Иброҳимжон. – Энди жўнаймиз деб турганимизда отам эшиқдан кириб келиб қолди. Оилавий хурсандчилик Самарқанд «юриши»ни олти кунга кечиктиришни тақозо этди. Институтга ўқишга кетаётганимдан ўзида йўқ қувонган падари бузрукворим чўнтагидаги бор пулини – ўтгиз олти сўмни менга узатди... «Пулим бор, ўзингиз ишлатарсиз», дедим отамни аяб. Ахир озодликка чиқиб келган одамни йўқловчилар бўлади, улфатлари... Уларни меҳмон қилиш керак (у кезларда «эҳсон» сўзи жуда кам қўлланарди), ҳали бир жойда ишламаса...

Раҳмон ака қўли очик, уйда ҳеч вако бўлмаса ҳам, кўчада ёнида борини харжлаб юбораверадиган киши эди.



– Мени ташвишимни чекма, ўғлим, сен узоқ йўлга чиқяпсан, кўп керак бўлади, – деб пулни кўярда-қўймай, Иброҳимжоннинг киссасига солиб қўйди. Иброҳимжон пулни чўнтагидан олди-да, олти сўмини қайтарди.

– Ҳамёнингиз куриб қолмасин, – деди у отасига меҳри тов-ланиб.

Ўғил энди бутун канот ва янада тетик руҳ билан поездга ўтирди.

Аммо шўро даврида илдиз отган тўрачилик, расмиятчи-лик, яъни фақат белгиланган қоидалар асосидагина иш тутиш, масалага ижодий ёндошишнинг чекланганлиги Асқаровга панд бериб, шаштини сал қайтарди. Ҳукумат томонидан бел-гиланган балоғат ёшига етмаганлиги сабабли (у ўрта мактаб-ни ўн беш ёшида битирганди) паспорт ололмаган эди. Инст-титут тартибига кўра паспортсиз ҳужжат қабул қилишмасди. Иброҳимжоннинг ҳафсаласи пир бўлди, албатта, бироқ кўп қайғуриб ўтирмади. Шериклари Самарқандда қолишди, у Ан-дижонга қайтди.

Қишлоқда Кўчали Шабанов учраб қолиб, Андижон давлат педагогика институтига уриниб кўришни маслаҳат берди. Ун-дан яхши киёмгар чиқиши мумкинлигини, бу соҳада билими чиндан ҳам бошқаларга нисбатан анча пухталигини очиқ айт-ди.

Иброҳимжон қувонди, қувватланди. Эҳтимол, бу тақдирдир – пединститутга унинг ҳужжатларини қабул қилишди. Балки Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов ва таниқли ёзув-чи Алишер Ибодиновлар ўзларининг «Дардингизга даво бор» китобларида таъкидлашганидай, қабул комиссиясидагилар аттестатдаги фақат аълодан иборат баҳоларга маҳлиё бўлиб қолишгандир, ё балки улар кўзлари илм иштиёқида чакнаб турган йигитчанинг дадил ва дангаллигини кўриб ийиб кетиш-ганидан таваккал дейишгандир. Тўғрироғи, кимё-биология фа-культетига ҳужжат қабул қилаётган 4-курс талабаси Абдуҳолик Сулаймонов ҳамқишлоқ-мактабдоши Иброҳимжоннинг қобилиятини, ҳалол, тўғрисиўз йигитлиги, ҳаракатчанлигини яхши билгани учун конкурс катталигини эслатган, “лекин

институтда сиздакалар ўқиши керак”, деб илтифот кўрсатган эди. Бирок, бу ерда ҳам иш батамом силлиқ кечгани йўқ. Оғзакилардан, ёзма ишдан ҳам кўнгли тўқ эди. Лекин... Мандатда... Ўша кунни ҳам асло унутмайди. 21 августда унинг фамилияси ўқишга қабул қилинганлар рўйхатида чиқмади. Унинг баллари етмаган, хуллас, шунақа... У имтиҳонлардан йиқилмагану, аммо мандатдан «қулаган» эди.

Яна парво қилмади, куюнмади, уйга келиб, айримлар каби кўкрагини захга бериб ётмади. «Ростданам ҳали ёшман-ку, бу йил бўлмаса, келаси йил кирарман», деб қўл силтади. Конкурсдан ўтолмаганини айтувди, Марҳабохон опа хайрон бўлди.

– Тегишяпсанми, болам?

– Йўқ, тўғриси, – кифт қокди Иброҳимжон.

– Нимага?

– Шунақа, билимим етмади.

– Сен ўтмаган бўлсанг, кимлар ўтди?

– Бошқалар – мендан яхши ўқиганлар...

Онага болагинасининг мактабда қандай тиришиб ўқигани, қайси фандан билими қанақалиги яхши маълум эди.

– Химияни сендан яхши биладиганлар бор эканми?

– Бор экан, буви, – Иброҳимжон шундай деди-да, кўчага чикиб кетди.

Эртасига эрталаб Андижонга отланаркан, одатдагидай, онасидан ва катта бувиси Бузокира аядан дуо сўради.

– Қаёққа кетяпсан, ўғлим?

– Институтга, хужжатларимни олиб келишга.

– Омин, илоё ўқишга кириб кетгин, – дуо қилди катта буви.

Иброҳимжон кулимсиради. Бувижонисининг содда-самимийлигидан завқланди.

– Сизга айтдим-ку, буви, мандатдан йиқилдим.

Марҳабохон опа ҳам дуога кўлини очди.

– Худо ишингни ўнгласин.

«Демак, гапимга ишонишмабди», деб ўйлади йигит.

Балки онажон ўғлининг юриш-туриши, имтиҳондан ўтмаганига ўқинмаётгани, ҳатто пинагини бузмаётганини кўриб чиндан ҳам ҳазиллашяпти, деб хаёллаган бўлиши

мумкин. Иброҳимжондаги ҳаётсеварлик, анча-мунча ишларнинг бугун бўлмаса эртага битишига ишонч туйғуси унинг чехрасига қувонч рангини, табассум жилвасини балкитиб турганидан атрофдагилар дабдурустдан бирон фикрга келишга қийналишарди.

У институт ҳовлисига одатдагидай шахдам қадамлар билан кириб борди. Қадам ташлаши, очиқ чехрасини кўрган одам «бахтли абитуриентлардан экан», деб ўйлаши аниқ эди.

Хужжатлар топширилган хона эшиги олдида навбат турнақатор эди. «Менга ўхшаганлар кўп экан-ку» дилидан ўтказди Иброҳимжон ва «ким охири?» деб навбат олди. Сал нарироқдаги ректор қабулхонаси ёнида ҳам абитуриентлар тизилиб туришарди.

– Ановилар нима қилишяпти, – сўради олдидагилардан.

– Ректорга арз билан киришяпти.

Нариги навбатдагилар орасида ўзлари томонлик бир йигитга кўзи тушиб қолди. У ўн беш балл (Иброҳимжонники ўн тўрт балл эди) олган эди. Демак, уям ўтолмабди-да. «Лекин отасини нимага бошлаб келдийкин?» деб ҳайрон бўлди. Бирдан Ғуломнаби Ҳакимовнинг гапи эсига тушди. Кеча институтдан ўзи каби «йиқилган» бир неча абитуриент билан мандат натижаларини муҳокама қилиб чиқишаётганда химиядан имтиҳон олган ўша ўқитувчи рўпара келиб қолувди.

– Ҳа, Асқаров, бўлмадимми? – деди у ачинганнамо.

Иброҳимжон нима дейишини билмай, елка қисди, аммо домла унинг фамилиясини ёдда сақлаб қолганидан ичида севинди.

– Ректорга киринг, ректорга, – Ҳакимов шундай деб ўтиб кетди.

У кимё бўйича предмет комиссиясининг раиси, абитуриентларга бир неча бор консултация ўтган эди.

Иброҳимжон таваккал деди-да, бориб, ректорга кирувчилар қаторидан ҳам навбат олиб қўйди.

Навбатларнинг унисидан бунисига ўтиб юрган эди, ректорга навбати олдинроқ келиб, шартга кирди. Сочлари қалин, қора қошлари қуюқ, буғдой ранг, чехраси очиқ ректор (Ғанижон Абдуллаев) сўради:

- Фамилиянг?
- Иброҳимжон айтди.
- Нима гап?
- Конкурсадан ўтолмадим.
- Қайси факультет?
- Химия.

Ғанижон Абдуллаев эшик олдида тик турган, хужжат қабул қилинган хонадан бу хонага бўзчининг моккисидай қатнаётган юқори курс талабаси Холикжон Сулаймоновга (буни қарангки, у ҳам жалақудуклик эди) «Асқаровнинг делосини олиб кирчи», деди ва яна Иброҳимжонга «Қаердансан?», «Отанг ким?» каби саволлар бера бошлади.

– Резервга бўлсаям мени қабул қилинг, – деди Иброҳимжон ректорнинг юзига тик қараб.

– Ў-ў, жуда дадилсан-ку. Паст баҳо олгандирсан-да. Химияни биласанми ўзи?.. – Боядан бери қаттиқ-қаттиқ гапираётган ректор негадир бир оз юмшаб қолган эди.

– Яхши биламан. Мактабда химиядан «аъло»га ўқиганман, олимпиадаларда голиб чикқанман.

Асқаровнинг «дело»си киргач, Ғанижон Абдуллаев ичидан ёзма ишни суғуриб олди-да, ёнида ўтирган Каримжон Мирзаев деган ёш ўқитувчига (у ҳам химиядан имтиҳон олганлардан бири эди) узатди: «Мановини бир кўринг-чи...».

Ректор бошқа арзгўйларни қабул қила бошлади. Иброҳимжон нарироқдаги курсига ўтиб, Каримжон акани кузатиб ўтирди. Муаллим аввалига ёзма ишга ҳафсаласизлик билан кўз югуртирди, кейин секин-аста пешонасидаги тиришлар ёзилиб, синчиклаб кўра бошлади.

– Иш яхши ёзилган экан, – деди Каримжон ака ниҳоят ректорга. – Атом тузилишларини, электрон формулаларни тўғри ёзган, билимли экан.

– Унда нимага бешмас, тўрт қўйдинглар? – Бошини тиклаб сўради Ғанижон Абдуллаев.

- Хатолариям бор.
- Кирса, ўқиб кетадими?
- Ўқийди.

Ректор яна Иброҳимжонга юзланди.

– Биологиядаям ўқийверасанми?

– Йўқ, домла, мен фақат химияга кираман, деб ният қилганман.

– Шунақа дегин, анчагина қайсарга ўхшайсан. – Ректор Иброҳимжоннинг аризасига нималарнидир ёзди-да, «бўпти, чиқавер, маслаҳатлашиб кўрамиз», деди.

Асқаров ҳамқишлоғи Сулаймоновга йўлақда рўпара келди.

– Бўлмади шекилли, ҳужжатларимни қайтариб беровринг.

– Сиз қабул қилиндингиз, – деди Холиқжон суюнчилаб.

– Унақа дейишмади-ку.

– Ректор аризангизга қўл қўйдию, иш битди ҳисоб.

Ғанижон Абдуллаев олижаноб ректор, яхши инсон, теран фикрларга бой фалсафий рисоалар, қўлланмалар муаллифи сифатида институтдан ташқарида, илмий-адабий жамоатчилик орасида ҳам маълум ва ҳурматга сазовор эди. У Андижон адабий муҳитига ҳам маълум даражада ҳисса қўшганлардан бири, суҳбати ширин улфат эди. Улфат, Ҳошимжон Раззоқов, Восит Саъдулла, Боқир (Омонулла Валихонов), Қосимжон Охунов каби таниқли ижодкор, саънаткорлар билан сафдош, даврадош эди. Ўша ҳамдам-ҳаммаслақлари воситасида Ғафур Ғулом, Собир Абдулла ва пойтахтдан ташриф буюрадиган бошқа алломалар суҳбатига таклиф этиларди. Ўзим гувоҳ бўлган ва ундан-бундан уққан гапларимга қараганда, у қалам аҳлини ғоятда кадрлар, қабул пайтида имтиҳон комиссияси аъзоларига бадииятга, илмга рағбати, қобилияти бор абитуриентларга алоҳида эътибор беришни тайинлар, ўзи ҳам кўз-қулоқ бўлиб турарди. Имтиҳондан йиқилиб ё мандатдан ўтмай, ҳузурига арз қилиб кирган абитуриентлардан, агар унинг бадииятга мойиллиги бўлса, «қани, шеър ўқиб кўр-чи, ё биронта ҳикоянинг мазмунини гапириб бер-чи», деб сўраши, йигит ё қизнинг машқлари пичоққа сал илингудай бўлса, қобилияти сезилса, унинг ўқишга киришига шахсан ўзи кўмак бериши тўғрисида кўп гапириларди. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, таниқли ижодкорлар Фозил Эмин, Исмоил Тўлақлар ва яна бир қанча қалам аҳлининг Ғанижон акадан миннатдор

бўлиб сўзлашганини эшитганман. Ундай инсонлар энди хотираларда ва китоблардагина қолади шекилли.

Иброҳимжон бир неча кунгача иккиланиб, ҳадиксираб юрди. У ўзи айтгандай, ўқишга қўшимча талабалар қатори, шартли равишда қабул қилинган эди.

Асқаров ўшанда иши ўнгидан келганига суюниб юр-верган эди. Кейинчалик яна бир неча бор тангрок ҳолатдан чиққанда онаси қилган дуоларни ўйлаб, ана шу дуолар ижобат бўляптимикин, деган фикр онгига ўрнашди ва бундай ҳолат умри давомида кўп марта исботланди. Балки, аслида гап дуога ишониш, эътиқодда ҳамдир. Иброҳимжон негадир болалигиданоқ бирон ёкка ё ишга отланса, албатта, катта бувиси ва онасидан дуо олиб кейин остона хатларди. Марҳабохон опа фақат болажониси сўрагандагина эмас, намозларида ҳам унга омад ва омонлик тиларди.

Катта бувиси Бузокира аянинг кўп нарсани олдиндан билиб, башорат қиладиган хислати бор эди. У ҳамма гапга, ҳар доим ҳам дуога кафт очавермасди, аммо тилаги кўпинча рўёбга чиқарди. Жуда сезгир эди, бу хусусиятлар қизи Марҳабохонга ҳам ўтган. У ҳам яхши-ёмон воқеаларнинг айрим аломатларини тушида кўради. Ёлғиз ўғлини кўп ўйлагани, дилида уни мудом асраб-авайлаш хаёли, хавотир туйғуси кучлилигиданми, жигарбанди ҳаётида юз беражак айрим кўнгилсизларни ҳам узоқдан ё олдиндан хис этади. Бунга Иброҳимжон Кавказда юрган кезларида яна бир бора ҳайрон қолган. Учинчи курсни тугатишган йили, собиқ Иттифоқдаги йирик шаҳарлар бўйлаб амалиёт сафарига чиқишган эди. 1968 йил 27 июль куни, Ботумидаликларида Қора денгизда чўмилишди. Хузурбахш майин эпкин уфураётган денгиз суви сокин живирларди. Иброҳимжон – қишлоқ боласи, сузиш малакаси етарли. Кулоч отиб, анча ичкарига кириб кетган эди. Бирдан қаёқдандир келган тўлқин уни аввал қирғоқ томонга, кейин денгиз ичига суриб ташлади, ҳолат туйқусдан юз бергани боис йигит шошиб, икки марта сув хўплаб қолди. Лекин қўллари, илиги бақувват эди. Қирғоққа эсон-омон чиқиб олди-да, шаҳарга тушишганда Андижонга сим қоқиб, онасидан ҳол-аҳвол сўради. Меҳрибон волидаси

эса нукул сувдан узоқроқ юргин, деб тайинларди. Кейин, юртга қайтганида билдики, ўшанда у онасининг тушида оқиб кетаётган экан...

## КУРТАК БАҲГ ЁЗА БОШЛАДИ

У ўқишга жон-жаҳди билан киришди, дастлабки кунларданок худди мактабдагидек, доскага биринчи бўлиб чиқиб, ўқитувчиларни ҳам, талабаларни ҳам лол қолдирар ва ўзи ҳам таскин топарди. У омонат кўприкдан соҳилга беҳатар ўтиб олиш учун дадил ҳаракат қилиши, ўзини кўрсатиши шарт эди. Ортга қайтса ректор, уни ёклаган Фуломнаби Ҳакимов, кичик жуссали, энг ёш талабачага беписандлик билан қараётган курсдошлари, Сўфиқишлоқдаги ўртоқлари, қариндош-уруғлар олдида юзи шувит бўлишидан жуда-жуда кўрқарди.

8 сентябрдан институт талабалари Бўз туманига, пахта теримига сафарбар этилди. Бу серзаҳмат меҳнат жараёни билан жуда яхши таниш, сабр-тоқат имтиҳонидан барвақт ўтган Асқаров кўз олдида Алининг қиличидай мудом тебраниб турган «қўшимча қабул қилинган талаба» ёрлиғининг бартараф этилиши учун мазкур синовда ҳам қоқилмасликка тиришди.

У маҳалларда терим узоқ, баъзида декабр охириларигача давом этарди. Пальто, рўмолларга ўранишган талабалар қалин қор босган гўзаларни силкитиб-силкитиб терган пахталарини кўлларини «куф-куф»лаганча, тизза, болдирларига муздай тегаётган шилта этақларга солишарди. Баъзиларнинг кирза этикларидан сув ўтарди. Иброҳимжоннинг эгни ҳам у қадар қалин эмас, лекин у барига чидаш зарурлигини тушунарди.

\* \* \*

Пахтадан қайтишган кунлари эди. Ботаника ўқитувчиси, сочи сийрак, барваста Иномиддин Саттибоев дарс ниҳоясида талабаларга қараб: «Хў, Абдурайим!..», деди-да, қўли билан «тур!» дегандай ишора қилди. «Менми?», «менми?» деб, икки-уч талаба ўрнидан кўзгалди. Домла ҳаммани «Абдурайим» дерди.

– Йўқ, хў, кичкина, сен, – деди яна ва унинг бигиз бармоғи ва кўзлари ўзига қадалиб турганини сезган Иброҳимжон иккиланиб, аста ўрнидан турди.

– Мен билан юр, – деб яна қўллари билан имлади домла.

Кафедрага киришгач, «Манови гулларга сув қуй», деди тувакдаги гулларни кўрсатиб, яна бир-иккита майда-чуйда ишлар буюрди. Асқаров Саттибоевнинг айтганларини шитоб бажараркан, домланинг уни зимдан кузатиб турганини пайқарди.

Яна бир куни Саттибоев унга бир неча халтачадаги уруғларни ажратиб, саралашни топширди. Асқаров уруғларни (улар ҳар турли ўсимликларники бўлиб, аралаш эди) эринмай (юракни сиқадиган даражада майда иш эди) ажратиб, турларга бўлиб чиқди. Маърифжон Мамадиев билан ҳам дастлаб Саттибоев хонасида танишган, у ҳам яхши ўқийдиган талабалардан эди. Иномиддин муаллим ўшанда уларнинг келажагига умид билдириб, бир-бирларига кўмаклашиб туришни тайинлаганди. Иккиси ҳам бугун обрў-эътиборга эга педагог-олимлардир. Маърифжон биология фанлари доктори, Андижон тиббиёт институтининг профессори...

Афтидан, устоз бу икки иқтидорли талабага алоҳида меҳр қўйиб, яхши ниятлар қилган бўлса керак. Лекин бебақо умрнинг қисқалиги бу орзуларнинг амалга ошувига ҳам, ёшларнинг камолини кўришга ҳам имкон бермади.

Талабалик йиллари жуда қизгин кечарди. Чунки Иброҳимжонда илм эгаллашга иштиёқ кучли эди. Албатта, ҳар қандай ҳаёт, шу жумладан талабалик ҳам қизгинлик, жўшқинликдангина иборат эмас, бу даврнинг ўзига яраша муаммолари бўлиши табиий. Хусусан, олисдан қатнайдиган ва отаси узоқ йиллик қамокдан яқиндагина қайтган йигит учун. Аммо Асқаров иродали, матонатли, айни вақтда андишали ҳам эди. «Дада салом, пул тамом» деб отасининг елкасига осила-верадиғанлар тоифасига кирмасди. У падари бузрукворини аярди: ахир оилада ундан бошқа топиб-тутадиган одам йўқ, қамокдан келгач, она ҳам колхозга ишга чиқмай қўйган. Талаба учун чой-чақа бўлган стипендия, турган гапки, бир ойга етмайди. Тўғри, тоғаси Муҳаммаджон ҳам унинг чўнтагига беш-тўрт



сўм солиб кўярди, бироқ барибир ҳамёни пуччайиб қоладиган маҳаллар бўларди. Бир куни жуда ноқулай аҳволга тушди. Ёнидаги бор бойлиги – ўттиз тийин билан тамаддиланиш учун институт ошхонасида навбатда турган пайтда кимдир билагидан тутди. Ўгирилиб қараса, кадрдон дўсти Абдусалом. У ҳарбий кийимда бўлиб, яқинда хизматдан қайтган, шаҳарга йўли тушиб, оғайнисини кўриш учун кирганди. Иброҳимжон бир лаҳза саросималанди, кўли беихтиёр чўнтагига югурди. Лекин дарҳол ўзини ўнглаб, биродарига жой олиб ўтириб туришини айтди. Ошпаз – Татьяна Николаевна деган аёл эди. Асқаров икки кишилик овқат учун ўттиз тийинни узатди-да, «қолганини кейин бераман» деди пичирлаб. Аёл кафти билан унинг кўлини қайтарди, кўзлари билан ҳам «тушундим, кўявер» маъносида имо қилди. Аслида ошпазнинг бу ҳиммати ҳам бежиз эмас эди. Бир неча ой муқаддам Ғуломнаби Ҳақимов Иброҳимжонга озик-овқатлар таркибини кимёвий йўл билан ўрганишга доир бир қўлланма бериб, тажриба сифатида институт ошхонасида сотилаётган котлетни текшириб кўришни тавсия этган, Асқаров лабораторияда таҳлилдан ўтказганида котлетга қўшиладиган гўшт меъёрдан бирмунча кам чиққан эди. Ёш шогирдининг тажрибаси ва укувидан суюнган Ҳақимов Иброҳимжонга натижани ошхонадагиларга ҳам етказиб, уларни огоҳлантириб кўйинг, деди. Асқаров бу гапни Татьяна Николаевнага айтганида аёлнинг ранги ўзгариб дудукланиб қолди. Шунда Иброҳимжон “хавотирланманг, бу текширув шунчаки тажриба учун қилинди, лекин билиб қўйганингиз яхши”, деб ошпазни тинчлантирган, Татьяна Николаевна Иброҳимжондан жуда мамнун бўлган эди. Ҳа, бу дунёда ҳеч бир нарса, ҳеч бир ҳодиса сабабсиз юз бермайди. Аммо нима бўлса ҳам, Иброҳимжон ҳозир ноқулай вазиятдан чиқишга ёрдам бергани учун Татьяна Николаевнадан миннатдор эди.

Унинг институт ўқитувчилари ва талабалар орасида эътибори ошиб, бўйи ҳам чўзилиб борарди. Учинчи курсга ўтганида факультет етакчилигига сайланди. Бир куни вилоят газетаси («Коммунист»)дан мухбир келиб қолди. Унга обуна рекламаси учун ҳар жиҳатдан сурат ва рекламабоп бир йигит керак экан.

Бу вазифани деканат Асқаровга юклади. Мухбир иккаласи бир неча аудиторияга кириб чиқишди. Мухбирнинг диди, талабадаги талаба топилавермади. Шунда Иброҳимжонга қараб, «Ўзингизни олиб қўя қолсак-чи? Ўқиш, ишларингиз яхшига ўхшайди, хурматингиз жойида экан, кўринишингиз ҳам чакки эмас», дея жилмайди мухбир.

– Йўғ-е, бошқалар ўзини тикиштирди деб ўйлайди. Қолаверса, бу масалани мен ўзим ҳал қилолмайман.

Мухбирнинг таклифини деканатдагилар ҳам маъқуллашди.

Шундан кейин газетанинг сўнгги, муштариёлар учун энг қизиқарли саҳифасида Асқаров ва эртақларда тасвирланадиган соҳибжамол бир қиз «Коммунист»ни ёзиб, шу нашрга обуна бўлишга даъват қилиб туришган йирик сурат босилиб чиқди. У пайтларда газеталарнинг адади анча катта, баҳоси тийин бўларди, газета кириб бормайдиган ташкилот, ўқув муассасасию хонадон йўқ эди. Кўча-кўйда ҳам таниш-билишлар «Суратни кўрдик, зўрсиз-ку, Иброҳимжон...» дея маъноли кулимсираб қўйишарди, йигит бундан ўзини ноқулай ҳис қиларди. Институтда, хусусан факультет қизлари орасида шивир-шивирлар, Асқаровга ғалати қараб қўйишлар, ярим ошқора писандалар анчагача давом этди. Ҳолбуки, йигит у хуриликко рекламдошини танимас, уни умуман кўрмаганди. Аммо газетадаги сурат Иброҳимжон обрўсига обрў кўшган, уни танийдиганлар, унга қизиқадиғанлар кўз олдида янада юксакроқ мақомга кўтарилганди.

\* \* \*

Сирасини айтганда Иброҳимжон бир нарсага қизикса, ўша нарса ё соҳани ўрганишга бутун вужуди билан киришарди. У ҳаётда ўртамиёначиликни ҳечам суймасди, бўлса бўлар, бўлмаса, йўқ, қабилида иш тутиш табиатига батамом зид эди. Унинг яшаш шиори шундай эди: «Шаҳд ва шиддат билан олға, юксакка!»

Химия фанини ҳам шу тарзда ўзлаштириб, ўзгалардан анча илгарилаб кетган, унинг бу саъй-ҳаракатлари биринчи семестрдаги дастлабки синовдаёқ ўз самарасини кўрсатган эди.

Мандатдан ўтолмай қолганда ректорга киришни маслаҳат берган ва эҳтимолки, унинг талабалар сафига қабул қилинишига сабабчи бўлган кимё кафедраси мудири Ғуломжон Ҳақимов ўрта бўйли, думалоқ юзли, шахдам, қатъиятли одам эди. Хатти-ҳаракатидан, гап-сўзларидан жисмонан ҳам кучлилиги сезилиб турарди. Талабчан ва қаттиққўл муаллим ва мураббий эди.

Дастлабки семестрда Ҳақимов домланинг имтиҳонидан Иброҳимжон роса олти соатда, аммо биринчи бўлиб топшириб чиққан, унга домла «баҳоинг – уч» деган, аксарият талабалар «йиқилишган». Ғуломнаби Ҳақимов бошқа пайтларда ҳам талабанинг баҳосини пастлатиб айтар, лекин журналга юқорироқ баҳони ёзган бўларди. У шу тариқа шогирдларни чиниқтирар ҳам ҳурмат қозонарди. Шунинг учун ундан ҳамма чўчиб турарди. «Олим бўлсанг, олам сеники» деган мақолни тез-тез такрорлаб туришни хуш кўрарди у.

Йиғинларда «Ораларингда келгусида зўр олим бўладиганлар бор, масалан, Асқаров...» деб кўп айтарди. Чиндан ҳам факультетда; жумладан Иброҳимжонларнинг курсида илми кучли, истеъдодлилар анчагина эди. Насимжон Абдурахмонов, Музайяна Валихонова, Ҳафизахон Рўзибоева, Маҳбубахон Девонбоева, Қодиржон Ҳошимов, Абдуқаҳҳор Мажидов, Каримбой Ешимбетов (қорақалпоғистонлик ўзбек), Собиржон Шокиров...

Ғуломнаби Ҳақимов дарси мусобақага айланиб кетарди.

– Ким нечта кимёвий реакция ёзиб бера олади? – сўрарди домла.

– Мен 20 та реакция ёзиб бераман.

– Мен йигирма бешта...

– Мен ўттизта!.. – дея қўл кўтаришарди талабалар басмабасига.

Дарслар шу тарзда шиддат билан ўтилар ва кимёни шу тахлитда ўрганишарди. Оламдаги жонлиғу жонсиз нарсалар – тоғлар, ер, сув, ҳаво, соғлиқ, яшаш... – ҳамма-ҳаммасининг бир-бирига боғлиқ силсила-занжирдан иборатлигини, уларни бир-бирига боғлаган куч, омиллар эса кимёвий моддалар эканлигини теранроқ англаб бораётган Иброҳимжон энди тунлар-

ни асосан кимёвий реакциялар, формулалар билан, элементлар даврий жадвали билан «олишиб» тонг оттирарди. Келгуси ҳаёти, илмий, тиббий фаолияти йўналишига тамал тоши ана шу уйкусиз кечаларда қўйилган эди.

У дарсларда ҳам, ётоқда ҳам ҳамиша ҳамнафас, кимёвий реакцияларни биргаликда муҳокама қилишиб, фан сирларини ўрганишга бўлган қизиқиши ортишига катта ҳисса қўшишган курсдошлари Алихон Нажмиддинов, Соибжон Каримовларни меҳр билан эслайди.

Сўнгги курс бошларида Ҳакимов домланинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан у тажриба ошириш учун Тошкентга, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўрта Осиё Нефт маҳсулотларини қайта ишлаш илмий-текшириш институтига юборилди – олти ойга. Бу Иброҳимжонга, унинг илмий фаолияти, қобилиятига нафақат Гуломнаби Ҳакимов, балки кимё-биология факультети, нафақат факультет, балки олийгоҳ раҳбариятининг ишончидан далолат эди. Зеро, бунақанги ҳиммат, бунақа имтиёз ва имконият камдан-кам талабага насиб этарди.

Борган даргоҳида Аскарров кўп ўтмай таниқли кимёгар олим Абдулҳамид Ғофурович Махсумов эътиборини қозонди. У устознинг истеъдодли шогирдлари, эндиликда фан доктори, профессор мақомига етишган Неъматжон Маъдихонов, фан номзодлари, доцентлар Тўхтасинбек Насриддинов, Эркинбой Мирзабоевлар билан лабораториядаги илмий-тадқиқотларда фаол иштирок эта бошлади. Бу ҳали институтни битирмаган талаба учун ҳам қийин, ҳам маъсулиятли, айна пайтда жуда шарафли бир машғулот эди.

Бундан бир асрдан зиёдроқ муқаддам спектрал таҳлил деб аталувчи янги усул кашф этилган бўлиб, еру самодаги жисмлардан тараладиган ёруғлик таҳлили ёрдамида уларнинг қайси кимёвий моддалардан таркиб топганини аниқлаш чораси юзага келган эди. Шундай тажриба асосида биздан нақадар олис осмон жисмларининг ҳам биз яшаб турган заминда учрайдиган кимёвий элементлардан, моддалардан, умуман ҳар қандай му-

раккаб нарса, жисм оддий моддаларнинг кўшилмасидан иборатлиги аён бўлган.

Илмий-текшириш институти лабораториясида мавжуд бўлган, Олмонияда ишлаб чиқарилган «ИКА-У-П-10», «У-Р-20» маркали спектрофотометр деб номланувчи энг замонавий ускуналар кимёвий моддалар, молекулалар тузилиши, таркибини ўрганишнинг жуда қулай, ажойиб воситалари эди. Тажриба натижаларини худди компьютер сингари бир пасда чиқариб берарди. Тез орада Асқаров бу мураккаб ускуналар тилини билиб олди. Аспирантлар, ассистентлар, ҳатто айрим домлалар ундан қай бир модданинг таркибини спектр ёрдамида аниқлаб, қоғозга чиқариб беришни илтимос қилишарди. Бошқалар бунақа ишга хизмат ҳақи олишини Иброҳимжон биларди, лекин у илтимосчиларнинг ҳожатини беғараз адо этарди. Ҳолбуки, Иброҳимжондаги энг катта ташвиш ва муаммо, ҳар доимгидай маблағ эди. У Паркент бозори яқинидаги халта кўчада, бир хонали ҳужрада аспирант Абдухалил, Тошкент Гидромелорация техникуми талабалари Эркинжон, Йигиталилар билан турарди. Ҳамётоқлари ҳар куни иссиқ овқат пиширишни одат қилиб олишганди. Асқаров эса уйдан пул сўрамас, сўрашга тортинарди – отасининг пахта заводида ишлаб оладиган 92 сўм маоши рўзғорга етса ҳам катта гап, яна синглиси Шоҳидахон ҳам талаба (у Андижон тиллар педагогика институтида ўқирди), унга ҳам моддий ёрдам керак. Пединститут Иброҳимжонга олий стипендия – 35 сўм юборарди. Лекин Тошкентдай пойтахтда бу ақча нима бўларди? У кўчада, арзонроқ ошхоналарда тамадди қиларди. Боз устига ётоқда одам кўпайиб борарди. Шериклари кун-кунора ижара топишгунча яшаб туришсин, деб техникумдош-юртдошларини, улар эса бошқа танишларини бошлаб келишарди. Тунда уй эгасининг кўзини шамғалат қилиб, секин кириб олишарди. Вера опа пайқаб қолиб тўполон кўтарса, «булар меҳмон» ёки «ўртоқларимиз, бирга дарс тайёрлаймиз, кейин кетишади», деб содда кампирни тинчитишарди. Охири ўн олти кишига етишди. Бир ёнбош билан аранг сиғиб ётишарди, ҳар хил хуррак, хидлардан нафас олиш ҳам қийинлашиб кетарди. Асқаров бир

нима дейишга ийманарди. Ўзидан қиёс-да, вилоятлардан келиб ўқийдиганларнинг ҳаммаси ҳам бойвачча эмас, ижара ҳақлари эса қиммат... Шу сабабларга кўра, Иброҳимжон ижарасига ошиқмас, кечалари алламаҳалгача (баъзан стулларни жуфтлаштириб тунаб ҳам қолаверарди) юқорида айтилган сеҳрли аппаратларда ишлаб ўтирар, ўзи учун янги дунёларни кашф этарди – бу унга ҳам севимли машғулот, ҳам илм ўрганишда тайёр омил, тажриба учун улкан имконият эди. Айнан спектр механизми билан чуқур танишиб олиши кейинчалик Испанияда унга катта ишонч, обрў олиб берди.

## ИККИНЧИ БОБ

### НИЗОМИЙ ПАНЖАСИГА ПАНЖА УРИБ...

Асқаров ўқишни имтиёзли диплом билан битирди.

– Сени ўзимизда олиб қоладиган бўлдик, – деди Ғуломнаби Ҳакимов.

Бунақа мартаба Иброҳимжоннинг тушига ҳам кирмаганди. Лекин унинг севинчи секин-аста ўчаётган олов каби пасайиб борди. Ишга қабул қилинганлик тўғрисидаги буйруқдан дарак йўқ эди. Жалақудукдан ҳар куни йўл кира қилиб қатнайди. Бошда шляпа, бўйинда галстук, аммо чўнтак – куруқ. Устоз Ҳакимов хижолатда, лекин дадил, истеъдодли шогирддан кўзи қиймайди. «Сабр қил, иш бўлади. Бугун фалончи домла келмабди, ўшанинг дарсини ўтиб чиқкин», дейди. Асқаровда чиндан ҳам сабр, бардош етарли, у ҳақиқий некбин – оптимист эди, кутди.

Шу тариқа саккиз ой ўтди. Ниҳоят кунларнинг бирида Иброҳимжоннинг омад кўеши балқиб чиқди – 1971 йил 9 март куни кўлига буйруқ тегди.

Ғуломнаби Ҳакимовнинг Асқаровдан умиди катта эди. (Афсуски, унинг камолини кўриш бу устозга ҳам насиб этмади). Буйруқдан ўтмасидан аввалоқ бу укувли шогирдга илмий тадқиқот учун «Толуолни<sup>1</sup> бирламчи спектрлар билан алкиллаш» деган мавзунини берган эди. Иброҳимжон мавзу бўйича 108 та моддани синтезлаб, кимёвий тузилишларини аниқлади – бу тайёр номзодлик диссертацияси эди. Унинг ўзи ҳам, устоз ҳам мамнун эди. Иттифоқо Ўш педагогика институтидан кимё масалаларига бағишлаб ўтказиладиган анжуманга таклифнома келиб қолди. Унга ёш, истеъдодли ассистент сифатида

<sup>1</sup> Толуол – синтетик йўл билан олинадиган кимёвий бирикма, метил-бензол.

Иброҳимжон Асқаров юбориладиган бўлди. У домласи билан маслаҳатлашиб, ўз илмий тадқиқотлари тўғрисида мухтасар маъруза тайёрлаб олди.

Асқаров анжуманда ўз маърузасини дадил ўқиди. Бу унинг катта ўқув даргоҳидаги йирик йиғинларда биринчи қатнашиши, мутахассис-тадқиқотчи сифатида дастлабки эътиборли чиқиши эди.

Мавзуга, тадқиққа олинган моддаларнинг амалий аҳамияти ва иқтисодий самарадорлиги тўғрисида анжуман иштирокчиларидан саволлар тушди. Иброҳимжон жавобда ўз иши, қарашлари, фаразларини исботлашга ҳаракат қилди, назарида бунинг уддасидан чиқди ҳам, бироқ кейин саволларнинг бежизмаслигини ўйлаб, иккиланиб қолди, мавзудан совуди. Чиндан ҳам ҳар қандай тадқиқотнинг натижаси муҳим-ку, агар жамият ҳаётида дурустроқ асқотмаса, илм-фан ривожига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилмаса, бунақа илмий изланишлардан нима маъно?!

Асқаров аспирантурага интиларди. Устозлари ва хайрихоҳ ҳамкасблари Тўхтасинбек Насриддинов, Неъматжон Мадихоновлар ташкилотчилигида Тошкент Давлат тиббиёт институтига йўлланма берилди. Худди ўша пайтда Абдулхамид Махсумов Нефтни қайта ишлаш илмий-текшириш институтидан Тошкент Тиббиёт институтининг органик кимё кафедрасига мудир бўлиб ўтган экан. У эртасигаёқ жамоавий йиғилишда Иброҳимжонни кафедра аъзолари, ассистент ва аспирантларга таништирар экан, катта ўқитувчилар Ольга Васильевна ва Абдумажид Усмоновлар номзодлик ишлари юзасидан илмий тажрибаларни ниҳоясига етказишгани, энди диссертация ёзишга киришишлари муносабати билан уларнинг дарсларини Андижондан келган янги стажер-аспирант ўтишини эълон қилди. Мана шу ва бошқа ўқув, илм даргоҳларида Махсумовнинг жаъми йиғирма иккита шогирди кимёнинг турли соҳалари бўйича номзодлик диссертациялари устида иш олиб борарди. Асқаров уларнинг сафига йиғирма учинчи бўлиб қўшилди. У «Носиметрик диацетилен диэфирлари синтези ва улардан тиофен ҳосилаларини цикллаш» деган темани танлади.



Ўша даврларда табиий фанлардан номзодлик диссертацияси ёклайдиган ёш тадқиқотчиларга мавзу юзасидан илмий тажрибалар (материал йиғиш, экспериментлар ўтказиш) – тайёргарлик учун икки йил, диссертация ёзишга – уч йил, жами беш йил муҳлат бериларди.

Металлоценлар кимёнинг энг мураккаб соҳаси, ферроцен – метоллоценларнинг бири эди. Таниқли олимлар Вудворт (инглиз), Шлөгель (немис), Несмеянов, Кочеткова, Сергеев (Россия), Асатиани (Гуржистон), ўзбеклардан Махсумов, Насриддиновлар металлоценларнинг ҳосилаларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб боришган, аммо диаценил диэфирлари асосида параферроценил ҳосилаларини аниқлаш етарли ўрганилмаган эди.

«Низомий панжасига панжа урмоқ...» деганларидай, Ирбоҳимжон фавқулодда масъулиятли майдонга кириб қолганини фаҳмлади. Унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юкланган эди:

1. Параферроценилфенол (таркибида темир сакловчи металлорганик бирикма) асосида таркибида тўйинмаган ацетилен боғламаларини сакловчи носимметрик диэфирларни синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

2. Олинган янги моддалар асосида цикллаш реакцияларини ишлаб чиқиш орқали гетероциклик бирикмалар ҳисобланган тиофен ҳосилаларини синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

3. Олинган янги моддаларнинг кимёвий тузилишини спектраль ва бошқа усуллар ёрдамида исботлаш;

4. Тоза ҳолда олинган янги моддаларни антидетонаторлик ва рентгеноконтраст хоссаларини текшириб, улар орасидан бензиннинг октан сонини оширувчи ва беморларни рентген анализидан ўтказишда қўлланиладиган янги моддаларни аниқлаш.

Асқаров илмга астойдил киришди.

Ўз илмий ишининг йўналиши ва шунга яқинроқ соҳаларнинг енгидан кириб ёқасидан чиққан улуғ устозлардан хаёлан изн, фатво сўраб, уларнинг илмий мақолалари, рисоаларини муқкасидан тушиб ўқиди, тажриба усуллари билан чуқур та-

нишди ва асосий диққатини аввалги тадқиқотчиларнинг назаридан, эътиборидан қочган жиҳатларга қаратди. Спектрофотометр ва бошқа ускуналарга янада қаттиқроқ ёпишди, уйку соатлари янада қисқарди. Унда лабораторияда тунаш кўникмаси аввалдан бор эди. Ярим кечагача ишлаб, сахар, бошқалар ишга келгунча хонани шамоллатиб, колбалар ва бошқа асбоб-анжомларни ювиб-тозалаб, ҳамма нарсани йиғиштириб жойига қўйиб қўярди. Лекин баъзан тонг ёришиб кетганини ҳам пайкамай қоларди. Бир куни эрталаб Махсумов барвақт кириб келди – у нахорги ошга – тўйга борган экан. Хонадан моддалар ва қизиб кетган ускуналарнинг ҳиди батамом чиқиб улгурмаганди. Аввалига таажжубланган раҳбар гап нимадалигини англагач, Асқаровни енгил койиди.

– Ҳай-ҳай, зинҳор бундай қила кўрманг, ахир ўзингизни захарлаб оласиз-ку, – деди у оталарча меҳрибонлик билан.

Устозлари Ғулмнаби Ҳакимов, Абдулҳамид Махсумовларнинг ишончини оқлаши, «Қани, бунинг кўлидан нима келаркин?» дегувчилар олдида нималарга қодирлигини исботлаши ва мумкин қадар дурустроқ маош оладиган бўлиб юртга қайтиши, отасига ёрдам бериши лозим эди. У майда экспериментларга ҳам эринмас, ишнинг машаққатидан зорланмас, бошқалардай шаҳар хиёбонларида сайр этмаганидан, кинога тушмагани, ресторанларда маишат қилмаслигидан нолимас эди. Фақат олис бир туманда туғилиб ўсгани, мактабда ҳам, институтда ҳам ўзбекча ўқигани боис рус тилига қийналарди. Гапириш, ўзаро мулоқотни-ку эпларди. Лекин ёзма, грамматика деган нарсалар унга бўйин эгавермасди. (Шунинг учун ҳам кейинчалик барча фарзандларини рус мактабларида ўқитди). Диссертациялар, хусусан табиий фанлар бўйича фақат русча ёзилиб, шу тилда ёқланарди. Кимё лаҳжаси янада мураккаблигидан тил айланиши, тўғри талаффуз қилиш қийин эди. Русча-ўзбекча сўзлашув ва соҳага оид илмий луғатлар Иброҳимжоннинг доимий йўлдошига айланди. Кўзини очибок болиш остидаги луғатга ёпишар, тамадди пайтларида ҳам бир кўлида сўзлик-китоб турарди.

## НАҲОТКИ СЕВМАГАН БЎЛСА?

Дарвоқе, шу орада Иброҳимжон уйланган эди. У қадар катта дабдаба билан ўтмаган бу тарихий воқеа номзодлик иши юзасидан Тошкент Тиббиёт институтида амалиёт ўтаётган ва пойтахтда, ижарада бир ярим йил яшаган вақтларга тўғри келди.

Одамларда таржимаи ҳоллари мураккаб, ғайритабиий воқеа-ҳодисаларга бой таниқли кишиларнинг муҳаббати ҳам ўзига хос ва ғаройиб бўлади деган тасаввур бор. Бу маънода Асқаровнинг умрлик ҳамроҳга эришиш қиссаси бир мунча соддароқ...

У институтни битириб, эътиборли жойда – ўзи илм олган олийгоҳда ишлай бошлади, аспирантурага кирди, диссертацияни ҳам ёзиб бўлаёзди, лекин ҳамон онанинг қийин-кистовига рад жавобини берарди. Ҳолбуки, у тенгилар, аёллар таъбири билан айтганда, «камида иккитадан фарзандлик бўлишган»ди. Марҳабохон опа ҳам бошқа бувилар каби тезроқ набирасини суйиб эркалагиси келарди. Тўғри, тўнғич қизи Ёқутхондан набиралари бор, лекин уларнинг уйи бошқа, ҳар замонда бир келишади-да. Ёлғизгина ўғилгинасининг зурёдлари ҳар доим атрофида пилдираб, чулдираб юришига нима етсин! Иброҳимжон «озгина чала ишларим бор, шуларни битириб олай», деб онажонисининг режаларини орқага сургани-сургани эди. Ундан садо чиқавермагач, Марҳабохон опа, Қодиржон амаки ва унинг хотини (улар Сузоқда яшашарди) хуфёна бир маслаҳатга келишди-да, узокроқ қариндоши Маннурахонни Иброҳимжонга кўрсатишади. Эндигина мактабни битириб, оқи оққа, қизили қизилга ажралган Маннурахон Олабуқа тумани партия кўмитаси биринчи котиби Ўсаржон Йўлдошевнинг беш қизидан учинчиси эди.

– Кўнглинда бошқа биров бўлса, тортинмай айтавер, – дейди она андак қувлик билан ўғлининг кўзларига синовчан боқиб.

Қизнинг оғир-босиклиги сезилиб турар, бошқа жиҳатлари ҳам чакки эмас эди.

– Мен ёлғиз ўғилман, сизга маъқули – менга маъқул, – дейди йигит ҳаяжонини сиртга чиқармасликка уриниб.

Кейинчалик журналистлар таажжуб билан «Наҳотки уйлангунча биронтасини севмаган бўлсангиз?» деган саволни кўп беришган Иброҳимжонга. Дарҳақиқат, «ўн саккизга кирмаган ким бор, қизларга атаб гул термаган ким бор» деганларидай, тўрт мучаси соғ, қадди-басти ҳам, хулқи-одоби ҳам ҳавас қилгулик, яна шаҳар кўрган, институтни битирган, беш минути кам фан номзоди наҳотки синфдош ё курсдош қизларнинг биронтасига дам-бадам елкаси оша зимдан қараб-қараб қўймаган ё биронта зебо санам кийғоч қошлари, узун киприклари орасидан унга кўз сузмаган бўлса?

Аслида, ўсмирлик оёқлаб, ўтлиғ йигитлик палласига оёқ қўйган, қизил гулларга нигоҳи тортилиб, булбул хониши кулоғига хуш ёқадиган бўлиб қолган, индаллосини айтганда, кабутару мусичаларнинг бир-бирига суйкалиб эркаланишлари маъноси ва мағзини чақа бошлаган йигитнинг гўзал бир дилдор дийдори, васлига мушарраф бўлмоққа интилмаслиги, талпинмаслиги ғоят тушуниксиз, камёб ҳол. Иброҳимжон ўша даврларда машҳур бўлган «Лайли ва Мажнун», «Фарход ва Ширин» дostonларини берилиб ўқир, спектаклларни завқ ва ҳаяжон билан томоша қиларди. Бинобарин, Отабек ва Қумуш, Маҳкам ва Гавҳар, Пўлод ва Гулрўларнинг жўшқин ва аламли ишқ қиссалари юрагини зириллатмаган, қалбида сирли ва тотли ҳиссиётлар уйғотмаган бўлиши мумкинмикин? Камина ҳам «Балки ойдин кечаларда... юрса, юргандир, буни ўзгалардан пинҳон тутаётгандир, начора, бу унинг ҳуқуқи...» деган мулоҳазаларга борган эдим. Иброҳимжон: «Бир нарсага қаттиқ берилган ва интилган одам бошқа ҳар қандай ҳоюҳавасу туйғуларни батамом унутиб юбораркан» дегач, ростдан ҳам унинг гапларига ишонмоқ керак шекилли, деган фикрга келдим.

Дарҳақиқат, ишқ, ишқибозлик фақат бандага нисбатангина эмас, балки бошқа нимарсаларга нисбатан ҳам жўшиб-мавжланадиган маромсиз, мезонсиз, жиловсиз бир ҳиссиётдир.

Бадий ижодга, мусаввирликка берилишни ошикона туйғуларсиз тасаввур қилиб бўлмас, илло, бу хулосани илмфанга рағбат, майл тўғрисида билдириш истиҳолали, гумонлидир. Зеро, илм шундай бир тилсимки, шундай бир гирдобки, унинг домига тушиб, сеҳру жозибасига грифтор бўлган кас бошқа машғулоти юпанчлар ва ўзга иштиёқлардан маълум муддатга йироқлашуви, мосуво бўлмоғи мумкин. Иброҳимжон Асқаров ҳам ошиқларнинг ана шу тоифасига, яъни илмга мафтун ва уни ўзига марғуб сайлаган волаи шайдо эди. Демак, дуркун коматли, сочи узун, қоши қаро, қирмиз юз соҳибжамоллар ҳақида хаёл суриш, улар ортидан гул кўтариб югуриш ё панапасткам жойларда пойлаб ўтиришга кетадиган вақт, хаяжон ва эҳтиросларни илм олишга, номзодлик диссертациясини ёзиб тугатишга ва умр йўлларини, келажагини белгилаб олишга сарфлашни дилига маҳкам туккани аён эди.

Балки ўша маҳалларда кашфиётчи, фан муаллифи даражасида камолотга етиш, кўпларда ҳайрат ё ҳасад уйғотишни умид қилмагандир, бироқ ўз ихтисослигини пухта эгаллайдиган педагог, етук кимёгар бўлишдек саодатга эришмоғига имони комил эди. Ўзининг эътирофича ҳам ўша маҳалларда қизларга қиё қараш, яхши кўриш масалалари билан шуғулланишга унинг фурсати йўқ эди – ҳар бир дақиқани қизғонарди, қандай бўлмасин, ўқишни яхши битиришни, кейин дурустроқ ишлаб, рўзгор тебратишда ёлғизқўл отасига кўмаклашишни асло эсдан чиқармасди. У билардики, агар бирон «томоғининг таги маржонлик»ка илашиб қолгудек бўлса, бутун хаёли ўшанга кетиб, ҳаловатини, нафақат ҳаловатини, балки мувозанатини ҳам йўкотади-да, илмдан чалғийди. Балки шу боис у туну кун илм отлиғ нозанин билан ҳамнафас, ҳамроз бўлиб, фақат у билан сирлашиб, фақат у билан шакаргуфторлик қилиб, фақат унинг тотли ва умидбахш ваъдаларига маҳлиёлик билан, ўзининг жисму руҳини унга бахшида этиб умр кечиргандир. «Фан номзоди бўлсам, осмондаги ойни узиб оладигандек эдим гўё», дейди Иброҳимжон ўзини оқлабми ё ёқлаб. Эҳтимол шу важдан қанча пари чеҳраларнинг истиғноли ва маъноли қарашларини чиндан-да безътибор қолдиргандир.

Ё, балки азал котиблари унга Маннурахонни асраб, хатлаб қўйгани сабабидан ўзгаларнинг ҳусни-малоҳатию, меҳригиёси йигит диққатини жалб этолмаган, юрагига ғулу сололмагандир. Ростми, ёлғонми, Иброҳимжон ҳатто қизларнинг унга битган ишкий мактубларига жавоб ёзиш ўрнига уларни йиртиб ё ёқиб юбораркан. (Шуниси анча муболағадай туюлади кишига). Номаларнинг муаллифалари йигитнинг бу «хурмача қилиғи»ни димоғдорликка, анжанча карандаликка йўйиб, но-зик, аламзада бурунчаларини «пуфа сассиқ» тарзида жийириб юришаркан. Балки бу бепарволиклар Иброҳимжоннинг муҳаббат моҳиятига, қудратига ортиқча баҳо берадиганлар тоифасидан эмаслиги, балки севги – ёшлик эҳтирослари билан боғлиқ ўткинчи туйғу, оила учун зарури ўзаро ҳурмат, меҳр ва садоқатдир, дейдиганлар билан маслакдошлиги оқибатидир. Ошиқу беқарор бўлиб турмуш қуришган аксарият жуфтликларнинг кейинчалик бир-бирларини беҳурмат, беобрў қилиб ажралиб кетишгани ҳақидаги гапларни эшитиб шундай хулосага келгандир. Бироқ, аввал қизларга безътибор бўлган эсада, Маннурахон билан кўришув маросимидан кейин юрагида ажиб бир ҳис-туйғулар туғён урмагани ва тўй кунларини интизорлик билан кутмаганига ишониш қийин. Ким билади, балки бўлажак келинчакни илгаридан кўз остига олиб юрган бўлса ҳам буни ошкор этгиси, сир бой бергиси келмагандир.

Ҳарқалай, Иброҳимжон кейинчалик севишиб уйланмаганига афсус-надомат чекишга асос кўрмагани, ҳожат сезмаганини яширмайди. Балки унинг қалбини, интилиш ва мақсадларини, феъл-атворини тушуниб шунга мослашадиган, эрнинг хоҳиш-иродасига зид иш тутмайдиган, ҳуда-беҳуда хархашалари билан юрагини сикмайдиган, аксинча, илмий ишларининг рўёбга чиқишига сўзи ва қўли билан кўмак берадиган умр йўлдош ато этгани ва ундан солиҳ ўғил-қизлар кўргани ҳамда энг муҳими, онажониси ўзига ёққан келин танлаганидан мамнунлиги учун Яратганга шукр келтирар. Фақат унда аёл зотини ўзига мақташ уни ҳаволантириб, орадаги сирлиликка, самимий муносабатга, меҳрга путур етказиб қўйиши мумкин, деган фикр йўқ эмас чоғи.

Хўш, Маннурахон-чи? Бизнингча, у ҳам ҳаёти Иброҳимжон Асқаровдай меҳр-муҳаббати, умуман муносабати гап-сўзларидан эмас, муомаласидан, қарашларидан, кайфиятидан англашилиб турадиган жасур, олижаноб ёстикдош билан боғлангани учун тақдирдан миннатдор бўлса керак, албатта. Зотан, у ҳам асосий шиори йигитлар аклини олишдан иборат бўлган сузук кўз ойимтилла-нозанинлардан эмас эди ва айнан шу жиҳати қишлоқда, шарқона одоб-ахлоқ руҳида тарбия топган Иброҳимжоннинг идеалига мос келиб қолган эди. Умуман олганда, киз зотининг сўроқ-анкетасидаги «келишган-келишмаган» деган 1-банди шартини, андозасига росмана ижобий жавоб берадиган Асқаровнинг яна чехраси очик, чапдаст, шахдамлилиги, аксарият қизларнинг сусти, дамдуз ва лакмаларни хуш кўравермаслиги нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, Маннурахоннинг ҳам бахти келишгани, омади чолганига имони комиллиги аниқ эди.

Шундай қилиб, тўй 1973 йил 14 апрель куни бўлиб ўтган эди. Иброҳимжон Тошкентда ижарада яшарди. Энди унинг бир оёғи Жалакудукда, иккинчиси Тошкентда ё Москвада номзодлик диссертацияси ташвишлари билан бош урадиган илмий даргоҳларнинг йўлакларида кезарди.

\* \* \*

Асқаров илмий тажрибалар жараёнида бир йўла диссертацияни ҳам қоғозга тушириб борди. Маннурахон уларни Чилонзорнинг Пионер кўчасидаги кўп қаватли 1- уйда, бир хонали ижараларида «Оптима»да машинкаларди. Машинкани Иброҳимжоннинг катта тоғаси, яъни катта бувисининг укаси Мадаминжон (вилоят пахта трестида бош ҳисобчи эди) олиб берган эди. Жиянини қоғоз билан таъминлаш ҳам ўша тоғанинг зиммасида эди. Иброҳимжон шу нарсага кўп зориқарди. Чунки тез ва йирик ёзгани учун икки-уч жумла ва уч-тўртта формула билан саҳифани тўлдириб кўярди.

Маннурахон машинкани ҳали пухта ўзлаштириб олмагани сабабли куни бўйи, жуда секинлик билан кўчиради. Боз устига формулалар – шакллар кўп матнни тушунарли қилиб

жойлаштириш ҳам машаққатли эди (Кейинчалик Маннурахон машинкачиликни ҳадисини шунақа олдики, энди жуда тез ай-тиб турадиган Иброҳимжонни ҳам шошириб қўядиган бўлди).

Иброҳимжон келинчакни тезроқ ёзишга қистар, машинкадан чиққан қисмини, бир саҳифами, икки саҳифами, олиб кетиб, доцент Алексей Никифорович Криженковнинг ҳолироқ, кайфияти созроқ вақтини пойлаб ўқитиб оларди. Аспирантнинг наздида натижалар ёмон эмас эди. Тунни тонгга улаб қилинган меҳнатлар эвазига:

– Ўндан ортиқ янги диацетилен диэфирини биринчи марта синтез қилинди ва уларнинг детонацияга қарши хусусиятлари лаборатория шароитида текширувдан ўтказилиб, таркибида хлор сакловчи диэфирлар бензиндаги октан сонини 10 бирликка ошириши мумкинлиги исботланди. Бу эса мазкур жараёнда ҳосил бўладиган захарли газлар миқдорини ҳам камайтиришга имкон беради.

– Таркибида йод сакловчи ҳосилалар эса кучли рентгеноконтраст хоссага эга эканлиги ҳайвонларда (масалан, қуёнда) синая кўрилди ва исботланди.

– Циклаш реакциялари натижасида йигирмадан ортиқ тиофен ҳосилалари ўрганилганда улар орасида зарарли бактерияларни ўлдириш хусусиятига эга бўлган янги моддалар борлиги аниқланди.

Булар айтмоққа осон ишлар. Амалда эса ҳар битта тажрибадан бирон янги ижобий самара олиш учун асбоб-ускуналар, кимёвий моддалардан чиқадиган нурлар, захарли ҳидларга кўмилиб ҳафталаб ўтиришга тўғри келарди. Бир реакцияга камида бир ой вақт кетади. Баъзан ҳеч нарса чиқмай, қанчалар хуноб бўлади ёш тадқиқотчи. Дарҳақиқат, бир умр ишлаб битта реакцияни амалга оширолмайдиган кимёгарлар бўлади, дейишади.

Хуллас, саъй-ҳаракатлар, омад, ота-оналар ва устозларнинг дуолари самараси ўлароқ Асқаров Махсумовнинг 23 шогирди орасида биринчи бўлиб фан номзоди деган илмий даражага, шарафли унвонга эришди. Илмий тажрибалар оғир кечган эса-да, диссертацияни тез ва ўз наздида муваффақиятли ёзиб



тугатганидан мамнун эди, аммо химоя жараёнлари уни хийла югуртирди, анча терлатди. Умуман Асқаровнинг кўп йиллари машхур олимлар Альберт Эйнштейн, Ҳабиб Абдуллаевларнинг дастлабки ҳаёти каби нохушликлар, укубатларга «бой» бўлди. Нисбийлик назарияси ва бошқа кашфиётлари билан физикада инқилоб ясаган Эйнштейн азбаройи етишмовчиликдан илмий масалалар билан шуғулланишга ҳам ҳолсиз вазиятларга тушган, умрининг кўп қисмини сарсон-саргардонликда, тазйиқларда кечирган; кейинчалик геология фанининг даҳоларидан бирига айланган Ҳабиб Абдуллаев эса отаси қазо қилиб (у ҳам жанглarda яраланган эди), оиласига қарашиш учун меҳнат фаолиятини жуда барвақт – ўн икки ёшидан бошлашга мажбур бўлган эди. Иброҳимжон Асқаров Эйнштейн каби умрбод буйрак касалига чалинмаган ва Абдуллаев сингари катта миқёсдаги ҳуружларга рўпара келмаган бўлса-да, ҳарқалай, унинг ҳам ҳаёт сўкмоқларида уйдим-чукурлар, ғов-тўсиклар кўп учрарди. (Кейинчалик ҳатто ҳаётига тахдидлар ҳам бўлди).

## «КИТ»ЛАР ЎРТАСИДА

Диссертация Тошкент Давлат университети кимё факультетининг илмий кенгашига тавсия этилган эди. Асқаров семиз папкасини кўлтиклаганича дорилфунунга олиб бориб, факультет декани, кимё фанлари доктори, Қозоғистон Фанлар академиясининг академиги, илмий кенгаш раиси Шукур Толиповга учради. Академик дастлаб аспирантни очиқ чеҳра билан қаршилаган эди. Ишни варақлай туриб, бирдан авзои ўзгарди.

– Раҳбаринг «фалончи» экан-да, – деди у Иброҳимжонга кўзойнак устидан ижирғангандай қараб, – ўзи докторлигининг тасдиғини ололмай юрибдию, сенга қандай раҳбарлик қилади? Йўқ, қаерга борсанг боравер, бизда ёқламайсан. Устозингга мени гапларимни етказиб қўйгин.

Устози ҳақидаги гаплар Асқаровни баттар ранжитди. Абдулҳамид Махсумов жуда ғамхўр, меҳрибон илмий раҳбар, азбаройи шогирди кўплигидан улар билан андармон бўлиб, ўз ишларини жадаллаштиришга ошиномас, бундан ташқари, та-

биатан оғир-вазмин, мулоҳаза билан иш юритадиган камтарин инсон эди. У докторликни ҳам ёқлагану фақат унинг тасдигини москвадагилар нимагадир тутиб туришганди. Кейинроқ ҳаммаси изга тушди, Махсумов домла бошқа мартабаларга ҳам эришди, ўз соҳаси бўйича таникли кимёгарлар сафидан жой олди.

Иброҳимжон Шукур Толиповичга таъналари унчалик асосли эмаслигини, устозининг етук, олижаноб олимлигини тушунтиришга ҳаракат қилди.

– Йўк, бекорга овора бўласан, қаерда ёқласанг ёқла, аммо бизда эмас!..

Иброҳимжон бир-икки кун боши қотиб юрди. Ўйлаб-ўйлаб, ўзича бир илож топди. Шукур Толиповнинг ўғли Гасем (асли исми Қосим, аммо ғайримиллат ходимлар ёзиб беришган паспортига кўра шу тарзда оммалашган эди) Шукурович Асқаров олти ойлик амалий тажриба ўтказган Ўрта Осиё Нефт маҳсулотларини қайта ишлаш илмий текшириш институтида лаборатория мудирини эди. Иброҳимжон тиришқоклиги, киришимлиги билан унда яхши таассурот қолдирганди.

Иброҳимжоннинг чораси бир қарашда болаларча хатти-ҳаракатга ўхшаб кўринарди. Аммо унинг узок йиллик заҳматлари, изланишлари, ютуқларини кадрламаган айрим ҳамкасбларига нимага қодирлигини кўрсатиб, бир шахснинг фикри омманинг фикри эмаслигини исботлаб қўйгиси келганини тушунса бўлади. Балки қайсарликка йўйилувчи ана шу дадиллиги, ҳақгўйлиги билан ҳаётда ўзига аталган неъматларни илму сўзи, иқтидори билангина эмас, талашиб-тортишиб, керак бўлса, юлқиб олгандир. Зеро, ҳаёт шуни тақозо этса, унда нима айб? Дадил бўлмасанг, ҳуқуқингни танимасанг, сени туртиб-суриб ўтиб кетишаверса... Демак, инсон қаерда андиша, қаерда дангаллик жоизлигини билмоғи ва шунга риоя этмоғи лозим. Балки Иброҳимжон феълининг куртаклари туғма бўлсада, жабрдийда оила ҳаққини еб, яна муттаҳамлик билан буларни баттар мушкул аҳволга солишдан тоймаганларга нисбатан болаларча қаҳр ва нафрат уйғонган чоғлардан шакллана бошлагандир. Балки, ҳақсизликка, таъмагирликка илк бор дуч кел-

ган «манти воқеаси»дан сўнг бу борадаги дунёқараши, курашчанлик куртаги ниш ургандир.

Зарраларни классификациялашнинг янги усули – элементар зарралар физикасининг энг катта кашфиётчиси М.Гелл-Манн (Нобель мукофоти совриндори): “Ҳа, биродарлар, кийинчиликлардан, азоб-укубатлардан зўр келмоқ учун одамга куч бағишлайдиган саккизта ҳаққоний йўл бор: Булар – тўғри (*халис дейилса янада маъқулроқмидийкин – Қ.К.*) ният, тўғри гап, тўғри хатти-ҳаракат, тўғри ҳаёт кечириш, тўғри уриниш, тўғри ғамхўрлик, тўғри диққат-эътибордир”, деган экан. Аслида америкалик олим майдалаб, ҳижжалаб таърифлаган онгли яшашнинг олтин қоидаларини ундан бир неча юз йиллар муқаддам яшаб ўтган буюк ватандошимиз Баҳоуддин Нақшбанд умумий тарзда, образли қилиб баён этиб қўйган: “Киши ҳар бир қадамини ўйлаб, фикр қилиб боссин. Ташланган ҳар бир қадам бекорга кетмасин”.

Иброҳимжон Асқаров ҳаётнинг мазкур муҳим шартларини буюкларнинг фикрларини ўқимай турибоқ қалбига жо қилиб олган эди. У ҳамиша тўғри гапирар, мақсадига эришиш учун шиддат билан интиларди.

Ҳасем Шукурович ҳам аввалига Асқаровни жуда қизғин кутиб олди, уни кўрганидан мамнунлигини айтди ва «Қандай шамол учирди менинг олдимга?» деб сўради.

– Номзодлик ишини ёзиб бўлувдим... – деди Иброҳимжон.

– Яхши, табриклайман. Хўш?.. – сўради Толипов ажабланган қиёфада.

– Ёқлаш керак.

– Албатта ёқлайсан, сенга ишонаман. Мендан қандай ёрдам керак?

– Отангиз ёқламайсан, деяпти.

– Нимага?

Иброҳимжон бўлган воқеани гапириб берди.

– Ҳа, шунақа дегин. Унда сенга ёрдам беролмайман. Дадам жуда ўжар ва принципли одам. Қолаверса, биз ҳозир гаплашма-япмиз, мен ундан аразман.

Асқаров Гасем Шукуровични бир амаллаб кўндирди. Аммо бир кун аввал Шукур Толипович даволаниш учун стационарга ётган экан.

– Якшанба куни ке, – деди Гасем Шукурович.

Якшанбага салкам бир ҳафта бор эди. Иброҳимжоннинг Тошкентда ётадиган жойи, бошқа қиладиган иши, қолаверса, шунча кунга етадиган пули ҳам йўқ эди. Андижонга қайтди-да, айтилган муддатда Гасем Шукуровичникига борди. Иккови Гасемнинг ГАЗ-24 “Волга”сига ўтириб стационарга йўл олишди.

Гасем Асқаровни йўлакда қолдириб, палатага кириб кетди. Падари бузруквор ўғлини кўриб хурсанд бўлди. Ота-бола қуюқ сўрашиб бўлишгач (овозлар аниқ эшитилиб турарди), Гасем «мехмон бор» деди-да, эшикни очди. Иброҳимжонга кўзи тушган Шукур Толиповичнинг яна феъли айниди.

– Уни бошлаб келдингми? Ҳамма гапни айтганман унга.

– Ишини ўқиб кўрдингизми?

– Ўқимадим, ўқимамайман ҳам.

Ота-ўғил яна анча можаро қилишди. Улар русча сўзлашишар ва шарқона андишага у қадар риоя қилавермас эдилар.

– Сиз Алининг аламини Валидан олмай, аввал Асқаровнинг диссертациясини бир кўриб чиқинг, ота. Мен Иброҳимни яхши биламан, у мени лабораториямда ишлаган, калласи зўр, бунақа талантли ёшлар доим ҳам учрайвермайди. Кейин мени тўғри айтган экан, дейсиз.

– Ҳа, яхши, – деди профессор қовоғини уйиб. – Сен, – Асқаровга юзланди, – келаси душанба куни деканатга бор, ўша ерда гаплашамиз.

Иброҳимжон яна Андижонга қайтди. Бир ярим ҳафтадан кейин тагин поездга чиқди. Ўша пайтда у бирон ерда ишламагани учун чўнтаги ҳам курукроқ, катта оилани боқаётган отасидан ҳадеб пул сўрашга юзи чидамасди. Бировдан қарз кўтаришни тасаввур қилолмасди. Шунинг учун борини тежаб-тергаб сарфлашга уринарди.

Шукур Толипович уни кўриб яна тутаб кетди.

– Сен бола, нимага ўғлимни орага солиб юрибсан? Бизни уриштириб ўйнамоқчимисан?!

– Бошқа танишим бўлмаса нима қилай, ахир уч йил меҳнат қилиб қўйдим, диссертацияни ёклашим керак, соҳам бўйича илмий кенгаш фақат сизларда бор экан. Илмий раҳбаримнинг докторлик диссертациясини Москва ушлаб турган бўлса, айб мендамас-ку. Ўзингизнинг вақтингиз бўлмаса, бошқа олимлар ишни кўриб чиқишсин, улар диссертация хом экан дейишса, майли, кетавераман. – Асқаров йирик олимга нисбатан кескин ва юз-хотирсизлик билан эътироз билдираётганини англаб турарди, аммо ҳақлигига ишонган ҳар қандай вазиятда ўзини эркин ҳис этиш унинг табиатидаги ўзак унсурлардан эди. Айнан мана шу феъли илмнинг сирли маҳзанларига элтувчи лабиринт-симон сўқмоқларидан дадил юриб, унинг мураккаб қурилмали эшикларини дангал очиб кириш ва умуман, ҳаётда мақсадга интилиш шамойилига айланган асосий омиллардан бири эди.

Лекин улуғ олимлар нечоғлик талабчан, шафқатсиз бўлишмасин, давомчиларни кўкрагидан суриб ташлашга журъат этмайдилар.

– Ҳа, яхши, қани аризангни бер-чи, – деди илмий кенгаш раиси.

Иброҳимжон елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортди. Бироқ, Шукур Толипович аризанинг юқори бурчагига «*Органик химия кафедраси мудири Абдурасулова А.Р.га. Иш син-циклаб кўриб чиқилсин. Муҳокамада профессорлар Сидорова Н.Г., Отрашенко О.С., Гребенюклар албатта қатнашсин*» деб ёзди-да, қоғозни ма, деб Асқаровнинг қўлига тутқазди.

Насаблари қайд этилган русий забон олимлар жуда каттикқўл, аспирантларни терлатиб хузур қиладиганлар тоифасидан эканлигини Иброҳимжон эшитган, лекин у ўзига ишонарди.

Муҳокама уч соат давом этди. Асқаров йиғилиш баённомасини кўтариб, яна Шукур Толипович қабулига чопди. Профессор ўчакишгандай яна стационарга тушиб қолган экан. Унақа жойга қуруқ қўл билан бориб бўлмасди... Иброҳимжон

Тошкент билан Андижон ўртасида бўзчининг моккисидай қатнайвериб, ҳамёни баттар пуччайиб кетган эди.

– Ҳмм... Бир амаллаб муҳокамадан ўтказибсан-да, – деди профессор саккиз саҳифадан иборат баённомани диққат билан ўқиб чиққач. – Ҳўш, энди етакчи илмий ташкилотга қаерга борасан?

Таомилга кўра диссертант илмий кенгаши бор бошқа бир илм даргоҳининг кўзга кўринган вакилларида фикрнома – тақризлар олиши, бунинг учун диссертацияни олиб бориб, уларга ўқитиши лозим эди.

Иброҳимжон яқинроқ кўшни республикани танлади.

– Қозоғистонга борсам бўладими?

– Йўқ, – деди профессор кескин.

– Белорусия университети?..

– Йўқ.

– Бокуга...

– Йўқ.

– Тбилиси...

– Йўқ:

– Новосибирск?..

– Металлоценларнинг отаси қаерда? – сўради яна Шукур Толипович.

Кимё соҳасида, Иброҳимжон Асқаровнинг мавзуи («Парафенроценил-фенолнинг носимметрик диаценил диэфири синтези ва уларни тиофен ҳосилаларига цикллаш»)га бевосита дахлдор ваколатли илмгоҳлар мамлакатда санокли эди.

– Москвада, – деди Иброҳимжон бўшашиб.

– Ҳа, баракалла. Москвага бориб, ўша ерда мавзуинг бўйича маъруза қиласан ва шахсан академик Несмеяновнинг имзоси билан баённома олиб келасан.

Асқаров анграйиб қолди. Академикнинг амри-фармони халқ эртақларидаги «Фалон юртнинг фалон тоғидаги ғорга бориб, уч бошли аждарҳони енгиб, унинг жони сакланадиган қутичани олиб келасан» деган ҳаёт-мамот шартини эслатиб юборган эди. Несмеянов Александр Николаевич ниҳоятда улкан «дев» – СССР Фанлар академиясининг Элементоорганик

бирикмалар кимёси илмий-текшириш институти директори, Ломоносов номидаги Москва давлат университетига кафедра мудири, СССР Олий аттестация комиссияси раиси, икки карра Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ва ҳоказо, казо, казо... эди. Лекин гап бундагина эмас эди.

- – Москвага боргани пулим йўқ, домла, – деди Иброҳимжон.
- Бу – сени муаммойинг.

Шукур Толипович фақат «фалончи»га ўчашибгина эмас, балки феълдаги қайсарлик ва кескирлик сабабли ҳам талабни қаттиқ ва кескин қўяётганига ишонч ҳосил қилган Асқаров бошқа чораси йўқлигига амин бўлди. Отаси новвосни берармикин?

Раҳмонжон ака Андижон Давлат тиллар институтида ўқиётган иккинчи қизи Шоҳидахоннинг сеп-сирғаси, тўйига атаб буқа боқаётган эди. Иброҳимжон Тошкентдан қайтгач, ноилож отасига ёрилди. Давр, шароит тақозоси билан ўқий олмаган Раҳмонжон ака ёлғизгина ўғлининг ўзи каби қишлоқда тупроқ-чангга аралашиб қолиб кетмаслигини, дурустроқ инсон бўлиб етишишини жон-дили билан хоҳлар ва Худодан тиларди. Новвосни шартта сотиб, пулини, бир сўм ҳам олиб қолмай, Иброҳимжонга тутди.

– Бориб, диссертациянгни муҳокамадан ўтказиб, ўзингни ҳақлигингни исботла, биздан хижолат бўлма, – деди у ўғлининг елкасини силаб. – Ўқиб, униб-ўсгин. Келажак – илм, техника ахлиники. Яратган ҳамиша ўз паноҳида асраб, йўлларингни беҳатар, мушкулларингни осон қилсин.

- Отадан сўнг она ҳам алоҳида дуо қилди.

Иброҳимжон Москвада Вавилов кўчасини икки кун излади. Гарчи бу сершовкин ва аҳоли зич, йўллари турли уловлар билан тиғиз шаҳарда илгари бўлган эса-да, барибир анча довдиради. Катта пойтахт поёнсиздай, боши-охири йўқдай туюларди. Асқаров Москвага дастлаб 1968 йили, талабалигида амалиёт сафари билан, 1972 йили эса раҳбар сифатида талабаларни амалиётига олиб борган эди.

Элементоорганик бирикмалар кимёси илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари Асқаровни институт

кошидаги «Симос» – металлоорганик бирикмалар синтези лабораторияси мудири, кимё фанлари доктори, профессор, СССР Давлат мукофоти лауреати Кочетковага йўллади.

Надежда Сергеевна пастроқ бўйли, чапдаст, қаттиқ-қаттиқ гапирадиган аёл эди. У Асқаровнинг диссертациясига кўз югуртириб чиқди-да, бир ҳафтадан кейин, чоршанба куни, соат ўнга кел; деди.

Иброҳимжон Москвани айланди. Орада кадрдони Насимжон Абдурахмонов таклифи билан Ригага ҳам ўтиб келишди.

Чоршанба куни белгиланган вақтда – соат ўну нол-нолда таниш эшикни чертди. Ичкаридан «киринг», деган овоз эшитилди. Асқаров остонада кўринишига Надежда Сергеевна девордаги катта соатга қаради: 10-00 эди.

– Айтилган муддатда етиб келганингиз сизнинг қандай инсонлигингизни кўрсатиб турибди, – деди у кўтаринки кайфиятда. – Диссертациянгизни ўқиб чиқдим, яхши. Аммо, анча-мунча эътирозларим ҳам йўқ эмас.

Кочеткова Иброҳимжоннинг номзодлик иши юзасидан йигирматача фикр-мулоҳазасини тақризи сўнггида илова қилган эди. «Шуларни бир кўриб, кейин келасиз», деди.

Тақризчи профессорнинг эътирозлари орасида жиддий-роқлари куйидагилар эди:

1. *Арил ферроценларининг ҳосил бўлиш реакцияси яхши ўрганилмаган;*
2. *Октан сонини 10 бирликка ошириш илмий асосланмаган;*
3. *Кадио-Ходкевич реакцияси изоҳлаб берилмаган;*
4. *Металлоорганик бирикмаларнинг тўйинмаган бўлишига қарамай алмашиниш реакциясига кириша олиши етарли ишотланмаган;*
5. *Ферроценилфенолнинг барқарорлиги (яъни парчаланиб кетмаслиги) назарий жиҳатдан асослаб берилмаган;*
6. *Ферроценилфенолнинг диатилен диэфери бензиннинг октан сонини 10 бирликка ошириши сабаби тушунтириб берилмаган;*
7. *Тиофен ҳосилаларини ферроцен асосида ҳосил бўлиш тартиби етарли изоҳланмаган.*



Аслида Иброҳимжон Надежда Сергеевнанинг эътирозига сабаб бўлган масалаларни диссертация мавзуининг умумий йўналишидан келиб чиққан ҳолда чуқурроқ шарҳламаган эди холос, шунинг учун уларни муҳим камчилик деб ҳисобламаслик ҳам мумкин эди. Балки Надежда Сергеевна Асқаровнинг ишига биронтаси ёрдам бермаганмикин (бунақа ҳолатлар ҳарқалай учраб турарди) дея шубҳаланиб, диссертантни синаб кўрмоқчи бўлган бўлиши ҳам эҳтимол эди.

– Баъзи фикрларингизга шу ернинг ўзида изох берсам... – деди Иброҳимжон.

– Қани, эшитайлик-чи, – жонланди олима.

– Арил ферроценларининг ҳосил бўлиш реакцияси ўрганилган, аммо диссертация режасида кўзда тутилмаганлиги учун батафсил тўхталмагандим. Иккинчи, октан сонини ошириш махсус моторда синовдан ўтказилган. Таркибида галоген атомини сақловчи молекулалар октан сонининг ошишига сабаб бўлиши аниқ... Учинчи, – Иброҳимжон ручкани олиб, Кадио-Ходкевич реакцияси амалга ошишини формулалар асосида изохлай кетди.

Кочеткова кафтини силтади.

– Баракалла, жавобларингиз қониқарли. Қолгани у қадар аҳамиятли эмас, уларни кейин бир кўриб чиқарсиз. Уч кундан кейин йиғилиш бор, ишингизни ўша йиғилишда муҳокамага кўямиз.

– Мен маъруза қилишим керак, – деди Асқаров.

Кочеткова ҳайрон бўлиб елка қисди.

Иброҳимжон маъруза унга ўзини кўрсатиш учун эмас, балки Шукур Толиповичнинг талабини бажо келтириш учун зарурлигини айтолмасди, албатта.

– Агар шуни хоҳласангиз, марҳамат, – деди профессор.

Асқаровнинг мухтасар баёни йиғилиш иштирокчиларида қониқиш ҳосил қилди, диссертация иши маъқулланди ва баён-нома ёзилди.

– Диссертация муҳокамасида академик Несмеянов қатнашмади-ку, – ёзғирди у ичидаги ғашликни ошкор этиб.

– Нима қипти, шунча олим иштирок этди-ку, сизга бари-бирмасми? – сўради Кочеткова энсаси қотгандай.

– Сизларга минг раҳмат, Надежда Сергеевна. Менга-ку етиб ортади, лекин у ёққа – Ўзбекистонга, дегандай ишора бил-дирди Асқаров, – керак...

– Александр Николаевичнинг иши кўп одам. Уни тутиш жуда қийин. Бизда ҳафтада бир ё икки марта бўлади холос.

– Илтимос, Надежда Сергеевна...

– Қани, мен бир суриштириб кўрай-чи...

У директорнинг қабулхонасига кўнғироқ қилиб котиба билан гаплашди.

– Омадингизни қаранг, шу ёрда экан.

Олима котиба билан келишгач, Иброҳимжонни бошлаб Несмеяновнинг қабулхонасига тушди. У Асқаровни қабулхонада қолдирди-да, унинг диссертацияси ва мажлис баённомасини олиб Несмеяновнинг ҳузурига кириб кетди. Тахминан ўн дақиқалардан кейин Кочеткова эшикни очиб, Иброҳимжонни ичкарига таклиф этди.

Асқаров ҳаяжонланар, юрагининг гурсиллаб ургани атрофга ҳам баралла эшитилаётгандай хижолат чекарди. У Шукур Толиповичнинг писандаси ва дағдағасини эслаб, хозир кресло билан битта бўлиб ястаниб ўтирган, бесўнақай, қовоқ-лунжлари осилган, каттик кўзлари қисилган, бурқсаётган тамаки тутуни орасидан кировчига фақат «Хў-ўш?!» дея гўдайганча қараб турадиган ваҳимали кимсага рўпара келсам керак, деб ўйлаганди. Хона соҳиби – машҳур олим, қатор-қатор унвонли, йирик илмий ташкилотга, юзлаб фан докторлари, профессорларга раҳбарлик қиладиган инсоннинг фавқулодда мулойимлиги, содда ва камтаринлиги, тўғриси, Иброҳимжонни эсанкиратиб қўйди – Несмеянов уч бошли аждаҳога сира-сира ўхшамасди. Лекин бошида деярли сочи йўқ, узунчоқ юзли бу одамнинг салобати бор эди. У кўплаб фан даҳоларига устоз, жумладан, атоқли ўзбек олими, геология-минерология фанлари доктори, руда конлари геологиясининг муҳим муаммоларини ҳал этиш, Ўрта Осиё ер ости бойликларини, хусусан, рангли

ва нодир металллар геологиясини ўрганиш ва ўзлаштириш борасида мислсиз ишлар қилган Ҳабиб Абдуллаевга СССР Фанлар академияси мухбир аъзолигига сайланиши учун фатво берган СССР Фанлар академияси президенти, академик эди.

Надежда Сергеевна унга меҳмонни таништириб, баённомани узатар экан, муҳокаманинг қизгин ўтгани, диссертация маъқул топилгани тўғрисида ахборот бера бошлади. Сўзининг орасида илмий тадқиқотга ўз муносабатини билдириб, Асқаровдан яхши кимёгар олим чиқишига ишониниш мумкинлигини, докторлик ёклашни ҳам ууддалашига кўзи етаётганини кистириб ўтди.

Несмеяновнинг самимийлиги, ишонувчанлиги Иброҳимжонни янада шошириб қўйди.

– Надежда Сергеевнанинг фикри юксак экан. У ҳаммага ҳам бунақа ижобий баҳо беравермайди, демак, ишингиз дуруст. Менга ҳам маъқул, – деди-да, баённома тепасидаги «Тасдиқлайман» деган жойга соддагина имзо чекди ва жилмайиб, Асқаровнинг қўлини маҳкам қисиб қўйди.

«Бизда бундай мансабдор... нинг қабулига кириш ва иш битириб чиқиш... чиндан-да уч бошли аждаҳога рўпара келишдай гап... – дилидан ўтказди Иброҳимжон. – Демак, Шукур Толипович Несмеянов билан мулоқотда бўлмаган, унга шахсан иши тушмаган, фақат ўз атрофидаги ўшандай мартаба ва амалларга эга шахслар ҳақидаги хулосаларига таяниб...»

Директор ҳузуридан учиб чиққандай бўлди. Кочеткова, хонасига киришгач, баённомадаги йиғилиш қатнашчилари қаторига Несмеянов фамилиясини ҳам тиркаб қўйди.

– Энди кўнглингиз жойига тушдими, йигит, – жилмайди аёл. – Анчагина ўжар экансиз, лекин шундай бўлиш ҳам керак.

– Сиздан миннатдорман, Надежда Сергеевна, катта олижаноблик қилдингиз, – деди Иброҳимжон. – Яхшилигингизни унутмайман.

– Мен ўз бурчимни бажардим холос. Ҳаммамиз ҳам илмфанга хизмат қилаётган одамлармиз. Омадингизни берсин.

Юқоридаги баённома расмий маълумот сифатида Тошкентга, университетга Аскарвдан бир неча кун кейин етиб келди. Шукур Толипович энди анча шаштидан тушиб қолган эди.

– У ёқдагиларниям қўлга олдингми, дейман, – деди у хатто ҳазиллашиб.

Иброҳимжон ҳам жилмайиб, кифт қоқиб қўйди.

Шу тариқа Иброҳимжон Аскарв темир органик бирикмалар асосида тўйинмаган эфир ва гетероциклик бирикмалар ҳосил қилиш мавзуидаги номзодлик диссертациясини 1975 йил 22 май куни, 25 ёшида (бунақа ёшда фан номзоди бўлганлар, хусусан табиий фанлар соҳасида жуда кам эди) муваффақиятли ёқлади.

## БОР ОТАНГГА, БОР ОНАНГГА...

Андижонга қайтгач уч ой бекор юрди. Ўзимнинг жойим бору, деб кўнгли тўк эди, аммо институтда унга муносиброк бўш ўрин йўқ экан.

Тоқати тоқ бўлиб, яна ректорнинг ҳузурига кирди.

– Бошқа жойлардан иш суриштираман ҳам бўларди, лекин ўзимнинг кадрдон институтимда бирга ишлаган, менга ғамхўрлик қилган устозларни кўзим қиймаяпти.

«Ғамхўр...»лар орасида ўзининг ҳам борлигини тахмин қилган Ғанижон Абдуллаевнинг қалбида қаршисидаги янги фан номзоди, ёш, иқтидорли олимга нисбатан хайрихоҳлик азалдан бор, бироқ ҳозир чорасиз эди.

– Химия лабораториясида ишлаб тургин бўлмаса, кейин бир иложини топамиз, – деди у хижолат чекиб.

Иброҳимжон, орқа пойи тортиб иш бошлади, лекин ичи чиқмасди. Эғнидаги кўк халати ўзига ҳечам ярашмаётгандай туюлар, ота-оналари, дўст-душманлари олдида хижолат чекарди. Буни ўзгаларга, хусусан раҳбариятга сездирмасликка ҳаракат қилардию, барибир лабораторияга кўнгли чопмасди.

Қолаверса, маоши ҳам оз – 78 сўм эди, энди, гарчи ҳамон ота-она қарамоғида бўлса-да, оилали, фарзандли эди.

Номзодликни қийинчилик билан бўлса-да, муваффақиятли ёқлагани учун, илмдан совумай, қизиклигимда докторликка мавзу олиб ишлаб тураверсаммикин, деган ўй бот-бот юрагига қутку солиб қўярди. Шундай пайтларда уни илмий ишни давом эттиришга даъват қилган, «илм ва истеъдоднинг қадрига етадиган» Кочеткова кўз олдига келар, Москвага бориб, у билан маслаҳатлашиб келиш фикрида юрарди, фақат моддий масала уни иккилантирарди. Ундан-бундан қарз кўтаришни, тоғасидан ёрдам олишни мўлжаллади-да, таваккал деб ректорнинг ёнига кирди. Аммо Ғани Холматович, кайфияти носоз эканми, бошқа сабабми, унамади.

– Йўк, ҳеч қаёққа бормайсан! – деди у қатъий.

– Ўз ҳисобимдан...

– Йўк!..

Асқаров Маориф вазирининг биринчи ўринбосари Насриддин Раҳмоновга (у билан бир тасодиф туфайли таниш эди) қўнғироқ қилиб, орзу-ниятини тушунтирди. Бир оздан кейин котиба «сизни ректор чақиряпти» деб қолди.

Ғани Холматович асабийроқ эди.

– Нимага министрликка арз қилиб юрибсан? Ўзимга айтмайсанми?

– Айтдим, жавоб бермадингиз-ку, – бўш келмади Иброҳимжон ҳам.

Ректор бўшашди.

– Яхши, бир ойга командировкага юбораман.

– Менга бир ҳафтаям етади.

– Майли, бир ойга ёздириб олавер.

Асқаров Москвадан қайтгунча институтдаги «об-хаво» ўзгариб қолган эди. Ректорат уни қабул комиссияси таркибида ишлашга тайинлади. Ҳайрон бўлди. Вазифаси эшик олдида билагига қизил тасма боғлаб, «қирма», «чикма», деб туришдан иборат эди. Бу фан номзоди учун ҳақоратдай бир гап. Ҳолбуки, ичкарида ҳужжат қабул қиладиганлар юқори курс талабалари эди. Тишини тишига қўйиб икки ойни ўтказди.

Хуллас, ректорнинг муносабати совуқ эди. Иброҳимжон бир вақтлар бир оғиз арзи билан ўқишга қабул қилган ва шу даргоҳда ишда қолишига бажонидил розилик билдириб бошини силаган ва кейин ҳам онгида олижаноб раҳбар сифатида ўрнашган одамнинг бирдан тўнни тескари кийиб олиши сабабини тушунолмай гаранг эди. «Вазир ўринбосарига айтганимнинг аламини энди оляптимикин», деб ўйларди.

«Пўм чиқиш»нинг боиси бошқа ёқда экан. Бир куни Ғанижон Абдуллаев чақирди-да, унга босма ҳарфлар билан ёзилган имзосиз хатни тутқазди. Ректорнинг «камчиликлари» қалаштириб ташланган шикоят Асқаров тилидан ёзилганга ўхшарди.

– Албатта, бу хатнинг муаллифи сен эмаслигинга ишонаман, ammo ким бўлиши мумкин? – сўради ректор қизариб.

– Аниқлаймиз.

– Қандай аниқлайсан?

– Суд мед-экспертизасига олиб бораман.

\* \* \*

Иброҳимжон кадрлар бўлимига кириб, гумон қилинган бир неча ўқитувчининг шахсий ҳужжатлари орасидан таржимаи ҳол ва аризаларни олди-да, Тошкентга жўнади. Х.Сулаймонова номидаги суд-мед экспертиза институтига бориб, Косякова деган ходима (у Иброҳимжоннинг номзодлик диссертациясига тақризчи бўлган эди)га учради. Косякова уни дастхатларни ўрганиш бўлими бошлиғи Энвер Ҳасановичга йўллади. Ҳасанов таржимаи ҳоллар ва имзосиз хатни синчиклаб таққослар экан, иккита фамилияда тўхтади. Шулардан бири бўлиши керак, деди. Иброҳимжон кимё кафедрасида ўзга соҳа бўйича фан номзоди, боз устига ёши ўтиброк қолган бир домланинг унга ғайрича қараб, писандалди гап қилишларини эслади.

Ғайирлик, ҳасад, худбинлик... Афсуски, ўқув юртларига ҳужжат қабул қилишда «Абитуриентнинг шахсий сифатлари...»га баҳо-балл қўйиш ва шу жиҳатга алоҳида эътибор бериш керак, деган шарт, қоида йўқ. Ҳолбуки, салбий ху-

сусиятларнинг ижобийларига қараганда «киришувчан», яшовчан ва урчувчанлиги аён. Агар ўша шарт-қоида жорий этилиб, ишга олишда ҳам қўлланганида, одамзот маънавий жиҳатдан анча баркамол ва олам талашув-тортишувлардан бирмунча фориғ бўлармиди...

Ректор ҳақиқатни билгач, майли, ўзига айтмай кўякол, деди ва сўради:

– Сени «фалончи»нинг ўрнига ўтказасакмикин?

«Фалончи» муаллим Иброҳимжонлар ўқишаётганда уларга бир муддат дарс ўтганди.

– Йўқ, – эътироз билдирди Асқаров, – ахир у менинг домлам-ку.

– «Пистончи»нинг ўрни-чи?

– Йўқ, Ғани Холматович, мен умуман бировнинг ўрнини тортиб олиб ишламайман.

– Унда нима қилайлик бўлмаса? Лабораторияда ишлаш сенга ёқмаётганини сезиб юрибман.

– Қандай вазифани лозим кўрсангиз, бажаравераман, фақат бошқаларнинг норизо бўлишини истамайман.

– Мединститутда ишлаб турасанми?

– Майли, домла.

Ғани Холматович Андижон Давлат тиббиёт институтининг ректори Юсуф Отабековга кўнғироқ қилди, Иброҳимжонга хийла тавсиф берди.

– Ўсадиган бола, фақат бизда ҳозирча бўш ўрин йўқ, лаборант эди, лекин буни унгаям, ўзимгаям эп кўрмаяпман. Агар вақтинча ишлатиб турсангиз, кейин ўзимиз қайтариб олардик.

Ғанижон Абдуллаев гўшакни қўйгач, Иброҳимжонга эрталаб мединститут ректорига учрашни тайинлади.

Юсуф Отабеков Асқаровни кимё кафедраси мудири суҳбатига юборди.

Кафедра мудири Паҳлавон Сайфуллаев ана-мана, деб, бир ой чўзди.

– Кафедрада бўш ўрин йўқ-да, – деди у бир куни очикдан-очик. Мана, «фалончиева»ни ҳам ишга ололмаяпмиз.

– «Фалончиева» кандидатмас-ку.

– Зато...

Иброҳимжон Ғани Холматовичга «арз» қилган эди, у ўз номидан Сайфуллаевга хат ёзиб берди: «Паҳлавонжон, Асқаров бўладиган йигит, ундан яхши шогирд чиқиши мумкин. Ёрдам беринг...»

Лекин бу хатнинг ҳам нафи тегмади.

Иброҳимжон даволаш факультетининг декани, тиббиёт фанлари доктори профессор Комил Мирзаевнинг хузурига кирди. Комил Мирзаевич Асқаровга йўл-йўриқ кўрсатди, жўяли маслаҳатлар берди. Худо хоҳласа, ишингиз юришиб кетади, деб яхши ният билдирди. Иброҳимжон яна Юсуф Отабековга кириб иши ҳали ҳам битмаётганини айтган эди, ректор аризасига имзо чекиб, бир йўла буйруқ учун кадрлар бўлимига йўллади.

Асқаров Сайфуллаевнинг хонасига кирди-да, қоғозни узатди.

– Нима бу?

– Буйруқ.

– Қанақа буйруқ?

– Ўқиб кўринг.

Пешонаси тиришган кафедра мудирини буйруқни охиригача ўқишга ҳам сабри чидамай, кадрлар бўлимига сим қоқди.

– Нимага менинг розилигимсиз буйруқ ёзасан?!

Гўшакдан «Бу Юсуф Отабековичнинг кўрсатмаси, биз ректорга бўйсунамиз» деган овоз эшитилди.

Мудир ректорга кўнғироқ қилди. Раҳбардан аччиқроқ гап эшитди шекилли, юзи қизариб, дудукланиб, гўшакни тезгина кўйди.

– Барибир мен билан ишлайсиз, – деди у Асқаровга «хонтама бўлма, югурганинг сомёнхонагача» маъносида.

Ўша заҳоти кафедранинг методик кенгаши чақирилди. Кафедра аъзолари (12 киши) йиғилгач, мудир уларга янги ўқитувчини наридан-бери таништирди-да, унинг ҳозир дарс ўтиб беришини эълон қилди.

Бўш аудиториялардан бирига киришди. Иброҳимжон кўлига бўрни олиб (унинг энг катта ютуқларидан бири шу эди-



ки, сўзлари, фикрларини бир йўла кимёвий формулалар билан амалий жиҳатдан исботлаб берарди), кафедра мудирига қаради.

– Қайси мавзуда гапирай? – У «дарс ўтай» дейишга истиҳола қилди, чунки ўтирганларнинг бари ёш жиҳатдан улуғ, аксариятининг илмий даражаси юқори эди.

– Масалан... – мудир бир лаҳза иккиланди, – масалан, тўйинмаган углеводородлар мавзусида.


Асқаров доскага «Углеводородлар» деб ёзди-да, «Углеводородлар деб шундай органик бирикмаларга айтиладики...» деб бошлаган эди, Сайфуллаев қўли билан «тўхтаган» ишорасини қилди.

– Бу ер сизнинг пединститутингиз эмас, бизда ҳамма дарслар фақат рус тилида ўтилади, шунинг учун, марҳамат қилиб, русча гапирсангиз...

Кафедра мудирининг мақсади Иброҳимжонни довдиратиш, кафедра аъзолари олдида мулзам қилиш эди чоғи. Аммо Асқаровни гангиратиб, «бурчакка қисиб қўйиш» осон эмас эди, у Тошкент Давлат тиббиёт институтида амалий иш тажрибасини ўтаган, ўша пайтларда ( у ерда ҳам сабоқ, иш рус тилида юритиларди) дарс ўтиш ҳадисини яхшигина ўзлаштириб олган эди. Унинг тилини қисишга умид боғлаганлар янглишарди.

– Яхши, ҳаракат қиламан, – деди Иброҳимжон ва дастлабки жумладан равон, аниқ таъриф бошлади.

– Углеводородами называются такие органические соединения, которые состоят из атомов углерода и водорода. Углеводороды делятся на 2 группы. К первой группе относятся предельные углеводороды, общая формула предельных углеводородов обозначается



Непредельные углеводороды делятся на этиленовые углеводороды, ацетиленовые углеводороды, диеновые углеводороды и ароматические углеводороды...

Иброҳимжон шу тарзда тўхтамай 45 минут гапирди (росмана дарс ўтди), доскани углеводородларнинг кимёвий формулалари билан тўлдириб юборди.

Эътиборсизлик билан ўтирган кафедра аъзолари, шу жумладан мудирнинг ўзи ҳам астойдил кулоқ сола бошлаганларини ўзлари ҳам пайқамай қолишган эди.

– Ҳа, яхши, билар экан, дуруст, дуруст, – деди Сайфуллаев дарс ниҳоясида.

Асқаров Тиббиёт институтидай катта даргоҳда ишга жойлашиб колганидан хурсанд бўлса-да, қалбининг бир четида кимёгар-педагогликдан кимёгар-тиббиётчилик соҳасига кириб қолганига андак ўқиниш ҳам йўқ эмас эди. Лекин пешонага битилган лавҳул маҳфузни ўзгартириш ҳам қийин. «Тақдирин кўл билан яратур одам, ғойибдан келажак бахт бир афсона» деган фалсафа ҳаётда ҳар доим ҳам исботини топавермайди. Ҳа, майли, бу ҳақда кейин...

## ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

Иброҳимжоннинг иш бошлаганига кўп ҳам бўлгани йўқ эди, уни ҳарбий комиссариатга чакириб, хизматга бориши кераклигини айтишди. Бу борада унинг имтиёзлари бор эди: ёш номзод – фан учун зарур мутахассис, ёлғиз ўғил, қолаверса, бир фарзанди бор (тўнғич қизи Раъно 1974 йил 28 июлда туғилган), келинчак иккинчисига ҳомиладор, ой-куни жуда яқин эди (У маҳалларда икки фарзандли йигитлар ҳарбий хизматдан озод этиларди). Аммо комиссариатдагилар Иброҳимжонга бундай имтиёзлар унга тегишли эмасдай муомала қилишди. Фан номзоди эканлигини айтган эди, исбот – ҳужжат талаб этишди.

– Ҳали гувоҳнома олганимча йўқ.

– Демак, хизматга борасан, вассалом, – дейишди «шикоятга ўрин йўқ» маъносида.

Бу ерда бир гап бор, деб ўйлади Иброҳимжон. Йўқ, у хизматдан бўйин товламоқчи эмас эди, фақат гапларига ишонишмаганидан ранжиди.

Дилидан яна: «ҳа, майли, аслида ҳарбий хизматни ўташ йигитлик бурчим-ку», деган фикр кечдию, «яхши», деб чиқиб

кетди. Тайёргарликка киришди: соч олдирди, хаммомга тушди. Вақт зиқ – бир неча кундан кейин жўнаши керак эди.

Онаизор, опа-сингиллар обидийдани бошлашган эди, Иброҳимжон кафтини очди.

– Хавотирланманглар, мен тезда қайтиб келаман. Қани, буви, бир дуо қилинг-чи.

– Омин, йўлда, чўлда ҳамиша Парвардигор паноҳига олсин, ниятинг ижобат бўлиб, тезроқ бешикаст, безарар қайтиб келгин.

Бошқа қариндошлар, ёру биродарлар билан ҳам «Тез кунда кўришамиз, узоғи билан уч ойда...» деб кулиб хайрлашар, улар елка қисишиб, «ҳа, ҳазиллашяпти-да, армиядан уч ойда қайтармиди», деб қўйишарди бир-бирларига.

Асқаров ҳарбийга 1975 йил 2 ноябрь куни кетган эди, 13 декабрда иккинчи фарзанди – Нодирбек дунёга келди. Бу хабар Байкал ортидаги округга, Бурятия автоном вилоятига қарашли Кахта овулидаги ўрмонзорда жойлашган ҳарбий қисмга етиб борганида Иброҳимжоннинг қанчалар қувонганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу ажойиб воқеани қисм командири Ефим Михайлович Шустер ва сафдош дўстлар билан нишонладилар. Икки ҳафтадан кейин уйдагилар унга яна бир суюнчли муждани йўллашди – диссертация химоясининг Москвада тасдиқланганлиги тўғрисидаги ҳужжат фан номзодининг яшаш манзилига жўнатилганди. Иброҳимжон аввалги хушxabар туфайли анча кадрдон бўлиб қолган командирни «яримта» билан сийлади. Унинг ўзи улфатчиликнинг «шишадошлик» таомилдан мутлақо узок эди.

– Демак, фан номзоди экансан-да, кара-я, – деди Ефим Михайлович ишонқирамагандай.

Асқаров авторефератининг кириш қисмини рус тилида гапириб, шарҳлаб берди.

– Ёдлаб юборибсан-ей, қойил, – Иброҳимжоннинг елкасига қоқди командир.

– Ахир буни мен неча марталаб қайта ёзганман, ўртоқ командир.

– Ҳазиллашдим. Қоидага кўра ҳарбий хизматдан озод бўлишинг керак. Энди сенга битта шартим бор: ПХЛимиз<sup>1</sup> анчадан бери ишламайди, бузук. Шуни ишлатиб берсанг, сени истеъфога чиқариш тўғрисида юқоридагилардан илтимос қилиб кўраман. Сенга бир ой муҳлат.

Дала лабораторияси ҳаво, сув, тупроқ таркибини текширадиган мосламалардан иборат эди. Иброҳимжон уни уч кунда ишга туширди. Аслида ПХЛ ускуналари жиддий шикастланмаган, фақат уни дурустроқ биладиган, тушунадиган одам бўлмагани сабабли ташлаб қўйилганлиги оқибатида айрим қисмлар занглаб, мойталаб, таъмирталаб бўлиб қолган эди.

Асли Ўш шаҳрилик Ефим Михайлович ҳарбий хизматдан кейин ўша қисмда қолиб кетган эди. Ўрта осиеликларни, хусусан, ўзбекларни яхши билар, ҳурмат қиларди. Боз устига, ҳарбийда айтилган сўз – отилган ўк. Шустернинг тантилигига Аскарлов тан берди. Командир СССР Мудофаа вазири Гречко номига Иброҳимжон Аскарловнинг фан номзоди эканлиги ва икки фарзанди ҳақидаги ҳужжатларни қўшиб сўровнома юборди. Иброҳимжон ишониб-ишонмай, шунинг учун кўнглини бўлмай юрувди, кўп ўтмай, уни илмий кадр сифатида захирага чиқариш тўғрисидаги буйруқ келди.

Аскарлов ҳарбий хизматга ўрганиб қолувди, обрў-эътибори ҳам чакки эмасди, лекин мудофаа вазирининг буйруғидан бўйин товлаб бўлармиди. Қолаверса, унинг ҳар бир ота каби ҳислари жўшиб ўғилчасини жуда-жуда кўргиси келаётгани, юраги Андижон томон талпинаётганини яширишнинг фойдаси йўқ эди.

Иброҳимжон армияда бор-йўғи уч ойгина хизмат қилди. Лекин ана шу қисқа муддатда ҳам кўпчиликнинг ёдида қоладиган, тарбиявий аҳамияти катта бир қаромат кўрсатди. Маълумки, русларда, хусусан ҳарбий зобитлар ва аскарлар ўртасида сўқиш-сўқиниш, айниқса, «онангни...» дегани шу қадар оммалашиб, мазмунли шу қадар жўнлашиб кетганки, бунга ғазабланиш тугул, ҳатто ажабланиш ҳам бировнинг эсига келмайди. Табиатан ножоиз қилиқ-одатлардан йироқ Аскарловга

<sup>1</sup> ПХЛ – полевая химическая лаборатория – дала кимёвий лабораторияси.

бу нарса жуда малол келди. Аввало, Аллоҳ суйиб азизу мукаррам қилиб яратган инсонни – энг олий хилқатни ҳақоратлаш ўтакетган маданиятсизлик, бориб турган ахлоқсизликдир. Борингки, сўкиш-сўкиниш шу қадар зарур бўлиб қолганида ҳам, наҳотки онадан бошқа мавзу, бошқа мавжудот топилмаса?!.

Аскарлов қисмда кичик сиёсий раҳбар эди. У мулоҳазасини Ефим Михайловичга айтди. Шарқликлар феъли-атвори, хулқи-одобидан хабардор командир «Ҳа, бу ёғини ўйламас эканмиз», деди ва Иброҳимжонга навбатдаги сиёсий-маърифий машғулотда шу мавзуда маъруза қилишга изн берди.

Қисмда Иброҳимжондан ташқари барча аскарлар ва зобитлар рус миллатига мансуб эди.

– Йигитлар, – мурожаат қилди Аскарлов маърузанинг асосий қисмида, – она – ҳаммамизни дунёга келтирган мўътабар, улуг зот. Наҳотки биз ҳар бир гапимизни пайғамбарлар эъзозлаган, ўзимизни дунёга келтирган онани сўкиш билан бошлаб, шу сўкиш билан тугатсак? Яна қанақа сўкиш-а!.. Биз бировни «Онангни...» десак, у ҳам бизга шундай жавоб қайтарса ва бизни тўққиз ой қорнида, бир-бир ярим йил қўлида кўтариб, оқ сут бериб вояга етказган, ювиб-тараган онамизнинг шаънини балчиққа булаб ташлашсаю, бунга пинагимизни ҳам бузмасак?! Қани номус, қани ҳамият? Абхаз халқида “Онангни севсанг, бошқа бировнинг онасини сўкма” деган мақол бор экан. Шарқда, хусусан биз ўзбекларда онани ҳақоратлаш дунёдаги энг ёмон қабихлик саналади. Сизлар эшитгансизларми, йўқми, лекин Ефим Михайлович яхши билади, бизда ҳар бир эркак пичоқ тақиб юради. Кимки унинг онаси, хотини ё опа-сингисининг шаънига тегувчи гап айтса, бўғзига пичоқ тақайди. Тиғни тортиб юборишдан ҳам тоймаслиги мумкин. Шундай қилган киши энг ориятли, энг мард эркак ҳисобланади. Мен русларни ўқимишли, маданиятли халқлардан бири деб билман. Улар бошқа миллат вакилларига сўкиниш борасидамас, илм, маданият бобида ўрناق бўлишлари керак...

Зал ола-ғовур бўлиб, «Э, бу шунчаки тил ўрганиб қолган беғараз сўкиниш-да», «тўғри айтяпти, сўкинишнинг беғарази бўладими» қабалида баҳс бошланиб кетди.

– Бас, – деди командир зални тинчитиш учун. – Мен замполит Асқаров фикрига кўшиламан, унинг ўзбеклар тўғрисидаги гапларини тасдиқлайман.

– Сут билан кирган одатни ўзгартириш осон эканми, – деди яна биров лукма ташлаб.

– Бундай килсак, – яна гап бошлади Иброҳимжон, – буни ҳазил десанглар ҳам, чин деб ўйласанглар ҳам, ўзларинг биласизлар, лекин мана, командир ўтирибди, мен унинг номидан ваъда қиламан – ким куни бўйи шу сўқинишни ишлатмаса, шаҳар айланишга рухсат берилади.

Залда «Зўр!», «Маъқул!», «Ҳамма ўзини синаб кўрсин!» деган хитоблар, қарсақлар янгради.

Албатта, бу масалада юз фоиз мақсадга эришиш қийин эди, лекин қисмда она номи билан сўқиниш кескин камайди. Кўпчилик, ҳатто Ефим Михайловичнинг ўзи ҳам сўқишнинг дастлабки уч ҳарфини (русча) айтган жойида тилини тишлаб қоларди.

– Об-бо, сен Асқаров-ей, ҳаммамизни қайта тарбиялаб қўйдинг-а, – дерди у бошини сарак-сарак қилиб.

Иброҳимжон буюк она шарафини бир қисмда бўлса-да, ҳимоя қила олганидан, ўзгаларга фикрини ўтказганидан мамнун эди.

Шу тариқа унинг ниятию, онажонисининг дуоси ижобат бўлиб, армиядан ўзи айтган муддатда қайтиб келди. Аммо кетган вақтига ачинмади. Оз бўлса-да, ҳарбий ҳаётни кўрди, ватан мудофаасига гарттаққина ҳисса кўшди, йигитлик, фуқаролик бурчини қисман ўтади. Энг муҳими... Ўша уч ойлик хизмат кейинчалик унга жуда асқотди...

Хужжатларини ҳисобга қўйиш учун вилоят ҳарбий комиссариатига борганида унинг изоҳига кулоқ солишни истамаганлар қаттиқ хижолат чекишиб, устингиздан бизга хат тушувди, дейишди ўзларини оқлашиб. Асқаров ҳам ўнғайсизланди: СССР Мудофаа вазири буйруғининг вилоятга юборилган нусхасида масалага совуққонлик ва эътиборсизлик билан қарагани учун комиссариат бошлиғи Ослопов Н.Я.га ҳайфсан эълон қилингани билдирилган эди.

«Ҳа-а, гап бу ёқда экан-да», ўйлади Иброҳимжон. Тиббиёт институтига ўтганига ҳали ҳеч қанча бўлгани йук, демак бу ерда ҳам уни тинчитишмайди чоғи... Йўқ, бундай эмас экан. Аскарлов зимдан суриштирди, ўрганди, калава яна эски калава-гиридан чувалган эди...

## ҲАЁТБАХШ ЕЛИМ

Аскарловнинг ҳарбийдан тезгина қайтиб келишидан жамоадагиларнинг ҳаммаси ҳам хурсанд бўлди дейиш қийин эди. Лекин у бунга эътибор бермади. Аксинча, ишга жон-жаҳди билан киришди. Талабаларга дастурда белгиланган лекцияларни ўқиб, илмдан, истеъдоддан интизомни афзалроқ ҳисоблагувчи раҳбар топшириқларини адо этиб кўйгач, ЦНЛ (Марказий илмий лаборатория)да илмий изланишларга, кимёнинг мўъжизакор оламига боши билан шўнғиб кетарди. Билимига, қобилиятига шубҳаланганлар ва умуман унга беписандлик билан қаровчиларни тан бергизиш, қойил қолдириш учун ҳар қанча риёзат, машаққатларни тортишга ҳам тайёр эди. Аммо унинг кенг қулоч ёзиши учун факультетда, лабораторияда ҳам майдон тор, хоналар тигиз, ўқиб-ёзишга, илмий тадқиқотлар билан шуғулланишга шароит етарли эмас эди. Институт илмий кенгашларидан бирида сўзга чиқиб, ана шу мавзуда гапирди. У жўшқин ва шитоб эди, масалани (бошқаларнинг ўзига иши тушса ҳам) бор ё йўқ, бўлади, бўлмайди, мумкин, мумкин эмас тарзида қўяр ва ҳал етарди. Иккиланиб ўтиришни, миждовликни ёқтирмасди. Балки булар унга Парвардигор томонидан ато этилган хусусиятлардир. Ҳарқалай, айрим ҳолатларни инобатга олмаганда бу феъл-атвори унга кўпда панд бермасди.

Йигилишдан сўнг «Ў-ў, жуда дадилсиз-ку» дея унинг қўлини қисиб қўйганлар ҳам, ғалатироқ қараш қилганлар ҳам бўлди. Писанда ва қарашларнинг маънисини кейинроқ, институт ректори Юсуф Отабеков билан тўқнаш келиб қолганда аён бўлди.

Ректор унинг саломига алик олиб, қўлини узатаркан, қулимсираб:

– Анча-мунча гапингиз бўлса, кириб менга айтаверинг, Асқаров, – деди.

«Чакки қипман шекилли, энди нима бўларкин?» деб ўйлаб юрди. Лекин Отабеков кам сонли танти рахбарлардан эди. Асқаровга лабораториядан алоҳида хона берилди, Акбаржон Жўраев ўша хонага маошли лаборант қилиб бириктириб қўйилди.

Лаборатория институт ҳовлисидаги алоҳида бинода бўлиб, кўримсиз, узун йўлаги тор, ним ёруғ эди. Иброҳимжонга ажратилган хонада тўрт девор ва ёғоч полдан бўлак ҳеч вақо йўқ. У ердан-бу ердан талашиб-тортишиб қўлга киритган стол-стул, бошқа анжомлар билан жиҳозлаб, шарт-шароит яратиб олдида, тадқиқотларга берилиб кетди. Атрофига илмга чанқок, тадқиқотга қизиқувчан ёшлар – турли кафедраларнинг ассистентлари жамлана борди ва уларнинг аксарияти ўз-ўзидан шогирдларга айланишди.

Иброҳимжон уларга бир қатор мавзуларни таксимлаб берди. Ёш кимёгарлар энди аниқ мақсад, фаннинг муайян йўналиши бўйича илмий-текшириш олиб борадиган бўлишди. Биокимё кафедраси ассистентлари Соибжон Каримов «Ферроцени сувда эрувчи янги ҳосилаларни синтез қилиш», Шаҳобиддин Қирғизов «Моноацетилферроцен ҳосилаларини синтез қилиш усуллари ишлаб чиқиш», тадқиқотчи Акбаржон Жўраев «Металлоценлар асосида карбон кислота ва уларнинг тўйинмаган эфирини синтез қилиш», онкология кафедраси аспиранти Расулжон Абдуллаев «Биологик фаол бирикма ни ажратиб олиш, моддаларнинг заҳарлилиги, қонга таъсири ҳамда биологик елимни синондан ўтказиш», патологик физиология кафедраси ассистенти Абдуллажон Акбаров «Моддаларнинг фармакологик хусусиятларини текшириш», болалар касалликлари кафедраси ассистентлари Манзураҳон Мадаминава «Қатта ёшли болалардаги камқонлик касаллигини даволаш учун доривор моддалар яратиш», Гавҳархон Нуритдинова «Кичик ёшли болалардаги камқонлик касаллигини даволаш учун доривор моддалар яратиш» устида ишлашар, шу аснода улар синтезлаш асосида ажратиб олинган янги моддаларнинг



тирик организмга таъсирини турли жонзотларда синаб кўриш билан шуғулланишарди.

Кўриниб турибдики, мавзулар ранг-баранг, аммо улар бир-бирларига боғлиқ бўлиб, бир-бирларини тўлдириши, яъни занжир ҳалқалари каби узвийлик касб этиши лозим эди. Бу эса, ёш тадқиқотчиларнинг ҳамжиҳат ва бамаслаҳат иш олиб боришларини тақозо қилар, айти пайтда бир мавзуни ҳар томонлама ўрганиш имконини берарди. Зеро, булар жуда мураккаб жараёнлар бўлиб, бир моддани мақсадга мувофиқ синтез қилиш, яъни ундан фойдали натижа олиш учун камида икки йил вақт кетарди. Масалан, параферроценилфенол ва унинг ҳосилаларини синтез қилиш учун дастлаб 2–5 даража совук ҳолатда реакция амалга оширилади. Шунда осон парчаланувчи диазобирикма ҳосил бўлади. У ферроценил билан 35–40 даража ҳароратда реакцияга киришганда улардан азот ажралиб чиқади ва параферроценилфенол вужудга келади. Буни дастлаб академик Несмеянов ишлаб чиққан. Асқаров ва унинг шогирдлари бу реакцияларнинг унумини ошириб, маълум даражада соддалаштиришга эришган ва шу асосда ўша жараён механизмини ўрганишган. Шу тариқа параферроценилфенол асосида сувда эрувчи, фенолятлар деб аталувчи моддаларни ҳосил қилиш усуллари ишлаб чиқилган.

Атрофини қалин кўк тераклар ўраган лаборатория хоналарига кун тушмагани ва эскилигидан ҳатто деворлардан ҳам рутубат ҳиди келар, дастлаб бош сукқан одам диққинафас бўлиб кетарди. Лекин қилаётган ишлари, ўтказаётган тажрибалари самарасидан мамнун ёш тадқиқотчилар ҳеч қандай зах, рутубат ҳидини ҳам сезишмасди.

Лабораторияда назарий ва амалий машғулотлар ёнма-ён, ҳамкорликда олиб бориладди. Вазифалар амалда жамоатчилик асосида ёш тадқиқотчилар гуруҳининг норасмий раҳбарига айланиб қолган Иброҳимжон томонидан белгиланар ва тажрибалар унинг бошчилигида муҳокама қилинади. Ушбу иззат-ҳурмат юксак мақомда эди. Ишдан қайтаётган Асқаровни тўп-тўп шогирдлари даврасида кўрганлар: «Ўх-хў, худди аскарлар генерални кузатиб чиқишаётганга ўхшайди», дея

ҳазиллашишарди. Бу ҳазиллар замирида ҳавас ва андак ҳасад ҳам бўлиши мумкин эди.

Асқаров дарси йўқ кунлари лабораторияга ҳаммадан эрта келар, кўпинча энг яқин ва истеъдодли ёш олимлар билан тунлари ҳам қолиб кетишарди. Улар учун шанба, якшанба, байрам деган тушунчалар деярли бегона, балки илм, изланиш, натижа деган мезон ва коидалар мавжуд эди. Устоз-раҳбарнинг бақувватлиги, ишлаб толмаслиги шогирдларини ҳайрон қолдирарди. У сиртдан серҳаракат (аслида ҳам шундай), бир жойда тиниб тинчимайдигандек тасаввур уйғотса-да, тажриба курсисига ўтирди дегунча, бутунлай бошқа – вазмин, залворли кимсага айланар, ҳаракатдан, шовқиндан, муаммолар ва ташвишлардан иборат бутун оламини, вақт деган нарсани ҳам батамом унутиб, бир неча соатлаб танаффуссиз ишларди. Аммо, ўзининг феълини билгани учун ёш тадқиқотчиларга орада нафас ростлаб, чекиб олиш учун (ўзи тамаки сотувчиларнинг ёнига ҳам йўламаган) имкон берарди. У шогирдларига шунчаки ғамхўр эмас, балки уларга ишонар ва суянади. Зеро, у «ўзим бўлай»чилар сирасига кирмас, балки Форобийнинг «Бир одамнинг ёлғиз ўзи бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдამисиз камолотга эришуви мумкин эмас» деган ҳикматига амал қилувчилардан эди.

Секин-аста унинг номи институт доирасидан чиқиб мамлакат миқёсидаги ўзбекча, русча газета ва журналларда бот-бот кўрина бошлади. Хусусан, Москва нашри – ўқув юртларига мўлжалланган «Химия ва химиявий технология» деган нуфузли ахборотномада эълон қилинган «Носимметрик диацетиленли дизфирлардан тиофен ҳосилаларини синтез қилиш» сарлавҳали салмоқдор чиқиши айримларнинг кўзини мошдек очиб қўйди. Мақоладан янги бир ихтироларнинг нафаси келиб туради.

Асқаров энди турли шаҳарларда бўлиб турадиган, фаннинг ҳар хил муаммоларига бағишланган илмий кенгашларга таклиф этиладиган бўлиб қолди. У анжуманларда шунчаки қатнашиб, қарсак чалиб қайтиб келавермас, балки таниқли олимлар қатори сўзга чиқиб, ўз кафедралари ва лаборатори-

яларида амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг натижаларини ўша йигин мазмуни билан уйғунлаштириб маъруза қилар, муҳокама-мунозараларда фаол қатнашарди. Фикр-мулоҳазалари кўпчиликнинг диққатини жалб этиб, унинг номи ва шонини тобора узоқларга олиб кетарди. 1974 йили Қозоғистон Республикасининг Гурьев шаҳрида нефть кимёси мавзусига, 1975 йили Гуржистоннинг Тбилиси, кейинроқ Озарбайжоннинг Боку шаҳарларидаги ацетилен кимёсига бағишланган ва бошқа қатор халқаро конференциялардаги чиқишлари унинг етук кимёгар сифатида шаклланиб бораётганидан далолат берарди.

Ўзгалар эътибори, ишончи олимда ўзига нисбатан талабчанлик, масъулиятни кучайтирарди. Анжуманлардан қайтгач, кафедра аъзоларига кимё фани жабҳасидаги янгиликлар, муаммолар тўғрисида сўзлаб берар, сўнг шогирдларини бошлаб марказий лабораторияга йўл олар ва ёшларни янада фаолроқ бўлишга, астойдилроқ изланишга даъват этарди. У ҳар қандай соҳада ҳам фақат назария билан иш битмайди, ҳаётга жорий қилинмайдиган ғоя, янгиликнинг ҳожати йўқ, амалиётсиз назария – мевасиз дарахт деб ҳисобларди. Бу борада унинг ўзи сархил мевали, серҳосил дарахт эди. Унинг дастлабки меваларидан бири бензиннинг октан сонини 10 бирликка оширувчи экологик тоза антидетанатор бўлди.

Иброҳимжоннинг илмий фаолияти доираси кенгайиб борди. Номзодлик иши муносабати билан иқтидорини тан олган таниқли рус олимлари ҳам уни йўқлаб, ҳамкорликка чорлаб туришарди. 1979 йил охирлари – 1980 йил бошларида тиббиёт оламида инсон саломатлиги учун жуда зарур, жуда фойдали, ҳаётбахш елим деб баҳоланган «Циакрин – АП (Асқаров+Полякова – 1)» препарати шогирдлари Акбаржон Жўраев ва Расулжон Абдуллаевлар иштирокидаги, «Циакрин-АндМос» (Андижон + Москва – бу атамаларни Асқаровнинг ўзи қўйган) препарати айнан москвалик атоқли кимёгарлар Н.С.Кочеткова ва А.М.Поляковалар билан ҳамкорликдаги ихтиролар эди. 1989 йили, 84 ёшида оламдан ўтган Антонина

Михайловна ниҳоятда камтар, камсуқум олима эди. Асқаров таклиф ва фикрларини у билан телефондаёқ келишиб оларди.

«Ҳаётбахш елим» автомобиль ё бошқа фалокат туфайли, зарб оқибатида шикастланган ёки операция пайтида тиг тегиб тилинган жигар, талок каби осон кўп қон йўқотувчи ва тикиш мураккаб бўлган нозик аъзоларни табиий равишда ямашга жуда асқотадиган, организмга тез сўрилиб кетадиган восита эди.

Ўша паллаларда “Фан ва турмуш” журналида москвалик олимлар ихтиро қилишган биоелимлар тўғрисида мақола чикқанлигини кимдир ҳовлиқиб етказган чамаси, институт раҳбари Иброҳимжонни чақириб, “Асқаров, оказываются ваши биоклеи ерунды... Жа шов-шув қилиб юрибсиз эмиш, сиздан олдин москваликлар яратиб қўйишган экан-ку”, деб қолди.

– Тўғри, – изох бера бошлади Иброҳимжон. – Москваликлардан ташқари, япон, немис олимлари ҳам яратишган бунақа елимни. Гап шундаки, улар икки, бир ярим дақиқада ёпишадиган биоелимлар ихтиро қилишган, биз эса қирқ беш сонияда ёпишадиган елим ишлаб чиқдик. Сиз яхши биласизки, ўн беш сония айрим пайтларда инсон умрини бир ёклик қилиб қўйиши мумкин. Чунки ўн беш сонияда жигар ё талокдаги қон сизиб тугайди.

Яна шу жиҳати ҳам эътиборга молиқки, аввалги биоелим муаллифлари уларни тўйинмаган кислота эфирини полимерлаш орқали топишган бўлса, Асқаров билан унинг шогирдлари, москвалик ҳамкорлари тўйинмаган кислота эфирини сополимерлаш, яъни параферроценилфенолнинг аллил эфири билан полимерлаш услубини ишлаб чиқиб янги муваффақиятга эришган эдилар.

СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу ҳаётбахш елимларни тиббиётда қўллашга рухсат берди.

Аввалги елимларни кашф этганлар (ё бошқалар) янада қисқароқ муддатли елимни яратишга уринишмаган деб ўйлайсизми? Қанча олимлар неча-неча йиллар изланиш олиб боришгандир. Лекин бу бахт, бу омад Асқаров ва унинг

хамкорлари, шогирдларига насиб этди. Демак, ҳар қандай янгилик, кашфиёт ўз ихтирочисини, муаллифини кутади. Балки бу илоҳий бир синоатдир.

Мазкур тадқиқотлар Асқаровнинг докторлик диссертациясига асос бўлиб хизмат қилди.

## ЧИРКИН ХАСТАЛИК

«Ҳаётбахш елим»га кимлардир шубҳа билан қарарди. Инсон саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга шундай янгиликни «пуфа сассик»қа чиқаришга ҳам ҳаракат қилиб кўришди. Иброҳимжон ўз жамоадошлари, ҳамкасбларидан бирининг бармоқларини ўша елим билан чиппа ёпиштириб тан бергизди. Шу соҳада анча йиллар иш олиб борган обрўли олимлардан, Тошкент давлат университетининг нуфузли профессорларидан бири эса Асқаровларнинг иккита ҳаётбахш елими амалиётга жорий қилинганлигини эшитиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. У кўплаб шогирдлари билан ўндан ортиқ циакрин клейини яратган, аммо биронтаси ҳам ҳаётга татбиқ этилмаган эди. Тутаб кетган олим шундоқ Асқаровнинг олдида СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигига қўнғироқ қилди: бошқаларнинг ихтироси ҳам ўзлариники каби Тўйтепадан нарига ўтмаслигини ўз қулоқлари билан эшитиб, таскин олишдан, «ҳарифи»нинг тилини қисиб қўйишдан умидвор эди. Лекин Москвадан бўлган жавоб унинг азои баданини шалвиратиб, дамани ичига тушириб юборди, бояқишнинг бурнигача қизариб, тили калдираб қолди.

Шогирдлари ҳамкорлигида кимёвий моддаларни синтезлаш, дори-дармонлар, жумладан ферростимулятор деб номланган биологик ўстирувчи моддалар, шамоллашга қарши ферракс препарати, бошқа ғоялари, таклифлари билан номи тобора олисларга таралаётган Асқаров эса ҳар турли рағбатлар, сийловлар, мукофотларга сазовор бўларди.

Таниқли академиклардан бирининг айтишича, «Ҳеч бир нарса осонлик билан қўлга кирмайди. Ҳатто буюк истеъдод

эгалари ҳам қаттиқ, жуда қаттиқ меҳнат орқалигина ютуққа эришганлар». Асқаровнинг ишлари бароридан келаётганидан, муваффақиятларидан мамнун дўстлари, ҳамкасблари, устозлари кўп эди. Аммо, юқоридагидай, ҳамманинг ризқ-рўзини уларнинг феъли, нияти ва ҳаракатига қараб Яратганнинг ўзи бериши тўғрисидаги оят ва ҳадислардан ғофиллар, ўзларига нон тегмай қолишидан чўчигандай, пайтавасига кurt тушиб изғиб қоладиганлар омадли олимнинг этагидан тутиб қолишга уринишарди. Лекин, аксинча, кимки унга ёмонлик соғинса, оқибати яхшиликка айланар, панд бериш, қоқилтириш учун йўлига қўйилган ғов-тўсиклар унга пиллапоя, нарвон бўлиб, янада юқорироқ кўтарилишига хизмат қиларди.

Бензиннинг октан сонини 10 бирликка кўпайтириб, мазкур ёнилғининг сифат даражасини оширгани учун мамлакатнинг ёшлар мукофотига сазовор бўлган Асқаров ана шу ихтироси, шунингдек, камқонлик ва шамоллашни даволашда қўлланадиган дори-дармонлар яратганлиги учун «СССР ихтирочиси» унвони билан тақдирланган эди. Бир куни уни Москвага, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кашфиётлар ва ихтироларни рўйхатга олиш кўмитасига чақириб қолишди. Шошилинономадаги «Зудлик билан етиб келсангиз...» деган сўзлар олимни бир оз таажжубга солди, одатда унинг ихтиролари, рационализаторлик таклифлари қабул этилса, хат ё телеграмма орқали маълум қилиб қўя қолишарди. Нима гапикин?..

Уни москвалик ҳамкори Антонина Михайловнанинг фамилиядоши – Полякова деган бўлим бошлиғи хушламагандай қабул қилди.

– Металоорганик химиядан нима биласиз? – сўради у қисқа салом-алиқдан сўнг.

– Металоорганик химиядан кўп нарса биламан, – саволга яраша жавоб қайтарди Иброҳимжон.

– Шунақа денг, – чимирилди аёл ва икки варақ оқ қоғоз узатиб, «билганларингизни ёзинг-чи», деди.

– Нимани ёзай? – сўради Иброҳимжон пинак бузмай.

– Металоорганик химиявий реакция, формулалардан... Нимани билсангиз...

Кимёгар бу ғалати муносабат моҳиятини тусмоллаб, англагандай бўлди: демак, унинг билимини синаб кўришмоқчи...

– Бўлмаса яна қоғоз беринг.

Полякова ўчакишгандай бир даста қоғоз узатди. Иброҳимжон ўнта варақни ажратиб дасталади-да, бир чеккадан ёза кетди.

Майда-чуйда ишлар, столи устидаги папкаларни тартибга солиш билан машғул бўлаётган аёл аввалига унча аҳамият бермаётган эди, Асқаровнинг тез ва шиддат билан ёзиб-чизаётганига, саҳифалар бирин-кетин тўлаётганига кўзи тушиб, хушёр тортгандай бўлди ва беихтиёр ўрнидан туриб кузата бошлади. Энди унинг юз-кўзларига ҳайрат ифодаси ёйилиб борарди.

Иброҳимжон ўнта варақнинг олди-орқасини тўлдирди-да, Поляковага юзланиб, «яна ёзайми», деб сўради.

– Бўлди, етарли.

Аёл Асқаровнинг кўлидан қоғозларни оларкан, чехрасидаги ҳайрат табассум билан алмашди. Металлоценлар вакили бўлган ферроценнинг ҳосил бўлишидан бошланиб, камқонлик касалини даволашда қўлланадиган ферроцерон олинишигача бўлган амалий ҳолатларнинг формулалар орқали берилиши москвалик профессорни лол қилиб қўйган эди. Бундай мураккаб кимёвий жараёнларни изоҳловчи кимёвий реакция формулаларини ҳеч қандай китобдан фойдаланмаган ҳолда, дадил, иккиланмай ёза олиш камдан-кам мутахассис олимнинг кўлидан келиши маълум эди.

.. – Шунча нарсани ёддан биласизми? – сўради Полякова ўғлига меҳри товланган она туси ва оҳангида.

– Ахир химия менинг ош-ноним-ку, – деди Иброҳимжон.

– Яхши, энди бир пас ўтириб турасиз. Мен ҳозир келаман. – Полякова кимёвий формулалар билан тўлдирилган қоғозларни кўтариб чиқиб кетди. Ўн беш дақиқалардан кейин қайтиб кирди-да, «Мен билан юринг», деб Иброҳимжонни бошлаб, ташкилот раҳбарининг ҳузурига олиб кирди. Бошлиқнинг столи устида варақлар ёзиғлик ётарди.

– Сиз химияни шу даражада биласизми? – сўради кресло эгаси.

«Бўлмасам-чи», дегандай кифт қокди Иброҳимжон.

– «Химия – менинг ризки-рўзим» деяпти, – изох берди Полякова.

– Сизни ўзимизга экспертликка ишга таклиф этсак, нима дейсиз? Аскаронинг кўзига синовчан тикилди бошлиқ.

– Афсуски, бунинг иложи йўқ.

– Нимага?

– Биринчидан, у ёқда бошлаб қўйган, ниҳоясига етказишим зарур бўлган ишларим кўп. Бундан ташқари, ёлғиз ўғилман, ота-онамни ташлаб келолмайман.

Бошлиқ билан бўлим мудираси бир-бирига қараб, ажабланишганини ўзаро изҳор этишди. Зеро, ота-онамни ташлаб кетолмайман деган гап рус характери учун жўнрок, ғайритабиийрок эди. Балки улар ишлаш учун пойтахтга қилинган таклифдан бош тортишни тассавурларига сиғдириша олмагандир. Эҳтимол, Аскаронинг ўзи ҳам ўша маҳалда бир нафас иккилангандир, кўнгли бир хаприкиб олгандир, ахир Москвадай шаҳарда ишлаш чиндан шараф-ку. Мамлакат марказига хону монидан кечиб бўлса ҳам интиладиганлар камми? Тайёр ўзлари харидор бўлиб туришса, уй-жой билан таъминлашлари ҳам мумкин. Ростдан ҳам, обрў-эътибор янада баланд бўлади, айниқса ўзлари ёқлик ғайрлар олдида... Йўқ, Иброҳимжон обрў-мартабани ота-она дийдоридан, фарзандлик бурчидан юқори кўядиганлар тоифасидан эмас... Ахир ҳозиргача қандай мавқе, мартабага кўтарилган бўлса, барига ота-оналарининг дуолари билан ўз юртида ҳам эришяпти-ку. Қолаверса, отадан жудолик, ундан айро яшаш алами, азобини роса тортди-ку! Йўқ, энди ота-она бағридан узилиб, уларни ҳам ўз дийдорига интиқ қилишни хоҳламайди. Тошкент бўлса, бошқа гап, машинада тўрт-беш соатли йўл...

– Қутилмаган таклифга рад жавоби бераётганимдан хижолатдаман. Аммо, ишончларингиз учун раҳмат, – деди Аскаронинг қатъий тарзда.

– У ҳолда, экспертликка қабул қилсак-чи? – сўради яна бошлиқ.



Ўзбекистоннинг кун чиқар томонидан, олис туманидан келган ўзбек йигитининг рус лисонида, яна кимёдек, тил айланиши қийин бўлган атамалари бисёр фан тилида тез ва ра-вон гапириши, анча-мунча фан докторини йўлда қолдирадиган билимга эгаллиги кўмита раҳбари ва бўлим мудури қалбида муҳаббат ва қизиқиш уйғотгани аниқ эди. Уларнинг шундай мутахассис олимни бутунлай қўлдан чиқаргилари келмаётгани сезилиб турарди.

– Менинг вазирам қандай бўлади? – сўради Иброҳимжон.

– Ҳар замонда йиғилишларимизда қатнашиб, ихтироларни баҳолашда фикр-мулоҳазаларингизни айтиб турасиз. Сизга гувоҳнома берамиз.

Иброҳимжон сал бўшашди, ҳарқалай, шарқлик-ку, андиша, ҳурматга иззат... деган нарсалар бор...

– Унда майли, розиман.

Полякова Асқаровга қўл узатди.

– Сизни табриклайман. Бугундан эътиборан ўзингизни жамоамиз аъзоси деб ҳисоблайверинг. Ўрта Осиё республикаларидан ҳали ҳеч ким бундай ишончга ва шарафга ноил бўлмаган. Энди мен билан юринг.

Бояги хонага киришгач, аёл кўмигага Ўзбекистондан, айнан Иброҳимжон ишлаётган институтдан «Асқаровнинг химиядан билими хаминқадар, ихтирочилиги ҳам сохта...» деган мазмунда ва бу борада кўмита ҳам безътиборликда, ихтироларни чуқурроқ ўрганмаганликда айбланган юмалоқ хат келганини, шунинг учун уни бу ерга чақиртиришга мажбур бўлишганини айтиб, узр сўради.

Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таниқли шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзо билан суҳбатда шундай дейди: «Ўз кучи ва келажагига ишонмайдиган одамнинг кўнгли тор бўлади, бошқаларнинг муваффақиятини ҳазм қилолмайди. Ҳасад ана шунақа чиркин хасталик. У асосан талантсизлар кўнглида кўкаради».

Ҳа, баъзиларнинг табиати шунақа: «нега фалончи менадан ўтиб, ўзиб кетаверади», деб ич-этини ейдию, «нега мен уқувсизман, лапашангман ё толесизман», деб ўзига савол бе-

риб, мулоҳаза қилиб кўрмайди. Ундайларнинг акли яна бир нарсага – бировнинг нонини, амалини олиб қўйиш мумкину аммо унга Аллоҳ сунган истеъдодни, фазилатларни, омадни тортиб олиб бўлмаслигини, қўшиқда айтилганидай, «Худо ёр этгани бандаси хор этолмас»лигини англашга ноқислик қилади. Иқтидорлиларни, иши юришганларни кўрса, ўйласа, кўзларига дунё қоронгулашиб, ҳаёт туссизланиб кетса керак. Бу тоифа ҳамма соҳада, жумладан ижодкорлар орасида ҳам учрайди. Тиржайиб, бағирлашиб кўришадиган, бир товоқдан ош еб юрадиган «жўра-ҳамкасбинг» ёнидан жилдинг, ғийбатингга тушади, устингдан «ёзади». Аслида ҳақиқий рақ ана шу фасод. Қалбдаги саратон. Танадаги ҳар қандай маразнинг чораси топилар, илло, феълдаги рақнинг тузалиши мушкул-ов! Бу шайтоний иллат муолажасига Исроил медицинаси, Тибет табобатини Асқаровнинг афсонавор дамламалари ҳам ожизлик қилса керак. Бизнингча, бу дарди бедавога йўлиққан кас ўзини ўзигина даволаши эҳтимол, магарам, чин кўнгилдан хоҳлаб, Аллоҳдан астойдил ўтинса. Лекин муаммо шундаки, ғайир-ҳасадгўйда чин кўнгил ҳам, барқарор эътиқод ҳам бўлиши гумон. Зеро, уларнинг «Олов ўтинни егандек, ҳасад инсондаги барча яхшиликларни егувчидир» деган ҳадисни, халқнинг «Ҳавас қилсанг, етасан, ҳасад қилсанг, йитасан» мақолини билмасликларига ишониш қийин. Эҳтимол, шўринг қурғурларга ҳам осон тутиб бўлмас: еган-ичгани татимай, кечалари тўлғониб чиқишар... Балки, худобехабар, ношукур каслар шундай балога грифтор қилиб қўйилар... Энг ёмони, бундай кимсалар барча олижаноб туйғулардан маҳрум бўладилар.

Андижонга қайтгач, Иброҳимжон имзосиз хат ёзиш эҳтимоли борларни хаёлан чамалаб юрди. Унда яна кимнинг хусумати бўлиши мумкин? У бундай фисқи-фасодга лойиқ ноҳўя иш қилгани ё хатога йўл қўйганини эслолмасди. Мабода шундай бўлган тақдирда ҳам, ўзбек менталитетидан, миллий кадриятларидан беҳабар москваликлар козилик ё оқловчилик қилиб адолат ўрнатишлари шартмиди? Бу билан биз ётларга кимлигимизни, қандайлигимизни намойиш қилган бўлмаймизми?

Бир замонлар Ломоносовни илмий кенгаш аъзолигидан ҳайдаб чиқарганлар ҳам ўз қавмлари, ҳамкасблари эди. Ҳолбуки Ломоносов фан даҳоларидан эди ва шундай бўлиб қолади.

Иттифоқо гумондорлардан бири йўлакда рўпара келиб, «Тараллабедод қилиб юрибсизми?» деган мазмунда «Ҳа, Иброҳимжон, кўринмайсиз?» деб қолди. Асқаров билса ҳазил, билмаса чин, дегандай, синамоқ учун «бир ҳаво алмаштирсин деган экансизлар, Москвага бориб келдим», деди жамоадошининг кўзига зимдан нигоҳ ташлаб. Ҳамкасбнинг юзи қизарди, каловланди.

– Ҳазиллашяпсизми, нимага унақа дейман? Мени бошқаси билан алмаштиряпсиз шекилли, сизни жа-а ҳурмат қиламан.

Одам айбдор бўлмаса, ўзини оқлаб ўтирмайди, ҳазилга ҳазил билан жавоб бериб кўя қолади. Демак...

– Лекин яхши бўлган экан, баҳонада дурустгина бир амалга эга бўлдим. – Иброҳимжон чўнтагидан қизил гувоҳномани олиб узатди.

Хужжатни иккиланиб очиб, «СССР кашфиётлар ва ихтироларни баҳолаш эксперти» деган ёзувни кўрган иғвогарнинг кўз қорачиклари кенгайиб кетди, бармоқлари титрай бошлади. Асқаров унинг руҳиятида ва жисмиятида юз бераётган ўзгаришларни пайқамагандай, давом этди.

– Шу масалада ёрдам керак бўлса, тортинмай айтаверасиз. Ўзим гапирсам нокулай, бошқа дўстларгаям шипшитиб кўярсиз.

Икки кундан кейин, кафедра йиғилишида Иброҳимжон Москва сафари тўғрисида ахборот берар экан, қизим сенга айтаман, келиним, сен эшит, қабалида инсоф, диёнат, бағрикенглик мавзуларида гапирди. Педагог-тарбиячи, олим деган юксак унвонлар билан таърифланувчи зотларни кулочни кенг ёзиб, яхши ният билан юксакларни кўзлаб интилишга, илмий ишлар ва талабаларга сабоқ бериш билан шуғулланишга даъват этди.

«Ёзмачи»нинг таъзирини бермай, баттар бўл деб кўяқолиши ҳам мумкин эди. Лекин тухмат, ноҳақлик жабрларини хўп тортган Иброҳимжоннинг сабри чидамади... Бундай

ғаламисликларини бошқаларга нисбатан ҳам қўллаши мумкин, қолаверса, фитнагар, ғаразгўйларга нопоклик, бўхтоннинг умри қисқалигини англаиб қўйиш керак эди.

Аслини олганда юкоридаги мансаб қўшимча бир вазифа, устама меҳнат холос. Лекин бу ҳам ҳаётий қоидадай гап: истеъдоддилар ўзларига кўп ташвиш орттиришади, ўзгаларга, жамиятга кўп наф етказишади. Истеъдодсизлар эса, аксинча, нукул бошқаларга ва жамиятга ташвиш келтиришади.

– Бундан ташқари, педагог-мураббийнинг вазифаси адашганларни тўғри йўлга буриб қўйишдан иборат-ку, – дейди Асқаров. – Кимки Худодан ўзига омад, мартаба ё армон бўлиб юрган бошқа орзусини сахар туриб тиласа, ишончим комилки, муродига етади. Яратган эгам астойдил илтижо қилганга, агар юраги тоза, имони бут бўлса, албатта бераркан. Мен бунга умрим давомида кўп бора амин бўлдим. Яна шунга ҳам ишонч ҳосил қилдимки, кўзга кўринмас, фақат ақл билан мушоҳада қилиб тагига етадиган ҳаёт конунлари бор. Қарз олган одам ваъдасида қайтармаса, ундан баттар аҳволга тушади ёки бирон кўнгилсизликка йўлиқади. Худбин, кўнгли кораларнинг иши асло юришмайди. Мен ҳаётда шунақаларни ҳам учратдим.

Дарҳақиқат, одам ҳаётда турли тоифа кишиларга дуч келади-ку. Асқаров ҳам ана шундай ҳолатларни назарда тутмоқда эди. Бир куни муовини Эрмат Ризаев билан лаборатория фаолияти тўғрисида суҳбатлашиб ўтиришганида у “иктидорли танишларнинг бўлса, ишга олайлик, илмий иш билан шуғулланишга имкониятларимиз катта, бизникидай замонавий асбоб-ускуналари бой лаборатория, менимча, шаҳарда бошқа бўлмаса керак”, деди ва муовинининг нигоҳлари чараклаб кетишини кутди, лекин Ризаев, аксинча, унга кўзларини қисиб жавоб қайтарди.

– Олим кўпайтириб нима киламиз, Иброҳим Раҳмонович, бир ташкилотга иккаламиз етамиз-да.

Иброҳимжон ханг-манг бўлиб қолди.

– Ҳазиллашяпсизми? Қулоқларимга ишонмаяпман. Сафимизда илмли, обрў-эйтиборли мутахассислар кўпайса яхши-масми? – сўради у муовинига қаттиқ тикилиб.

– Нима кўпайса, ўша нарсанинг кадри тушади, дейишади-ку, – Ризаев гўё ўз фикрини асослади.

– Шунақамаи, – бош чайқади Асқаров. – Мен сизни билмас эканман. Сизни бошқача инсон, яхши олим деб ишга олувдик.

Иброҳимжон муовинига илм-фан ҳақида оғиз очмай кўйди. Ризаев айтган гапларига пушаймон едими ё ўз дунёқарашида қолдими, ноаён эди, аммо муносабатларга дарз кетганини англадими, ярим йилдан сўнг ишдан бўшаш хусусида ариза кўтариб кирди.

– Нимага, – ажабланди Иброҳимжон. – Биздан хафамисиз?

– Йўқ, ўртоқ бошлиқ, бошқа сабаблар бор.

– Лекин менда бунақа хаёл йўқ эди.

– Йўлим ҳам узоқлик қияпти.

– Ё ҳалиям соҳага мослашолмаядсизми? Иш оғир туюляптими?

– Ҳа, шундай десаям бўлади.

– Хўш, қаерга бормоқчисиз?

– Бошқа, енгилроқ соҳада ишласам, деяпман.

– Савдодами?

– Йўғ-е, жа унчаликмас, Иброҳим Раҳмонович.

– Аҳдингиз қатъийми?

– Ҳа, – бош силкиди муовин.

– Ҳа, майли, ўзингиз биласиз. Қаерда, қайси соҳада ишласангиз ҳам, омад ёр бўлсин. Иш юзасидан билиб-билмай дилингни оғритган бўлсам, узр.

– Нима деяпсиз, ўртоқ бошлиқ, бу гапларни мен айтишим керак.

Эртасига шаҳардаги институтлардан бирининг ректори кўнғироқ қилиб қолди.

– Иброҳим Раҳмонович, муовинингиз Эрмат Ризаев бизга ўтмоқчи, шу масалага муносабатингизни билмоқчи эдим.

– Ҳайронман, бир яхши ишлаб юрувди. Сиз каттароқ маош ё лавозим ваъда қипсиз шекилли-да, – деди Асқаров кулиб.

– Йўғ-е, синамаган, билмаган одамга қанақа амал ваъда қилардим, қолаверса, проректорлик ўринлари ҳам банд, – жавоб қилди ректор ҳам кулгига қўшилиб. – Ўзи, уйимиз-

га якинроқ, деб кирган экан. Сиздан тортиб олгандай бўлмай, дейман-да.

– Шунақа деб, меням унамаганимга кўймай аризасига кўл кўйдирди-ю, ўша томонда ой кўриб қолганми...

– Кўрса-кўргандир, биз тараф пастқам жойлар, сизларда деворлар баландроқ... Хўш, ўзи қалай, каттароқ амалга лойикми?

– Яхши олим, илмли, уқувли мутахассис, ҳаракатчан. Энди, беайб парвардигор. Ҳар қандай одамда анча-мунча камчилик бўлиши мумкин. Ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз.

Ректорнинг дилида иштибоҳ туғилдими, ё синамоқчи бўлдими, Эрмат Ризаевдан Иброҳимжон ҳақида ўсмоқчилади.

– Бу, Асқаров деганлари тузук одамми?

– Ташкилотчи, лекин ғалати феъллари бор. Тушуниш қийин. Қайсар, қаттиққўлликниям баъзан ҳаддидан ошириб юборади. У билан ишлаш оғир, – деб жавоб берди собиқ муовин.

– Ий-е, шунақами, мен ўн-ўн беш йилдан бери гаплашиб унинг ғалати феъллари борлигини сезмаган эканман. Сизниям ўша киши ишга олувди шекилли?

– Ҳа, сизга ўхшаган мутахассисга муҳтожмиз, деганидан кейин иссиқ ўрнимни совутиб ўтувдим.

– Лекин у сиз ҳақингизда жуда юксак фикр билдирди. Майли, бир ўйлаб, жамоа билан кенгашиб кўрамиз. Ўзимиз хабар қиламиз, – ректор шундай деб Ризаевга кўл узатди. – Омон бўлинг.

Институтдан ғижиниб чиққан Ризаев катта кўчани кесиб ўтаётганида шиддат билан келаётган қора нексиани пайқамай қолиб, гипсда саккиз ой ётди. Боши ҳам анча чайқалган экан...

Яна бир воқеа. Фарғонада ишлаб юрган кезларида вилоят раҳбарларидан бири Самадов кўнғироқ қилиб, у билан учрашмоқчи эканини айтди. Иброҳимжон хайрон бўлди. Одатда амалдор уни ўз идорасига таклиф этарди.

– Яхши, кутаман, – деди. Ўйлади, чамалади, аммо бир тўхтамага келолмади.

Самадовнинг эса “илтимоси” бор экан. Яқин таниши Россиядан икки вагон қоғоз олиб келаётган экан.

– Шундан бож олмай кўя колсанглар, бирор сафар... Сал кўли юпқароқ жиянлардан, – деди.

Иброҳимжоннинг сўзлик захирасида, муомала таркибида “ўйлаб кўрамиз”, “ҳаракат қиламиз” каби чучмал иборалар камроқ, қолаверса, божхонада думи хуржунда гаплар кетмайди. Боз устига Самадовнинг “бирор сафар...” деган иддаоси ҳам нохуш эшитилди.

– Бунинг иложи йўқ, чунки чегарадан ўтадиган ҳар қандай юк, ўзингизга маълум, рўйхатга олиниб, темир дафтарга қайд этилади.

– Буни таъкидламасангиз ҳам бўлади, Иброҳим Раҳмонович, шунинг учун ҳам катта бошимни кичик қилиб ёнингизга келдим-да. Ўлимдан бошқасининг имкони топилади, – деди Самадов энсаси қотганнамо.

– Майли, имтиёзли қилиб, божни тенг ярмига тушириб берамиз, лекин бутунлай озод қилиш мумкинмас. Бизниям кавлайдиганлар бор.

Самадовнинг авзои ўзгарди.

– Сизни кавлайдиганлардан бири биз-да, – унинг овози оҳанги ҳам кескинлашган эди. – Шунини писанда қилмоқчимисиз, ё она сутидайман, демокчимисиз?

Иброҳимжон мансабдорнинг гапига яраша жавоб қайтармоқчи эди, эртагаёқ кўзимиз кўзимизга тушади-да, деган андишага борди.

– Мени тўғри тушунинг. Божни эллик фоизга камайтирганимиздаям анча фойда қолади, – деди у ҳам андак тағмаъно билан. – Буниям якка ўзим ҳам этолмайман. Комиссия тузиб, қоғознинг бир қисмини яроқсизга чиқариш керак. Аслида буям оғир... – Иброҳимжон “оғир жиноят”, демокчи эди, яна “илтимосчи”га оғир ботмасин деб юмшатди, – анча мушкул иш... Сизни юзингиздан...

– Майли, унчалик овора бўлишнинг ҳожати йўқ. – Самадов ўрнидан турди. – Тўғри айтасиз, конунга хилоф иш тутиб, кейин бир-биримиздан хижолат бўлиб юрмайлик. Мени бу ерга келмади, деб ҳисобланг.

Амалдор яна гап учиргандай бўлди. Ҳа, энди илтимоси ерда колгандан кейин, нима деса, дейди-да.

Мулоқотдан беш-олти кун кейин ҳайдовчи Ахлиддин “Ўртоқ бошлиқ, кечадан бери бир эски “Москвич” бизни кузатиб юрибди”, деб колди. Шубҳали машина ҳайдовчиси ушланиб, сўроққа тутилганда пинҳоний аччиқ тутуннинг қаёқдан келаётгани аён бўлди.

– Самадов – обрўйи баланд мансабдорлардан. Уни ўчакиштирмасак бўлармиди... – деди лаборатория бошлиғи Алижон Ибрагимов.

– Нима қилишимиз керак эди, дейсиз? У айтган молни бождан бутунлай озод қилиш қўлимиздан келадими? Иложи борми?

– Иложи йўқликка йўғ-а, буни ётиғи билан тушунтириш керакмидийкин, дейман-да.

Лаборатория бошлиғи сидқидилдан ҳавотирланиб куюнаётган эди – Иброҳимжон унинг қалбини яхши биларди. Лекин...

– Қизиқсиз-а, Алижон, соҳамиздан, конун-қоидадан беҳабар ишчи ё деҳқон бўлса экан. Ҳамма нарсани тушуниб турибди. Қолаверса, у сиз ўйлаганчалик фаришта-авлиёмас.

– Тўғри, лекин балодан ҳазар, дейман-да.

– Начора, менам тушунтиришга уриндим, тенг ярмига енгиллатамиз дедим. Ўзиям сал инсоф қилиши керак-да.

– Лекин барибир эҳтиёт бўлиш керак. У жуда тез кўтарилаётган раҳбарлардан.

Иброҳимжон кўл силтади.

Орадан кўп ўтмай Самадов, Алижон Ибрагимов айтганидай, марказга, ўз соҳаси бўйича дурустгина ишга олинди.

– Буни қаранг энди, – деди лаборатория бошлиғи бошини сарак-сарак қилиб.

– Ичи қанақалигини билмаганлар кўтаришаверади-да. Ташвишланманг, барибир узокка бормади.

Лекин Алижон барибир бошлиғи ва кўнгил яқини Иброҳимжон учун ҳадикланар, Асқаровнинг одатдагидай бепарволигига, хавфни писанд қилмаслигига ажабланарди.



Аммо, бу гал ҳам Иброҳимжон ҳақ бўлиб чиқди. Самадов янги лавозимда олти ойга ҳам бормади – айнан Фарғонада “ёпиб” кетган ишларининг ҳашаги очилиб, вазифасидан бўшатилди, катта миқдорда товон тўлаб, панжара ортига тушишдан аранг қутулиб қолди.

Бу орада Жалақудукда Иброҳимжоннинг ўғли Нодирбекка нисбатан “фитна” уюштирилди. Уни бир кимсани дўппослаганликда айблаб, вилоят ички ишлар идорасига чақиришибди. Иброҳимжон сабабга ишонмади, ўглининг феъл-атворини, унинг ёлғон сўзламаслигини яхши биларди, аммо барибир ота-да, зудлик билан Андижонга етиб борди. “Жабрдийда” арзгўй ички ишлар ходими, Аброр деган ҳамтуманлари эди. Иброҳимжон суриштириб уни топди. Чеккароққа етаклаб, Аброржон, сиз муштлашиб турасизми, деб сўради. Йигит Асқаровни танир экан.

– Ҳа, ёшлиқда бўлиб турарди, – деди у хайрон бўлиб. – Нима эди, Иброҳим ака?

– Охирги марта қачон муштлашгансиз?

– Армияда, хизмат қилаётганимда. Тинчликми ишқилиб?

– Якин-ўртада биров билан жанжаллашганингиз йўқми, мабодо, хизмат юзасидан?

– Йўғ-ей, нима деяпсиз, Иброҳим ака. Бизни бурчимиз жанжаллашганларни тинчитиш-ку.

– Демак, сизни ҳеч ким урмаган?

– Мени ким уради, нимага уради?

– Мабода, биронтасининг устидан ариза ёзмаганмисиз?

– Унақа одатим йўқ, Иброҳим ака, мени ўғлингиз Нодирбек яхши билади.

– Илтимос, шундай деб ёзиб беринг. – Асқаров Аброрга воқеани қисқа айтди.

Анварнинг дастхатини олиб бориб, “жабрдийда”ники билан солиштиришди. Ёзувлар бир-бирига яқин ҳам келмас эди. Иш билан шуғулланишаётганлар бўшашишди, улар тизгин қўлларидан чиқиб кетганини англашди. Лекин барибир “йўқ, ходимларимизнинг янглишишлари мумкин эмас”, деб яна анча тархашлик қилишди. Бироқ уларнинг чиранишлари фойдасиз

эди – дастхатлар ҳақиқатни ойнадай равшан кўрсатиб турарди. Афсуски, бўхтон ташкилотчиларини, фитнанинг илдизи қаерга – Тошкентга бориб тақаладимиз, Фарғонагами, аниқлаш имкони бўлмади. Иброҳимжонни ишхонадан чақириб қолишди. У тунги соат иккиларда Фарғонага қайтди. Юқоридаги “масала” билан шуғулланишга анча вақтгача фурсат ажратолмади, кейин секин-аста шаштидан тушди.

Балки булар тасодифдир. Лекин ҳаёт фалсафасига кўра ҳеч бир тасодиф бежиз юз бермайди.

Олимнинг фикрича, ҳаммаси қалбга боғлиқ. Агар у кенг, беғубор бўлса, Худо омадниям, бошқасиниям бериши мумкин, аммо қалб нопок, тангу тор бўлса, берганларининг юқиниям қолдирмай қайтариб олиши ҳеч гапмас.

## ДАРДИНГИЗНИ ОЛАЙ, АЁЛЛАР

Олим яна уммон остидан дур изловчи ғаввос каби илму фан уммонига, синтез оламига шўнғиди. Тиббиёт институтини аъло баҳоларга битириб, илмий-кузатувлар олиб боришга бел боғлаган қобилиятли шогирдлари билан лаборатория шароитида синтез қилиб ажратиб олинган кимёвий бирикмаларнинг тирик организмга таъсирини текшириш борасида ҳар куни бир-биридан ғаройиб ва қизиқарли тажрибалар ўтказишарди. Айниқса, Манзура Ғаниева, Манзура Мадаминова ва Гавҳар Нуритдиновалар иштирокидаги камқонлик касаллигига шифо бўлувчи доривор моддалар яратиш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар диққатга сазовор эди. Қуён, оқ сичқон, каламуш каби ҳайвонларда амалга ошириладиган тажрибалар чуқур билим ва оғир меҳнатни талаб этарди. Битта доривор моддани топиш, аниқлаш учун юзлаб янги моддаларни синтез қилиш зарур эди.

Иброҳимжонда дори-дармон яратишга иштиёқ, рағбат бежиз пайдо бўлган эмас. У онаси, опалари ва бошқалар мисолида қишлоқ аёлларининг пахта далаларида тонг саҳардан каро шомгача юпун, оч-наҳор меҳнат қилишлари оқибатида иммунитет пасайиб, камқонлик, сариқ ва бошқа хасталикларни

ўздириб олишларини англаб етган, умуман шафқатсиз хасталикларнинг нисбатан заифроқ хотин-қизлар ва болаларга чанг солиши уни ташвишлантириб келарди. Кунни тунга, тунни кунга улаб қилинган ҳаракатлар, юзлаб ҳайвонларда олиб борилган машаққатли синовлар натижасида ниҳоят камқонликка ва шамоллашга шифо бўлувчи «Феранд», «Ферманд», «Феракс» деб номланган доривор моддалар яратилди. Мазкур ихтиролар Москвадаги тегишли муассасаларда эътироф этилиб, ихтирочиларга муаллифлик гувоҳномаси берилди.

Камқонликка, шамоллашга қарши Совет Иттифоқида, чет элларда яратилган ва ишлаб чиқарилган дори-дармонлар кўп эди, гап шундаки, уларнинг қарийб барчаси қонга салбий таъсир қилар, Асқаров ва шогирдларнинг ниятлари эса инсон организмга зарарсиз дори воситаларини топиш эди.

«Ҳозир барча район ва шаҳарларда камқонли кишиларга моддий ёрдам кўрсатиляпти. Бу борада Иброҳимжон Асқаровнинг илмий ҳаракатлари алоҳида ажралиб туради. У камқонли одамларнинг дардини енгиллаштириш учун янги-янги доривор моддалар яратиш йўлида фидойилик қиляпти. Агар депутат бўлиб сайланиб қолса, ёш олим доимо халқ ғамида, унинг дардига малҳам бўлиш ўйида ишлайди, яшайди» деб ёзилган эди Андижон вилоят «Коммунист» газетасининг 1980 йилги сонларидан бирида. Тўғри, вилоят кенгашига бўлган ўша сайловларда кимдир маҳаллага калишми, кир совунми улашиб (Шўро замонининг сайловлари шундоқ эди!) «ютиб» чиққан эди, лекин ўша ғолиб халқ ноибидан эслагулик бир нишон қолмаган. Асқаров эса, гарчи депутат бўлмаса-да, ҳамиша мамлакат иқтисодий қудрати ва халқ саломатлиги учун қайғуриб ишлади, яшади ва шундоқ ишлаб, яшамокда.

Тадқиқотларни аниқ мақсадларга йўналтириб, самарадорлигини янада ошириш учун ўша мавзуларни номзодлик ишларига айлантириш ва бўлажак олимларга, аниқроқ айтганда, «Болаларда учрайдиган камқонликни даволашда қўлланадиган доривор моддалар яратиш» мавзуида иш олиб бораётган Манзура Мадаминовага илмий раҳбар белгилаш ҳақида гап очилганда, табиийки, шогирд ўз устозини танлади. Аммо Асқаровнинг

кимёгар-педагоглиги кимларгадир обрў-мартабаси ошиб кетаётган «ўзбошимча» олимнинг шахтини қайириш учун тайёр бахона бўлди.

Қисқаси, Иброҳимжоннинг педиатрия ва гематология бўйича ёзилажак диссертацияларга раҳбар этиб тайинлаш муаммоси илмий-методик кенгашда кўриб чиқилди. Микробиология кафедраси мудир, профессор В.Г.Брысин Асқаров тиббиёт соҳасидаги илмий ишларга раҳбар бўла олмайди, деб катъий туриб олди. Кимлардир уни қўллади.

– У ҳолда Асқаров СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатномасини олиши зарур, – дея таклиф киритди илмий ишлар бўйича проректор В.А.Сухотерин.

Йиғилиш қарори ҳам шундай бўлди.

Иброҳимжон бундан тўрт йил муқаддам ҳам айни шу муаммога дуч келган. Кафедра уни доцентликка тавсия этган, лекин масала ректоратга бориб, силжимаи туриб қолди. Асқаров раҳбарга киришга мажбур бўлди. Аввалига нима юмуш билан кирганини айтувди, ректор писандсиз жавоб қилди.

– Сиз педагогика институтини битирган экансиз-ку, демак асосий ихтисослигингиз педагогик. Шунинг учун сизга доцентлик илмий унвони бериш мантиққа ҳам, талабларимизга ҳам зид. Катта ўқитувчи бўлиб ишлашингиз мумкин. Қандай қилиб сизни мединститутга ишга олишган ўзи, хайронман.

– Майли, ҳозир бўлмаса, кейинроқ доцент бўларман. Худо хоҳласа, профессор ҳам бўламан. Сиёсий Бюро аъзоларидан етти киши педагогика институтини битирган. Уларга бутун мамлакат миқёсида раҳбарлик қилиш ишониб топширилган-ку?!

– Сизнинг доцентлигингизга Сиёсий Бюронинг қандай дахли бор? Гап деганниям сал ўйлаброқ гапириш керак.

– Дахли бор, сизни фикрингиздан илмий даражалару унвонлар ҳам қобилиятга эмас, ихтисосликка қараб берилиши керак, амаллар ҳам... деган хулоса келиб чиқади.

Ректорнинг қовоғи осилди.

– Менга ақл ўргатманг. Шукр қилиб ишлаб тураверинг. Бу масалани кейин кўрамиз. Ҳозир студентларни пахтага

жўнатишимиз керак. Сизнинг доцентликка ўтишингиздан пахта мухимрок.

Ўшанда Асқаровнинг сиёсат тўғрисидаги писандалари юрагига ғулғула солдими ё олимнинг “хаётбахш елим” ва тиббиёт соҳасидаги бошқа тадқиқотлари, матбуотларда тез-тез чоп этилаётган илмий мақолалари ўз кучини кўрсатдими, кўп ўтмай, раҳбар фикридан қайтган, Иброҳимжонга доцентлик унвони берилган эди.

Иброҳимжон 1986 йил октябрь ойининг бошларида институт ректори Раҳим Нурмухаммедов номидан СССР Соғлиқни сақлаш вазирига ёзилган хатни ва яна бир бузоқ пулини (отаси шунақа ишларга асқотади деб, уйдан ҳайвон узмасди) чўнтакка солиб Москвага жўнади. Метронинг Рязанск бекатидан Рязанск проспектига чиқди-да, Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ўзбекистон» меҳмонхонасига жойлашгач, Рахманинов тор кўчаси, 6-уйни қидириб топди. СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги камқонлик касалини даволаш бўйича ёзилаётган илмий ишга Асқаров раҳбар бўла оладими, йўқми деган масалани ҳамда шу мавзудаги методик қўлланмани муҳокама қилиш учун Иброҳимжонни Москва шаҳридаги Гематология ва қон куйиш илмий-тадқиқот институтига юборди.

У 17 октябрь куни ўзининг устозларидан бири, собиқ Андижон Давлат Тиббиёт институти илмий ишлар бўйича проректори, ҳозирда Москва педиатрия илмий-тадқиқот институти лабораторияси мудири, профессор Николай Николаевич Чуканин билан учрашиб, эртага, яъни 18 октябрь куни Гематология институтида бўладиган йиғилишга таклиф қилди. Профессор йиғилишга қатнаша олмаслигини, Асқаровнинг ҳам бориши бефойдалигини, чунки у ерда билимдон олимлар борлиги, жумладан, ўта қаттиққўл профессор Идельсон масаланинг ижобий ҳал этилишига жиддий қаршилиқ кўрсатиши, бошқалар эса, унинг фикрини қўллаб-қувватлашлари шубҳасизлигини таъкидлади.

Иброҳимжон ўша кеча яхши ухламади. Чуканиннинг гаплари иши битишига ишончини сусайтириб юборган эди. Ростдан, москвалик катта арбоб-олимлар учун Ўзбекистоннинг чекка

бир вилоятдан келган оддий фан номзоди ким бўпти? Шалвираб қайтиб борса, таниш-билишлар, хусусан уни ёкламайдиган гайирлар олдида нима деган одам бўлади? Лекин энди шу ерга келиб чекиниш мумкин эмас. Таваккал.

У Аллоҳдан мадад ўтинди, хаёлан ота-оналари дуоларини тилади-ю, йиғилиш бўладиган жойга ҳадиксираб борди. Аммо бу ёғи қизиқ бўлди. Уни институт директори, академик Воробьёв илик қарши олди.

Мажлис бошланди. Қатнашчилар ўттизга яқин профессор, фан докторларидан иборат эди.

Анжуман раиси Воробьёв андижонлик меҳмонни таниш-тиргач, ўзи айтгандай, унга масаланинг моҳиятини тушунтириш учун беш дақиқа муҳлат берди. Лекин нотикнинг рус тилида равон гапираётганини кўрган академик чекловни унутди.

Асқаров гапдан тўхташи билан унга саволлар ёгилди.

– Сиз камқонликни қандай даволаш керак деб ҳисоблайсиз?

– Камқонлик касаллиги бўйича ҳайвонларда қандай тажрибалар ўтказилди?

– Камқонликка нима учун ферроцен асосида дори яратилди?

Иброҳимжон ҳар бир саволга атрофлича, ўзига ишонч билан жавоб берди. Ярим соатча давом этган музокарадан сўнг ёши тахминан олтмиш беш-етмишга борган, бўйи пастроқ, аммо тўладан келган, кенг елкали, оқ-сарик юзли бир одам ўрнидан турди.

– Етарли. Бу ўртоқ гематология бўйича етук мутахассис эканлигини исботлади, – деди у қатъият билан.

Очиқ овоз бериш йўли билан Асқаровга тиббиётдан ёкланаяк диссертацияларга илмий раҳбарлик қилиши учун ҳуқуқ бериш ҳақида қарор қабул қилинди ҳамда профессор Идельсондан ҳадиксираб йиғилишга келишга ботинмаган ўша Чуканин, Асқаров ва Мадаминовалар ҳаммуаллифлигидаги камқонликка қарши доривор моддалар яратиш тажрибаларига оид методик қўлланма ҳам тасдиқланди.

Мажлис тугагач, масала юзасидан биринчи бўлиб ижобий сўз айтган соқолли олим Иброҳимжонни табриклади ва ўзини

таништирди: у профессор Идельсон эди. Демак, Чуканин бир фикрда – Идельсон таклифини бошқалар рад этолмаслиги борасида ҳақ бўлиб чиқди.

Хуллас, масъул олимлар Асқаровни фақат гематологияга эмас, умуман тиббиётга оид илмий ишларга раҳбарлик қилиш учун лаёқатли деб топишди ва шу мазмунда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига хат ёзиб беришди. Ваҳоланки, иш жойидаги ҳамкасблари унинг тиббиётнинг фақат бир тармоғи бўйича устозлик қила олишига ҳам шубҳа билдиришган эди. Нафақат шубҳа билдиришган, балки Иброҳимжоннинг қайтишига яна бир “сюрприз” хозирлаб туришган: Асқаров тўғрисидаги масаладан москвадагиларнинг жаҳли чиқиб, бизга гап тегиб қолиши мумкин, деган ҳадикда унинг ЦНЛдаги тажриба хонасини қулфлаб, шогирдларини ҳам лабораторияга киритмай қўйишган эди. Ёш, илмга чанқок тадқиқотчилар – Асқаровнинг шогирдлари Манзура, Соибжон, Абдулла, Шаҳобиддинлар ректор қабулхонасида ўтиришганда ташқаридан кириб келган раҳбар уларга зимдан кўз югуртириб, саломларига алик ҳам олмай, хонасига кирибок қўнғироқ тугмасини босади. Котиба кириб, бир зумда қайтиб чиқади-да, арзғўйларга “ректор хозир сизларни қабул қила олмас экан”, дейди. Эртасига эса ўша тадқиқотчилардан бирига кеча улардан кимдир дўппи кийиб олгани учун раҳбарнинг энсаси қотгани, уни “афғон душманлари” (ўша пайтларда бу таъбир тез-тез қулоққа чалинарди)га ўхшатгани, уларни шунинг учун қабул қилмаганини гуллаб қўяди.

Давр шунақа, сиёсат шундоқ эди: ўз отасига жаноза ўқиттиргани учун коммунист-амалдорлар ишдан олинар, эр-какларимиз русча кепкага, хотин-қизларимиз калта иштонга ёппа ўтиб кетишларига бир баҳя қолувди.

Асқаров Москвадан келиши билан унга “янгилик” ва котибанинг хабарини етказишди. Иброҳимжон раҳбарнинг хузурига кирази-да, “лаборатория масаласи арзимаган нарса, аммо сизнинг ёш тадқиқотчи-олимларимизни “афғон душманлари”га қиёслашингиз ғалатиноқ бўпти-да. Бу ибора сиёсий жиҳатдан талқин қилингудай бўлса, сизга гап тегиб қолмасмикин...”

дейди дангалига, чунки лабораториянинг ёпиб қўйилиши очикдан-очик унга нисбатан кўлланган навбатдаги “блокада” эди. Албатта, “фитна”нинг бошқалар томонидан уюштирилганини Иброҳимжон яхши англарди, фақат уни кўзга кўринган олим, олижаноб инсон, катта бир илм даргоҳи раҳнамосининг “етов”га юргани ажаблантирарди.

Ректорнинг ранги ўзгариб, тутакиб кетди.

– Кто это сказал вам? Откуда взяли?! Я неговорил такого... – Ўша даврларда раҳбарларнинг қарийб тўксон тўққиз фоизи рус тилида гапирарди. – Какое моё дело с вашим этим... лабораторием?! Мне делать нечего что ли?!

Асқаров ректор хонасидан чиқиб лабораторияга етиб келгунча кулф олиб ташланган эди.

## ТАБИБЛИК ИЛДИЗЛАРИ. ДАСТЛАБКИ МУОЛАЖАЛАР

Тиббиётга бевосита ҳақдорлик мақомига эришган Иброҳимжон энди табобат билан ҳам жиддийроқ шуғуллана бошлади. Унинг бу соҳага меҳр қўйишига болалигида юз берган бир воқеа ҳам сабаб бўлган эди. 7-синфдалигида ангиnasi шишиб, шифохонада даволанар, аммо касаллик қайталанаверарди. Бувиси уни Ҳасанқовок қишлоғидаги бир табиб кишига олиб борди. Оппоқ соқолли, қошлари сийрак табиб Иброҳимжонга «оғзингни оч», деди-да, камиш-найча орқали томоғига кўкимтир оқ кукун пуркади. Кейин ўша нарсадан бир сиқимини қоғозга ўраб бувисига берди-да, уйда қирк кун пуркайсизлар – эрталаб, кечкурун, деди. Кукунни қирк кун пуркашди. Иброҳимжон ўша-ўша, ангина нималигини билмайди. Тошкент Давлат тиббиёт институтида аспирантурада ўқиётган пайтида ЛОР кафедрасидагиларнинг ангинани операция қилишаётганини кўриб, жарроҳга «ангина операциясиз ҳам тузалади-ку» деди.

– Йўк, операциясиз тузалиши вақтинча, – деди жарроҳ.

Иброҳимжон Жалакудукқа борган куни Ҳасанқовокка жўнади. Табиб ўтиб кетган, кампири шуғулланаётган экан.



Иброҳимжон тўғрисўзлик қилиб, «томоқ оғриғи дорисидан берсангиз, лабораторияда текшириб, илмий жиҳатдан ўрганмоқчимиз» деган эди, кампирнинг қовоқ-тумшуғи осилди.

– Менга илмий жиҳатини қизигиям, керагиям йўқ, бу бизнинг тирикчилигимиз, – деб, бермади.

Аскарлов кўчага чиқди-да, бир боланинг қўлига уч сўм бериб, табибникига киргизди.

Кукунни лабораторияда фракцияларга ажратиб, таркибини ўрганишга киришди. Унда стрептоцид ва бошқа моддалар борлиги аниқланди. Беш қисмга бўлиб, қолбаларга солиб қўйган эди, Гурьевга халқаро анжуманга кетганида лабораторияда кун иссиқлигидан диэтил эфири портлаб, ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган экан, муртақ беши дориси солинган идишлар ҳам ювиб ташланибди.

Орадан анча ўтиб, яна Ҳасанқовоққа борганида, кампир ҳам ўтиб, табибликни давом эттирадиган одам қолмабди. Шундай қилиб, Иброҳимжон ангинанинг табиий дориси изини йўқотиб қўйди, аммо табобатга қизиқиши ортди. Катта бувиси – дорихона дорисини минбаъд ичмайдиган, болаларга ҳам бердирмайдиган Бузокира опа (эскича илми бор эди, «отинча ая» дейишарди) ота-боболаримизнинг турли табиий муолажалари тўғрисида кўп гапирарди. Ўзи эса болалар шамоллаб қолса, қўй ёғи ичиради. Ўша билан бола бир-икки кунда отдай бўлиб кетарди. Яна занжабил, қорамурчдан малҳам тайёрларди. Иситма тушириш учун талхани, тол ёки чилги узум баргини қўлларди. Иброҳимжон кейин билса, ўша нарсаларда аспирин таркибида мавжуд бўладиган ацетил солицил кислотаси бор экан.

Ҳолаваҷчаси Мухтасархоннинг ўғли Дилшод сутариқ бўлиб қолганида Бузокира опа Иброҳимжонга «ушлаб тур», деди-да, катта пиёладаги қўй ёғининг ярмини болага ичириб, қолганини унинг азои баданига суркаб чиқди. Иброҳимжоннинг катта қизи Раъно ҳам бир яшарлигида иккинчи фарзанд кетма-кет туғилиб, сутариққа чалинади. Анча оғир эди, касалхонада бир ҳафта олиб ётишгандан кейин умид йўқ, деб, жавоб бериб юборишади. Бузокира опа бу гал бошқача муолажаларни қўллайди: катта бир хўрозни сўйдиради-да, иссиқ ичагини

кизалокнинг киндиги аралаш қорнига боғлаб, унинг ҳам баданига кўй ёғи суртади. Иброҳимжон гиёҳлар билан даволаш тарафдори, аммо бунақа эскича «ирим»ларга кўпам ишонавермасди, ижирғаниб, катта бувисига эътироз ҳам билдиради. Бузокира опа, духтирларинг бўлмайти, дейишибдим, энди сен жим тур, дейди. Ҳамма товук шўрва ичиб ўтиришганда бола сал кўзини очади, унга шўрванинг сувидан озгина беришади. Салдан кейин гўдак тетиклаша бошлайди. Ўша қиз ҳозир олий тоифали врач-гинеколог.

Кейин Асқаров Ар-Розий, Беруний, Ибн Синоларнинг табобатга оид китобларини ўқиди. Тошкент Давлат тиббиёт институтида фан докторлари, мутахассислар ёрдамида синтетик доривор моддаларни синтез қилиб, кимёвий таркибини аниқлаш мақсадида тажрибалар ўтказганида қайси дорини текширмасин, организмнинг қайсидир аъзосига салбий таъсир кўрсатиши аён бўлаверарди. Шундан сўнг унда Андижон Давлат тиббиёт институти марказий илмий-тадқиқот лабораториясида тадқиқотлар олиб борган пайтларда туғилган, касалларни табиий воситалар билан даволашга ўтиш керак экан, деган фикр қатъийлашади. Албатта, кимёвий дори-дармонларнинг ижобий жиҳатларини – тури кўплиги, тез таъсир этишини инкор қилиш мумкин эмас. Шўро даврида чекланмаганида, таъқиқланмаганида халқ табобати ҳам ҳозиргача анча ривожланиб, такомиллашган бўлармиди!

Тажрибалари, кўрган-билганларини дастлаб ўз яқинларида қўллаб кўра бошлади. 1975 йили тоғаси Муҳаммаджон аканинг кичик ўғли беш яшарли Нозимжоннинг буйраги касалланиб, пешоби қон аралаш келадиган бўлиб қолди. Докторлар буйракнинг биттасини олиб ташлаш керак, дейишди. Иброҳимжон жиянини вилоят дорихоналар бошқармасига қарашли доришунослик лабораторияси бошлиғи, фармацевтика фанлари номзоди Муталлибжон Мадраҳимов билан маслаҳатлашиб, тузсиз овқат билан даволашга киришади. Бола ҳадемай тузалади. Аммо ўн беш йилдан кейин Нозимжоннинг (энди у йигирмага кирган эди) буйраги яна шамоллаб, уни Тошкентга олиб боришади, яна «операция қилиш керак» дейишгач, йигит қайтиб

келади. Иброҳимжон унга “Шифои Марҳабохон”, “Асшифо”, “Аскальций” дориларини бериб, парҳезга амал қилишни буюради. Нозимжон тузалиб кетади. Йиллар ўтиб, 2007 йили қайта оғриди.

– Тош бор экан, буйракни олдирмаса бўлмас экан, – дейди Муҳаммаджон ака.

Иброҳимжоннинг «олдирманглар» дейишига қарамай, буйракни олдиришади. Бир йилдан кейин иккинчи буйракда ҳам оғрик туради – унда ҳам тош пайдо бўлган эди.

– Энди нима қиламиз, – маслаҳат сўради тоға.

– Нима қилардинглар, олдирасизлар, – деди Иброҳимжон.

– Нима деяпсан, буйраксиз қандай яшайди?

Хуллас, Иброҳимжон Нозимни даволади. Ҳозир у 41 ёшда.

Дастлаб «операция қилмаса бўлмайди» деган болалар врачлари профессор Н.Н.Чуканин Иброҳимжонни ҳар кўрганда «қандай даволадинглар?» деб сўраб қўяр эди. Чунки у бу касаллик даволанмайди деб қатъий фикр билдирганидан хижолат чекарди.

Катта бувиси Бузокира опа саксон икки ёшида инсулт бўлиб, ўн икки кун ҳушсиз ётиб қолди. Бир нечта профессорларни олиб келиб кўрсатишди. Лекин... умид йўқ дейишарди...

– Энди бир таваккал иш қилиб кўрамиз, – деди Иброҳимжон жияни (тоғасининг ўғли), терапевт Исмоилжонга, – беш кубик зуфилин юбориб кўрамиз (ҳа, у кимёвий дорилардан ҳам ўрнида фойдаланарди).

Уколдан сўнг буви сал кўзини очди, кейин ўрик, тут шарбатлари ичира бошладилар. Хуллас, ўшандан кейин бувижон яна ўн икки йил яшади.

## РАҲБАР ҲАҚМИ, ҲАҚИҚАТ?

1985–1990 йиллар Асқаров ҳаёти ва фаолиятида муҳим босқич бўлди. Бу даврда бир қатор йирик воқеалар юз берди. У педагог сифатида талабаларга лекция ўқир, шогирдлари ва бошқаларнинг илмий ишларини кўриб, уларга йўл-

йўрик, маслаҳатлар берар, шу билан бирга ўзи ҳам илмий тадқиқотларини давом эттирарди.

Ашхобод шаҳридаги биокимёгарлар симпозиумида, Москва шаҳридаги кимёгарларнинг халқаро конференциясида, Самарқанд шаҳридаги микроэлементлар биёкимёсига, Озарбайжондаги кимёвий реагентлар мавзуларига бағишланган халқаро анжуманларда ўқиган маърузалари, унинг раҳбарлигидаги илмий марказ (лаборатория)нинг собиқ Иттифок миқёсидаги танлов-мусобақада ғолиб топилиши ҳамда Аскарлов портретининг Москвадаги Бутуниттифок халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг тиббиёт бўлимига кўйилиши фақат Иброҳимжоннинггина эмас, Андижон Тиббиёт институти, ўзбек кимёгар-тиббиётчиларининг ҳам ютуғи, шарафи эди. (Афсуски, бу юксак шарафдан ҳам кимларнингдир иззат-нафси озор топди чоғи. Аскарлов тўғрисида мақола ёзмокчи бўлиб келган вилоят газеталаридан бирининг мухбири қай бир бўғин раҳбариятининг эътирози билан қайтиб кетди. Ёш, иктидорли олимни талтайтириб юбормайлик, деб, эҳтиёт қилишган бўлса керак. Кейинроқ, Иброҳимжон Андижон давлат педагогика институтига кафедра мудири бўлиб ўтиб кетгач, “биз ҳақимиздаги нохуш таассуротларини ёйиб юрмасин” деб хавотирланишди чамаси, институтнинг “Медик” газетасида зудлик билан Аскарлов ҳақида хийла мақтовли мақола чоп этирилиб, пединститутга, мақола қаҳрамонига етказилган эди).

Ферростимулятор -1 нинг яратилиши ҳам айнан ўша даврга тўғри келган эди.

Ўзбек халқининг миллий ғурури, ризки-рўзига айланган пахтанинг ҳосилдорлигини ошириш, унинг тез етилишини таъминлаш учун турли хил биологик ўстирувчи моддалардан фойдаланилади. Улар умумий ном билан биостимуляторлар деб аталади. Ўша йилларда дунё миқёсида «Мивал», қаҳрабо кислотаси каби биостимуляторлар ишлатиларди. Мамлакатимиз экинлари учун янги, экологик зарарсиз биостимуляторни яратиш мақсадида Аскарлов шогирдлари Соибжон Каримов, Шаҳобиддин Қирғизовлар билан ҳамкорликда (Иброҳимжондан кейин улар ҳам устозлари ортидан Андижон

давлат педагогика институтига ишга ўтишган эди) 1980 йилларда металлоценлар деб аталувчи, мураккаб молекулалар тузилишига эга кимёвий бирикмалар асосида янги моддалар синтез қилиш усулларини ишлаб чиқдилар. Сувда эрувчи, тирик организм учун зарарсиз ҳар бир янги моддани синтезлаш, уни тоза ҳолда ажратиб олиш ва кимёвий тузилишини исботлаш учун бир неча ойлаб лабораториянинг зах хоналарига қамалиб ишлашга, тер тўкишга тўғри келарди. Замонавий физикавий-кимёвий усуллар ёрдамида юзлаб янги кимёвий моддалар синтези амалга оширилиб, уларнинг таркиби аниқланди. Янги моддаларнинг айримлари халқ хўжалигининг турли соҳаларига муваффақиятли тадбиқ қилинди, бир нечаси физиологик фаол дори-дармонлар, яна баъзилари гербицид, антидетанатор сифатида фойдаланиш учун тавсия этилди. Бактерияга кирон келтирувчи айрим янги дори-дармонлар тиббиётда қўллаб кўрилди. Ўндан ортик сувда эрувчи янги кимёвий бирикмалар лаборатория шароитида амалиётга қўлланганида уларнинг учтаси чигитнинг тез чиқишига ижобий таъсир этиши аниқланди. Энди ушбу бирикмаларни Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиалида Ғайбулла Неъматов, Тождин Худоёров каби соҳа билимдонлари билан лаборатория ва кичик дала шароитида текшириб кўришга киришилди. Икки йил давомида олиб борилган тажриба ва кузатувлардан сўнг ферростимулятор-1 биостимулятори вилоятнинг Балиқчи, Бўз, Пахтаобод туманлари далаларида синовдан ўтказилди.

Балиқчи туманидаги жамоа хўжалиklarининг раислари Ҳакимжон Қаюмов, Турдихон Сатторова, Турдиали Ҳайитов, Ширмоной Саломова сингари пахтачилик омилкорлари янги биостимуляторларнинг ҳаётга жорий этилишига сидқидилдан амалий кўмак бердилар.

1986 йили Балиқчи тумани «Пахтакор» жамоа хўжалигининг тўртинчи бригадаси дала шийпони ёнида ҳам ўн олти гектарлик майдонга ферростимулятор-1 моддаси билан ишлов берилган чигит экилган эди, ниҳоллар жуда тез ўса бошлади. Июль ойининг биринчи ўн кунлигида ғўзалар бир текис шонага кирди. Бутун Балиқчи тумани, ҳатто вилоят да-

лаларида ҳам бунчалик шитоб ривожланаётган ғўза йўқлигини мутахассислар эътироф этишарди.

7 июль куни дала синови ўтказилаётган жойда Иброҳимжон, Соибжон, Акбаржон, Шаҳобиддинлар ҳисоб-китоб ишлари билан машгул эди. Дала шийпони ёнига бир жуфт оқ «Волга» келиб тўхтади. Улардан уч киши тушди. Асқаров улардан иккитасини дарров таниди: Балиқчи райкомининг биринчи котиби Абдукарим Мўминов ва ушбу хўжалик раиси Турдали Ҳайитов. Учинчи, башанг кийинган одамнинг катта мансабдор эканлиги ёнида бирга келганларнинг унга тобеона муносабатидан сезилиб турарди. Меҳмонлар ёш олимлар билан саломлашишгач, тажриба даласидаги пахтанинг ривожини кўриб чехралари очилиб кетди. Райком котиби Абдукарим Мўминов олимларга нотаниш киши Андижон вилоят обкомининг биринчи котиби Маҳмут Маърупович Орифжонов эканлигини шипшитдида, тажриба даласидаги ғўзанинг бунчалик яхши ривожига Иброҳимжон томонидан яратилган янги биостимулятор сабаб бўлаётгани тўғрисида гапирди. Орифжонов Асқаровни табрик-лаб қўл узатди.

– Раҳмат сизларга, пахтанинг тез пишиши ва серҳосил бўлишини таъминловчи мана шундай янги моддаларни яратганликларингиз учун. Бу иш жуда катта аҳамиятга эга, – деб олимнинг елкасига қоқиб қўйди. Сўнг атрофга мамнунлик билан қараб, дала ичига юра бошлади ва тўхтовсиз «Пахтанинг авжи жуда зўр-ку», дер эди. У вилоятга яқинда раҳбар бўлиб келган, Балиқчи туманига эса биринчи ташрифи эди.

– Бу даланинг ҳосили неччи центнерга етади? – сўради у.

– Ўттиз саккиз-қирққа борса керак, – жавоб берди Иброҳимжон.

Обком котибининг ранги ўзгарди.

– Ҳозирги кунда колхозчилар ҳар гектаридан олтмиш-етмиш центнердан ҳосил оламиз деб ваъда бераётганда, сизнинг ўттиз саккиз... дейишингиз қизиқ бўлди-ку, – дея ажабланди у. Орага жимлик чўқди. Иброҳимжон оғир-босиқлик билан сўз бошлади:

– Одамнинг ўртача бўйи 170–180 сантиметрни ташкил этади. Дунёда бўйи икки метрдан ортиқ кишилар жуда кам ва улар ўзларини бошқаришда анча қийналишар экан. Инсонга қанча витаминлар бермайлик, бўйи икки метрга етавермас экан, демак табиий чегара мавжуд.

– Бунинг пахтага нима алоқаси бор?! – Орифжонов Аскарловга чакчайди ва ғазабидан рус тилида гапира бошлади: – Вы учёные, не помогаете, а мешаете хлопкоробам! Хлопкороб обещает семдесят центнеров с гектара, а вы говорите сорок!.. – деди-да, машинага қараб юрди ва хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, Абдукарим Мўминов билан жўнаб юборди.

Ўша йили тажриба майдонидан 42,4 центнердан пахта ҳосили олинди. Хўжаликнинг бошқа далаларида ўттиз саккиз центнердан ҳосил етиштирилди.

1986–1988 йилларда Андижон вилоятининг бир қатор туманларида янги биостимулятор бўйича дала синовлари ўтказилди. Педагог олим, ҳаётий тажрибаси улуғроқ Насимжон Абдурахмонов Иброҳимжонга ҳамроҳ ҳамда кўмакдош эди. Ёшларидаги бир неча йиллик фарққа қарамасдан улар кадрдон дўст, ҳамфикр, ҳаммаслак эдилар. Иброҳимжоннинг отаси Раҳмонжон акага уруш қатнашчиси сифатида берилган «Запорожец» автомобилида бирга дала айланишарди.

## ҚАДР СИНОВИ

Бу даврда яна бир қизиқ ҳодиса содир бўлди. Иброҳимжон 1987 йили Андижон Давлат педагогика институтига кимё кафедраси мудири бўлиб ўтган эди. Ферростимулятор-1ни олийгоҳ ректори, таниқли биолог олим, академик Акмал Қосимов билан ҳамкорликда, унинг ташаббуси билан ташкил қилинган лабораторияда яратишган ва уни тасдиқдан ўтказиш учун ректор билан Москвагача боришган. Ўшанда пойтахтлик олимлар бу жуда зарур, истиқболли ихтирога шерик бўлиш истакларини шама ҳам қилиб кўришган.

Аслида Аскарлов пединститутга анча аввал ишга таклиф этилган, аммо Тиббиёт институтидаги ажойиб шогирдлари ва

қизикарли тадқиқотларни кўзи қиймай, қолаверса, баъзиларга ўчакишиб, ўша ерда узоқ қолиб кетди. Ғайратли олим Акмал Қосимов сиймосида ғамхўр раҳбар, камтар олим, олижаноб инсон, оқибатли устоз тимсолини топди. Ректор унинг фақат лабораторияда ишлаши учун шарт-шароит яратиб берибгина қолмай, тажрибаларини амалиётда синовдан ўтказиш ва ташкилий масалаларни ҳал қилишда ҳам худди дўст ва бир тоифадаги ҳамкор каби сидқидилдан кўмак берарди. У мен академикман, ректорман, ишим бошимдан ошиб ётибди демай, Асқаров билан дала кезиб, биостимуляторларни амалиётга жорий этиш жараёнларида эринмай қатнашарди. Зеро, у ўз фаолиятдан ташқари, ризқи-рўз яратувчи деҳқонларнинг оғир меҳнатини енгиллаштиришга, уларнинг дастурхонини тўкин қилишга ҳисса қўшаётганларга, умуман халқ манфаати, юрт фаровонлиги йўлида заҳмат чекаётганларга кўмаклашишни ўзининг ватанпарварлик, фуқаролик бурчи деб ҳисоблагувчилардан эди. Афсуски, бу мўътабар инсон ҳам узоқ яшамади. Ҳовлисида узум хомтоқ қилаётиб нарвондан йиқилиб тушдию, ётиб қолди ва қайтиб ўрnidан туриб кетолмади. Уни расмий лавозимларга кўтаришиб, илм кишисини анча довдиратишди ҳам. Ҳаётда ҳар кимнинг ўз ўрни, вазифаси бор. Ҳар кимнинг истеъдоди йўналишини, эл-юртга, илм-фанга, жамиятга қайси борада кўпроқ нафи тегишини ҳисобга олиш керак шекилли. Саид Аҳмаднинг ҳажвиясидагидек, кушхона директорининг ўрни санъат даргоҳида ёки аксинча эмас-да.

Хуллас, ана шу шарт-шароит ва имкониятлар туфайли етти йиллик илмий изланишлар ва юзлаб хўжаликларда ўтказилган тажрибалар натижасида «Ферростимулятор-1», «Ферростимулятор-2», «Ферростимулятор-3» биостимуляторлари яратилган ва кишлоқ хўжалигига жорий этилган эди.

Акмал Қосимов яна бир ишда тантилик қилди. Асқаров пединстиутга ўтиб кетгандан кейин Тиббиёт институтининг у ишлаган кафедрасида жиддий ўзгариш юз берди. Инжиқлиги, ўринли-ўринсиз талабчанлиги билан қўл остидагиларнинг жиғига тегаверадиган кафедра мудирини истеъфога чиқиб, ўрнига собиқ жамоадoshларидан бири мудир вазифасини



вақтинча бажариб туришга тайинланган эди. Иброҳимжон ўша томонга йўли тушиб, бир табриклаб қўяй, деб кирди. Вазифа бажарувчи-ҳамкасбининг ғалатиноқ – димоғдорноқ муносабатидан ранжиб, тўғрироғи, ғашланиб қайтаётган эди, собиқ ҳамжамоаларидан бири: кафедра мудирлигига келмайсизми, кўплар сизни ҳурмат қилишарди, нариги институтга ўтиб кетганингиздан кейин ўрнингиз билинди, деб иддао қилиб қолди.

Унинг таваккалчилиги тутди, қани, бир қадримни синаб кўрай-чи бўлмаса, деб танловга ҳужжат тайёрлади. Ниятини Акмал Қосимовга айтган эди, у жуда ажабланиди, балки ичида мен уни оддий доцентликдан кафедра мудирлиги қилиб олувдим, деб дили оғригандир. Иброҳимжон асосий муддаосини шама қилган эди, раҳбар «Ҳожати бормикин, мабодо танловдан ўтмай қолсангиз, ўзингизга ҳам, бизга ҳам ноқулай бўлмайдими?» деди. Лекин Асқаровдаги туғма қайсарлик, тутган жойини қўйиб юбормаслик феъли унинг аҳдидан қайтишига йўл қўймасди. «Қайсар одам ўз қарашларини, демакки, шаънини ҳимоя қилади» деган эди фаранг файласуфи Монтексёе.

– Ҳай, майли, ўзингиз биласиз, аммо у ёқда сайловдан ўтсангиз, биздаям ишлайверасиз, – деди ректор. Бу Қосимовнинг ниҳоятда олижаноблигидан далолат эди. Ундан бошқа одам «икки орада аросатда қолмасангиз бўлди», дейиши ҳам мумкин эди.

Кадр-қимматни амал, мартабадан устун қўядиган Асқаров эса аросатда қолишдан ҳам чўчимасди. Эҳтимол, Акмал Қосимов унинг нариги институтда сайловдан ўтишига ишонмагандир.

Кафедрадаги ички сайловда у кўп овоз ололмади, аммо тўрт номзод қатнашган институт илмий кенгашида Иброҳимжон саксон саккиз фоиз овоз билан кимё кафедраси мудирлигига сайланди. Орадан бир кун ўтгач, институт ректори, профессор Соатқул Жумабоев, проректорлар Мамазоир Хўжамбердиев, Сухотерин, факультет декани Қурбонов кафедрага келишиб, Асқаровнинг кафедра мудирлигига сайланганлиги муносабати билан мажлис ўтказишди. Унда кафедранинг деярли барча аъзоларига сўз берилди. Бир кишидан ташқари

ҳамма Иброҳимжоннинг кафедрага келганлигидан мамнунлигини билдирди. Йиғин якунида ректор кафедрага узоқ йиллар раҳбарлик қилган Паҳлавон Сайфуллаевни кафедрада, доцент лавозимида қолдириш масаласини овозга қўйди. Кафедра аъзоларидан бир киши – Асқаровдан бошқа ҳеч ким қўл кўтармади. Иброҳимжон бир қанча муддат иккита институтнинг икки кафедрасини бошқариб юрди (Акмал Қосимов сўзида туриб, уни ишда олиб қолган эди). Кейин бунини ўзига эп кўрмади. Ректорлардан хижолат ҳам бўлди. У асосий муддаосига эришган – кимларгадир ўзининг кимлигини, илмда аллакимлардан пешво эканлигини, ҳар икки олийгоҳ микёсида обрў-эътибори, ўрни борлигини исботлай олган эди. Юқоридаги воқеадан кейин институтдан бутунлай кетган собиқ мудирнинг Иброҳимжонга нисбатан қарашлари, муносабати кескин ўзгарган, лекин энди йиллар орқада қолган эди.

## ОТА ВАСИЯТИ

1987 йили у оғир жудоликка учради.

Раҳмонжон ака Жалақудуқ пахта заводида ишлаб нафақага чиққан эди.

Ота мол-дунё тўплашни хуш кўрмас, бунга имкони ҳам йўқ эди.

– Еб, ич, кий, яша, – дерди.

– Катта ўғлим айнан дадамга ўхшайди, – дейди Иброҳимжон. – Сохт-сумбати ҳам, қўли очиклиги ҳам.

Демак, ҳиммату саховат Иброҳимжоннинг ўзига ҳам қиблагоҳидан ўтган.

Иброҳимжон отасини асраб-авайларди. Уни дам олишга зўрлаб юбориб, эртасига етиб борарди халта-халта мева-чева кўтариб. «Шунча нарсани бир ўзим нима қиламан?» дерди Раҳмонжон ака.

– Шериклар бордир... Санитаркаларга бериб юборасиз, – дейди Иброҳимжон.

У ҳар гал отасининг уни узоқ дуо қилиб қолганини сезарди.

Отаси олтмиш саккиз ёшида бирдан аденомага чалиниб, ўпкага метастаз бериб юборди. Бу саратон – рак аломати эди.

Раҳмонжон аканинг ноҳақ қамалгани аллақачон маълум бўлган, унинг эл-юрт, ватан олдидаги хизматлари ҳукумат томонидан эътироф этилиб, уруш қатнашчиси сифатида “Запорожец” энгил машинаси билан тақдирланган, барча ҳуқуқ ва имтиёзлари тикланган эди. Аммо ўша пайтларда тортилган азоб, изтироблар унинг вужуди ва қалбида оғир асоратлар қолдирган эди чамаси. Балки бетон хоналарнинг захи оёғидан ўтиб, ўпкасини захолаганми... у каттиқ сиқиларди. Энг навқирон даврлари шамол, қуюнларда барвақт тўкилган япроқдек завоп топгани, ёмғир-жалаларда тупроққа коришиб, изсиз кетгани аламли эди.

Дори-дармон, муолажаларнинг қор қилиши сезилмасди. Узоқ йиллар тиббиёт билан шуғулланиб, муҳим ихтиролар қилган, камқонликка, шамоллашга қарши дори-дармонлар яратиш учун қанчалаб йиллар шуғулланган кимёгар-табибга ўз отасининг кўз олдида кундан-кунга озиб, сўлиб бораётганини кўриш, қўл қовуштириб ўтириш оғир эди.

У яна қуёнлар, каламушлар устида тажрибалар олиб бориб, саратонга қарши даво излашга тушди.

\* \* \*

Тиббиётнинг мислсиз даражада ривожлангани ва тобора такомиллашиб бораётгани ҳақиқат. Ўтмишда қанчадан-қанча гўдакларнинг ва ҳатто катталарнинг умрига зомин бўлган қандай шафқатсиз касалликлар даф этилмади, дейсиз. Юрак, буйрак каби энг нозик, энг муҳим аъзоларни кўчириб ўтқазиб ва бошқа ютуқларга ҳар қанча тасаннолар айтилса, кам. Бирок инсон вужуди шу қадар мураккаб ва сертармоқки, куртаклари ибтидоий жамоа даврларидан бошланган, қулдорлик босқичларидаёқ профессионал касб даражасига етган халқ табобати ва кейинчалик юзага келган илмий тиббиёт нечоғлик шиддат билан ҳаракат қилмасин, одамзотнинг тузилиши, мижози, кўп хасталикларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳалигача муфассал ўрганиб чиқилгани ва уларни бартараф қилиш чо-

ралари тўла топилгани йўқ. Ана шундай касалликлардан бири кўп замонлардан бери шифокорларни, олимларни писанд қилмай, бўйин эгмай келаётган саратон – рақдир. Саратонни даф этиш учун катта куч, ўткир қуролнинг хожати йўқлигини, аммо саломатликнинг инсониятга ашаддий душмани бўлмиш бу ёвуз хасталикнинг жони оддий гиёҳлар «қўлида» эканлигини аниқлаш осон кечмаган, албатта. Отажонининг шифо топиши учун муайян сабабларга кўра узлатта чекинган, тўғрироғи чекинтирилган халқ табобати кекса донишманд каби ўз зурёди тиббиётга ёрдамга келишини Иброҳимжон жуда-жуда хоҳларди. Тажриба, моддаларни синтез қилиб, бирини иккинчиси билан частиштириб дориворлик хоссасини аниқлаш, дори олиш қийин, узоқ вақт талаб қиладиган жараён. Шогирдлари Абдуллажон Акбаров, Сойибжон Каримов, Акбаржон Жўраев, Шаҳобиддин Қирғизов, Расулжон Абдуллаевлар билан бир кеча-кундузда етмиш-саксонтагача тажриба ўтказишарди. Юзлаб хил гиёҳлар, меваларнинг барглари, гуллари таркибини синчиклаб ўрганишарди. Шу аснода камқонликка мўлжалланган дориларнинг раққа қарши хусусиятлари ҳам борлиги аён бўлиб қолди. Аммо ҳали булар муфассал синаб кўрилмаган, таъсири ҳам кутилган даражада эмас эди.

Ҳарқалай, саратон муолажаси бўйича биринчи пациент – бемор отаси бўлди. Иброҳимжон шогирдлари билан кашф қилишган янги дориларни – кейинчалик «Шифои Марҳабохон», «Мажмуи Раҳмоний», «Асшифо», «Алқоён», «Асдаво» деб аталган (аввал номлари йўқ, барини «АИ» – Асқаров Иброҳимжон деб шифрларди) дамламаларни бирикки ҳафта ўзи синаб кўрар, зарарли, қўшимча таъсирлари сезилмагач, отасига ичирарди.

Раҳмонжон ака кон тупурарди. Икки-уч кунда шу нарса тўхтади. Овози ҳам чиқиб қолди.

- Бу дориларни қаердан олиб келдинг, – сўради у ўғлидан.
- Ўзимиз лабораторияда тайёрладик.
- Демак, рақнинг давоси топилибди-да.
- Ким сизни рақ деди?
- Яхши, лекин меники ўтиб қолди-да...

– Ўтгани йўқ, Худо хоҳласа, яхши бўлиб кетасиз. Бу ишончли, зўр дорилар, зарари ҳам йўқ.

Шифокорлар Раҳмонжон акани икки ойга бориб-бормайдди, дейишганди, етти ой яшади.

Бир куни ярим тунда Иброҳимжонни Маннурахон уйғотди. Ўша куни у ишдан кеч қайтган, ниҳоятда чарчаганди.

– Сизни дадам чақиряптикан.

Иброҳимжон кўзларини ишқалаб, Раҳмонжон ака ётадиган хонага кирди.

– Тузукмисиз, дада?

– Манови ерга ўтир, – ёнидан жой кўрсатди ота. – Сен менинг ёлғиз ўғлимсан. Ўғлим битта, деб ўксинган вақтларим бўлган. Лекин менга, оилага ўнча ўғилчалик асқотдинг. Сендан розиман.

– Шуни эрталаб айтсангиз ҳам бўлардию, дада, – деди Иброҳимжон кулимсираб.

– Йўқ, ҳозир айтгим келди. Сен тушунмайсан. Аввало, мени бандасидан қарзим йўқ, шуни билиб қўйгин. Энди сенга бита маслаҳатим: бировга ёмонлик қилмагин, ҳеч кимнинг дилини оғритмагин. Мабодо биров билан жанжаллашишга тўғри келиб қолса, «Астафурилло, астафурилло» дегин-да, ўша кимсанинг олдидан нари кет. Шунда кейин афсус чекмайсан, виждонинг қийналмайди... Омин, омадингни берсин, ризкинг улуг, умринг узоқ бўлсин...

Иброҳимжоннинг уйқуси қочди. Отанинг гаплари унинг хаёлини дам у ёққа, дам бу ёққа учирарди. Эртасига барвақт чиқиб унинг ҳолати дурустлигини кўргач, кўнгли таскин топди. Аммо ўшандан ўн тўрт кун ўтиб, 1988 йил 5 июлда Раҳмонжон ака жонини эгасига топширганда у падари бузрукворининг боъги тундаги ташвиши ва дуоси моҳиятига етгандай бўлди.

Ўша куни Иброҳимжон яна бир нарсадан ҳайратга тушди: таъзияга келган дўсти ёронлар «маърака-маросимга...», деб халта-халта нарсалар кўтариб киришарди. У қаттиқ хижолат чекар, аммо хайр-эхсонларни рад этиш, эътироз билдириш нокулай, ножоиз бир вазият эди.

Шундан кейин, ажабки, ишлари янада юришиб кетгандай, топганларига барака кириб бораётгандай бўлаверди. Булар балки ота дуоסי туфайли эди.

## САРАТОНГА ҚАРШИ КУРАШ ВА ҒАЛАБАЛАР

Лекин унга барибир алам қилди, армон бўлди. Бир вақтлар моддий кўмагига муҳтож бўлиб узок йиллар умид билан кутган энг яқин, энг азиз одами, қиблагоҳининг энди маънавий мададига, суянчига эҳтиёж сезадиган даврларда уни буткул йўқотган, юрагининг катта бир қисми ҳувиллаб қолган эди.

У янада астойдил изланишга, бедаво дардларга даво топишга аҳд қилди. Китоблар кўрди, шогирдлари, ходимлари билан қаттиқ киришди.

Онасининг кўкрак бези билан оғриб қолгани жуда ошиб тушди. Бу ҳам саратон демак эди.

Замонавий тиббиёт (Иброҳимжон уни «Европа медицинаси» деб атайди) бир қанча касалликларни, шу жумладан саратонни давоси топилмаётган, инсон умри учун ўта хавфли хасталиклар рўйхатида санайди. Албатта, дунё тиб аҳли, профессорлар, академиклар бу борада илмий изланишлар, тажрибалар олиб боришаётгани шаксиз, лекин афсуски, шифо масканларида ўсмага ўхшаган бир нимадан гумон қилинса, бемор дарҳол онкология диспенсерига йўлланади. У ерда вақтинчалик чора сифатида нур ё кимётерапия қўлланади ёки зудлик билан операция қилиш керак, дейишади. Операциядан кейин эса...

Саратон, унинг ўзидан ҳам кўра ваҳимаси, васвасаси кузги қора булут каби тобора атрофни кенгроқ чулғаб, одамларни хадикка, ғулғулага солиб бораверади. Ҳеч ким бу ашаддий касалликнинг келиб чиқиш сабабларини батафсил айтиб беролмайди. Шифокорлар, олимлар ҳамма нарсани экологиянинг, турмуш тарзи маромининг бузилишига, озиқ-овқатга, асабга тўнкашади. Балки чиндан ҳам шундайдир.

Айбни тиббиётга йўткаш шамойили таниш-билиш ё бошқа «йўл» билан ўқишга кирган, табиатан тиббиётга лаёқатсиз, боз устига ўз устида ишламайдиган, касбни фақат тирикчилик во-

ситаси деб биладиганларда кучлироқ бўлиб, улар шу билан ўз заифликларини никоблашга уринадилар.

Аввал отаси, кейин онажонисининг беиложсифат хасталикларга чалиниши Иброҳимжонга синов, турткидай, Парвардигор томонидан «кани, эй бандам, сенга сунган иқтидорларимни ишга сол, излан, беморларга сенинг тилинг ва қўлларинг орқали шифо беражакман, деган ишоратдай, даъватдай туюларди. Ахир у қандай модданинг нимага эм бўлиши, моддани моддага қўшса қандай мўъжиза юзага келишини биладиган кимёгар, она табиат бағридаги ҳар бир ўсимлик-гиёҳда инсоннинг у ёки бу аъзосига сув ва ҳаводек зарур бўлган доривор кимёвий элементлар борлигини ўқиган, уққан, тажрибалардан ўтказган мутахассис-ку!

Отадан айрилганига бир йил ҳам бўлмаган эди. Иброҳимжон эсанкираб қолди. Ҳам ота, ҳам она ўрнида фарзанди ва набираларига парвона, ҳаёт шамчироғи – волидаи меҳрибонини тезроқ оёққа турғазиб юбориш керак!

Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»ни, «Опухолевые болезни» қўлланмаси, Машковскийнинг 2 жилдли «Лекарственные препараты» ва бошқа тиббий китобларни ўқийвериш варақларини титиб юборди.

Аскаронинг фикрича, аслида хом сут эмган банда дардни бедаво деб ҳукм чиқаришдан тийилмоғи зарур. Минг бир дарднинг фақат биттасига – ўлимга чора йўқ. Қолган барча дардларнинг шифосини Парвардигор мевалар, ўсимликлар, гуллар, гиёҳлар қатига сочиб юборган, уларни топиб, териб олиш ва ўрнида, меёрида қўллаш керак, холос. «Масалан, одамлар шафтоли гулларининг нақадар шифобахшлигини билишсайки, бир донасини ҳам шамолга учирмай териб олишган бўларди», дейди профессор-табиб. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаровнинг шоирона тили билан айтганда, «Табиат бағридаги инсоннинг дардига малҳам бўлмоқ учун томирини, поясини, баргини, гулини инъом этаётган гиёҳлар билан сирлашиб, уларнинг тилини, ишорасини англай» билиш қобилияти Иброҳимжонга жуда қўл келди.

– Банданинг ҳукми – ўз ожизлигининг эътирофи, албатта,

аммо бошқаларни умидсизликка, куткуга соладиган, инсоният-ни тиббиётдан кўнглини совутадиغان, ишончини сусайтиради-ган ҳукм, – дейди Асқаров.

У яна гул, гиёҳ излаб боғларда, далаларда, тоғу тошлар-да изғиди. Яна лаборатория ва уйда бедор тунлар бошланди. Ҳафталар, ойлар бош қотириб, отада синаб кўрилган дори-дармонлар, дамламаларни янада такомиллаштириш, таркиби-ни янада бойитиш ва таъсирини кучайтириш устида ишлар ва уларни онаизорга ичириб кўрарди. Лекин самара сезилавермас, Асқаровнинг диққати ошарди. Бир куни Марҳабохон ая эрта-лаб туриб ўғлига «шиш қайта бошлагандай кўриняпти, оғрик ҳам пайсал топяпти шекилли», деб қолди.

Иброҳимжоннинг аъзои баданидан тер қуюлиб келди. Бу қувонч, ҳаяжон ва енгиллаш тери эди.

Лекин мусибат бир илашса, қаторасига келаверар экан. Орадан икки йил ўтиб-ўтмай, синглиси Озодахоннинг кўзи хиралашиб, мувозанати ҳам йўқолиб, эркин юролмай қолди. Асқаров Тошкентда, докторлик ҳимояси машмашалари билан юрган эди, етиб келди. Бунақасини эшитгану кўрмаган эди, кўрқиб кетди. Зудлик билан вилоят шифохонасига олиб борди. Кўз дўхтири невропатологга, у онкологияга йўллади. Тошкент онкология илмий марказидагилар тузалишига ишонч йўқ, фақат Францияда операция қилиш мумкин дейишди. Иброҳимжон таниш-билишларини ишга солиб, республика Ташқи ишлар вазирлиги орқали Парижга – онкологлар айтган шифохонага кўнғирок қилди. «...60 минг доллар билан келинлар, лекин юз фойиз кафолат бермаймиз», дейишди.

Уларда 60 доллар ҳам йўқ эди.

Ташхис бош мия ўсмаси эди.

Иброҳимжон ўзи яратган дориларни қўллашга иккиланар-ди. Москвадаги Канцерогенес ва онкология илмий-текшириш институти клиникаси билан боғланди. Улар ҳам аниқ ваъда бё-ришмади, қийин, дейишди.

Касби врач (педиатр) бўлган Озодахон бу касал нимали-гини яхши биларди, «ростдан ҳам қийин», деди. Тушқунликка тушди. Иштаҳаси йўқ, кўнгли айниб қайт қиларди.



– Ноумид бўлманг, Худо хоҳласа, тузалади, – деди акаизор. Тошкентдан Андижонга қайтишди.

Иброҳимжон Аллоҳдан астойдил тилаб, отаси ва онасига ишлатган ва уларга нафи теккан «Шифои Марҳабохон», «Асшифо», «Асдаво», «Мажмуи Раҳмоний», «Шифои даво», «Аскальций»лардан оз-оздан, навбатма-навбат, кундан-кунга қўшиб бераверди. Марҳабохон опа намозларида тинмай табиб ўғлини дуо қилар, қизига яратгандан шифо сўрарди. Муолажалар ва дуолар сингилнинг қаттол ва ёвуз дардига эм бўла бошлади – Озодахоннинг қайт қилиши аввал камайиб, кейин бутунлай тўхтади, секин-аста иштаҳаси очилиб, бахтли, чарогон кунларнинг бирида кўзлари ҳам яна боягидек кўра бошлади! Марҳабохон аянинг ҳам, Иброҳимжоннинг ҳам ўша кун, ўша пайтлардаги қувончлари, ҳаяжонларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Тўғри, Озодахоннинг касаллик асоратларидан батамом фориғ бўлиб кетиши учун яна икки йил керак бўлди. Лекин, мана, ҳозир у туман шифохонасида ўз соҳаси бўйича ишляпти.

## ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР. КАТТА «ҚОВУН»

Иброҳимжон анча йиллардан бери докторлик илмий иши устида ишлар, бир оёғи Москвада, уни докторлик ёқлашга даъват этган олим Кочеткова ишлайдиган Россия Фанлар академияси Элементоорганик бирикмалар кимёси институтида эди.

Саксонинчи йиллар бошида СССР Олий аттестациясининг аниқ фанлар, хусусан, кимё бўйича ёқланажак номзодлик, докторлик диссертациялари амалиётга жорий қилинган тажрибалар билан уйғунлашмоғи лозим деган мазмундаги қарори аслида Асқаровнинг илмий ишларига мос эди. Шу боис у гоҳ Андижонда, гоҳ Москвада кимёвий тажрибалар ўтказарди. У мингдан ортиқ янги моддалар синтез қилиб ажратиб олди ва уларнинг биологик хусусиятларини синчиклаб ўрганди. Москва «Витамин» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида доривор моддалар ишлаб чиқариш ва улар камқонлик касалини даволашда қўлланарди. Аммо у препаратларнинг организм-

га зарарли таъсири кучли эди. Асқаров ва унинг шогирдлари ихтиро қилишган феранд моддаси эса мазкур доривор моддаларга нисбатан қарийб мутлақо зарарсиз, самарали эди. Иброҳимжоннинг «Ферроценнинг ароматик ҳосилалари синтези ва уларнинг биологик фаоллигини ўрганиш» мавзuidaги докторлик ишига мазкур тадқиқотлар асос бўлди.

Докторант бир қатор вазифаларни ўз олдига қўйган эди. Чунончи:

1. Орта, мета, пара-ферроценилфенолнинг сувда эрувчи, зарарсиз доривор ва биостимуляторли хусусиятга эга янги ҳосилаларини синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш;

2. Диазотрлаш реакцияларининг механизмини ўрганиш ва назарий таклифлар ишлаб чиқиш;

3. Юздан ортиқ янги (дунё миқёсида) моддалар синтез қилиш ва уларнинг тузилишини инфра қизил, ультра бинафша нурлар, шунингдек, ПМР, МАСС ва хроматография усуллари ёрдамида тадқиқ этиш;

4. Янги олинган моддалар орасидан лаборатория ва дала шароитида (ўсимликлар учун) янги биологик стимуляторларни яратиш ва амалиётга жорий қилиш;

5. Янги олинган моддалар орасидан доривор хусусиятга эга бўлган моддаларни аниқлаш ва амалиётда қўллаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;

6. Янги олинган моддалар асосида дунё миқёсида самарали биологик елимлар ишлаб чиқариш ва уларни амалиётга жорий этиш юзасидан тажрибалар олиб бориш ва бошқалар.

Докторлик илмий иши юзасидан қизгин тадқиқот олиб борган Асқаров куйидаги натижаларга эришди, худди шу нарсалар унинг диссертациясида ифодаланadi:

1. Орта, мета, пара-ферроценилфеноллардан иктисодий самарадор моддалар олиш усуллари, улар асосида 110 дан ортиқ янги моддаларни синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилиб, тузилишлари исботланди.

2. Янги олинган моддалар асосида шогирдлар С.Каримов, Ш.Қирғизов билан бирга сувда эрувчи зарарсиз, чигит униб

чикишини, ғўзанинг ўсиб-ривожланишини тезлатувчи, пахта ҳосилдорлигини ўртача 4–5 центнерга оширувчи биостимуляторлар лаборатория шароитида ва 20 дан ортиқ хўжалик далаларида синовдан ўтказилди. Улардан бири Фарғонадаги азотли ўғитлар заводининг Ўзген цехида ишлаб чиқарилиб амалиётга жорий этилди.

3. М.Ғаниева, М.Мадаминова, Г.Нуриддиновалар билан бирга яратилган, камқонлик касаллигини даволашда ишлатиладиган ферман доривор моддасининг барча токсикологик ва биологик хоссалари Республика Фармокология қўмитаси талаблари асосида текширувдан ўтказилди ва амалиётга тадбиқ этиш ҳақида таклифлар берилди.

Докторлик диссертацияси тақриз ва муҳокама учун Москва Тўқимачилик ва енгил саноат институти, «Витамин» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ломоносов номидаги Москва давлат университети, «Редкина» кимё заводи, Москва кимё-технология институти, СССР Фанлар академиясининг Органик кимё илмий-тадқиқот институти, Нефт-кимё институти каби нуфузли илмий тадқиқот марказларига юборилди. Мазкур илмий жамоаларнинг ижобий фикрлари олингач, дастлабки химоя Москва Элементоорганик бирикмалар кимёси институтига белгиланди.

Иброҳимжоннинг дастлабки илмий раҳбари мазкур институтга қарашли «Симос» (металлоорганик бирикмалар синтези) лабораторияси мудири Н.Г.Кочеткова жуда ажойиб аёл бўлиб, докторантга меҳри бўлакча эди. «Сенинг бошинг – олтин бош, Асқаров. Бизнинг кимёгарлар ҳам ўз соҳасини билишади, аммо сенчалик эмас» дер, айниқса, ўзбек шогирдининг «кимё – менинг ноним» деган иборасини йиғилиш ва муҳокамаларда мисол, ибрат тариқасида қўллаб, таъкидлаб туришни яхши кўрарди. Ўта ҳалол олима эди. Иброҳимжон қайси бир байрам арафасида битта қовун ва икки кило помидор элтувди, қийин-қистов билан аранг олди, қайтиб мени бунақа хижолат қилмагин деб тайинлади. Икки ҳафтадан кейин, байрам куни у ўша нарсаларни ишхонасига кўтариб келди, дастурхонга қўйиб, «Асқаров Ўзбекистондан опкелибди», деб ҳаммага бир

тилим, бир кесимдан улашиб чикди. (Холбуки уйида эри, кизи бор эди). Афсуски, шундай ажойиб аёлнинг ҳам умри қисқа экан, 54 ёшида тўсатдан оламдан ўтиб қолди. Унинг ўрнига Иброҳимжоннинг илмий раҳбарлигига Элементоорганик бирикмалар кимёси институти директорининг ўринбосари Владимир Александрович Сергеев белгиланган, институт лабораторияси мудирлари – кимё фанлари доктори А.М.Полякова ва фан номзоди В.Д.Вилчевская тақризчилар қилиб тайинланишганди.

Лабораториялар аро коллоквиум йиғилишида илмий иш юзасидан ахборот учун докторантга 40 минут ажратилди. Иброҳимжон мавзунинг кимёвий хусусиятлари тўғрисида 8 дақиқа, биологик аҳамияти ҳақида 32 минут изох беради. Шунда Некрасов фамилияли профессор эътироз билдиради:

– Докторант, сиз мавзунинг кимёвий аҳамиятига қараганда биологик жиҳатлари хусусида кўп гапирдингиз. Бу ҳолда сиз кимё бўйича эмас, биология бўйича ёклашингиз керак.

Масаланинг бундоқ тус олишини ўйламаган Асқаров бир лаҳза фикрлади ва дарҳол гапни ўнглади.

– Бу – дастлабки муҳокама, мухтарам профессор, асосий муҳокамада худди сиз айтгандай гапираман.

– Қанакасига? Ахир бу асосий муҳокама эмасми?

Саволга илмий раҳбар жавоб бериб, Иброҳимжоннинг гапини тасдиқлади.

Некрасов «тушунмадим» дегандай, кифт қокди.

Хуллас, бир ҳафтадан кейинги йиғинда Асқаров соатига қараб, 8 минут мавзунинг биологик аҳамияти, 32 дақиқа кимёвий қиммати тўғрисида завқ-шавқ билан сўзлаб берган эди, яна ўша Некрасов лукма ташлади:

– Мана бу бошқа гап.

Докторлик ҳимояга тавсия этилди.

\* \* \*

Иброҳимжон Андижонга қайтди. Икки ойчадан кейин Москва Элементоорганик бирикмалар кимёси институти ректорининг ўринбосари В.А.Сергеев бир илмий иш ҳимоясида

оппонент сифатида қатнашиш учун Тошкентга келди. Асқаров у билан кўришгани борди. Владимир Александрович «Тошкент университетида кимё бўйича илмий кенгаш бор экан-ку, шу ерда ёқлайвермайсанми, ўзинга яқин ва қулай-ку», деб қолди.

– Бу ердагилар иш билан таниш эмас-да, – деди Иброҳимжон хайрон бўлиб.

– Мен илмий кенгаш раисига айтаман, танишишади, ташкил этишади. Москвага қатнашинг осонми...

– Унда яхши бўларди-я, – деди Иброҳимжон. Дарҳақиқат, Москвага ҳар бориб келиш учун қанча ортиқча вақт ва маблағ сарфланаётганди.

Владимир Александрович илмий кенгаш раиси, кимё фанлари доктори, профессор Асланов Ҳаким Аслановичга Асқаровни таништирди-да, унинг истеъдоди, диссертация савияси борасида илиқ фикрлар билдириб, таклифини айтди.

– Бажонидил, – розилик билдирди Асланов.

Иброҳимжон Москвадан докторликка дахлдор ҳужжатларини олиб келиб, Тошкент Давлат университетига топширди. «Ишим роса ўнгидан келадиган бўлди», деб ўйлади у. Аммо...

Докторлик иши билан танишиб чиқиб, уни илмий кенгашга қабул қилиб олиш Биоорганик кимё институти профессори Абдували Абдуваҳобовга тайин этилганди. У киши диссертацияни варақлаб чиқди-да, нимадир маъқул бўлмадими, кенгаш раисига мужмал фикр айтди.

– Нима деяпсиз, ишни Москвада муҳокамадан ўтган, дейишувди-ку, – ажабланди Асланов.

Хуллас, диссертация илмий кенгашга қабул қилинмади. Ҳаммаси бошқатдан бошланди: тақриз учун уч фан докторига – Тошкент Политехника институти профессори Дилмурод Юсупов, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалар кимёси институти профессори Любов Николаевна Юн ва Тошкент Давлат университети профессори Митхат Каримовга бериладиган бўлди.

1990 йил, апрель. Тошкент Давлат университети.

Дастлабки химоя куни аниқланди. Тақризчилардан бири Каримов ОАК аъзоси бўлгани учун умумий кимё кафедра-

си доценти Абдурахим Мардонов билан алмаштирилган эди. Аслида у фан номзоди, шу боис докторлик диссертациясига тақризчи бўлиши ножоиз, лекин ички келишув асосида шундай қилишганди. Мардонов илмий кенгаш раисининг ўринбосари Тўрабек Сирлибоевнинг шогирди эди. Эрталаб кўришганда у Иброҳимжонга ҳали олдимга бир кирарсиз, дейди.

Муҳокама соат 13 га белгиланган эди. Асқаров 35 кишидан иборат коллоквиум аъзоларини бирма-бир айтиб чиққач, умумий кимё кафедрасига кирди.

– Иш анча чала экан, – деди Мардонов беписандлик билан. Иброҳимжон нест бўлиб қолди.

– Нимаси чала экан? – сўради у ўзини аранг босиб.

– Мана, бир кўринг, – Мардонов шундай деб папкани Асқаровнинг олдига суриб қўйди.

Иброҳимжон кимёвий реакциялар формулаларининг қора сиёҳ билан бўяб ўзгартирилганига кўзи тушдию сочлари тикка-тикка бўлиб кетди. Ишни шоша-пиша варақлаб чиқди. Ферроцен фанда шартли қисқартма – «ФЦ» шаклида қабул қилинган. Металлоценлар тўғрисида етарли билимга эга бўлмаган тақризчи темир формуласи хато ёзилибди деб ўйлаб, барча ферроцен формулаларини «ФЕ» тарзида ўзгартириб, тўғрироғи бузиб чиққан эди. Бу даҳшатли «тузатиш» эди. Асқаровнинг ёдига пахтачиликдан хабари йўқ бир вакилнинг пўстлоғи билан тупрокдан энди кўтарилган ғўза ниҳолларини кўриб, «чигит тескари чиқибди!» дея аюҳаннос солгани тўғрисидаги латифанамо воқеа тушди. Лекин ҳозирги ҳодиса ундан ҳам баттар, ундан ҳам аянчли эди.

– Бу нима қилганингиз?! Роса катта ковун туширибсиз-ку! – деди Иброҳимжон энди ўзини тутолмай. – Ахир бу Москвада муҳокамадан ўтган иш-ку! Бунақа «донолик»нинг нима ҳожати бор эди?!

«Қовунчи» қизариб ўтирар, қўллари кераксиз қоғозларни тимирскиларди.

Қолган икки тақризчининг фикри ижобий эди.

Иброҳимжонга жуда алам қиларди, ахир шу кунги дастлабки машваратда асосий ҳимоя куни белгиланиши лозим

– узоғи билан бир ойнинг нари-берисида ўн йиллардан бери килинаётган захматли меҳнатнинг хордиғи чиқар ва у енгил нафас оларди-я! Асқаровга оғир ботган яна бир жихати – университетда ёлғиз шу Мардонов билан таниш, бунақа номаъкулчиликни ҳаммадан кутса ҳам, ундан кутмасди. Ишонган тоғда кийик ётмас деганлари шу бўлса керак-да...

– Лекин у «бўлар иш бўпти» деб, индамай кетаверадиганлардан эмас эди. Бежама «хол»лар замирида қандайдир шумлик ё гараз хидини туйгандай бўлдию тақризчи доцентни қийинкистовга олди.

– Мардонов ўзини у ёқ-бу ёқка ташлади.

– Мен металлоценлар билан кам шуғулланганман, – деди у ўзини оқлагандай.

Фан номзоди бўла туриб докторлик диссертациясига тақризчи этиб тайинланган, ўзи ҳам докторликка уринаётган кимёгар олимнинг ферроцен билан темир формуласини фарқламаслиги ишонарсиз ва кулгили эди.

– Тўғриси айтиверинг.

Тақризчи каловланди.

Асқаров бировнинг гирибонидан олса, мақсадига етмагунча қўйиб юбормасди.

– Мен билан ҳазиллашманг. Кейин қаттиқ пушаймон бўласиз. Ё... топшириқ берган одам сизга формулаларни оёғини осмондан қилиб чиқ, дедими? Ақлга сиғадиганроқ камчилик тополмадингизми? Ўзимга айтмайсизми, қаерда хато-нуқсонлари борлигини кўрсатиб берардим. Ишни расво кипсиз. Бунни тизатиб, қайтадан кўчириб чиқишга, биласизми, қанча вақт кетади? Хўп, шунақа дардингиз бор экан, эрталаб айтмабсиз-да. Илмий кенгаш аъзоларини соат 1 га айтиб қўювдим-ку, энди нима бўлади?!

Мардоновдан садо чиқмасди.

Аслановга кириб ахволни баён қилди. Илмий кенгаш раисининг жаҳли чиқди, у ўрнидан туриб кетди.

– Вой нодон-ей, шунақа қиптими? Диққат бўлманг, муҳокамани барибир ўтказамиз.

– Буни иложи йўқ, Ҳаким ака. Биринчи нусха ўшанда эди, ҳамма саҳифа бўяб ташланган

– Мен ҳозир унинг таъзирини бераман.

– Йўқ, индаманг, домла. Бу ерда бошқа бир қўл бор, мен шуни аниқлашим керак.

Энг ёмони энди 35 та илмий кенгаш аъзосига муҳокама номаълум муддатга сурилганини айтиб, узр сўраб чиқиш керак, бу жуда оғир, хижолатли иш эди. Бундан ташқари «Асқаровнинг ҳимояси қолдирилибди, ўтолмапти» деган гаплар тарқалиши ҳам аниқ, бу эса диссертантнинг иззат-нафсига тегиб, илмдан совутиб қўйиши, олимларда эса унга нисбатан ишончсизлик туғилиши мумкин эди.

Хуллас, панд бермоқчи бўлган кимсани топиб, у билан ҳисоб-китоб қилиш зарур, акс ҳолда у кейин янада қаттиқроқ ғовга айланиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Эсига Мардоновнинг дўсти Абдулла Тожибоев келди, Иброҳимжон Тошкент Тиббиёт институтида аспирантурада ўқиган маҳалларда яшаган уйда ижарачилар ўн олти кишига етгач, чиқиб кетишга мажбур бўлган ва бир амаллаб «Аспирантлар уйи»га жойлашган, ўша ерда Тожибоев билан бирга туришганди. Ҳозир у физика-математика фанлари номзоди, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида ишларди. Мардонов билан дастлаб у Абдуллажоннинг олдига келганда танишган эди. Собик ҳамхонасини топиб, унга ёрилди.

– Майли, докторликни мен Москвадаям ёқлайвераман, лекин ўзимнинг кимга ҳалал бераётганимни, кимнинг арпасини хом ўрганимни билиб қўйишим керак. Дўстингиз билан биронта ресторанда ўтирсак, аммо унга мен таклиф қилаётганимни билдирмасангиз...

Асқаров шогирди Соибжон Каримов билан ресторанга эртароқ бориб жой олиб ўтиришди. Меҳмонлар келишди. Мардонов Асқаровни кўриб ғалати аҳволга тушди, кўзлари жаланглаб, оғайнисига қаради.

– Иброҳимжон ҳам сизга ўхшаган кадрдоним, боя кўришиб қолдик, униям таклиф қилувдим. Ишим кўп деяётувди, яхши, кепти, – деди Тожибоев.



Қадахлар икки-уч айлангач, Асқаровнинг наздида бир оз занглаган кулфи диллар очилмоғи лозим эди. Лекин Мардонов барибир «сир»ни ошкор этмади., мужмалроқ гап қилди.

Университетнинг табиий бирикмалар кимёси кафедраси мудири Асланов аввал декан бўлган, ўша пайтдан бери илмий кенгаш раиси эди. Кимё фанлари доктори, профессор Сирлибоев ҳозир декан, яъни амали Аслановникидан катта, аммо у илмий кенгаш раисининг, яъни Аслановнинг ўринбосари, бинобарин, иккаловининг ўртасида қандайдир ички ихтилофлар бўлиши эҳтимол, бири маъқуллаган ишнинг иккинчиси томонидан рад этилиш ҳолларини шу билан изохлаш мумкин эди.

Иброҳимжон деканатга кирганида Сирлибоев Тошкент Ирригация институти кафедра мудири, кимё фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси Саъдулла Искандаров (иккаласи қадрдон бўлишса керак) билан шахмат ўйнаб ўтиришган эди.

– Ҳа, ке, – деди Сирлибоев безътиборлик билан.

Асқаровга олимнинг беписандлиги, айниқса, «сен»лаб гап пириши ёкмади.

– Нимага мени «сен»лаяпсиз? – сўради у гаши келганини яширмай.

– Нима бўпти? – паст тушмади Сирлибоев.

– Унда меням сизни «сен»лашимга тўғри келади. Амалимиз тенг: сиз Тошкентда декан бўлсангиз, мен Андижонда деканман. Докторликни ёкламасам ёкламасман, лекин ҳар кимларнинг мени «сен»лашига йўл қўймайман.

– Э, қўйсаларингиз-чи, – аралашди Искандаров, – нима гап ўзи, меҳмон? (Иброҳимжонни танимасди).

– Э, буларни кўрмайсизми, Саъдулла ака, вилоятдан келганларни ирадалашади. Илмий ишларини ноҳолис тақризчиларга беришиб, овораю сарсон қилишади. Манови аҳволни қаранг, – Асқаров диссертацияни варақлаб кўрсата бошлади. – Шу бўйича Москвага олиб борсам нима бўлади? Ўзбекистон олимлари устидан кети билан кулишмайдимиз?

Гап нимадалигини пайқаган Сирлибоев эгардан тушди.

– Алимардони қурғур шафағини оламан деб, суркаб ташлабди, – деди у ачинганини англатиш учун бошини сарак-сарак қилиб. – Бўлар иш бўлди, энди, бир кўриб олиб келасиз, ҳимояни тезлатишга ёрдам бераман.

Икки юз қирқ беш саҳифадаги оппон-жаппон қилиб ташланган формулаларни тўғрилаб чиқиш-ку ҳеч нарса эмас, аммо икки юз олтмиш икки варақ ишни қайтадан машинкада кўчириш-чи? Хуллас, катта «қовун» жуда қимматга тушиб турарди. Лекин илож қанча? Амал одамга унинг қандай қимсалигини кўрсатиш учун берилади-да. «Илм эгаллаш асносида энг кераксиз нарса димоғдорлик, энг зарур нарса эса вақтдир» (қадимий юнон файласуфи Зенон) деганларидай, Иброҳимжон қимларнингдир беҳислиги, нописандлиги эвазига яна қанча қимматли вақтларининг ҳавога совурилишини ўйлаб гижинарди.

У умр йўлдошининг зое кетган меҳнатларига ҳам ачинарди. Энг ишончли, содик ва беминнат дастёри, кўлинг дард кўрмагур Маннурахоннинг қайта-қайта кўчиравериш қадок бўлиб кетган бармоқлари яна ёзув машинкаси клавишлари узра йўрғалашга тушди.

Ўн тўққиз кунда докторлик яна беш нусхада қайта дасталанди ва Иброҳимжон уни қўлтиклаб, қарийб ўн беш йил давомида ўттизинчими, қирқинчими марта Тошкентга жўнади. Сирлибоев уни кўриб донг қотиб қолди – у «феъли қалтис» докторант «ғишава»сидан камига олти ойга қутилдик деб ўйлаган бўлса керак.

– Дарров тайёрлаб келдингизми, – сўради у янада мулойимлашиб.

– Бўладиган ишнинг бўлгани яхши... – деди Иброҳимжон мақолнинг давомини Сирлибоев фаҳмига ҳавола қилиб.

Профессор диссертацияни шошилмай варақлаб чикди-да, «хол»лар «муаллифи»ни – кўшни хонада ўтирадиган Мардоновни чақирди.

– Сенлар ҳам доктор бўламан деб юришибсан, арзимаган нарсаларга йилларни сарфлаб. Диссертация ёқлайман, деган одам мана бунақа бўлади, – Сирлибоев кўз имоси билан

Асқаровга ишора қилди. — Камида ярим йил кетадиган ишни ўн тўққиз кунда тахлаб қўйибди.

Асқаровнинг билимига ҳам, шиддати, матонатига ҳам қойил қолган Сирлибоев андижонча чапани олимнинг қўлини маҳкам қисди.

— Яшанг, оқаси, химояни сиз хоҳлаган кунга белгилаймиз.

\* \* \*

Химоя куни дастлаб илмий иш юзасидан келган ёзма равишдаги мулоҳазалар ўқиб эшиттирилди. Москвадаги «Витамин» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, кимё фанлари доктори, профессор В.И.Гунар, М.В.Ломоносов номли Нозик органик синтез институти ректори, СССР Фанлар академияси академиги Б.Н.Тимофеев, Москва Тўқимачилик ва енгил саноат институти органик кимё кафедраси мудири, РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Г.А.Швехгеймер, Ленинграддаги Биохимия институти лабораторияси мудири, профессор В.А.Розенгарт, Қозогистон Фанлар академияси Кимё институти директори ўринбосари, профессор В.Восьяков, Душанбе Тиббиёт институти органик кимё кафедраси мудири, профессор С.Собиров, Озарбайжон Нефтни қайта ишлаш институти кафедраси мудири, профессор С.Караев, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор А.Ғаниев ва бошқа таникли олимлар ўз хатларида Асқаровнинг докторлик илмий ишини маъқуллаган эдилар.

Расмий оппонент — Москва Кимё технология институти профессори, кимё фанлари доктори В.В. Мочалин илмий ишни Иттифок ҳамда дунё микёсида қилинган ишларга солиштириб, характерлаб берди ва сўзини «Мен бу илмий ишни битта эмас, иккита фан докторлигига арзийди, деб ҳисоблайман» дея яқунлади.

Тошкент Давлат политехника институтининг кафедра мудири, кимё фанлари доктори, профессор Қудрат Аҳмеров, Тошкент Давлат университети органик кимё кафедраси мудири, кимё фанлари доктори, профессор Ҳожимурод Йўлдошев ҳам

расмий оппонентлар сифатида Асқаровнинг миқёси жиҳатидан жуда катта ҳажмда иш олиб борганлиги, ўз олдига қўйган мақсадига тўла эришганлигини алоҳида таъкидладилар.

Илмий кенгаш аъзоларидан Биоорганик кимё институ-тининг директори, илмий кенгаш аъзоси, профессор Абдува-ли Абдувахобов, Тошкент Давлат университети профессори Раҳбар Жиянбоева, университет кимё факультети декани, про-фессор Тўрабек Сирлибоев, университет физик кимё кафедра-си мудир, профессор Раҳим Тиллаев ва бошқа олимлар ҳам илмий ишни юқори баҳоладилар.

Диссертациянинг умумий қиммати ёпиқ овоз бериш йўли билан аниқланишига қарамай, Асқаров докторликни илмий кенгаш аъзоларининг тўла ёқлови билан ҳимоя қилгани аён бўлди.

Шу тарика, 1991 йилнинг 18 апрели Иброҳимжоннинг хаёти солномасига яна бир ўчмас саҳифа бўлиб қўшилди.

Фалакнинг гардишини қарангки, бир неча йилдан ке-йин Мардонов докторликни ёқлайдиган бўлиб қолдию, унга Иброҳимжоннинг устози Махсумов биринчи оппонент қилиб тайинланди. Аввалги можаролардан хабардор домла телефонда шогирдига янги хабарни етказди. Балки устоз Иброҳимжонни синамоқчи бўлгандир ё балки ўша пайтда унинг юзи-хурматини демай, шогирдига адолатсизлик қилишгани учун имкониятдан фойдаланиб жавоб қайтариб, лоақал писанда қилиб қўйишни чоғлагандир.

Лекин Асқаров, домла фикрини адоқламай туриб, муноса-батини билдирди.

– Иложи борича ёрдам беринг, устоз. Сиз жуда бағри кенг олимсиз. Мардонов ўзи ёмон одаммас, ўшанда нимагадир шунақа бўлди-да. Мен уни тушунганман ва аллақачон кечириб юборганман.

Махсумов домла кейинчалик Мардоновнинг гапларини ай-тиб берди. У: «Асқаров зўр олим, танги инсон, ўшанда унга ноҳақлик қилганмиз», дебди. Мана шу иқрорнинг ўзи кифоя эди.

Ҳа, омад ҳар доим Асқаровни пинҳона тарзда улуг мартабалар нарвонидан юксакка йўллаб, қўллаб турар, фақат бу омад машаққатларга йўғирилган эди. Лекин муваффақиятлар машаққатдан устун ва ҳамиша ғолиб келарди. Худди шу йили Иброҳимжонга органик кимё фани бўйича профессор илмий унвони берилди.

1992 йили Волгоград (Россия) шаҳридаги назарий органик кимёга бағишланган халқаро илмий анжуманда ўз маърузаси билан қатнашди. Аини шу йили у қишлоқ хўжалиги, хусусан пахта ҳосилдорлигини оширишда деҳқонларга қўл келаётган «Ферростимулятор-1», «Ферростимулятор-2», «Ферростимулятор-3» биостимуляторлари, кимёвий клей ва бошқа ихтиролари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор» унвони билан тақдирланди. Илгари ихтиро ва рационализаторлик таклифлари алоҳида-алоҳида тақдирланарди, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иккаласи бирлаштирилган ҳолда нуфузли унвон таъсис этилган, унинг илк намунаси Истиклолнинг 1 йиллиги муносабати билан Асқаровга насиб этган эди. Шу кунгача бу унвон мамлакат бўйича саккиз кишига берилган бўлиб, Иброҳимжон бу борада Фарғона водийсидаги ягона совриндор эди.

1993 йили Бишкек шаҳрида ўтган биринчи кардиологлар конгрессидаги, Ўш шаҳридаги экология муаммоларига бағишланган конференциядаги маърузалари йиғилиш қатнашчиларида катта таассурот қолдиргани қарсақлардан аён эди. Бундай олқишлар назариётчи ва амалиётчи олимни руҳан янада тетиклаштирар, халқаро анжуманларга тез-тез таклиф этиб турилиши эса унда масъулият ҳиссини кучайтирар ва шубҳасиз, мартабасини оширарди. У ўша даврдаёқ Ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти республика ва вилоят кенгашларининг, Халқ таълими вазирлиги ўқув-методик кенгашининг, шунингдек, Андижон давлат педагогика институти илмий кенгашининг аъзоси эди.

## УЧИНЧИ БОБ

### КАТТА «ГАП»

Асқаровнинг асосий орзулари ушалди – фан номзоди, фан доктори бўлди, профессорлик мақомига эришди, бир қанча ихтиролар яратиб обрў-эътибор қозонди, бу ёқда катта бир олийгоҳнинг 1-проректори, маошлар ҳам нолимагудай, хуллас, бу ёғига Тошкенту Москваларга танда қўймай, унга-бунга сарғаймай, ўз дангаллиги ва муваффақиятлари билан кимларнингдир ҳасадини қўзғатмай, бир маромда ишлаб юрса ҳам бўларди. У шундай қилмоқчи эди.

Бир куни (1993 йил, июнь ойининг бошларида) Тошкентдаги юқори идоралардан бирига чақириб қолишди. У мутлақо кутилмаган расмий шошилиночмадан ажабланиб, ректорга айтди. Акмал Қосимов укувли инсонларни, жумладан қўл остидаги истеъдодли педагог-олимларни кадрлар, улар билан тенг мавқедаги яқин одам сифатида гаплашарди. Ҳар ким бу ажойиб раҳбарга маслаҳатдош, маслакдош каби бемалол мурожаат қилиб, дилидаги гапини тортинмай айта оларди.

– Майли, тезда бораверинг-чи, катта идораларда катта гаплар бўлади, – деди у Асқаровга оқ йўл тилаб.

Иброҳимжонни кенг ва ёруғ хонада салобатли бир амалдор ҳуштакаллуф билан қабул қилди.

– Сиз Республика Давлат Божхона кўмитасининг Марказий божхона экспертиза лабораторияси бошлиғи ва бошқарма бошлиқлигига мўлжалланияпсиз, – деди юқори мансабли шахс салом-алиқдан сўнг.

– Ишонч учун раҳмат, лекин...

Мансабдорнинг қалин қора қошлари чимирилди.

– Нима лекин?

Сал олдинроқ Товар-моддий бойликларнинг четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишига қарши кураш бошқармаси Бож-

хона кўмитаси билан бирлаштирилиб, Республика Давлат Божхона кўмитасига айлантирилган, шу йили эса Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Республика Давлат Божхонаси тасарруфидаги Божхона экспертиза лабораторияси ташкил этилиши керак эди.

– Бу соҳа менга нотанишрок... – деди Асқаров.

– Таклиф этилган ишдан бош тортиш дуруст эмас, аклли йигит экансиз. Сизни шу ишга муносиб кўришмаса тавсия этишмасди. Ҳозир «Усмон Носир» кўчасидаги олтмишинчи уйга боринг, сизни кутишяпти.

Ортикча саволга, изохга ўрин қолмаганини англаган Иброҳимжон айтилган жойга жўнади. Уни милиция генерал-майори Ураимжон Абдуғаниев қарши олди. Иброҳимжон Абдуғаниевни 1968 йилдан, у Андижонда ёшлар кўмитасида иш бошлаган пайтларидан танирди. Кейинчалик у бир қанча туман ва шаҳар, сўнг Республика Ички ишлар вазирлигида раҳбарлик вазифаларида ишлаган, айна вақтда Республика Божхона кўмитаси раиси эканлигидан хабардор, аммо ташкилот манзилини билмасди.

– Ие-е, биз томонга қандай шамол учирди? – деди Абдуғаниев кулимсираганича биродарига бағрини очиб.

Асқаров кадрдонини кўрибқў ўзини бу ерга қандай шамол учуриб келганини англаб етган эди.

Кейинчалик Абдуғаниев бу ҳақдаги ўз эътирофини куйидагича изҳор этади:

*“Давлат Божхона кўмитаси тузилгач, унинг таркибида замонавий божхона лабораториясини ташкил этиш муаммоси пайдо бўлди. Бу ишни амалга ошириш учун етук кимёгар олим, кимё фанлари доктори, профессор ва ташкилотчи инсонни топиш лозим эди. Номзодлар орасида Иброҳимжонга тўхталдик. У таниқли олим, шунингдек, ихтиролари ҳам божхона лабораторияси мақсадларига бевосита яқин эди. Ўшанда лабораториянинг номи бор-у, ўзи йўқ эди. Ҳатто, битта пробирка ҳам бўлмаган! Иброҳимжон Асқаров ана шундай шароитда иш бошлаб, атиги уч ой ичида замонавий божхона экспертиза лабораториясини ташкил этди. Бу лаборатория*

қисқа вақт ичида давлатга миллиардлаб сўм фойда келтира бошлади. Унинг божхона хизматидаги аҳамияти тезлик билан ошиб борди. Божхона экспертиза лабораторияси деганда, қоидабузарлар сергак тортадиган бўлиб қолишди”.

Чегара, божхона хизмати ходимлари ватан сарҳадлари, эл-юрт осойишталиги, дахлсизлигини сақлаш учун жавобгар кишилардир. Айниқса, террорчи, экстремист деган кушандалар ҳамма жойда хуруж қилиб, ҳар қандай мамлакат кучларини писанд этмай, ўзгалар ҳаётини сарик чақага олмай, ўзларининг маънисиз, зарарли жонларини (Оллоҳнинг амрига зид ўларок) таҳликага қўйишдан ҳузур қиладиган худобезорилар урчиб ётган даврларда божхона, чегара масаласи қанчалар муҳим ва долзарблигини изоҳлаш шарт эмас, ҳойнаҳой. Божхона деган жойдан ҳар куни жуда кўп одам ва нарса кириб, шунчаси чиқиб кетади. Чегарадан ошқора, яширин олиб ўтиладиган товар-маҳсулотлар, ашёларни текшириб, таҳлил қилиб, зарарли-зарарсизга ажратадиган экспертиза лабораторияси вазифаси эса янада муҳимроқ, янада масъулиятлироқлиги шубҳасиз.

Иброҳимжон беш кундан кейин иш бошлади. У бунақа мартабани кутмаган эди. Мансаб баланд, маош катта, тагида ярақлаган хизмат машинаси, аммо нима иш қилишни, тўғрироғи, нимадан бошлашни билмасди. Нотаниш тармоқ, боз устига, янги ташкил этилгани учун унинг мақсад ва вазифалари, ишлаш механизми ва бошқа тартиб-қоидалари анча мавҳум эди.

Дарвоқе, шу ерда бундан ўн саккиз йил муқаддам бир имзосиз хат «шарофати» ва ҳарбий комиссариатдагиларнинг шошмашошарлиги натижасида ўтаган уч ойлик ҳарбий хизмати жуда қўл келди: унга истисно тарзида бир йўла полковник унвонини беришди. Унинг юқори амалга кўтарилиши ва юксак ҳарбий унвон олганини эшитган ҳамкасблар қатори ўша – таҳминий «ёзмачи» ҳам келиб табриклади.

– Бунинг учун аввало сизга раҳмат, – деди Иброҳимжон таваккалига. – Полковник бўлишимда сизнинг ҳам хизматингиз бор.

«Ёзмачи» баттар хайратланди.



– Менинг қанақа хизматим бўлиши мумкин? – сўради у каловланиб. Зеро, Асқаров мўлжални тўғри олган, ўк нишонга теккан эди.

– Жуда бор-да... – Иброҳимжон яна бир оз калака қилмоқчи эдию, сабри чидамади. Чунки унинг умуман қилвирликка, иғвогарликка тоқати йўқ. – Эсингизда борми, бир пайтлар – номзодликни энди ёклаган пайтимда сизнинг хатингиз билан армияда уч ой хизмат қилиб келганман. Ана шу хизмат туфайли божхонага ишга олиниб, шу унвонга сазовор бўлдим.

Ҳамкасб аввалига тан олмай, ғижинди, кейин қизариб-бўзариб, «ҳа энди, шунақа бўлувди...» деди минғирлаб ва узр сўради.

\* \* \*

Иброҳимжоннинг хаёлига бир фикр келиб, режа тузди. У ҳазрат Навоийнинг “Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим” деган ҳикматини болалигидаёқ ёд олган, ўзгалардан маслаҳат сўрашнинг айби йўқ деб ҳисобларди. Ўзбекистон Фанлар академияси президенти (Маҳмуд Салоҳиддинов)га масала баён этилган хат билан мурожаат қилиб, бир одам сўради. Президент Иброҳимжонга вице-президент Абдуваҳобовни тавсия қилди. Кимё фанлари доктори Абдували Абдусаматовични Асқаров яхши биларди. Мардонов ва Сирлибоев билан боғлиқ машмашалардан олдин докторлик диссертациясини илмий кенгашга қабул қилиб олиш олдидан танишиб чиқиш учун берилганда танимаганни сийламас, деганларидай, унча «рўйхушлик кўрсатмаган» ва иттифоқо Тошкент-Андижон поездида учрашиб, бир-бирларини дурустрок танишгач, ҳимояда салмокли баҳо айтган Абдуваҳобов шу одам эди.

Иккаласи Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли илмий-текшириш институтларида, жумладан Кимё, Биоорганик кимё, Геология, Кибернетика, Физик кимё ва полимерлар ишлаб чиқариш, Кимё-технология, Политехника ва бошқа институтларнинг илмий жамоаларида йиғилишлар, муҳокамалар ўтказишди.



Онаси И. Аскаронинг доимий маслахатгўйи.



Фарғона вилояти Водил кишлоғидаги 1-мактабда учрашув. 2001 йил.



И. Асқаровнинг дарслик ва қўлланмалари тақдимотида.



Оила аъзолари – онаси Марҳабохон ая, аҳли аёли Маннурахон, ўғиллари Нодирбек, Носиржон, келини Дилнозахон, неваралари Абдулазиз кирол, Гулжаҳонлар билан.



Табиат бағрида баҳор қувончини набиралар билан  
бахам кўришга нима етсин! (2003 йил).



Избоскан туманидан ташриф буюришган ўқитувчилар ва  
ўқувчилар билан. Андижон Давлат университети боғи,  
2010 йил.



Фаргона вилояти Божхона бошқармаси қошидаги  
Республика ўқув марказида.



Жалақудук туманидаги 4-мактабда «Намуна»  
фуқаролар йиғини фаоллари билан бўлган учрашувда.



Халк таоботи бўйича Тошкентда ўтказилган халқаро анжуман катнашчилари давраида.



Абу Али ибн Сино номидаги халқаро халк таоботи ассоциацияси экспертлар кенгаши раиси М. Ҳамраев, россиялик табиб Г. Малахов билан.



И. Асқаров беморнинг компьютер томограмасини кўздан кечирмоқда.



Халатдаги портрет.



Бемор табиб қабулида.



Таниқли олимлар. Чапдан: тиббиёт фанлари доктори, профессор, онколог С. Наврўзов, кимё фанлари доктори, профессор, халқ табиби И. Аскарлов, тиббиёт фанлари доктори, профессор, кардиолог, Р. Қурбонов.

2011 йил, Тошкент.





Семинар қатнашчилари. 1997 йил 12 июнь.



Кимёгарлар учрашуви. 2010 йил. Андижон.

Асқаров истиклолимиз шарофати билан ташкил топган янги ташкилотлар – божхона ва унинг экспертиза лабораториясининг давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш борасидаги аҳамияти ҳақида гапириб, таниқли, етук олимлар томонидан мазкур жабҳаларни такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида билдирилган фикрлар, таклифларни ёзиб оларди. Соҳа янги бўлгани сабабли, табиийки, ҳамма ҳам унинг ўзига хос жиҳатлари, ички ва ташқи сир-синоатларини чуқур билавермас, аммо кўпчиликдан барибир ўринли, фойдали маслаҳатлар чиқарди.

Фикр-мулоҳазалар Иброҳимжонга далда бўлди ва асқотди. Дадил иш бошлади. Лаборатория учун тайинли жой ҳам йўқ эди, янги, мослаштирилган иншоотлар қуришга қизгин киришилди.

## ИСПАНИЯ САБОҚЛАРИ

Четдан келаётган маҳсулотларнинг истеъмолга яроқли-яроқсизлиги, зарарли-зарарсизлигини ва бошқа хоссаларини аниқлаш, ноқонуний маҳсулотларнинг кириб қолишига йўл қўймаслик давлат миқёсидаги муҳим вазифа, айни вақтда, хорижий мамлакатлар билан муносабатларни тўғри йўлга қўйиш борасидаги жиддий ва нозик масала эди. Демак, бу соҳада халқаро тажрибалар асосида ўзига хос, халқ ва давлат манфаатларига хизмат қилувчи ташкилот ва тизимни яратиш керак.

Ҳукуматимиз ва Божхона кўмитасидан изн олиб, Бутунжаҳон Божхоналар Иттифоқига Англия, Япония, Франция, АҚШ, Испания, Финландия каби ривожланган давлатларнинг божхоначилик тажрибасини ўргансак, деган маънода мурожаат қилинди. Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи баландлигидан, Асқаровнинг ишини Худо ўнглаганидан бўлса керак, 1993 йилнинг сентябрь ойида Финландия ва Испаниядан таклиф келди. Иброҳимжон Испанияни танлади-да, ходими Олег Асташин билан Олмониянинг Франфуркт шаҳрига учиди. Немислар аэропортида саккиз соат туришгач, яна

кўкка парвоз қилишди ва икки ярим соатда Испания пойтахти Мадридга кўнишди.

Меҳмонлар кутиб олинадиган махсус майдонда икки киши кўтариб турган тахтакачдаги инглиз тилида битилган «Ўзбекистон. Асқаров. Асташин» номларига кўзи тушган Иброҳимжон тўлқинланиб кетди. Унинг чет эл сафарига биринчи чиқиши эмас. Лекин авваллари собиқ Иттифокдаги барча республикалар, жумладан Ўзбекистондан хорижга борганлар ҳам “СССР” отлиғ тўрттагина ҳарфдан иборат, аммо ваҳимали атама қаърига сингиб кетишарди. Мустақил ва ривожланган мамлакатлар билан тенг ҳуқуқ ва мавқега эга бўлиб бораётган ватани номининг шиорлар ва байроқларда товланиб, мадҳияда, халқаро анжуманларда янграшини кўриш, эшитиш нақадар улуғ шараф, нақадар катта ифтихор, нақадар олий саодат!

«Ўзбекистон...» ёзувли тахтакачни кўтариб турганлар мамлакатимиз божхонасининг экспертиза лабораторияси раҳбари ва ходимларини таклиф этган таникли олим, йирик мутахассис ва давлат арбоби жаноб Монсоннинг вакиллари эди.

Испания божхонаси лабораторияси бошлиғи, кимё фанлари доктори профессори Монсон эллик беш ёшлардаги, баланд бўйли, тик қоматли киши эди. Унинг шахсан ўзи бирга юриб ҳамкасбларини (бошқа юртлардан ҳам меҳмонлар бор эди) Мадриддаги музей, тарихий ёдгорлик ва дунё назарига тушган зиёратгоҳлар бўйлаб айлантиради, вино заводи, тилла буюмлар фабрикасига, турли либораторияларга, жумладан ўз божхоналари марказий лабораториясига олиб боради.

Хуштакаллуф мезбон Асқаров ва унинг ҳамроҳига алоҳида эътибор қаратар, уларнинг ётоғи, емоқ-ичмоғи билан кизиқиб турарди. Бундай иззат-икромнинг сабаби – Монсон жаноблари 1991 йили Ўзбекистонга ташриф буюрган, мартабали меҳмонни Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива каби тарихий-маданий ёдгорликларга бой шаҳарларимизни зиёрат қилдиришган, испаниялик олим ўзбекларнинг шарқликларга хос ва ўзгача фазилатларидан ҳайратланиб, қалбида халқимизга нисбатан катта ҳурмат билан қайтган эди.

– Кўп мамлакатларда бўлганман, аммо ўзбеклардай одамшаванда, меҳмондўст миллатни кўрмаганман, – деди у Иброҳимжоннинг елкасига кафтини кўйиб ўзининг самимий эҳтиромини изҳор этаркан.

Монсоннинг Ўзбекистонни аввалдан яхши билишини, ўша сафар чоғида яна янги таассуротлар билан бойиб келганини бот-бот эслаши, уйғониш давридаги қарийб барча фанларнинг асосчилари етишиб чиккан юртимиз фарзандлари Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Ибн Сино, Ал-Фарғоний ва бошқа буюк аждодларимиз ҳақида ҳайрат ва мароқ билан гапириши Асқаровда фахр ва ғурур уйғотар, ҳаяжонлантирарди.

Икки кун давомида Испания мутахассислари томонидан турли мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмон-божхоначиларга божхоначилик механизмининг ўзига хос хусусиятлари, талаб ва шартлари тўғрисида маълумотлар ўқилди. Иброҳимжон бу соҳада янги ва тажрибасиз бўлса-да, машгулотларнинг мазмун-моҳияти анча жўн, соддадай туюлди. Буларга гўё малака оширишга келганларга дарс ўтишаётгандек муносабатда бўлишлари бир оз малол ҳам келди. Тўғри, Асқаров қадимий, дунёнинг машҳур шаҳарлари қаторидан ўрин олган, номи жарангдор Мадриднинг пурвиқор ва мукамал замонавий техника, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ишлаш учун барча қулайлик ва шарт-шароит яратилган божхонасига ҳаваси келди, аммо унинг бундай бино ва асбоб-ускуналарнинг ҳадемай ўзларида ҳам муҳайё бўлишига ишончи қолмади. Ана шундай аппаратларнинг айримлари билан у Тошкентдаги Нефтни қайта ишлаш илмий-текшириш институтида амалиёт ўтаётган пайтдан таниш, уларнинг янги нусхалари тўғрисидаги маълумот ва янгиликлардан китоб ва журналлар орқали хийла хабардор эди. Куни кеча мустақилликка эришган, гўё ҳали мутлақо тажрибасиз божхона ходими деб тасаввур қилинган Иброҳимжон Асқаров инфрақизил нур ёрдамида ишловчи, уч ойлик махсус ўрганиш машгулотидан кейингина қўл уриладиган U-R – 20 (Олмонияда ишлаб чиқилган) ускунасининг техник тафсирини шу ерда бир ўқиб чиқиб, худди аввалдан биладигандек, дадил ишлата олиши меҳмонларни ва

испаниялик тажрибали мутахассисларни хайрон қолдирди — улар ўзбекистонлик кимёгар, божхона ходимига бошқача кўз билан қарай бошладилар. Жаноб Монсоннинг эса Асқаровга ҳурмати янада ошди.

Лекин тан олиш керак, Иброҳимжон Мадридда анча-мунча нарсани ўрганди — божхона ва лаборатория иншоотлари лойиҳалари, асбоб-ускуналарни жойлаштириш, ишга муносабат, тартиб-интизом ва бошқа ташкилий жиҳатлар борасида маълум сабоқлар олди.

Шунингдек, фикрлаш доираси кенг олим Монсоннинг бирикки хислати Иброҳимжонда ибратли тасаввур уйғотди. Мезбон меҳмонлар, жумладан, америкаликлар билан испан тилида, таржимон орқали мулоқот олиб борарди. Торроқ бир доирада (тўғрироғи, ресторанда) Асқаров унинг инглиз тилида жуда равон сўзлашига гувоҳ бўлиб ажабланди ва мулоҳазасини айтди.

— Албатта, инглиз тилини билмаслигим мумкин эмас, лекин ҳамма инглизча гаплашаверса, испан тилида ким гаплашади? Унақада миллий тилимизни унутиб юборамиз-ку, меҳмон, — деди Монсон кулимсираб. — Бизга ўхшаганларнинг унутиши-ку ҳеч гапмас, бой ва гўзал тилимизнинг нуфузи ҳам пасайиб кетади. Шунинг учун мен расмий доираларда фақат ўз она тилимда сўзлашаман.

Катта мансабли Монсоннинг маоши ҳийла салмоқли ва ҳайдовчи штати бўла туриб хизмат машинасини ўзи ҳайдаши ҳам ғалати туюлди меҳмонларга. Профессорнинг жавоби эса содда ва лўнда бўлди.

— Соғлигингиз кўтарса, бекорчи дахмаза ва ортиқча харажатнинг нима ҳожати бор?

Умуман олганда, Иброҳимжон Испаниядан бир дунё таассурот билан қайтди. Уларда илм-фанга эътибор жуда катта эқанлиги таҳсинга лойиқ, илло, ижара тўловларининг ниҳоятда баландлиги таажжубланарли эди. Жаноб Монсон маошининг қарийб тўртдан бир бўлагини ана шундай божлар ютиб юбораркан.

Испания табиати, иқлими деярли Ўзбекистон билан монанд, фақат уларда ҳарорат бизга нисбатан юқорироқ, шу са-

бабли ишчи-хизматчилар соат 11 дан тушлик ва дам олишга чиқишаркан-да, соат 16 да қайтишиб, кечки еттигача ишлашаркан.

Монсон ўзбек меҳмондўстлигига кўп қойил қолганини айтса-да, бу борада испанларнинг ўзлари ҳам чакки эмаслиги, уларнинг табиатан мағрур ва дангаллиги диққатга лойиқ эди. Жанобнинг қуйидаги сўзлари унинг тантилигидан ва юртимизга бўлган меҳр-муҳаббатидан далолатдир: *«Кўҳна Шарқ – мўъжизалар қони, буюк алломалар ватани. Профессор Иброҳимжон Асқаров сиймосида бугун ҳам уларнинг муносиб ворислари борлигига гувоҳ бўлдик».*

Шунингдек, божхона ва лаборатория ходимларининг иш фаолияти билан танишиш, техник жиҳозларни кўздан кечириш асносида Асқаровда бу жуда кенг қамровли, бутун бошли фанга асос бўлиши мумкин бўлган жабҳа экан, деган фикр уйғонди ва шундай хулосага келди:

1. Товарларнинг кимёвий таркибини ўрганиш керак экан.
2. Бизда назария етарли, уни амалиётга жорий қилиш зарур экан.

## ВАКОЛАТЛИ ЖАНОБ ҲИММАТИ

Иброҳимжон Мадриддан қайтгач, яна курилиш ва бошқа ташкилий ишларга шўнғиди. Бино битиши арафасида апаратура-анжомлар топиш муаммоси кўндаланг бўлди. Божхона талабининг эҳтиёжига мос асбоб-ускуналарни ҳам, табиийки, хориждан олиб келиш зарур эди. Яна тасодиф, аниқроғи омад ишни ўнглади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг божхоналар бўйича координатори Тошкентга ташриф буюриб қолди. Шундан сал илгарироқ Ўзбекистон божхоначилари Афғонистондан Оврўпага олиб ўтиб кетилаётган 13 тонна гиёҳванд моддани тутиб қолишган эди. Бу воқеадан хабар топган ва мамлакат эндигина мустақилликка эришганига қарамай, контрабандага қарши кураш қатъий йўлга қўйилганига, тартиб-интизом кучлилигига тан берган координатор ўзбекистонлик сарҳадчиларнинг хушёр ва чапдаст-

лиги, жасоратидан ғоятда мамнун бўлган эди. Зеро, шунча микдордаги таъқиқланган, беҳисоб суммали товарни чегарадан олиб ўтишни мўлжаллаганлар шунчаки таваккал билан иш тутадиган анойи одамлар эмас, балки катта «имкон»ларга суянган кимсалар бўлиши турган гап. Агар шунча микдордаги захри қотил ўтиб кетганида оврўпалик қанча одамларнинг соғлиғига, ақлу ҳушига завола етказиши тайин эди. Ахир бир инсон идроки, тафаккурини пажмурда қилиб, онгли ҳаётини издан чиқариш учун бу оғунинг мисқоллари кифоя-ку!

Координатор билан суҳбатда ана шу гаплар ўртага ташланди. Йийиб кетган ваколатли жаноб қандай ёрдам кераклигини сўради. Халқаро микёсдаги йирик арбобнинг шунчаки манзират учун гапирмаслигини англаган Асқаров ҳам майдалаб ўтирмади, божхоналар тизимида қўлланадиган замонавий ускуналар зарурлигини айтди, агар шундай жиҳозларни ўрнатиб олсак, ишларимиз янада пухта, янада самарали, ўзимиз учун ҳам, бошқалар учун ҳам манфаатли бўларди, деди.

Шу пайтгача асқотиб келаётган дадиллиги, дангаллиги Иброҳимжонга бу гал ҳам панд бермади, координатор жаноб ваъда берди ва сўзининг устидан чиқди.

1994 йили Андижон, Бухоро ва Термиз шаҳарларида ҳудудлараро экспертиза лабораториялари очилди. Кейинги йили шундай лабораториялар мамлакатнинг барча вилоятларида ташкил қилиниб, ўсимлик ёғи, дон, газлама, озиқ-овқат, спиртли ичимликлар ва бошқа маҳсулотлар таҳлили йўлга қўйилди. Алдовлар, ўғирликлар, жиноятларни фош этиш, камайтириш эвазига давлатга катта иқтисодий самара келтирила бошланди.

Ўзбекистон божхонасининг довуғи ён атрофга – МДХ мамлакатларига ёйилди. Уларнинг божхоначилари келиб, бу ердаги аппаратура ва ҳайратли ишларни ўрганиб кетиша бошлади. Бу ҳолдан руҳланган Асқаров эса божхона лабораториясини ҳам тажриба мактабига айлантириш пайига тушиб, бутун кучи, ақли-идрокини шунга қаратди. 1996 йили Россия Федерациясидан ташриф буюрган божхона лабораторияси ходимлари Иброҳимжон раҳбарлигидаги кўпгина тажриба, хусусан бугдой таҳлилига таҳсин айтишди.

Албатта, кўпларни, жумладан, Россиядек қудратли давлат божхоначиларини қойил қолдирадиган ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Иброҳимжон ва унинг жамоаси ватан ва халқ манфаати учун, Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудига зарарли унсурлар, товарларнинг кириб қолишига йўл қўймаслик учун сидқидилдан меҳнат қилишарди. Асқаровнинг ўзи жаҳон миқёсидаги энг илғор тажрибаларни ўрганиб, ўз фаолиятларида жорий этишга уринар, айтилиши вақтда бу соҳани янада ривож топтириш йўллари кидирарди. Ташкилий муаммолар, югур-югурлардан, мажлислардан ошишиб, кечалари алламаҳалгача газета-журнал, китоб варақлаб қоғоз қорайтирар, илмий тадқиқотлар олиб борарди. У назария билан амалиётни бир-биридан айро ҳолда тасаввур қилолмасди. Бу борада у Ибн Синонинг «чала билим эгаси бўлгандан кўра, билимсизлик афзалроқдир» деган ҳикматини қўлларди. Мажбуран, бўйнидан боғлангандай бажариладиган юмуш қанчалик энгил бўлмасин, азобга айланиши мумкин, ўз ихтиёри билан хоҳлаб қилинган ҳар қандай оғир меҳнат кишига завқ ва қониқиш ато этиши шубҳасиз. Асқаровнинг саъй-ҳаракати эса фаранг файласуфи Монтеннинг «Илмга мойилликдан кўра табиийроқ интилиш бўлмайди» деган фалсафасига ҳам мос ва рост келарди.

## ҚИММАТЛИ ХИСЛАТ

Иброҳимжоннинг ўзини эркин тутиши ва дангал ҳаракат қилишлари, илмий изланишлар билан ҳам иккиланмасдан, астойдил шуғулланишига яна бир сабаб – у раҳбарга суянарди. Лекин кадрдонлигини сунистеъмол қилишни хаёлига ҳам келтирмасди. Генерал Абдуғаниев қўл остидагилар меҳнати, истеъдодини кадрлаб, уларга шарт-шароит, вақт, имконият яратиб берарди. Лаёқати, қобилияти туфайли ғайрича қарашларга кўп дучор бўлган Иброҳимжон учун бу хислат жуда қимматли эди. Зотан, истеъдодни тан олиш, кадрига етиш, уни қўллаб-қувватлаш, янги илмий-ижодий марраларга йўналтириб туриш катталарнинг бурчи эмасми? Ҳа, Абдуғаниевдек ҳолатни тўғри



баҳолайдиган, мустақил фикрга эга, тўғри сўз ва яхши ташаббус, фойдали таклифларни қўллаб-қувватлайдиган бошлиқ билан ишлаш мароқли эди. Айниқса, бошқалардан фикр сўраши ва уларнинг гапларини тарозига солиб хулоса чиқаришдек мардона одатини яхши кўрарди. Ҳаётдаги кўп нотўқисликлар, нохушликлар айрим мансабдорларнинг манманлик, ўзим биламанлик касалига чалиниши оқибати деб биларди Аскарлов. Бир йилдан кейин раҳбар алмашди. Худди ана шу кунларда яна юқори идоралардан бирига чақиришди. Уни Божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосарлигига кўзлашаётган эди.

– Бу лавозимга тайёр эмасман, ҳали тажрибам кам, – деди.

– Нимага шама қиляпсиз? – сўради масъул ходим ғашлик билан.

– Абдуғаниевдек етук мутахассис ҳам узоқ ишлолмади-ку.

– Абдуғаниев зўр одамми?

Савол Иброҳимжонга самимий туюлди.

– Менимча шундай, – деди у ҳам сидкидилдан, – у фақат яхши инсонгина эмас, талантили, энг муҳими, ўта ҳалол раҳбарлардан бири деб биламан. Мен ўз касби, вазифасига бу қадар садоқатли, бу қадар фидойи ва жонкуяр инсон жуда кам учрайди деб ўйлайман.

– Яқин бўлганларинг учун шундай фикрдамисиз?

Дарҳақиқат, Иброҳимжон Ураимжон Абдуғаниев билан тенгдош, сафдош эди. Андижонда, Тошкентда, Москвада ҳам бир пайтларда ишлашган – Абдуғаниев ички ишлар бўйича Олий мактабда таҳсил олган, Аскарлов эса илмий ишлари юзасидан собиқ мамлакат пойтахтига тез-тез бориб, ҳафталаб юрар ва улар деярли ҳар куни учрашишарди. Қисқаси, бир-бирларига феъл-атвор, номаи аъмоллари беш қўлдай аён эди. Иккиси ҳам оддий оиладан чиқишган, амаллар, мартабаларга «суянчиқ»ларсиз, билими, укуви, ташкилотчилиги туфайли кўтарилишган. Абдуғаниевнинг одамларга қайишувчанлиги, адолатлилиги Иброҳимжонда унга нисбатан катта меҳр-муҳаббат уйғотган. Кўп соҳалардан хабардор, билим доираси, дунёқараши кенг, ўзбек ва рус талларида бирдай гапириб-ёза оларди. Хуллас, унга ҳар қанча ижобий баҳо берса ҳам адаш-

маслигига Асқаровнинг имони комил эди. У Абдуганиевдек инсон билан дўстлигидан фахрланарди.

– Қадрдонлигимиз рост, – эътироф этди Иброҳимжон, – бизни яқинлаштирган ҳам Абдуганиевнинг раҳбарликдаги ибратли жиҳатлари, инсоний фазилатлари, деб ҳисоблайман.

– Хўш, ўзингизга келсак...

– Мен бу соҳага энди кизиқиб, кўп ишларни бошлаб кўювдим...

– Ҳа, яхши, омад тилайман.

Орадан кўп ўтмай Абдуганиев Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасига бошлик бўлиб тайинланди ва у ерда уч ярим йил ишлади.

– Унинг юраги ботир, аммо бу хислат доим ҳам кўл келвермас экан, – деди Иброҳимжон. – Ҳозир адвокат. Божхонада ишлаб юрган кезлари иқтисодий-молиявий аҳволи ҳамин қадар эди, энди дуруст.

## ТУРКИЯ САФАРИ

Ишлар оқими яна ўз ўзанида оқарди. 1995 йили Туркия давлати божхонасининг таклифига кўра Асқаров бошчилигида иқтисод фанлари номзодлари Равшан Туропов, Саидали Ғуломов, капитан Содирхон Носиров, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Муборак Рискиевалардан иборат делегация Анқарага боришди.

Биринчи кун мезбонлар контрабанда тўғрисида лекция ўқишди, тўғрироғи, дарс ўтишди. Асқаровга туркияликлар ҳам испанияликлар каби собиқ СССР таркибида бўлган миллатлар, шу жумладан ўзбекларни бу соҳада тажриба ва малакага муҳтож деб ўйлашаётгандай туюлди. У ҳамкасб «домла»ларга саволлар бера бошлади. Жавоб берувчилар кўпайиб кетди. Асқаров англадики, «домлалар» фақат бир соҳа, бир йўналиш бўйича мутахассислар. Саволлар халқаро конвенциялар, нормалар тўғрисида эди.

Мезбонлар «дарс ўтиш»ни тўхтатишиб, меҳмонларни шаҳар бўйлаб сайрга, зиёратга олиб чиқишди.

Бир даврада туркий халқларнинг ўтмиши, бой тарихи, Ўзбекистоннинг ҳали ёш, янги мустақил бўлгани хусусида баҳс кетди. Асқаров Менделеев ва бошқалар кашф этишган, она заминга хос 118 кимёвий элементдан гап очди. Етук инсон организмида ана шу элементлардан 92 таси мавжуд бўлишини ҳамма ҳам билавермайди, албатта. Одамзотнинг мукамаллиги, комиллиги, илму идрокка салоҳиятлилигида ейдиган овқати, ичадиган суви, нафас оладиган ҳавоси, табиати – дарахтлари, ўсимликлари таркибидаги кимёвий элементларнинг сони, тури, муҳимлиги ва сифати асосий омиллардан ҳисобланади.

Иброҳимжон ўша испаниялик кимёгар олим ва божхоначи Монсон илму донишлари олдида таъзим қиладиган даҳолар – Беруний, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Фарғоний, Истанбулдаги мозорлардан бирида мангу ором топган Али Кушчи, донишманд арбоб-саркардалар Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур, шунингдек, ислом таълимотининг бузурглари Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Марғилоний, Ғиждувоний, Замахшарий, Мотурудий (булар ҳаммаси эмас) каби буюк алломалар, олиму фузалолар етишиб чиқишини Ўзбекистон (аввалги Турон)нинг тупроғи, суви, мевалари, сабзавотлари ва бошқа неъматлари таркибидаги 118 кимёвий элементнинг қарийб барчаси, одамларимиз вужудида эса зарурий 92 элементнинг мужассамлиги билан боғлади.

Иброҳимжон асли Турон фарзанди, Туркиянинг Кўнё шаҳрида яшаб ижод этган Жалолиддин Румий ва унинг сафдош ва маслакдоши Шамс Табризийдан, мумтоз шеърят намояндаси Юнус Эмродан хабардор, Туркия жумҳуриятининг биринчи президенти Мустафо ота Туркни яхши биларди.

«Эҳтимол, – ўйларди Иброҳимжон, – юқорида санаб ўтилган буюк аждодларимиз бу қардош-жондошларимизнинг миллий илдизлари билан ҳам чаптишиб кетган ва у улкан боқий дарахтларнинг япроқлари шивири, шаббодаси уларнинг ҳам руҳиятига ҳалимлик бағишлаши, димоғларига ёқимли нафас пуркаши ва таналарига енгиллик, тиллари остидаги томир ва

пайларга қувват, озуқа берган бўлиши керак эди. Эҳтимол, уларни Фарб, Оврўпанинг умуминсоний тамаддуни, интеграция гирдоби ўзига бошқа Шарқ, Осиё халқларидан анча илгари тортиб кетмаган, оёқлари умум турк заминидан бу қадар осон, енгил кўчмаган бўлармиди. Тўғри, ўзлари мутлақо истамаган ҳолда, барча Шарқ олами Оврўпа сеҳри билан жодуланиб бораётганини инкор этиш мумкин эмас. Лекин бу жараённинг бунчалар тезлашуви шартмидийкин? Умуман олганда, одамзот қаёққа, нега бунчалар ошиқади?..»

## ТАФТИШЛАР, ТАҲДИДЛАР

Туркиядан қайтгач, Асқаровнинг хаёли-шуурида товарлар кимёвий таркиби уларнинг баҳосини белгилашда ҳам ҳал қилувчи омил эканлиги, шуни одамлар онгига етказиш, бунинг учун илмий асос яратиш даркорлиги ҳақидаги фикр янада қатъийлашди. Бундан аввалроқ, Асқаров раҳбарлик қилаётган экспертиза лабораториясида четдан кирувчи ва четга чикувчи маҳсулотларнинг код рақамларини аниқлаш борасида олиб борилган тадқиқотлар жараёнида товарларга халқаро код рақамларини беришда уларнинг кимёвий таркиби, физикавий ва биологик хусусиятларига асосланиш зарурлиги тўғрисидаги ғоя туғилган эди. Зеро, Иброҳимжон ўзига юкланган вазифани шунчаки бажариб, маошни олиб, кунини ўтказаверишни умр ҳисобига қўшмасди. Қаерда, қайси соҳада ишламасин, ўша жабҳани ривожлантириш чораларини изларди. Унда янгилик яратишга иштиёқ ўта кучли эди. Божхона, унинг экспертиза лабораторияси қонунчилиги борасида ҳам ҳали муаммолар, такомиллаштирилиши зарур йўналишлар кўп эди. «Божхона экспертизасини ташкил этишга доир методик қўлланмалар», «Божхона тизимини бошқарув асослари», «Божхона фанларининг илмий асослари», «Ташқи иктисодий фаолиятни бож таърифи орқали бошқариш», «Божхона расмийлаштирув асослари», «Таможенное право Республики Узбекистан», «Практикум по таможенному праву», «Криминалогия» каби дарслик, ўқув қўлланмалари ана шу борадаги илмий тадқиқотлар нати-

жаси сифатида юзага келган эди. Улар эса бутунлай янги соҳа – товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш ихтисослигининг яратилишига асос бўлди. Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришиб, унинг қандай бойликларга, салоҳиятга, қудратга ва бошқа имкониятларга эга эканлигидан хабар топган давлатларнинг юртимизга қизиқишлари бирдан кучайди. Биз билан савдо-сотик ва бошқа алоқаларни йўлга қўйиш, жонлантиришга иштиёқмандлар кўпайди. Айни вақтда ўзимизда ҳам ташқи иқтисодий фаолият янги босқичга кўтарилиб, экспорт – хорижга товар жўнатиш авж олди. Аёнқи, ҳар қандай экспорт-импорт товар божхона орқали ўтади ва ҳар қандай товар, юк ўша маҳкамада текширилади ва тафтиш қилинади. Савдо-сотик, бизнес, манфаат бор жойда эса қилвирлик, алдов мавжуд – худдики банда бор жойда шайтон бўлгани каби. Ҳамма ўз товари, юқини божхонадан мумкин қадар кам харажат, камроқ тўлов билан ўтказиб олиш пайида бўлади, божгирлар кўзини шамғалат қилиб ёки бошқача усуллар ёрдамида ноқонуний нарсаларни ҳам олиб ўтиш учун ҳар қандай хийла-найрангдан қайтмайди ва улар орасида шунақанги сиёсатдон, муттаҳам, болтадан қайтмаслар борки... Улар муттаҳамликдан ташқари гапдонлик, устамонлик, божгирларнинг ёқасидан кириб, почасидан чиқиш маҳоратларини ҳам эгаллаган бўлишади.

Асқаров ишлаб чарчамасди, зеро унда куч, ғайрат, шижоат – ҳаммаси етарли эди. Фақат, илтимослардан, муолазаматлардан толиқар, зада бўларди. Одамзот ҳар кун чанқайди, кунда бир неча бор сувга эҳтиёж сезади. Бу қонуниятни пулга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Божхона мисоли оқар дарё соҳилидаги суволғич. Сувдай оқин пулни кечиб юриб ўзни тийиш осон эмас. Бошлиққа айниқса оғир: у қўл остидагиларни ҳам нафс балосидан қайтариши керак, бунинг учун унинг тили қисик бўлмаслиги лозим. Уясига ножоиз, сифатсиз нектар, гулшира олиб келган арининг остона ҳатлаб киришига қўриқчилари йўл қўймайдилар, ҳатто уни бўғиб ташлайдилар. Божхона ҳам уя, ватаннинг бўсағаси, қўрғони. Демак, бу ерда ҳам қонун шафқатсиз бўлмоғи шарт. Биттасига қилинган

кўнгилянлик қанчаларнинг ризки кийилишига сабаб бўлиши мумкин. Божхона орқали четдан ёки четга ўтадиган маҳсулотларнинг рухсатномаси, паспорти – лаборатория томонидан «мумкин» ёки «мумкин эмас» деб бериладиган хулоса эди. Иброҳимжон ҳаммага – шоҳга ҳам, гадога ҳам бир хилда муомала қилишга, ҳамма нарсага, ҳамма ишга, ҳамма товарга халқ, ватан манфаати нуқтаи назаридан қарашга уринарди. Афсуски, одамзот орасида мамлакат иқтисодий ривожини, эл-юрт фаровонлигини сариқ чақага олмайдиган, ҳаёт, умр моҳиятини юмронқозикдай, сичқон-каламушлардай ўз ковагига мумкин қадар кўпроқ нарса ташишдан иборат деб англайдиганлар ҳам кўп. Олғирлар, қаллоблар, контрабандачилар учун ватану халқ манфаати сариқ чақа – уларнинг мақсади ноқонуний, яроқсиз, зарарли молини қайси йўл билан бўлмасин мўлжалига, манзилига етказиб олиш! .

Шундайлар, яъни масалан, Охунжон Ҳакимов ва Алишер Ибодиновларнинг «Дардингизга даво бор» рисоласида ёзилганидай: «...республика ташқарисига халқимизга зарур маҳсулотлар, ашёларни ўғринча олиб чиқиб кетаётган қонунбузар ўзини қўлга олган божхона ходимига аввало пора таклиф қилади. Шерикликка ундайди. Олтин тоғлар ваъда қилиб, жинойтга етаклайди».

«Муросою мадора деган гаплар бор, биродар. Ўгил-қизлар катта бўлишаётгандир, уй-жой қуриш керакдир...»

«Эй, барака топқур, ўт билан ўйнашиб нима қиласиз, оладиганингизни олинг-да, ўзингизни анча-мунча нарсани кўриб-кўрмаганга, билиб-билмаганга солиб юраверинг, шунда узоққа борасиз, мартабангиз янада зиёда бўлади...»

Агар «таклиф»ларга рози бўлганида остонасигинамас, йўлақлари ҳам тиллодан бўлиб кетиши мумкин эди. Ҳовлижойларининг оддийлигини ўғли Нодирбекнинг уйланиш тўйига келганлардан бири, воситачи сифатида «муросо»га кўп ундаган аммо қайсар Асқаровни кўндиролмай хуноби ошган Йўлдош ака ҳам юзига солди. Иродаси бўш, кўнглида бойлик хирси кўпирган кимсалар қўл қайтаролмайдилар. Аммо унақа хусусият Иброҳимжоннинг табиатига ёт эди. Хаёли-

да озгина иккиланиш пайдо бўлиши биланоқ қалбининг туб-тубидан «Эй, Асқаров! Ўзлигиндан, имонингдан тонасанми? Ахир ҳақиқат бир кунмас-бир кун рўёбга чиқади-ку, қачондир, бу дунёда бўлмаса, у дунёда барига ҳисоб, жавоб беришга тўғри келади-ку, унда нима қиласан?» деган нидо келаётганга ўхшайверарди. Ўзгаларни ҳалолликка, ростгўйликка ундовчи кимса аввало ўзи шу муқаддас талабларга жавоб бермоғи, қўл остидагиларга таъмагирликни, порахўрликни таъқиқлаш учун раҳбарнинг ўзи совқотган баданга ҳамомдай хуш ёқувчи бу майлдан, бу қалб кирларидан фориғ бўлмоғи керак. Бу ғоятда мушкул амал, кам одамга насиб этадиган ҳислат, нафақат ҳислат, балки неъмат, нафақат неъмат, балки улуғ саодатдир.

Тўғри, Иброҳимжон ҳам баъзан-баъзан «олиб» турарди, аммо қачон, қай тарзда, нима сабабдан?..

Кейинги сафар Тошкентда ишлаётганида фарғоналик собиқ ходимларидан бири Самандар қоғоз кутида бир нималар кўтариб келди.

– Булар нима? – сўради у овози ўзгариб.

– Арзимаган нарсалар – егулик, ичимлик...

– Сабаб?..

– ....

Бир вақтлар ўша ходим Асқаров Фарғона вилоят божхона бошқармасида бошлиқлигида қоғозга ўроғлик бир даста пул олиб кириб, секин столга қўйган эди.

– Бу нима?

– ...

– Сиздан сўряпман?

– Пул...

– Ким айтди мени пора оларкан деб?

– ...

– Агар менинг пора олганимни биронтаси кўрган, билган ё эшитган бўлса, фалончи айтди, десангиз, оламан.

– Ўртоқ бошлиқ, аввало буни мен ўз ёнимдан бераётганим йўқ, қолаверса, кечасию кундузи тиним билмайсиз, сарф-харажатиңгиз кўп – келди-кетди, комиссия... дегандай... Ойлик билан тирикчилик қилиш қийин, буни ҳамма билади...

– Булар менинг муаммоларим, сизникимас. Қани, кўтарингчи лаш-лушингизни! Кимдан олган бўлсангиз, тезда эгасига қайтариб олиб бориб беринг! Агар айтганимни қилмасангиз, сиз билан хайрлашишимизга тўғри келади. Айтиб кўяй, бундай номаъкулчилик билан шуғулланишни хаёлингизга ҳам келтира кўрманг. Агар пайқаб қолсам, мендан яширолмайсиз, қайтиб бу соҳага эмас, умуман ишга киролмайдиган қилиб думингизни тутишга ваъда бераман. Сиздан илтимос, бошқаларга ҳам шу гапимни етказиб кўйинг.

– Ўшанда сиз сабабли мени Худо сақлаган экан, – дилини очди Самандар. – Ўзини ҳожи ака деб таништирган бир кимсанинг «бизники ҳаммаси қонуний, фақат буни закот сифатида беряпман» деган гапларига ишонувдим. Кейин билсам, у ҳожи ҳам эмас экан, ишлари ҳам... Қамалди. Номард, кимга қанча берганини ёзиб юраркан. Рўйхатда мениям фамилиям бор экану, сизнинг буйруғингиз билан қайтариб берганимдан кейин фамилиямни устидан қалам тортиб кўйган экан. Барибир терговга чақиришди. Юзлаштиришганда қайтариб берганимни тан олди, аблаҳ. Агар ўшанда сиз «қайтариб бер» демаганингизда... Сизга мингдан-минг раҳмат. Ота-онамгаям бўлган воқеаларни айтувдим, ҳаққингизга роса дуо қилишди. Шунинг учун, отамнинг маслаҳати билан миннатдорчилик сифатида арзимаган егулик олиб келдим, кўлимни қайтарманг...

– Миннатдорчилик, шукр тухфаси денг, майли, унда оламан, фақат бир марта.

Ҳа, ҳар замонда Иброҳимжон «эриб кетган» шундай ҳол юз бериб турарди. Ахир ўз ихтиёри билан қилинган одамийлик тухфасини пайғамбарларимиз ҳам қайтаришмаган экан-ку.

Илтимос, ўтинч билан ё каттагина «бир нима» таклиф этиш билан ҳам ишини битиролмаган, ниятига эришолмаганлар баъзан ошқора дагдағага, таҳдидга ўтишарди.

«Кўзингизга қараб юринг, ҳар хил думларни босиб олаверманг. Қайсарлигингиз, довюраклигингиз қимматга тушмасин».

«Ҳаддингиздан ошиб кетмаяпсизми? Ғовлаган нарса учидан чилпиб ташланади».

– Ўзингизга ортиқча ишониб юборманг, ўртоқ Аскарлов! Сиздаям ҳамманикидақа битта жон бор холос...



– Тўғри, лекин менинг жоним бошқаларникидан сал каттиқроқ, – дейди Иброҳимжон пинак бузмай.

Кейин комиссия, ревизия деганлари таппа босарди. Уларни Иброҳимжон аввалдан биларди, лекин биринчи раҳбар сифатида тўқнашадиган бўлгач, бу шафқатсиз тоифадан нега безиллашлари боисини англай бошлади. Тўғри, божхона лабораторияси фаолиятидан қўлга илашгудек камчилик, айб топилавермасди, балки шу нарса гоҳида тафтишчиларнинг қовоқларини баттар осилтириб, уларни янада асабийлаштириб юборарди. Асқаровнинг «муросани билмаслиги» ҳам «ковла-ковла»нинг чўзилишига сабаб бўларди. Ана шундай маҳалларда унинг шахсий номаи аъмоллари ҳам титкиланиб, полковник унвонининг берилиши хусусидаги ва бошқа буйруқларнинг ҳам «этаги кўтариб» қараларди. Мана шунақа имтиҳонлардан ҳам у бировдан тили қисик эмаслиги учун эсон-омон ўтарди, аммо янада қаттиқроқ «синов»ларга мустаҳиқ этиларди.

1995 йилнинг 18 июль куни ҳам одатдагидай кундузги ишлардан кейин лабораторияда илмий тадқиқотларга шўнғиб алламаҳалгача ўтирди. Соат тунги иккиларда хизмат машинасида уйга қайтди. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан, тўққиз қаватли бинолар орасида кетишаётганди, бирдан кетма-кет янграган икки ўқ овози шовқин-суронлар хийла пайсал топиб, мудрай бошлаган шаҳарни ўз домига тортган сукунат бағрини тилка-пора қилиб юборди. Асқаровнинг чеккаси ёнидан иссиқ бир нима визиллаб ўтди, баланд қаватли уйларнинг бир қанча деразалари шарақлаб очилди.

– Тўхтанг, тўхтанг!

– Бизни машинага отишяпти, ўртоқ бошлиқ, – деди ҳайдовчи Шуҳрат овози титраб. – Сизни мўлжалга олишди шекилли.

– Тўхта, деяпман!

Иброҳимжон машинадан тушиб атрофга кўз югуртирди. Жимжитлик. Боя шарақлаб очилган деразалар қайта ёпила бошлади.

– Машинага ўтиринг, ўртоқ бошлиқ, тезроқ кетайлик, – илтижо қилди ҳайдовчи бетоқатлик билан.

– Менда қасди борларнинг башарасини бир кўриб қўйишим керак эди-да, – деди Асқаров бош чайқаб.

Ажабо, унинг жонини нишонга олганлар ким бўлдийкин? Қайси ёмонлиги учун? Қайси ёмонлиги учун бўларди, теппа товарларига, ноқонуний импорт ё экспортларга «ҳаммаси жойида» деган хулоса ёзиб қўл қўйиб бермагани учун-да. Лекин қай бири? Буни билиш қийин, албатта. Чунки соқолини тутамлаб, муштига тупуриб қолган аламзадаларнинг сон-саноғи йўқ-ку. Аммо бу қалтис ҳаракат эгаларининг ҳарқалай жўн одамлар эмаслиги аниқ. Кўлидан катта ишлар келадиганларнинг «Кўзингни оч!» деган пўписаси бу. Майли, кўрамиз, қани, қайси куч зўрикин – адолатми ё виждонсизликми? Ҳалоллик, диёнатми ё найранг, имонсизлик? Қонунми ё муттаҳамлик?..

## ЧОРА – ИЛМ

«Демак, энди шунчаки хушёрлик, шунчаки каттиққўллик, шунчаки катъийлик камлик қилади, оғзаки тушунтириш билан иш битмайди. Низо, ихтилофларга, муттаҳамликларга чек қўядиган, қонундан ҳам кучлироқ, асослироқ омил, бу – илмий хулоса» деган фикр Асқаровнинг хаёлидан кетмай қўйди. У товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш юзасидан олиб бораётган тадқиқотларини тезроқ яқунлаш пайига тушди. Божхонадан ўтаётган товарларнинг давлатимиз талаблари, қонунларига мувофиқ ё мувофиқ эмаслигини мол эгаларига илмий асослаб, рад этиб бўлмайдиган факт ва далиллар билан исботлаб, уларнинг ишончини комил қилишга, иқрор келтиришларига тўғри келади. Янги ихтисослик айна шу масалада божхона ходимлари қўлига илмий асосланган, ҳар қандай устамон, фирибгарнинг ҳам тилини қалдиратиб қўядиган, шикояту даъвога ўрин қолдирмайдиган ҳужжат беради. Шу тарзда яширишга уринилаётган катта миқдордаги бож, тўловлар ундирилиб, давлат хазинасига туширилади, бу эса, шубҳасиз, мамлакатнинг иқтисодий ривожига, эл-юрт фаровонлигига асқотади. Бу – янги ихтисосликнинг фақат бир жиҳати...

Ихтисосликнинг моҳият-мазмуни, мақсад-вазифалари белгилаб чиқилгандан кейин ҳам кўп ўйланди, гоё ва фикрларининг асосли, фойдалилигига ишончи комил бўлгандан сўнггина юқори муассасаларга таклиф билан мурожаат қилишга журъат этди.

“1997 йил, 4 январь.

№ 95/15-7

Ўзбекистон Республикаси  
Фан ва техника давлат  
қўмитаси раиси, академик  
П.Қ.Ҳабибуллаевга

*Муҳтарам Пулат Қирғизбоевич!*

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини илмий асосда муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 мартдаги 114-сонли қарорига биноан, Ўзбекистондан экспорт ва импорт қилинадиган муҳим товарлар лаборатория анализлари орқали божхона экспертизасидан ўтказилмоқда.

Барча ривожланган давлатлар (АҚШ, Англия, Япония, Германия, Франция, Испания ва бошқалар) божхона ташкилотларининг илмий лабораторияларида етук кимёгар олимлар томонидан божхона экспертизаси амалга оширилади ва у алоҳида илмий йўналиш сифатида эътироф этилган. Ҳамдўстликка аъзо бўлган давлатлар орасида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистонда Бош божхона бошқармаси тасарруфида Марказий божхона экспертиза лабораторияси ва унинг 4 та регионал бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу илмий лабораторияларда республикамиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган пахта толаси, газламалар, кимёвий бирикмалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дон ва дон маҳсулотлари, рангли металллар, спиртли ичимликлар ва бошқа товарларни фан ютуқлари асосида божхона экспертизасидан ўтказиш йўлга қўйилган.

Республикамиз божхона экспертизаси лабораторияларида хизмат қилаётган ходимларнинг 60 фоиздан кўпроги фан

докторлари ва фан номзодлари бўлиб, яқин келажакда барча вилоятларда илмий божхона экспертизаси йўлга қўйилиши кўзда тутилмоқда. 1996 йил давомида Ўзбекистонда 10000 дан ортиқ божхона экспертизаси ўтказилди. Бу экспертиза тадқиқотлари натижасида Республикамиз хазинасига 45,2 млн.сўм қўшимча маблағ туширилди. Божхона экспертизасининг вазифаси – ҳар бир товарга белгиланган халқаро код рақамининг тўғрилигини назорат қилишдан иборат. Уни аниқлашда товарларнинг бирор бир муҳим кимёвий-физикавий кўрсаткичи кимёвий усул билан аниқланиб, илмий таҳлил этилиши талаб этилади. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган ҳар бир товар учун ҳозирги замон фан ютуқлари асосида алоҳида код рақамларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, божхона экспертизаси олдида турган асосий вазифалардан биридир. Ушбу муаммоларни илмий асосда ҳал этиш орқали Республика бюджетига қўшимча равишда миллионлаб сўм маблағлар туширилиши мумкин. Бугунги кунда Бош божхона бошқармасида экспертизага оид ўнлаб илмий мақолалар чоп этилди. Ўзбекистоннинг миллий товарлар номенклатураси лойиҳаси тайёрланди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия сингари давлатлардан мутахассислар келиб, божхона экспертизаси ишини ўрганиб кетаётганлиги бу соҳани илмий асосда ривожлантириш нақадар зарур эканлигини тасдиқлайди.

Божхона тизимидаги лабораториялар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. «Хьюлетт Паккард» фирмасида ишлаб чиқарилган «Хроматомасспектрограф», «Spectro» фирмасининг «Spectro» номли спектрофотометрлари, микроскоплар ва хорижда ишлаб чиқарилган бошқа илмий анжомлар ана шулар жумласидандир. Бу жиҳозлар бугунги кун талаблари даражасида илмий изланишлар олиб бориш имконини беради. Айни вақтда Тошкент Давлат иқтисодий университетиде «Божхона иши» мутахассислиги бўйича талабалар қабул қилиш йўлга қўйилган бўлиб, «Ташқи иқтисодий алоқаларда товарларни кимё анализи орқали синфлаш ва божхона экспертизаси» мавзусида 240 соат маъруза ва 500 соат ҳажмда амалий машғулотлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистонда экспорт ва импорт қилинаётган пахта ёғлари, пахта толалари, пахта чигитидан олинган маҳсулотлар, бугдой навлари, табиий толадан тайёрланган бир қатор газламалар ва бошқа халқ истеъмол товарларига Республикамиз иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган халқаро код рақамлари ишлаб чиқиш бугунги энг долзарб муаммолардан биридир. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши талаб этилади. Ривожланган давлатлар тажрибасига асосан, божхона экспертизаси ва халқаро иқтисодий муносабатларни илмий асосда ривожлантириш учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг халқаро код рақамларини тўғри белгилашни йўлга қўйиш зарур. Бу эса мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Товарларнинг халқаро кодлари уларнинг кимёвий таркиби асосида аниқланади. Шу мақсаддаги божхона экспертизаси ва тадқиқотларнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, алоҳида мутахассислик шифри берилишига ёрдам кўрсатишингизни сўрайман. Мутахассислик қўйидаги тартибда берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Шифр  
02 "\_\_\_"

Ихтисослик:  
ТОВАРЛАРНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ  
АСОСИДА СИНФЛАШ

Марказий божхона экспертиза лабораторияси бошлиги,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи  
ва рационализатор,  
кимё фанлари доктори, профессор  
АСҚАРОВ И.Р."

Бир неча кундан кейин Ҳабибуллаев Асқаровни ҳузурига чақиртирди. Иброҳимжон остонада пайдо бўлиши билан юзкўздан мамнунлиги сезилиб турган Пўлат Қирғизбоевич катта столни айланиб ўтиб, олимнинг белидан маҳкам кучоқлади ва елкасига қоқди.

– Баракалла, жуда ажойиб янгилик бу!

Дарҳақиқат, «Улуғлик мезони» рисоласининг муаллифлари ёзишганидай, «Сехрли кимё фанининг дунёда тан олинажак янги тармоғига асос солинмоқда, алломалар юрти Ўзбекистонда янги илм туғилмоқда эди...»

Кўмита раиси ўз ўринбосари, академик Тўхтапўлат Рискиевни чакириб, дахлдор ташкилотлар, жамоаларга керакли кўрсатмалар беришни топширди.

Рискиев ҳам таклиф ва мулоҳазаларни синчиклаб ўрганиб чиққач, Асқаровни сидқидилдан табриклади ва ўз фикрларини айтди.

– Товарларни сертификатлаш ҳам жиддий, муҳим масала, янги ихтисосликка шу соҳани ҳам қўшиб юборилса, қандай бўларкин, нима дейсиз?

Таклиф жуда ўринли, мантикли эди.

– Зўр бўлади, – деди Иброҳимжон феълига хос очиклик ва эҳтирос билан.

Асқаров ихтисослик йўналишлари ва вазифаларини Тўхтапўлат Рискиев (у таникли физик олим) таклифи асосида яна бир карра кўриб чиқиб, уни «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» деб тузатди ва фан паспортини ҳам шу асосда қайта тайёрлади. Энди қўшимча таклиф эгасини ҳам ҳаммуаллифликка қўшиш, бунинг учун унинг розилигини олиш зарур эди. Иброҳимжон телефон қилиб, фикри, режасини айтди. Рискиев эътироз билдирди.

– Асосий ғоя, йўналиш, меҳнат сизники, мен бир таклиф киритдим холос.

Нақадар олижаноблик, нақадар тантилик! Шунақалар ҳам бор экан-ку. Ахир асосий гап ғояда, Тўхтапўлат Турсуновичнинг таклифи нақ ғоя-ку. Машхур инглиз физик олими Ж.Томсон «Фан йўлида қилинадиган хизматларнинг энг буюги унга ғоялар киритишдир» деб бежиз айтмаган. Ғоя амалга ошса – ихтиро. Ихтиро, ғоя у ёқда турсин, шогирд ёки илмий даражаси қуйроқ, амали кичикроқ олимнинг оддий мақоласига ҳам фамилиясини тап тортмай тикиштирадиган, ўроқда йўқ, хирмонда ҳозир «устоз»лар, «алломаи киром»лар қанча!

Иброҳимжон майдонда бир ўзи ғолиб бўлишни кўзлайдиган «жангчи»лардан эмас, балки немис файласуфи Шопенгауэрнинг «Якка одам узлатда қолган Робинзон сингари ожиздир, фақат бошқалар билан ҳамкорликдагина у кўпгина ишларни қила олиши мумкин», академик Муҳаммаджон Ўрозбоевнинг «Олим энг аввало бағри кенг ва одил инсон бўлмоғи керак» деган ақидаларига мос иш тутадиганлардан. Ҳар қандай масалага инсоф, имон билан ёндошиш унинг ҳаётий шиорларидан бири ва бизнинг назаримизда, ихтирочи олимнинг барча ютуқлари, топган обрў-эътибори, шухрати ана шу ақидалар мевасидир.

Боз устига у янги ихтисосликни қайта кўриб чиқиш мобайнида товарларни кимёвий таркиби асосида сертификатлашнинг чиндан-да муҳим ва зарурлигига амин бўлган эди. У Рисқиевга агар ҳаммуаллифликка рози бўлмаса, ўзини ноқулай ҳис этишини таъкидлади. Асосийси, янги фаннинг ким ёки кимлар томонидан яратилгани эмас, балки ўша ихтиронинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, давлатга, элга етказажак нафи, фойдасида эмасми?

– Майли, унда ихтиёр сизда, – деди академик.

Янги ихтисослик тегишли муассасаларга қуйидагича паспорт билан тавсия этилди:

## **«ТОВАРЛАРНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ АСОСИДА СИНФЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ» ИХТИСОСЛИГИ ПАСПОРТИ**

«Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» ихтисослиги кимё фанлари тизимига кириб, кимё ва техника фанларидан илмий даражалар ҳамда илмий унвонлар беришга мўлжалланган. Бу ихтисосликда Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасида (ТИФ ТН) товарларни синфлаш, сертификатлаш билан боғлиқ ҳолда моддаларнинг таркиби, олиниши, келиб чиқиши, тузилиши, органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини тадқиқ қилиш каби кимёвий, технологик тадқиқотлар билан бир қаторда иқтисодий тадқиқотлар ҳам олиб бориш режалаштирилган.

**Янги ихтисослик бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари.** Маълумки, халқаро савдо-сотик жараёнларини соддалаштириш мақсадида товарларни синфлаш кодлари – ТИФ ТН киритилган. Барча ривожланган мамлакатларда бу код 9 та рақамдан ташкил топган. Бунда дастлабки 6 та рақам Уйғунлашган тизим Конвенциясига аъзо мамлакатлар учун мажбурий, қолган 3 та рақам ҳар бир алоҳида мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш учун режалаштирилган. Код рақамларини аниқлаштириш билан кимёвий таркиби ўхшаш, лекин, сифати ва жаҳон бозоридаги нархи турлича бўлган товарларни дифференциялаш (аниқлаш) имкони туғилади.

Тадқиқотлар вазифаси бир товарни бошқа, кўпинча ўхшаш товардан фарқлаш имконини берувчи мезоний кўрсаткичларни аниқлашдан иборат. Тадқиқотлар натижасида юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларнинг ягона қийматларини тезкор таҳлил қилишни таъминловчи махсус услублар ишлаб чиқилади.

Олиб бориладиган тадқиқотларнинг асосий мақсади илмий асосланган ташқи иқтисодий фаолият миллий товар номенклатурасини яратиш ва такомиллаштиришдир. Ноозик-овқат ва озик-овқат маҳсулотларини кимёвий таркиби асосида сертификатлаш ҳам асосий вазифалардан биридир. Товарнинг халқаро код рақамларига уларнинг кимёвий таркиби, олиниш технологик жараёнлари, тузилиш, органолептик ва физик-кимёвий ҳамда бошқа кўрсаткичларни илмий жиҳатдан ўрганиб чиқиш натижасида қуйидагиларга эришилади:

- тегишли ўзгартиришлар, янгиликлар киритиш;
- товарларни тўғри номлаш;
- товарга унинг кимёвий таркиби асосида тўғри код бериш;
- «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» ихтисослиги товарларнинг кимёвий таркиби, кимёвий, физикавий ва бошқа хоссалари асосида халқаро код рақамларини белгилаш ва сертификатлар бериш муаммоларини тадқиқ этиш.



Шунингдек, мазкур илм иқтисодий муносабатларда юз бериши мумкин бўлган қатор жиноятларнинг олдини олиш ва натижада экспортёр ҳамда импортёрлар манфаатларини химоя қилиш имконини беради.

Ихтисослик номидан келиб чиққан ҳолда, товарлар бири-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки йўналиш – синфлаш ва сертификатлаш йўналишларида ўрганилади. Ҳар бир товар савдо-сотик объекти сифатида божхона юк баённомаси (БЮБ) билан божхона органларига тақдим этилади. Тегишли тарзда расмийлаштирилган БЮБда бошқа бандлар қаторида товар номи ва ТИФ ТН бўйича товарнинг халқаро код рақамлари кўрсатиладиган бандлар мавжуд. Шу билан биргаликда, ҳар қандай товар хавфсизлик ва сифат кўрсаткичлари талабларига мослигини тасдиқловчи ҳужжат, яъни сифат сертификати билан тақдим этилиши лозим. Товарларнинг ТИФ ТН бўйича тегишли 9 рақамли халқаро кодга аниқ мос келишини белгиловчи мезоний кўрсаткичлар кўп товарлар учун мукамал эмас. Шу сабабли, кўплаб мамлакатларда ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Халқаро код рақамларини аниқлашда товарларнинг кимёвий таркиби, олиниш технологик жараёнлари, экспорт ва импорт товарларнинг сифатини назорат қилиш, уларга сифат ва бошқа сертификатлар бериш масалаларини илмий тадқиқотлар натижалари бўйича асослаш омилини яратади.

**Тадқиқот объектлари.** Тадқиқотларнинг асосий объектлари мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган, чет элга экспорт қилинадиган ва чет элдан импорт қилинадиган товарлардир. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қўлланилаётган ТИФ ТН Россия нашрида пахта толаси учун иккита код: гигроскопик пахта толаси; бошқалар тавсифи билан берилган. Шу билан биргаликда, мамлакатда узунлиги билан фарқланувчи, турли навли, ифлослик даражаси билан фарқланувчи, турли синфдаги ва бошқа пахта толалари ишлаб чиқарилмоқда ва экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, республика иқтисодиётида муҳим ўрин тутган нефть ва нефть маҳсулотлари, улардан ажратиб олинган

бирикмалар ҳам тадқиқот объектларидан ҳисобланади. Жумладан, ишлаб чиқарилаётган техник мойлар фойдаланиш йўналишларига кўра турлича таркибга эга, лекин улар фақат битта ТИФ ТН коди билан синфланади. Уларни кимёвий таркибига кўра синфлаш муаммосини ҳал этиш ихтисослик тадқиқотлари натижаси асосида ҳал этилади.

Шу билан бирга моддаларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ масалалар, технологик жараёнлар, техник шартлар, товар учун алоқадор бўлган барча жараёнлар, товар сертификатлари ҳам тадқиқ этилади. Амалдаги ТИФ ТН табиий манбалардан ажратиб олинган бирикмаларни синтетик усулда олинган моддалардан тузилишига ва физиологик хусусиятларига кўра фарқлаш имкониятини бермайди. Бундай муаммоларни ҳал этиш тиббиётда ва халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган биологик фаол моддаларни аниқлаш билан бирга мамлакат табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш уфқларини кенгайтиради.

Худди шундай мукамал бўлмаган дифференцияни пахта мойи ва бошқа кўплаб товарлар мисолида ҳам кузатилади. Буларни илмий жиҳатдан ҳал қилмаслик эса мамлакат иқтисодиётига катта зарар келтириши мумкин. Товарларни таснифлашда уларга бериладиган сертификатлар асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Товарларни сертификатлаш масаласи фан ютуқлари асосида ҳал этилиши зарурлигини ҳаёт тақозо этмоқда.

Товарларга бериладиган мувофиқлик, гигиеник, келиб чиқиш, фитосанитар ва бошқа турдаги сертификатларни ишлаб чиқишда уларнинг физикавий-кимёвий хоссалари ҳамда кимёвий таркиби атрофлича ўрганилиши ва бу тўғрида тегишли мезонлар ишлаб чиқилиши зарур. Шунинг учун ушбу ихтисосликнинг тадқиқот объекти экспорт ва импорт қилинадиган ҳамда барча муомалага чиқариладиган товарлар доирасини ўз ичига олади.

**Тадқиқот услублари.** Тадқиқотлар товарлар ва хомашёларнинг кимёвий таркибини аниқлаш учун классик кимёвий ва техник услублардан, шунингдек, анализнинг замонавий

ускунавий услубларидан, кимёнинг турдош бўлимлари: аналитик, органик, физик ва бошқа соҳа кимё услубларидан фойдаланиб бажарилади.

**Қўлланиш соҳалари.** Давлат божхона ва Давлат стандарти ташкилотлари, санитария-эпидемиология станциялари лабораториялари, Ташқи иқтисодий фаолият вазирлигининг экспертиза лабораториялари, декларантлар, товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар.

**Илмий даражалар бериладиган фан тармоқлари:**

Кимё фанлари – фундаментал аҳамиятга эга ишлар учун.

Техника фанлари – амалий аҳамиятга эга ишлар учун.

**Тузувчи:**

Кимё фанлари доктори,  
профессор

**И.Р.АСҚАРОВ**

## **ЯНГИ ФАН МАШАҚҚАТЛАРИ**

Республика Фан ва техника қўмитаси тасарруфидаги бошқарма бошлиғи, профессор Марвар Тошпўлатов Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясига хат тайёрлаб, унга янги ихтисосликка оид ҳужжатларни ҳам илова қилади.

Олий аттестация комиссияси ҳужжатларни Экспертлар кенгашига ҳавола этди. Ушбу кенгаш раиси кимё фанлари доктори, профессор Темур Собирович Юнусов эди. У бир куни Асқаровдан телефонда сўраб қолди:

– Россияда шундай фан йўқми?

– Нафақат Россияда, ҳозирча бутун дунёда ҳам йўқ бундай фан, – жавоб берди Иброҳимжон.

Кенгаш раиси галати кулди.

– Шунақа денг... Яхши, тақризга юборамиз, муҳокама қиламиз.

– Қачон хабар олай?

– Ўзимиз айтамиз.

Кенгаш янги ихтисослик тўғрисидаги ҳужжатларни ўрганиб, фикрлар билдириш учун таниқли олимлар – академиклар Нусратилла Парпиев, Зокиржон Салимов, Тўлқин Миркомиллов, Сайёра Рашидова, Мирҳожии Асқаров, Шавкат Солихов, профессорлар Абдулҳамид Махсумов, Хусниддин Шохидоятов ва бошқа йирик мутахассисларга юборди. Такризчилар янги ихтисосликнинг долзарб ва муҳимлиги борасида ўз мулоҳазаларини баён этишди. Масала Экспертлар кенгашида бир неча бор муҳокама қилинди. Лекин... негадир натижадан, жавобдан дарак йўқ эди. Иброҳимжон Экспертлар кенгашига қатнаб зерикди.

Анчадан кейин Олий аттестация комиссияси раиси номидан «Ҳозирча бу фанни жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилди» деган мазмунда хат келди. Асқаров дудмал жавобни кўтариб Аттестация комиссияси раиси Б.Тошмуҳаммедовнинг хузурига борди ва изоҳ талаб қилди.

– Экспертлар кенгашининг хулосаси бу, бир нарса деёлмайман, – қисқа жавоб айтди раис.

Иброҳимжоннинг ҳафсаласи совуди, ҳужжатлар, Аттестация комиссияси хатини тортмага ташлаб қўйди.

Нега шундай бўлди, деган савол туғилиши табиий. Балки, чекка бир қишлоқдан чиққан, олимлар ичида номи, унво ни машҳур бўлмаган оддий бир кимёгар-педагог, лабораторияларда «майда-чуйда таҳлиллар билан шуғулланиб юрган» одамнинг фан яратиб юборишига ақллари бовар қилмагандир. Ундай десак, ахир унинг фамилияси ёнида таниқли олим, академикнинг исми-шарифи ҳам бор эди-ку, демак, у ҳам камтарлиги боис ишга аралашавермаган. Аммо, илм-фан тарихига назар ташланса, аксарият оламшумул ихтиролар, кашфиётларнинг муаллифлари жуда оддий табақа фуқаролари эмасмиди? Нисбийлик назариясидек инкилобий кашфиёт эгасининг ҳам номаи аъмоли – камбағаллик, ночорликда қанчалар оғир кун кечиргани маълум-ку. Балки, ўша буюк олимнинг: «Фанда чинакам иш берадиган нарса интуиция, яъни фаҳмдир» дейиши бежиз эмасдир?

Орадан анча вақт ўтиб кетди.

Май ойида Бутунжаҳон Божхона Ташкилотининг Бош котиби, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раисининг ўринбосари Жеймс Шавер Белгиядан Ўзбекистонга ташриф буюриб, Божхона кўмитасига ва шунчаки танишиб кўйиш учун экспертиза лабораториясига ҳам қадам ранжида қилди. Раҳбар (Асқаров) ташкилотчилиги ва ходимлар Қурбонқул Каримкулов, Шухрат Миркомиллов, Музаффар Носиров, Дилмурод Солижонов ва бошқаларнинг саъй-ҳаракатлари билан лаборатория нақ музейга айлантирилган бўлиб, у ердаги қалбаки товарлар – кийимлар, буюмлар, тамаки, озиқ-овқат, дори-дармонлар – жами 202 та экспонат мартабали меҳмон эътиборини жалб этди. Ашёлар остига лотин алифбосида ўзбек, шунингдек, рус, инглиз тилларида изоҳлар битилганди. Бу иш жаноб Шаверга кўп маъқул бўлди ва лаборатория фаолияти билан батафсилроқ танишиш хоҳишини билдирди.

– Мен дунёнинг қирқ тўрт мамлакатада бўлдим, лекин биронта божхонада бунақа кўргазмани, илмий асосли лабораторияни кўрмаганман, – деди у шавқ билан.

Шу аснода Асқаров таваккал қилиб, меҳмонга янги ихтисосликдан гап очди ва унинг паспортини кўрсатди. Олий аттестациядагилар янги фан паспортининг инглизча нусхасини талаб қилишганда Иброҳимжон Жаҳон тиллари институти ректори, филология фанлари доктори Жамолiddин Бўроновдан илтимос қилиб, паспортни 22 тилга ўгиртириб, Олий аттестация комиссиясининг табиий фанлар бўлимига топширган, лекин бунинг ҳам фойдаси бўлмаганди.

.. Жеймс Шавер кимё фанлари доктори эди. У ҳамроҳлари ва кузатувчиларнинг безовта бўлишларига эътибор бермай (уларнинг умумий дастури, ҳар бир ташкилотда бўлиш фурсатлари қатъий белгиланган эди), паспортнинг инглизча нусхасини шошилмай ўқиб чиқди.

– О, кей, – деди у Иброҳимжоннинг қўлини маҳкам қисиб ва маъқулловчи яна бир неча сўз айтди.

– Шунга халқаро бир илмий ташкилотдан фикр зарур эди, – деди темирни қизиғида босишни хуш кўрадиган Асқаров жанобнинг илиқ гапларидан руҳланиб. Албатта, унинг бу «шар-

такилиги» мўътабар зотни кузатиб юрувчи шотирларга унчаям маъқул тушмаган бўлиши керак.

– Но проблем, биз бу ғояни қўллаб-қувватлаймиз, – деди жаноб Шавер мутлақо самимий оҳангда... – БМТ номидан фикрнома берамиз.

Бу воқеа 1997 йил 8 июлда бўлаётган эди.

Шу куни кеч соат тўртларда Олий аттестация комиссиясининг янги раиси академик Ш.А.Аюпов телефон қилиб қолди.

– Иброҳим Раҳмонович, янги ихтисосликка оид ҳужжатларни олиб келсангиз...

– Ҳужжатлар ўзларингизда-ку.

– Яхши, топиб турамиз, ўзингиз ҳам келсангиз.

– Мен эртага бораман.

– Йўқ, бугун, ҳозироқ келсангиз, илтимос...

Иброҳимжон етиб борди. Ҳужжатларни комиссия ходимлари билан бирга излаб, табиий фанлар бўлими архивидан топишди: янги ихтисосликка тегишли барча қоғозлар солинган папканинг юзасини хийлагина чанг босган эди. Лекин энг муҳими, раддияноманинг нусхаси ҳам ўша қоғозлар қатида экан...

Бу ёғи фавқулодда тезлашиб кетди. Олий аттестация комиссияси Республика Фан ва техника қўмитасига мактуб тайёрлади.

*“№01-84/0917 9 июль, 1997 йил.*

*Ўзбекистон Республикаси  
Фан ва техника давлат қўмитаси  
раисининг биринчи ўринбосари  
Т.Т.РИСҚИЕВГА*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикасида  
кимё фанлари соҳасидаги таниқли олимларнинг фикрларини,  
сўралаётган ихтисослик йўналишининг долзарблигини ҳисобга  
олиб, илмий ходимлар ихтисосликлари номенклатурасига  
02.00.22 – «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш*

ва сертификатлаш» номли янги ихтисосликни кимё фанлари бўйича киритилишига розилик билдиради.

Олий аттестация комиссияси раиси:

Ш.А.АЮПОВ”

Олти кундан кейин Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида янги ихтисослик очиш масаласи кўриб чиқилиб, 1997 йил 15 июлда куйидаги қарор қабул қилинди:

«ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАН ВА ТЕХНИКА  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
КОМИТЕТ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ПО НАУКЕ И ТЕХНИКЕ

**ҚАРОРИ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**

15 июля 1997 год,

г.Ташкент.

№14

О внесении изменений в «Номенклатуру специальностей научных работников».

В целях гармонизации нормативной базы в области аттестации научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации, содействия взаимному признанию документов о присуждении ученых степеней в рамках международного сотрудничества в сфере науки и технологии, Государственный комитет Республики Узбекистан по науке и технике

**ПОСТАНОВЛЯЕТ:**

1. Принять предложение Центральной лаборатории таможенной экспертизы Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан о внесении в действующую «Номенклатуру специальностей научных работников» специальности 02.00.22 – классификация и сертификация товаров на основе их химического состава.

2. Во изменение Постановления ГКНТ РУз от 18 ноября 1993 года, № 34, внести в действующую «Номенклатуру...»

Специальность «02.00.22. – Классификация и сертификация товаров на основе их химического состава».

3. Изменения, согласно пункта 2 настоящего Постановления, считать вступившим в силу с 15 июля 1997 года.

Председатель

П.К. ХАБИБУЛЛАЕВ»

Янги ихтисосликнинг Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланиб, кимё фанлари жадвалига киритилиши учун яна тўрт йилдан зиёдрок вақт керак бўлди.

Шу тариқа илмий даража берадиган кимё фанлари ихтисосликларининг дунё жадвалига яна битта ихтисослик киритилди ва жадвал куйидагича таснифга эга бўлди:

### ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРАДИГАН КИМЁ ФАНЛАРИ ИХТИСОСЛИКЛАРИ ҲАҚИДА М А Ё Л У М О Т

Фан номи	Шифри	Бериладиган илмий даража	Фан кашф этилган мамлакат	Кашф этилган сана	Асосчилари
Анорганик кимё	02.00.01	Кимё, техника, физика-математика	Англия	XIII-XIX асрлар	Г.Девин, Ж.Дальтон
Аналитик кимё	02.00.02	Кимё, техника, физика-математика	Англия	XIV-XIX асрлар	Р.Бойль
Органик кимё	02.00.03	Кимё, техника, физика-математика	Швеция	1808 йил	И.Берцелиус
Физик кимё	02.00.04	Кимё, техника, физика-математика	Россия	1752 йил	М.В. Ломоносов
Электр кимёси	02.00.05	Кимё, техника, физика-математика	Италия	XVIII-XIX асрлар	Л.Гальвани, А.Вольт



Юкори молекуляр бирикмалар кимёси	02.00.06	Кимё, техника	Швеция	1833 йил	И.Берценус
Элемент органик бирикмалар кимёси	02.00.08	Кимё, техника	Германия	1841–1849 йиллар	Р.Бунзен, Э.Франкленд
Радиация кимёси	02.00.09	Кимё	АҚШ	1945 йил	Э.Хонли, М.Бартон, Л.Полинг
Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси	02.00.10	Кимё, техника, биология	АҚШ	1951 йил	А.Тодд, Сенгер, Дю-виньо
Коллоид ва мембрана кимёси	02.00.11	Кимё, техника, физика-математика	Англия	XX аср	Т.Грем
Нефть кимёси	02.00.13	Кимё, техника	Россия	XX аср	В.В.Марковников
Радиокимё	02.00.14	Кимё	Франция	1910 йил	М.Складовская-Кюри, П.Кюри
Кимёвий кинетика ва катализ	02.00.15	Кимё, техника	Россия	XIX аср	Н.А.Меншуткин
Композицион материаллар кимёси ва технологияси	02.00.16	Кимё, техника, физика-математика	Россия	XX аср	В.Н.Каргин
Квант кимёси	02.00.17	Кимё, техника, физика-математика	Австрия	XX аср	Э.Шредингер, Гамильтон, Паули
Сирт кимёси, физикаси ва технологияси	02.00.18	Кимё, техника, физика-математика	АҚШ	XX аср	Гиббс, Уиллард
Ута соф моддалар кимёси	02.00.19	Кимё, техника	Франция	1876 йил	Муассон
Хроматография	02.00.20	Кимё, техника	Россия	1903 йил	М.С.Цвет

Қаттик жисмлар кимёси	02.00.21	Кимё, техника	Нидерландлар	XIX аср	Я.Вант-Гофф
Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш	02.00.22	Кимё, техника	Ўзбекистон	1997 йил	И.Р.Асқаров, Т.Т.Рисқиев

Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг кимё фани бўйича ўқув-услугий кенгашининг 2001 йил 3 октябрдаги мажлисида тасдиқланган.

### ПРОФЕССОР ҚОЧДИ

Жадвалдаги «илмий даража берадиган» деган иборада фanning аҳамияти, кўлами, моҳияти чеклангандай туюлади, албатта. Балки фанларнинг фақат илмий даражага хизмат қиладиган турлари ҳам бордир, ammo «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» ихтисослигидан, энг аввало, унинг давлат иқтисодиётига ва юрт фаровонлигига жуда катта амалий фойда келтириши кўзда тутилган эди.

Иброҳимжоннинг кейинроқ эшитишига қараганда Жеймс Шавер ўшанда Вазирлар Маҳкамасидаги йиғинда «Ўзбекистоннинг буюк давлатлар қаторига қўшилажагига шубҳа йўқ, мана, ҳалитдан янги фан кашф этилибди», деган экан.

Шундай қилиб, физика, кимё соҳасида улкан ихтиро, кашфиётлар яратишиб, оламшумул обрў-этиборга сазовор бўлган буюк зотлар сафидан ўзбек олимлари – Иброҳимжон Асқаров ва Тўхтапўлат Рисқиевларнинг номлари ҳам янги фан ижодкори сифатида жой олди.

БМТнинг фанлар бўйича вакили, Бутунжаҳон Божхона Ташкилотининг Бош котиби Жеймс Шавер янги ихтисосликнинг биринчи муаллифига шундай таъриф ва фикрнома берган эди:

*«Профессор Иброҳимжон Асқаров томонидан кашф этилган «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» услуги жаҳон кимё фанида бутунлай янги йўналиш деб эътироф этилди. Айниқса, божхона соҳасида, яъни товар-моддий бойликларни божхона экспертизасидан ўтказишда бу фаннинг аҳамияти беқиёс эканлиги диққатга сазовордир. Ўзбек олими, профессор Иброҳимжон Асқаровни кимё фанидаги улкан кашфиёти билан қутлайман!»*

Бирок, шунга ҳам қарамай, янги ихтисосликка, унинг муаллифига писандсизлик билан қарашлар давом этарди.

– Сиз фан яратибсизми? – дея талмовсирашади.

– Йўқ, товарларнинг кимёвий таркибини яхшироқ ўрганишни таклиф қилдик холос; ёки: «Биз ҳеч қанақа фан яратганимиз йўқ, шунчаки уни фанлар рўйхатига киргиздириб қўйдик», деб изох беради Иброҳимжон.

Кўпчилик, ҳатто баъзи кимёгарларнинг ўзлари ҳам фан билан ихтисослик ва унинг йўналишлари тўғрисида тўла тасаввурга эга эмаслигидан тушунчаларни чалкаштириб ифодалар ва шу боис уларни баҳолашда катта хатога йўл қўйишарди.

Наманган Давлат университетида ўтаётган кимё масалаларига бағишланган республика конференцияда Асқаров сўзга чиқиб, янги ихтисослик тўғрисида сўзлаётган эди. Залда Тошкентдан келиб, биринчи қаторда ўтирган профессорлардан бири илмоқли савол бериб қолди:

– Бу ихтисосликка бизда эҳтиёж борми ўзи?

– Эҳтиёж бўлгани учун рўйхатга олишгандир-да, – деди Иброҳимжон оғирлик билан.

– Ҳа, ўша ихтисосликни аналитик кимёга қўшиб юборса бўлмайдами? – Бу савол ҳам қитмирона, ғаламисона эди.

– Йўқ, домла, қўшиб юборса бўлмайди, чунки аналитик кимё моддалар таҳлили билан, бу ихтисослик эса товарлар кимёси билан шуғулланади. Кечирасиз, домла, сизнинг мутахассислигингиз нимадан?

– Биорганик кимёдан.

– Биорганик кимё ҳам алоҳида ихтисослик бўлиши шартми? Уни органик кимёга қўшиб юборса бўлади-ку...

Иброҳимжон олимнинг жон жойидан тутган эди.

Танаффусга чиқишганда савол берувчи профессор кўринмас, чамаси у жўнаб юборган эди.

Начора, ҳамма ҳам янги фан яратишнинг уддасидан чиқавермайди, деган ҳақиқатни эътироф этиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди чоғи, нечукким, ўзгалар ютуғидан қувониш ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган саодатдир. Ахир «ҳаммадан ортиқ афсонавий шуҳрат қозонган» Эйнштейнни ҳам тан олишлари нақадар қийин бўлган. Юнон файласуфи Диоген ҳатто ўз юртидан қувғин қилинган. Буни юзига солганларга у: «Эй, бадбахт, ахир шу қувғин туфайли файласуф бўлдим-ку», деган экан. Ваҳоланки, америкалик биохимик, Нобель мукофти лауреати С.Сент айтганидек, «Энг янги фаннинг инсоният тараққиётига нечоғлик катта ҳисса қўшганлигини пайқай олиш учун ўртамиёна ақлга эга бўлиш кифоя».

Зеро, истеъдод, кашфиётлар тан олинадиган жойдагина фан ривожланади, агар у мавке талашадиганлар майдонига айланадиган бўлса, унинг тараққий этиши амримаҳол, деган эди буюклардан яна бири.

Иброҳимжон Асқаров янги ихтисосликнинг фан сифатида шаклланишида катта меҳнатлари сингган устоз, ҳамкасблари Абдуҳамид Махсумов, Собит Алимбоев, Алижон Ибрагимов, Ғофиржон Ҳамроқулов, садоқатли, захматқаш, қобил шогирдлари Муҳаммаджон Исақов, Абдулазиз Намозов, Қурбонкул Каримқулов, Бахтиёр Абдуғаниев, Шаҳобиддин Қирғизов, Ойбек Қулимов, Нозим Тўхтабоев, Акбаржон Жўраев ва бошқалардан жуда миннатдор ва уларга хурмати чексиз.

Товарларнинг хоссалари, «юк»ларнинг сир-синоатлари илмий асосда ўрганила бошлангач, божхона ва унинг лабораториясида иш янада кўпайди – фойдали ва самарали, ватан ва халқ олдида божхона ходимлари юзини ёруғ, мартабасини баланд қиладиган ишлар...

Лекин энг муҳими, қийинчилик, машаққатлар эвазига бўлса ҳам, Асқаров ғайрларга кесатиб айтганидай, янги ихтисослик кимё фанлари рўйхатидан жой олди. Ўзбекистон миллий энциклопедияси (11-жилдининг 451-саҳифаси)га

мухрланди. Жаҳон олимлари ўзбек кимёгарлари кашфиёти-ни эътироф этишди. Иброҳимжон Раҳмонжон ўгли ғалаба қилди, Горький айтганидек, «илм билан курулланган одам-ни мағлуб этиб бўлмаслиги» исботланди. Аслини олганда, бу улкан муваффақият ҳам мустақиллигимиз шарофати билан миллий истеъдодларнинг эркин парвози, жаҳонга чиқиш «довонлари»даги йўлни тўсиб турган «харсанг»ларнинг бар-тараф этилгани ва қобилиятлиларнинг униб-ўсиши учун етар-ли шарт-шароит муҳайё қилинганидан далолат эмасми? Ахир шўро тузуми даврида ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби геолог Ҳабиб Абдуллаев, кимёгарлар Обид Содиков, Собир Юнусов, Абдулҳамид Махсумов, физик Пўлат Ҳабибуллаев сингари табиий фанлар бўйича даҳолик даражасига етган олимларимиз бор эди, аммо уларнинг илму фан ривожигаги улкан хизматлари муносиб тарзда тақдирланавермас, халқаро миқёсда ортиқча овоза қилинмас, аксинча, ундайларнинг шоҳига уриб, пешидан тортиб туришга ҳаракат қилинар, баъзида ҳатто тазйиқ ва таҳқирларга «лойик» кўриларди. Академик, ўзининг битмас-туганмас куч-ғайратини, умрини мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга сарфлаган, геология фани руда конлари тўғрисидаги таълимотда янги йўналиш яратган, «номи жаҳон геология фанининг солномасига олтин ҳарфлар билан ёзиб кўйилган» (А.Ю.Юнусов) Ҳабиб Абдуллаев ҳаёти ва фаолияти бунга энг аниқ ва ачинарли мисолдир. Кимё соҳасидаги янги ихтисослик бошига тушган савдолар ҳам ўша сиёсат, ўша дунёқарашу ўша психологиянинг оқавалари, асоратлари бўлиши ҳам мумкин эди.

## ҒИРРОМЛАР

Фан-ку тан олинди ва биринчи галда божхона лабораторияси фаолиятига жорий этилиб, бу борада катта ютуқларга эриша бошланди. Аммо энди бу илмни ғирромларга англатиш кийин кечарди. Тўғрироғи, улар илму фанни ҳам, экспертиза лабораториясини ҳам четлаб ўтиб, ўз ишларини битиришни, чўнтақларини қаппайтиришни хоҳлашарди холос.

Ўз эътиқоди, ўжар феъл-атвори билан ҳам Иброҳимжоннинг мартабаси зиёда бўлди, узоққа борди – божхона тизимининг ўзида ўн икки ярим йил ишлади, лекин, албатта, бу йўллар силлик кечмади... Айниқса, буғдой ва «техник мой» операциялари одамни хит қиладиган, боши берк кўчага олиб кириб қўядиган сўкмоқларга бўлиниб кетарди.

Хукуматнинг буғдой навлари ва уларни қайта ишлаш жараёнини тафтиш қилиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мамлакат бўйича йирик-йирик ун комбинатларини текширувчи гуруҳлар тузилди. Асқаров Тошкент шаҳар гуруҳига раҳбар бўлиб тайинланди. Муҳлат жуда қисқа берилган эди. Иброҳимжон штабда ҳисобот-маълумотлар олиб ўтирарди. Натижалар бир хилда – гўё ҳаммаси жойида, ҳамма иш рисоладагидай теп-текис... Ҳолбуки, арз ва шикоятлар, хабарларда найранг, кўзбўямачилик, ножоиз, ноқонуний ҳаракатлар ҳақида етарлича асосли далиллар бор эди. Гуруҳлар ташкил этилган катта йиғинда Асқаровни энг ғайратли, энг юракли, энг ишончли одам, маҳсулот таркиби ва тахлилини яхши биладиган мутахассис деб, энг шубҳали ва энг масъулиятли ҳудудга қўйишган эди. У ахборотлардан ҳайрон бўлар ва питилларди. Бир куни ҳеч кимга ҳеч нарса демай, хизмат машинасига ўтирди-да, «Собир комбинат» деб аталувчи номдор корхонага жўнади. Дарвозахонада тўсишган эди, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ўтди. Ичкарига кирса, текширишга юборилганлар маишатда... Иброҳимжон корхона лабораториясини топди-да, унинг бошлиғига ҳужжатларни кўтартирди. Қабул қилиб олинган дон рўйхатини синчиклаб кўздан кечира бошлади. Таркибидаги қуввати, навини белгиловчи клейковина деган оксил модда миқдори, сифатига кўра буғдой беш синфга ажратилади. 1, 2, 3-синф озиқ-овқат учун, 4, 5-синф товарлари ҳайвонларга ем-озуқа сифатида қўллаш кўзда тутилади. Дафтарда эса негадир 4, 5-синф буғдойлари тўғрисида алоҳида қайд йўқ эди.

– Буғдойнинг қормоқларини ташлаб юборасизларми? – сўради Иброҳимжон.

Лаборатория бошлиғи саросималанди.

Масала равшан эди. Комбинат омборида ўн икки вагон дон бўлиб, ем-озука сифатида чиқариб юборилиши зарур бўлган қисми катта ҳажми ташкил қиларди. Корхонага кунига қанчадан-қанча вагон дон киради...

Шунингдек, буғдой уч марта ювиб-тозаланиб, куритилгандан кейингина тегирмонга солиниши лозим. 4, 5-навлар ўша жараёнда, яъни ювиб-тозаланганда ажралади. Демак, комбинатда буғдой ювиб-тозаланмайди ёки бу иш на-ридан-бери амалга оширилади-да, ҳаммаси олий ва 1-чи нав ҳисобида кетаверади... Ортиқча йўқотиш, сарф-ҳаражатни хоҳлашмайди-да. Бир нарса десангиз, режанинг баландлигини рўқач қилишади.

Эҳ, одамзотнинг нақадар тубанлари бор-а! Нафси ўпкони тўлдириш учун ҳар қандай балои офатдан, шайтоний васвасадан ҳазар қилмайдилар – тарози тошини ғоваклаш, маҳсулотнинг чиригини, сифатсизларини яхшилари тагига «кўмма» қилиш билан чекланмай, чойга – кўкат, сутга – сув, асалга – картошка, мурчга – мош, гуручга – ғишт кукуни, булғор қалампирига – супургининг уруғи, дори-дармонга – куртоп, охак, бензинга – сув, цементга – кум ва ҳатто оппоқ унга – адир тупроғи, пахта ёғига ишлаб яроқсизланган аллақандай мойлар, арокка – техника спирти аралаштиришдан тоймайдилар – худобехабарлар! Бу ҳам майли-я, алкогольсиз салқин ичимликларга одам организмни захарловчи, ҳатто саратон касаллигини чақирувчи моддалар қўшилишига нима дейсиз?! Яхши тозаланмаган буғдой унининг хаамири эса тандирда турмайди, оқиб кетади. Буниси майлику-я, буғдойга тупроқ, ахлатлар, ҳар хил касалликлар келтириб чиқарувчи ёввойи алафлар, қоракуя каби захарли ўсимликларнинг уруғлари аралашиб кетган бўлади – мана буниси энди чинакам разолат!

Эй, Оллоҳнинг нобакор бандалари! Шунчалар ҳам бадбин, шунчалар ҳам худбин ва бир-бирингизга нисбатан шунчалар ҳам ёвуз бўласизми?! Ашаддий йиртқичлар ҳам бир-бирига нисбатан бу даражада душманлик, бу даражада ваҳшийлик қилишмайди-ку!..

Азбаройи сонларига, жиғилдонига, виждонига жир битиб кетганидан тайтанглаб юрадиган директор – «Собир комбинат»нинг «попултуригини» пасайтириш осон бўлмади.

Иброҳимжон “Собир комбинат” тўғрисида кўп эшитгани – у шаҳарнинг “уммон – меники” дейдиган “кит”ларидан бири бўлиб, комига тўғри келиб қолган чўртану делфинларни ютиб ё ўткир тишлари билан эзгилаб ташлаши мумкин, хатто думи билан чертиб ҳам майиб-мажрух қилиб қўйиши ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун шу пайтгача унинг мушугини пишт дейдиганлар чиқмаган бўлса керак. Важоҳати ҳам дабдурустдан дуч келган одамни хуркитиб юборарди – ўсик қошлари тунд, ёппа қовоқларини босиб тушган, қатма-қат бакбақаси осилиб, жағ суяклари икки ёнга гоз тухумидай бўртиб чиққан эди.

У аввалига Асқаровни писанд этмай, эшак куртдай панжаларининг учини бериб сўрашди.

– Шотирларингизни қорнини тўйгазиб қўйдим, йиғиштириб кетишингиз мумкин.

Бу гап Иброҳимжонга оғир ботди. Усиз ҳам ўша «шотирлар»дан ҳафсаласи пир бўлиб турувди.

– Кечирасиз, улар менинг шотирлариммас, – деди у норозилигини сездириб.

– Менга аҳамияти йўқ, – қўл силтади “Собир комбинат”. – Бу ерга унақа майналар тез-тез келиб туришади.

“Майна” сўзининг икки маънода қўлланганини ва “сен ҳам шулардан бирисан” деган шамани англаган Асқаровнинг иззатнафси оғриди.

– Аммо мен донлагани келганим йўқ, – деди у қатъий.

– Менга фарқи йўқ. Сиздақалар ҳам қадам ранжида қилиб туришади, фақат илтимос билан, ёрдам сўраб...

– Кечирасиз, мен сиз ўйлаганлардан эмасман.

– Менга қизиғи йўқ. Муддаодан келинг, муддаодан...

– Муддао шуки, ҳамма ишлар қонунга мос бўлса...

– Қанақа қонунни назарда тутяпсиз?

– Ҳукумат қонунларини – давлат ва халқ мулкига хиёнат қилмаслик, кўзбўямачиликка йўл қўймаслик ҳақидаги қонунларни.



– Шунақа қонунлар борми, қаранг-а... – «Собир комбинат» ҳаддидан оша бошлади. Буниси энди қуюшқондан ташқари эди. Иброҳимжоннинг ҳам авзои ўзгарди. Рўпарасидаги корчалон ким бўлмасин, унга ўзини ва ҳукумат қонунларини калака қилдириб қараб туролмади.

– Қонунларимизни масхара қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, – деди овозини яна бир парда кўтариб.

– Шунақа денг, анча ватанпарвар экансиз. Лекин мениям сиз билан пачакилашиб ўтиришга вақтим йўқ. Хўш, мабодо ишларимиз ўша сиз айтган қонунларга мос келмаса-чи? – Улкан калласини чапга хиёл эгиб, қисик кўзларини қаттиқ тикиб сўради “Собир комбинат”. Унинг киприклари пирпиради.

– Унда чатоқ бўлади...

– Осмон қўлингиздамасдир... – “Собир комбинат” худдиғижинаётгандек, қалин лаблари бурчларини ияги билан қўшиб уёқ-буёққа тебрата бошлади. Бироқ Асқаров божхонада бунақа калондимоғ бойваччаларнинг кўпини кўрган, юраги эса, азалдан бутунлиги учун анча-мунча пўписаларга дириллайвермасди.

– Тўғри, – истехзоли жилмайди Иброҳимжон, – осмоннинг эгаси Парвардигор, лекин менда кимларнингдир тақдирини ҳал қила оладиган маълумотлар бор. Қўлимдан шуларни керакли, анча-мунчаларнинг бўйи ҳам, қўли ҳам етмайдиганроқ жойга топшириш келади холос, – деди у ва юқорининг тафтиш қилиш тўғрисидаги буйруғидан ва тафтиш актидан бир нухасини корчалоннинг қўлига тутди, кейин лаборатория мудири ва бош муҳандиснинг тушунтириш хатларини кўрсатдида, папкасига қайтариб солди. Шундан кейин «Собир комбинат» «ҳовуридан тушиб», муроса таклиф қилди. Аммо, Асқаровнинг омади ва энг катта ютуғи муроса йўлидан юрмаслигида эди. Чунки унинг қаргалари орасида ҳамиша ҳаммага чиқавермайдиган туз кузир – диёнат бўларди.

Бу бир галгиси эди холос... Шундай операциялардан кейин бу сафар ўқ овози қаёқдан келиб қоларкин деган ўй беихтиёр дилидан ўтиб турарди.

Муаммо ва можаролар «техник мой» операцияси муноса-

бати билан ҳам тез-тез юз берарди. Баъзида истеъмолга росмана ярокли пахта ёғларини ҳам ана шу ёрлиқ билан чегарадан олиб ўтишга ҳаракат қилишар, Иброҳимжон уларга тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатарди. Божхона ва лабораторияда бошланган баҳс ва мунозаралар баъзан бир мунча нуфузли идораларда ҳам давом этарди.

«Техник мой»нинг катта бир партияси Каттакўрғонда тўхтатиб қўйилганида Асқаровни йирик бир маҳкамага чақиришди. «Техник мой» ҳимоячиси ҳам аввал божхонага ташриф буюрди. Асқаров лаборатория хулосасини, фикрини айтди.

– Мамлакат экономикасини фақат мен ўйлаяпман, демокчимисиз? – пешонасини тириштирди вакил. – Наҳотки экспортга чиқарилаётган товар-маҳсулотнинг айнан давлатимиз хазинасига катта маблағ бўлиб қайтаётганини билмасангиз?

– Биламан, лекин...

Хуллас, бир битимга кела олишмагани.

Йиғин қатнашчилари республикамизнинг йигирмага яқин таниқли олимлари эди. Масала заводдан «техник мой» ёрлиғи билан чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳақиқатда шундайми ё бошқача эканлигини муҳокама қилишдан иборат эди. Мажлис раиси олимларнинг муносабатини бир четдан сўраб чикди. Ўсимлик моддалари кимёси илмий текшириш институти директори, техника фанлари доктори, профессор А.И.Глушенкова биринчи бўлиб сўзлаб, четга юборилаётган пахта ёғларининг озиқ-овқатга яроқсизлиги, ундан техник мой сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида гапирди. Бошқалар «опа»нинг хулосасини ёқлади. Асқаров гангиб қолди. Наҳотки шунча мутахассис олим шундай фикрда бўлса? Ҳа, улар соҳага бевосита дахлдор эмасликлари боис, муаммонинг туб моҳиятини аниқ идрок этишолмай осонгина олдин сўзлаганларни қўллаб-қувватлаб қўя қолишгандир. Ё... чиндан ҳам Иброҳимжоннинг ўзи янглишяптимикин?

«Техник мой» эканлигига эътироз билдирувчи даъвогар сифатида ва божхона лабораториясининг ижобий хулосасини

бермай, молни тутиб турган масъул шахс сифатида Асқаровга энг охирида савол берилди.

– Хўш, Иброҳим Раҳмонович, сиз нима дейсиз?

Асқаровнинг хаёлидан «диндан чиқсанг ҳам, элдан чикма» деган мақол ўтди. Булар ҳозир эл...

– Шунча одам «техник мой» деб турса, мен нимаям дердим...

– Демак, техник мой эканлиги рост, демоқчисиз. Мен сизни тўғри тушундимми?

– Ҳа, шундай.

Раис йиғилиш котибига Асқаровнинг фикрини ёзиб қўйишни буюрди.

– Лекин, – изоҳ берди Иброҳимжон, – ўша техник мойга озгина ишлов берилса, арзимаган сарф-харажат билан истеъмолга яроқли маҳсулотга айланиши мумкин, мана шу гапим ҳам тиркаб қўйилса...

Раис кейинги таклифни амалга ошириш учун дезодарация заводлари йўқлигини, хориж билан тузилган шартномаларни бажариш мажбурийлигини таъкидлаб, муҳокамага нуқта қўйди.

Гап шундаки, чигитни қайта ишлаш жараёнида кимёвий моддалардан, масалан, бензиндан фойдаланилар ва унинг озгина асорати, юқи-ели қолгани учун ёғ истеъмолга яроқсиз ҳисобланиб, у «техник мой» мақомида арзон нархда четга сотиларди. Аммо ёғга яна бир қайта ишлов берилса, у ёнилғи хиди асоратидан фориғ бўлиб, истеъмолга яроқли ҳолатга келиши мумкин. Асқаров шундай деб ҳисобларди. Лекин олди-сотди билан шуғуullanувчилар бу мулоҳазани синовдан ўтказиб кўриш тўғрисида негадир бош қотиришмасди.

Бунақа пайтларда одам кимгадир дардини айтиб юрагини бўшатгиси, таскин-тасалли олгиси келади. Иброҳимжоннинг уни тушунадиган, дунёга, ҳаётга қарашлари муштарак кадрдонлари кўп. Афсуски уларнинг баъзилари ундан олисда – Андижонда. Тўғри, Тошкентда телефон орқали қўли етадиган сирдошлари йўқ эмас, дўстга фидойи Ураимжон Абдуғаниев, ҳамюрти Муқимжон Қирғизбоев, шунингдек, Собиржон Жў-

раев, Ғофиржон Ҳамроқулов, Равшан Туропов, Мирҳошим Усмонов, укадек ҳамдам, ҳамдаст шогирдлар Шаҳобиддин Қирғизов, Бахтиёр Абдуғаниев, Бахтиёр Ҳайдаровлар суҳбати, далдаси кўнгилдаги ҳар қандай чигилни ёзиб юборади.

– Лекин менинг энг яқин дўстим ҳам, асосий маслаҳат-гўйим ҳам онам, – дейди Иброҳимжон.

Уйга қай маҳал қайтишидан қатъи назар, ўғлини илҳақлик ва хавотир билан кутиб ўтирадиган онаизорига бўлган воқеани қисқа ва лўнда қилиб гапириб берар, дардини ҳам, қувончини ҳам энг аввало ўша меҳрибони билан баҳам кўрарди. Албатта, таҳдидлар тўғрисида лом-мим демасди, аммо фарзандининг дангаллигидан, қайтмаслигидан ғурурланиб ва ҳадикланиб юрадиган Марҳабохон опа:

– Ишқилиб, эҳтиёт бўлгин-да, ўғлим. Тўғрилиқни шартакиликка, ҳалолликни олифталикка йўядиганлар кўп. Амалдор, пулдорлар билан олишиб ўзингни бир балога грифтор қилиб олмагин, жон болам. Сени суяб қоладиганинг йўқ...

– Бировдан тилим қисик жойим ҳам йўқ, буви. Дуо қилиб турсангиз бас, сизни дуоларингиз менга пўлат совутдай гап, ўқ ҳам, бошқа нарса ҳам ўтмайди.

– Мен-ку кечасию кундузи дуодаман, лекин барибир ожиз бандаман.

– Йўқ, сиз ожиз бандамассиз, буви, жуда пок, жуда мўътабар аёлсиз. Дуоларингиз ҳамиша ижобат бўлиб келган, Худо хоҳласа, бундан буёғига ҳам шундай бўлади.

– Илойим айтганинг келсин, болам. Парвардигор ҳамиша омадингни бериб, ўзининг ҳифзи ҳимоясида сакласин.

Дунёдаги барча оналар фарзандини сидқидилдан дуо қиладилар. Аммо Марҳабохон опа дуолари бошқаларникидан ўткирроқ, хосиятлироқ, ижобатлироқ туюлади Иброҳимжонга.

– Мана бу бошқа гап, буви. Раҳмат, бахтимга умрингиз узоқ бўлсин.

Ҳа, Аскарров чорасиз қолган пайтларда жисмонан толиқар, руҳан эзиларди. Давлат, эл бойлигини ўмаришдан виждони заррача қийналмайдиган, ватанпарварлик ҳисларидан мутлақо маҳрумларга гап укдиролмаганидан ўқинар, фақат ўзи учун,

Ўз корни учун яралганларни жамият ўз бағрида қандай олиб юрганига, уларни ер қандай кўтариб турганига ажабланарди. Шундай вазиятларда унинг юрак қон томирлари ҳам дош беролмай қоларди.

Юқоридаги муаммога Иброҳимжон Фарғонада ишлаётганида ҳам бир неча бор тўқнаш келди. У ерда, ҳарқалай, мақсадига қисман эришди.

1997 йили у Ўзбекистон Божхона қўмитаси Фарғона вилояти бошқармасига бошлиқ бўлиб тайинланган.

Йирик қисми хорижий давлатлар билан чегарадош вилоятда божхона бўлимлари кўп, бинобарин, кўлам қатта, масъулият ниҳоятда кучли, ташвиш ҳам шунча эди. Бир куни Бухоро ёғ-мой комбинатидан чиқиб, Қирғизистоннинг Қизилқия шаҳрига ўтиб кетаётган тўрт вагон «техник мой» Қувасой назорат масканида тўхтатилгани тўғрисида Асқаровни хабардор қилишди. Унинг топшириғи билан вилоят божхона бошқармаси лабораторияси бошлиғи, профессор Алижон Ибрагимов бориб товарни таҳлилдан ўтказди. Унда ортиқча бензин ё бошқа бир модда асорати йўқлиги аниқланди. Маълумот марказга, дахлдор идораларга етказилди.

Марказдан муаммони ойдинлаштиргани одам юборишларини айтишди. Иброҳимжон вилоят ёғ-мой заводининг қатта лаборанти Наташани огоҳлантириб қўйди.

Марказдан келган вакил опа (ёғ-мой, тамаки саноати лабораторияси бошлиғи эди) ҳам Наташага учради ва ундан 100 гр. бензин олди, лекин бу ҳақда бировга лом-мим демаслигини тайинлади. Бироқ Наташа у опадан олдин вилоят божхонаси бошлиғига ваъда берган эди.

Опа масъул шахслар (вилоят божхонаси ва ёғ-мой заводи вакиллари) иштирокида вагондаги пахта ёғидан учта қолбада намуна олиб тушиб, лабораторияга кетишгаётганда Ибрагимов Асқаровга қўнғирок қилиб ахборот берди.

– Ҳозир етиб бораман, Қувасойдан жилмай туринглар, – буюрди Иброҳимжон.

Вакил типирчилаб қолди.

– Мен натижани марказга тезда етказишим керак.

– Бошлиқ жуда қайсар одам, айтганини қилмасак бўлмайди,  
– деди лаборатория бошлиғи вакил опани тинчлантиришга уриниб.

Асқаров етиб келди. У вакила опадан вагонлардаги ёғлардан бошқатдан намуна олиб текширишни талаб қилди. Вакила тутакди.

– Нима, менга ишонмаяпсизми? Мен бекорчимасман сизга!

– Йўқ, мен мутлако ножоиз хаёлга бораётганим йўқ, фақат менда гумон, иккиланиш туғилиб қолди.

Анча тортишув бўлди. Ўзини ҳақоратланган, менсилмаган деб туйган опа қизишди.

– Марказ менга ваколат берган. Сизнинг хулосангиз билан хисоблашиб ўтиришга вақтим ҳам, тоқатим ҳам йўқ!

– Унда мен ўзимизнинг каттамизга кўнғирок қилиб, махсус гуруҳ юборишини сўрайман, – деди Асқаров оғир-босиқлик билан ва кўл телефонини ғилофидан чиқарди. – Сиз ҳам тўғри тушунинг, меням ўз хулосамни ҳимоя қилишга мажбур эканлигимни, бунга ҳаққим борлигини унутманг.

Опа бўшашди, шалвираб қолди.

«Техник мой» кўпчилик гувоҳлигида қайта таҳлилдан ўтказилганда божхона ходимларининг ҳақлиги тасдиқланди. Шу тарика катта миқдордаги арзон-гаров чиқиб кетаётган товар моддий бойлик қайтариб қолинди.

Ажабо, наҳотки, одам боласи ўзининг бир бандачалик яшамоғи учун давлат ва халқ манфаатини четга суриб, шунчаки четга суриб эмас, улоқтириб ташлашга ўзида куч, матонат топа олса? Наҳотки худбинликнинг ҳеч бир чегара-ниҳояси, лоқал бекати бўлмаса? Тўплаган мол-дунёси юз авлодини тўйдиришига ишонч ҳосил қила туриб, яна йиғиб-ғамлашда давом этаверса? Наҳотки, «бас энди, менга шу ёғи ҳам кифоя» дейишни, кўз олайтириш, чанг солишдан тийилишни хаёли-хотирига келтирмаса?

Наҳотки инсон зоти моддий жиҳатдан бойиган сари қалби қашшоқлашиб бораверса?!

Эйнштейн шундай деб ёзган экан: «Мен одамларга тинчлик бермай, уларни тинимсиз ишлашга мажбур қиладиган умид ва орзу-ҳавасларнинг арзимас бир нарса эканлигини ёш пайтимдаёқ англаб етдим. Ўткинчи орзу-ҳаваслар шафқатсиз мусобақа муҳитини вужудга келтиради. Одамлар тўқ, бошқалардан яхшироқ яшаш учун бу мусобақада ўлиб-тирилиб қатнашишга мажбур бўлади». Афсуски, тараққий этган замон кишилари буюк олим бир аср муқаддам, болалигидаёқ моҳиятига етган оддий ҳақиқатни англаш ўрнига тобора ундан узоклашяптилар. Ёзишларича, юнон файласуфи Диоген сопол хумда яшаса-да, ўзини оламдаги барча султонлардан кўра бахтлироқ ҳисоблар экан. Ҳозир қошоналарда, қасрларда яшаб ҳам қаноат ҳосил қилаётганларни учратиш амри маҳол. Асосий либоси дехоти бўлган ҳинд донишманди ва давлат арбоби Махатма Ганди: «Дунёнинг бойлиги ҳар бир одамнинг эҳтиёжини қондиришга етади, аммо унинг кўзини тўйдиришга етмайди», деганида балки ана шундайларни назарда тутгандир. Ундайларга оламнинг ярмини эгаллаган Искандар ўгити, каллаю жасади оёқлар остида депсалган шоҳлар қисмати, сармоёси чоғидан андак камайиб қолгани учун ўзини осиб ё отиб қўяётган «супер» бойлар фожиаси, қасрларда давру даврон сурганларнинг ном-нишонсиз кетишаётгани, сопол хумдонда кун кечирганларнинг эса бир неча минг йиллар давомида тилдан тилга ўтиб эъзозланиб келинаётгани ҳам ибратли эмасмикин?

«Ўлжа»га қолган, «техник мой» ёрлиғи ёпиштирилган тўрт вагон пахта ёғи Иброҳимжон ташкилотчилиги ва тавсияси билан Фарғона ёғ-мой заводида уч кун давомида филтрдан ўтказилиб, истеъмолга яроқли ёғ сифатида идишларга қуйилиб, савдога чиқарилди ва ушбу тадбирдан ёғ-мой, тамаки саноати 87 миллион сўмдан ортиқ соф фойда кўрди. Бу вилоят божхонаси бошлиғи Аскарлов билан бир қаторда полковник Исмоилжон Муқаддасов, Алишер Ғафуров, Анваржон Муҳиддинов, Тоҳиржон Мамажонов, подполковниклар Алижон Ибрагимов, Алишер Раҳмоналиев сингари жасур, ватан фидойиларининг кунни тунга улаб қилган хизматлари самараси эди.

## ИНФАРКТ

1999 йили Иброҳимжон кўшни Қирғизистон Республикасининг Боткент вилоятида юз берган хунрезликлар муносабати билан Исфара назорат масканида уч кун қолиб кетган ва уч кеча мижжа қокмаган эди. Сўх томондаги Қирғизистон назорат масканини ичида одами билан ёкиб юборишганди. Оралиқ юз метрча холос – бу ёқда бизнинг назорат жойимиз. Бутун чегара бўйлаб тахлика ҳамон пасаймасди. Сешанба куни Асқаров фавкулудда вазият муносабати билан шошилишч йиғилиш ўтказаетган эди, уни йўқлаб Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов билан таникли ёзувчи, “Ўзбекистон овози” газетасининг вилоят мухбири Алишер Ибодиновлар келиб қолишди. Тўғрироғи, улар бирга Андархон тарафларга боришиб ҳақиқий аҳвол билан танишишга келишиб қўйишганди. Андархонда ҳам Иброҳимжон мажлис қилиб, ходимларни огоҳликка чақирди, омма ўртасида ваҳима кучайиб кетишининг олдини олиш чораларини кўришни тайинлади. Йиғилишдан сўнг енгил тамаддига ўтиришди. Асқаровнинг медали овқат тиламасди. Лекин бу шунчаки ташвишлардан ёки иштаҳасизликдан эмас эди. Бирдан кўнгли айниди, боши айланиб, кўзига одамлар иккитадан кўрина бошлади. Унинг ишораси билан ташқарига чиқишди-да, машинага ўтиришди.

– Ҳайда! – деди Асқаров Аҳлиддинга.

«Эсперо» шиддат билан олға интилди. Икки юз метрча юришгач, Иброҳимжон кўли билан тўхталик, деган ишорани билдирди. Пастга тушиб қайт қилди. У ҳоли қурий бошлаганини сезди, ҳамроҳлари машинага суяб ўтқазишди-да, Бешариққа қараб жўнашди. Асқаров энтикар, лекин гапиролмас, ҳушидан кетиб бораётганга ўхшарди. Кулоғига элас-элас шу гаплар чалинди:

«Бир нарса бўлиб қолса нима қиламиз?»

«Худо сакласин, тузалиб кетади...»

Иброҳимжон машинани яна кўл ишораси билан тўхтатди-да, чўнтагидан қийинчилик билан дафтарча ва ручка олиб, наридан-бери ёзди: *«Нодирбек, менга бир кор-қол бўлса, экс-»*



*пертиза қилдириб юрманглар, чарчаган эдим, юрагим ушлаб қолди. Охунжон ака ва Алишер яқин дўстларим».*

Хатни Охунжон акага берди.

Яқинларининг жовдираган кўзларини кўриб жилмайишга уринди, лекин эплломади.

Шифокорлар бири қўйиб, бири текшириб кўрар, аммо узил-кесил ташҳис қўйишга, афтидан ботинишолмасди. Ҳарқалай, ишқалликнинг юрак билан боғлиқлигини аниқлашиб, вилоятдан кардиолог чақиришди.

Охунжон ака билан Алишер ҳамон унинг атрофида парвона эди. Улар шифокорлардан Иброҳимжоннинг аҳволини суриштиришар, унга қандай дори-дармон ё бошқа нарса зарурлигини қайта-қайта сўрашарди.

Иброҳимжон бу шаҳарга келиб шундай оқибатли дўстлар орттирганидан хурсанд бўлди. Ўзи зиёлилиги боис, зиёлиларни кадрлар, ўзи илм ижодкори бўлгани учун шоир-ёзувчиларнинг меҳнати қанчалар оғир ва кўпинча рағбатсиз, эътиборсиз қолишини биларди. Шунга қарамай, Охунжон Ҳакимов, Энахон Сиддиқова, Алишер Ибодинов каби қалам аҳлининг нақадар синиқ, камтарин ва нақадар қаноатли, бошукрлилигига қойил қоларди. Аслида Иброҳимжон Асқаров ҳақида китоб ёзишган, уни элга танитиш, хизматларини юртга ёйиш кераклигини илк бор туйган ижодкорлар ўшалар эди. Ҳозир бу кичик кўнгил, самимий инсонларга ҳурмати, эҳтироми янада ошди. (Балки унинг бир кечада оёққа туриб кетишига ана шундай ҳамдард кишиларнинг меҳри, ғамхўрлиги ҳам сабаб бўлгандир.) Уларни овора қилганидан хижолат чеккан Иброҳимжон қайта-қайта «Мен яхшиман, сизлар қайтаверинглар» дер ва божхонадаги муаммони ҳал қилиш жуда зарурлигини айтиб, врачлардан ўзига жавоб сўраб ўтинарди. Шифокорлар ҳам, кадрдонлар ҳам «Э, қанақа одамсиз, ҳозир жонингизни ўйласангиз-чи», дея таскин ва танбех беришарди.

– Юракни толиқтириб қўйибсиз-ку, ўртоқ полковник, дам-пам ҳам олиб турасизми, – сўради кардиолог Абдулазиз.

– Иш кўп, уч йилдан бери меҳнат таътилига қўл тегмайди, – тан олди Асқаров.

– Эртадан отпуссага чиқасиз, акс ҳолда ўзингизни кийнаб, бизларга ташвиш орттирасиз, – деди врач ҳазил билан.

– Яхши, сиз айтгандай бўлади, – деди Иброҳимжон. У шифокорларнинг муолажаларига қараб ўтирмай, ҳамшираларга тўхтовсиз ўрик қоқи қайнаттириб ичар, майиз ерди.

Эрталаб хийла ўзига келиб қолгач, ўрнidan турди. Шундоқ ёнгинасида тўполонг, отишма бўлиб турса, бу ерда қандай ётади? Онаси ҳам кечаси билан киприк қокмагандир?..

Соат 11ларда ишга борди. Охунжон ака билан Алишер уни қабулхонада кутишарди. Улар Иброҳимжоннинг шифохонадан чиққанини аниқлашгач, унинг дардга чидамлилиги, оғир ҳолатда ҳам ишнинг масъулиятини, онаизорнинг хавотирланишини ўйлаб оёққа туриб кетганидан ҳайратга тушишган ва бу матонатли кадрдонларини кўришга ошиқиб келишган эди.

– Кеча касалингиздан ҳам кўра, хатингиз бизни кўрқитиб юборди, дўст, – деди Охунжон ака Иброҳимжоннинг елкасига қоқиб.

– Тушимдами, хаёлимдами – баланд бир жойда юрувдимда, – деди айбдорларча жилмайиб Асқаров.

– Эй, афанди-ей, шунга шунақа хат ёзадими? Баланд жой – юқори мартаба-ку.

– Ким билади, дейсиз, ўша пайтда кўнглимга шу кепти-да.

## ИККИНЧИ ХУРУЖ

Фарғонада ишлаш Иброҳимжонга чиндан ҳам оғир келди. Иккинчи инфаркт ҳам роса бир йилдан сўнг, шу ерда юз берди. Югур-югурлар шунақа кўп-ки, бир ипнинг учини тутаман десанг, иккинчиси қўлдан чиқиб кетади. Вилоятда божхона маскани кўп. Куну-тун телефонлар жирингалагани жиринглаган. Аппаратлар қизиб, куйиб, ҳар куни таъмирлашга ё алмаштиришга тўғри келади. Келаётган маълумотларнинг одамни хурсанд қиладигани кам, аксарияти ташвишли, виждонни қийнайдиغان гаплар...

Энг кўп кўнгирик Андархондан келади, энг кўп машмаша, можаро, асаббузарлик ўша масканда бўлади. Сабаби – Андар-

хон ҳам қўшни республика билан чегарадош, ўша давлатдан бизга ё биздан у ёққа кечасию кундузи тўхтовсиз одам, автоулов, юк ўтади. Бошқа мамлакатлар, масалан, Эрон, Туркменистон, Қозоғистонга борадиган транзит йўловчилар ҳам шу ердан ўтишади. Гиёҳванд моддалар ва бошқа таъқиқланган, ноқонуний товарларни олиб ўтишга уринишадиган асосий туйнук ҳам шу. Бундан ташқари, айланма, хуфия йўллардан «от солган» тадбиркорлар тутилса ҳам, шу божхонага олиб келинади ва уларнинг масаласи шу ерда муҳокама қилинади.

Иброҳимжон энг кўп ана шу божхона масканидан ташвишланиб, безиллаб туради. Ўша масканни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади, аммо тўғон қанча баланд, пухта бўлмасин, тўлқин ёпирилиб келганда ишқал чиқаверади.

Ўша куни ҳам Андархон постидагилар Тошкентдан саҳар машинада йўлга чиққан бошлиқнинг тезроқ етиб келишини сабрсизлик билан кутишарди. Яна моддий бойликларни четга «кузатиб қўйишга» уринган муттаҳамлар билан музокара олиб боришга тўғри келди. Билмаганга тушунтириш мумкин, аммо ўзини билмаганга соладиганларга гап уқдириш мушкул. Боз устига ундай ғалча, «чулчут»лар ёлғиз бўлишмайди. Бир кун аввал пойтахтда узоқ давом этган мажлис, беш-олти соатлик йўлдаги уйқусизлик ва беоромлик ҳамда туз татимагани асабийлик билан бирлашиб Иброҳимжонни ҳолини қуритди.

Аслида-ку, Иброҳимжоннинг йиғин-сиғинларга тоби тоқати йўқ, лекин ташкилотни, умуман, жамиятни мажлисларсиз бошқариш мушкул. У назорат масканларининг раҳбар ва вакиллари, шу жумладан Андархон божхоналар комплекси бошлиғи Соҳибжон Ворисовнинг ахборот ва арзларини тинглаш учун яна шошилишч йиғилиш чақиришга мажбур бўлган эди.

Бирдан вужуди селпина бошлади. Дастлабки юрак хуржидан кейин хонада «Эринит» сақлайдиган бўлиб қолган эди. Масъул ходим Уйғун Умаровдан дорини олиб чиқиб беришини илтимос қилди. Мажлисни давом эттиришни ўринбосари Анвар Мухитдиновга юклади-да, хап дорини секин тили остига ташлади. Лекин дори кор қилмади, бўшашиб терлай бошлади.

Энди чиқиб кетишдан бошқа чора қолмаган эди. «Тез ёрдам»да келган кардиолог юрак хуружи қайталанганини айтди, ишни енгилроғига алмаштирмасангиз чатоқ, деб писанда қилди.

Уч кун кимирламай ётди. Ҳолсизланиб борарди. Ростан ҳам бу дард билан ҳазиллашиб бўлмайдиганга ўхшайди, деган хулосага келди. Дўсти Ураимжон Абдуғаниевнинг сўзларини эслади.

Асқаров Фарғонада 1997 йил 25 август куни иш бошлаган, шу куниёқ Самарқандга дўсти Ураимжон Абдуғаниевга қўнғирок қилиб, уни ўз вазифасидаги ўзгаришдан хабардор этган, шунда Абдуғаниев табриклаш ўрнига, «Бўшаш ҳақида ариза ёздингизми?» деб сўраганди.

– Мен ҳали иш бошлаганим йўқ, – деди Иброҳимжон ҳайрон бўлиб.

Абдуғаниев божхона бошлиғи бўлиб ишлаш қийинлигига шама қилгандай туюлди. Иброҳимжоннинг дили андак озорланди. Ахир Абдуғаниев уни яхши биларди-ку...

Асқаров ишсиз қолишдан қўрқмасди. Биродарининг «сасасини» ўлдирмай, аризани ёзиб, ойнаси остига қўйиб қўйди. Кейинчалик ҳар куни унга кўзи тушганида дўстининг писандаси аслида уни пишиқтириш, ғайратлантириш ва огоҳлантириш маъносида айтилганини ҳис этарди.

Асқаров ишни жамоадагиларнинг ўз вазифасига, ватан ва халққа садоқатини синашдан, уларнинг феъл-атвори, касб маҳоратларини ўрганишдан бошлади. Ходимларнинг малакасини ошириш, маънавий-маърифий савияларини кўтариш ниятида божхонада вилоятлар аро ўқув маркази ташкил қилди. Ҳар душанба эрталаб божхона бошқармасининг шахсий таркиби учун бўладиган маърифий дарсга, турли мавзулардаги суҳбат-мулоқотларга вилоятдаги таниқли адиблар, олимлар, умуман зиёлиларни жалб этиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов, Энахон Сиддиқова, Алишер Ибодиновлар билан ҳамкорлик, ҳамнафаслик ана шу кунлардан бошланди.

Демак, Асқаровнинг ижодкорлар, зиёлилар билан яқинлиги, кадрдонлиги бежиз эмас, гарчи кимёгар, яъни бир қарашда бадииятга узоқроқ фан кишиси бўлса-да, гуманитар соҳа, маъ-

рифат, маданиятнинг аҳамиятини, сўз воситасида инсонни қайта тарбиялаш мумкинлигини англаб ва сўзнинг қудратини кадрларди. У ҳар бир ходим зиммасига камида учта газетага (ҳар ким ўзи хоҳлаган нашрига) ёзилишни виждоний вазифа сифатида юкларкан, шахсан ўзи гоҳо-гоҳо дабдурустан кимдандир ўқиётган газеталари, энг кейинги сондаги энг маъқул келган мақола ё ҳикоя тўғрисида сўраб қолар, кўнглидагидай жавоб берганларга бир ё ярим ойлик маоши ҳажмида мукофот эълон қилиб юборарди. Бундай тадбир обуна муаммосини ихтиёрон тарзда йўлга қўйишдан ташқари, ходимларнинг дунёқараши, билим савияларининг ошиб боришига замин яратишнинг ҳам энг оқилона чораси, энг мақбул йўли эди.

– Биринчи суҳбатдаёқ унинг (*Иброҳимжон Асқаровнинг* – Қ.К.) камтарин, маърифатпарвар инсонлиги, адабиёт, санъатни яхши билиши мени ҳайратда қолдирган эди, – деб эслайди божхона соҳаси бўйича Фарғона вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида муаммоли, туркум мақолалар ёзган таниқли шоира ва публицист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Энахон Сиддиқова. – Асқаров Фарғонада мазкур тармоққа раҳбар бўлиб ишлаган пайтларда божхона бошқармасида адабий, маънавий муҳитни юзага келтирган. Байрамларда, юбилейларда ҳам албатта вақт топар, ижод аҳлига рағбат, илҳом берарди.

Бир қарашда божхона билан адабиёт ўртасида жуда катта масофа ястаниб ётгандай, уларнинг бир-бирига боғлиқ жиҳати йўқдай туюлади. Ҳамма гап шундаки, Иброҳимжон ана шу «боғлиқ жиҳат»ни ҳис этган, оралиқ масофани қисқартириш омилларини топган эди. Балки бу Асқаровнинг бир вақтлар бадийятга муҳаббат қўйиб, шеър машқ қилиб юргани таъсири, дил тубида чўкиб қолган армонларининг сиртга талпиниши оқибатидир. Аммо, ёшлигида ким шеър ёзмаган, ким бадий китоблар ўқишга қизиқмаган, дейсиз?

Асқаров ишдан бўшаш ҳақида янги ариза ёзиб, Тошкентга, раҳбарга сим қоқди.

– Бюллетенга чиқинг, тезроқ тузалиб ишга қайтинг, – деди Ўткир Толипович ва қўшимча қилди: – Қандай ёрдам керак бўлса, айтинг.

Бошқа сўз сиғмасди. Шундан кейин ҳам Фарғонада яна бир йил ишлади.

Иброҳимжон Асқаров ташкилотчилиги, жонкуярлиги, фидойилиги оқибатида ва балки ўша инфарктлар эвазига Фарғона вилоят божхонаси кўплаб кўрсатгичлар, шунингдек, иш фаолиятининг юксаклиги, ибратлилиги жиҳатидан Республикада биринчи ўринга кўтарилган эди.

Фарғона аҳли ва ижодкорларини Иброҳимжоннинг ташкилотчилиги, энг муҳими – ҳалоллиги ва бошқа шахсий фазилатлари, қолаверса, табобат соҳасидаги халқона муолажалари ҳам ром айлаган ва у Охунжон Ҳакимов, Алишер Ибодиновларнинг «Сарҳадларда синалганлар», «Дардингизга даво бор», Энахон Сиддиқованинг «Халоскорлик» каби асарлари қаҳрамонига айланган эди. Мазкур китобларда муаллифлар тимсолида Асқаровни билган, эшитган замондошларимизнинг эътирофлари, меҳр-муҳаббатлари изҳор этилган.

Ҳа, мураббий-педагог, кашфиётлар яратган кимёгар олим, фидойи сарҳадчи айна вақтда табиб-шифокор ҳам эди. У бу касбини яширмас, лекин уни ошкор этиб, ўзини тарғибу ташвиқ қилиб ҳам юрмасди. Ҳамжамоалари, яқинларидан кимдир бирон касалидан зорланиб қолса, ишхонасидаёқ томир тутиб, тил кўриб, гап нимадалигини айтар, дори-дармон буюрар, тўғрироғи, ўзи тайёрлаган дамламалардан берарди.

Фарғонада ишлаётган кезларида ҳам яқин танишларини йўл-йўлакай, жуда зарур ҳолларда даволаб турарди. Лекин унинг ҳар бир муолажаси ўша пайтдаёқ воқеа тусини оларди. Мана бу дил розига эътибор қилинг-а:

### **«ХАЛОСКОРИМГА ТАЪЗИМ**

*Мен Фарғона вилоят божхона бошқармасида ишлардим. 2000 йил ёз ойлари эди. Миома хасталиги билан оғриб, шифохонада даволаниб чиқдим. Ишга қайтгач, касаллик варақамни ўша пайтдаги раҳбаримиз Иброҳим Раҳмоновичга олиб кирсам, кўз югуртирдилару, агар докторлар операция қиламиз,*

дейишса, тиг теккиздирмаганингиз маъкул, ўзимга учранг, даволаймиз, дедилар. Мен у кишининг ошқозон яраси ва бошқа хасталикларга чалинган айрим ҳамкасбларимизни ўзи яратган дорилар билан даволаганларини эшитгандим, лекин табобатдаги фаолиятларидан тўлиқ хабардор эмас эдим. Шунинг учун уларнинг бу сўзларига «хўп» дедиму, кейин бу гап ёдимдан чиқиб кетди.

Климакс жараёни менда оғир кечди. 2005 йили докторлар мастопатия хасталигига чалинганимни айтишди. Мунтазам даволанишимга қарамай, аҳволим оғирлаша бошлади. Иситма чиқиб, қўлларимни кўтаролмай қолдим. Иккала кўкрагим шишиб кетди. Таҳлил натижалари кўкрак беши ўсмаси борлигини тасдиқлади. Ўша пайтдаги аҳволимни сўз билан ифодалаб беришим қийин. Мен ҳаёт-мамонт оралигида эдим. Ростини айтсам, ҳаёт билан видолашиб қўйгандим. Чунки яхши билманки, раkning давоси олдида тиббиёт ожиз, умидсизлик мени ўз исканжасига олганди. Докторлар зудлик билан операция қилиш зарурлигини айтиб, мени операцияга тайёрлай бошлашди. Шунда бирданига онгу шуурумда профессор Иброҳим Раҳмоновичнинг сўзлари қайта-қайта жаранглай бошлади. Дарҳол ҳамкасбларимдан рақамларини суриштириб (бу пайтда у биздан кетган эди), телефон қилдим. Кейин қабулларига бордим. У ерда ўтириб Иброҳим аканинг мўъжизавий дорилари, муолажалари туфайли тузалиб, ҳаётга қайтган беморлар билан суҳбатлашиб, кўзларимдан ёш қуйилди. Профессор тавсия этган дориларни қабул қила бошладим. Орадан икки ҳафта ўтгач, ўзимда ижобий ўзгаришларни сездим. Уч ойда касаллик операциясиз бутунлай чекинди. Тузалиб кетганимга ўзим ҳам ишонгим келмасди.

Қайта текширувдан ўтдим. Таҳлил менда ҳеч қандай ўсма йўқлигини кўрсатди. Докторлар олдинги ва ҳозирги таҳлил натижаларини солиштириб ҳайратда қолдилар.

Иброҳим ака эса миннатдорлигимга жавобан камтарлик билан: «Шифони Оллоҳ берди, мен эса сабабчи бўлдим холос», дейдилар. Мен халоскоримдан бир умр қарздорман. Халқ бах-

*тига ҳамиша саломат юришларини тилайман! Ахир у киши туфайли ҳаётга қайтдим, оилам, болаларим бағридаман. Иш-лалайман. Инсон учун бундан ортиқ бахт борми?*

*Дилора Ҳошимова,  
Фаргона вилоят Божхона  
бошқармаси ходими».*

Шундай қилиб Иброҳимжон Фарғонада узоқ ишламаган бўлса-да (лекин кам ҳам эмас – тўрт ярим йил!), вилоятнинг оддий халқида, ижодкор– зиёлиларида яхши таассурот қолдирди. Аммо идоравий ишлар, юмушлар ниҳоятда кўп ва фурсати тигизлигидан табобат билан астойдил ва мунтазам шуғулланиш имкони йўқ эди. У бу ерда ҳам беҳисоб икир-чикир масалалардан ташқари, юқорида айтилганидай, «техник мой» каби ғоятда жиддий можароларга тез-тез тўқнаш келарди.

\* \* \*

2001–2002 йиллари Иброҳимжон Асқаров Республика Божхона коллежи бошлиғининг ўринбосари, сўнгра бошлиғи, 2002–2003 йиллари Солиқ ва божхона органлари Академиясида илмий кенгаш котиби, 2003–2005 йиллари Олий ҳарбий божхона институти бошлиғининг илмий ишлар бўйича муовини лавозимларида фаолият юритди.

Вилоятдами, пойтахтдами, қаерда ишламасин, уни илмий анжуманларга мудом таклиф этишарди. Асқаров эса ундай йиғилишларда шунчаки иштирокчи, томошабин сифатида ўтирмас, фикр-мулоҳазаларга, таклифга бой чиқишлари билан қатнашчиларда катта таассурот қолдирарди. 1998 йили Бухоро шаҳрида ўтказилган табиий моддалар кимёсига оид халқаро симпозиумда, Тошкент шаҳрида: 1999 йили божхона хизмати тараққиётига бағишланган республика конференциясида, 2002–2003 йиллари божхона органларига кадрлар тайёрлаш, юристлар тайёрлаш мауммоларига бағишланган халқаро конференциялардаги маърузалари Иброҳимжоннинг ҳар хижатдан чиникиб, пишиб бораётганлигини намоиш қилди.



Зеро, у қайси жабҳада, қандай оғир, масъулиятли вазифаларда қанчалик банд ва серташвиш бўлмасин, асл соҳаси кимёни, сеvimли касбини, олимлигини асло ёдидан чиқармас, илмий тадқиқотлардан асло айро яшолмасди. Шунингдек, у шогирдлари билан ҳамкорликни бир дақиқа бўлса-да узмас, номзодлик, докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилишда давом этарди. Шогирдларини укаларидек яхши кўрар, эъзозлар ва уларга суянар, улар билан бамаслаҳат иш кўрарди. Шу пайтгача унинг илмий раҳбарлигида Манзура Мадаминова гематология, Гавҳар Нуритдинова болалар гематологияси, Абдуллажон Акбаров фармакология, Расулжон Абдуллаев жарроҳлик, Соибжон Каримов органик кимё, Шаҳобиддин Қирғизов органик моддалар технологияси, Акбаржон Жўраев металлоорганик бирикмалар бўйича фан номзоди, Манзура Ғаниева педиатрия бўйича аввал номзод, кейин фан доктори бўлдилар. Айнан янги ихтисослик бўйича Нозимжон Тўхтабоев номзодлик, Курбонкул Каримкулов эса докторлик диссертацияларини ёклади.

Умуман олганда 1990–2005, шу жумладан, мураккаб божхона тизимида ишлаган йиллари Асқаровнинг ижтимоий ҳаётида зиддиятларга, фавқулудда ҳодисаларга, илмий-ижодий изланишларга, самарага бой жуда фаол, жуда жўшқин ва қайноқ даврлар бўлди. Меҳнат ва илмий фаолияти акс этган «Улуғлик мезони» библиографик рисоласида унинг 1973 йилдан бошлаб чоп этилган илмий-педагогик асарлари, қўлланмалари, мақолалари, кимё фанининг турли муаммоларига бағишланган халқаро, нуфузли анжуманлардаги маърузалари матнлари номма-ном саналган рўйхатга қараб ақлингиз шошади. Ўзбек ва рус тилларида бир неча қўлланмалар, юзлаб мақолалар, маъруза матнлари эълон қилинди. «Анорганик кимёдан тест саволлари ва жавоблари», «Органик кимёдан тест саволлари ва жавоблари», «Анорганик ва умумий кимёдан масалалар ечиш», «Химия ўқитишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси», «Органик бирикмалар номенклатураси ва изомерияси» шулар жумласидандир.

## ЯНА БИР ЯНГИ ИХТИСОСЛИК

«Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» фанидан кейин Асқаров яна бошқа бир янги ихтисослик яратиш иштиёкида ёниб юрарди. Демакки, ўтган гал янги фанни рўйхатга киритишгача бўлган машмашалар, югур-югур, сансалорликлар унинг ҳафсаласини бутунлай пир қилмаган, аксинча, қайсарликми, ўчакишми, уни янги тадқиқотларга ундаган эди. Тўғрироғи, униси ҳам, буниси ҳам эмас. «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» ихтисослигининг мамлакатга, халққа фойдаси тегаётганидан, уйқусиз тунлари бесамар кетмаганидан, ота-оналари, устозлари, кўнгил яқинларининг унга сарфлаган меҳнатлари, берган ўғитлари ва ишончларини оклаётганидан мамнун эди. Қолаверса, ҳали мамлакатда тўла оёққа туриб олмаган божхоначилик соҳасида муаммолар кўп эди. Божхона хизмати чуқур тарихий илдизларга эга эканлигига қарамай, божхона ҳуқуқи ҳозирга қадар ҳуқуқнинг бир қисми сифатида қўлланарди.

Кўп киррали божхона хизмати тизими такомиллашиб бораётганлиги муносабати билан ушбу тармоқдаги ижтимоий муносабатларни янада мукамалроқ тартибга солиш учун соҳа қонунчилиги – ҳуқуқининг алоҳида, мустақил ихтисослик сифатида жорий этилишини ҳаётнинг ўзи тақозо қила бошлаган эди. Соҳага қадам қўйган кунидан эътиборан ҳар дам, ҳар қадамда ҳуқуқий муаммоларга, тортишув, можароларга дуч келадиган Иброҳимжон ўз кечинмалари, масала юзасидан туғилган қарашлари, мулоҳазаларини ён дафтарига қайд этиб юрарди. Бу борада узоқ бош қотирди. Ўй, режалари хийла пишиб етилгач, катталар, ҳамкасб-ҳамжамоаларига маслаҳат солди. У мурожаат қилган мутахассислар янги, жуда муҳим ва долзарб ғояни, таклифни бажонидил қўллаб-қувватлашарди. Хусусан, ўша пайтдаги Республика Бош Божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати генерал-майори Собит Алимбоев, ҳуқуқшунос, подполковник Исроил Имомалиевлар билан фикрлари бир ердан чиқиб қолди. Улар ғоя муаллифи билан

ҳамдаст, ҳамдилликлари, ҳамкорликка ҳозир эканликларини билдиришди. Асқаров ҳаммаслақларининг мулоҳазалари, мададига суянган, ниятларининг мамлакатга, божхона тизимларига катта манфаат етказишига ишонган ҳолда, енг шимариб ишга киришди. Одатдагидай, кундузлари чегарадан ўтадиган ҳар турли маҳсулотларнинг кимёвий таҳлили ва хулосалари, муҳокамалар, мажлислар билан банд, яна қаллоблар, қилвирлар, муттаҳамлар билан олишиб изтироб чекар, ҳолдан тойгудай чарчар, кечалари эса оқ қоғоз ва китоблар билан танҳо қолиб, мароқли меҳнатга шўнғиди дегунча ҳорғинликлар, асабийликлар ўрнини томирлари бўйлаб юра бошлайдиган ёқимли ҳиссиётлар, ҳаяжонлар эгалларди. У яна худди ўтган гал «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш...» устида ишлаётгандаги каби ғалати бир ҳолатга – шоирларга илҳом куюлиб келадиган пайтларда тушадиган ҳаяжонлар уммонига ғарқ бўлар ва Андижонсойда яйраб-ййраб қулоч отаётгандай ҳузур қиларди. Зеро, унинг назарида яна бир ихтисослик дунёга келмоқда эди. Эҳтирослар туғён урарди. Бошда ихчамгина рисолага мўлжалланган янги фаннинг мазмун ва мундарижаси, предмети, услублари, тамойиллари, манбалари ва бошқа шарт, талаблари, тавсиф ва таснифлари икки юздан зиёд саҳифали салмоқли бир китобга жо бўлди. Китобхонда соҳа бўйича муайян тасаввур уйғотиш учун, божхона ҳуқуқи ихтисослигининг асосий мақсади ва вазифаларидан мисоллар сифатида Фан паспортида ифода этилган куйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

\*божхона сиёсатида оид ҳуқуқий муносабатлар;

\*товарлар ва транспорт воситаларининг божхона чегарасидан ўтиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар;

\*божхона режими мақомини белгиловчи ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлар;

\*божхона тарифлари орқали ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишга доир ҳуқуқий муносабатлар;

\*бож тўловларини ундириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар;

\*божхона расмийлаштируви билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар;

\*божхона назоратига оид ҳуқуқий муносабатлар;

\*божхона статистикаси билан боғлиқ ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлар;

\*ташқи иқтисодий фаолиятда товарлар номенклатурасини юритиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар;

\*товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ва ҳоказо...

Янги ихтисосликни мутасадди маҳкамаларга тан олдириш ва бошқа ташкилий жараёнлар ўтган галгичалик чўзилмади. 2004 йил 10 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси С.Алимбоев, И.Асқаров, И.Имомалиевлар томонидан таклиф этилган «Божхона ҳуқуқи» ихтисослигини алоҳида ҳуқуқий фан сифатида рўйхатга олди ва унга 12.00.12 халқаро шифри берилди. Янги ихтисосликка муаллифларнинг мазкур жабҳага оид матбуотда эълон қилинган мақола ва қўлланмалари, ҳаётий тажрибалари асос бўлди. Ана шу борадаги хизматлари учун кейинчалик Иброҳимжон Асқаровга ҳуқуқ бўйича фахрий доктор унвони берилди.

## ЖИДДИЙ МУОЛАЖАЛАР

Иброҳимжон қандай жабҳа ва лавозимларда ишламасин, жонажон касби, илмий тадқиқотларидан асло кўнгил узолмаганидек, табобат ҳам сеvimли соҳа сифатида доимий йўлдош, қўлдош эди.

Жаҳонга улуғ табиб сифатида танилган Ар-Розий ҳам ўз фаолиятини кимёгарликдан бошлаган, кимё тарихида биринчи марта жисмлар тафсирини берган, кимёга оид қатор асарлар ёзган эди. Иброҳимжон ҳам кимёгарлик кўприги орқали табобат оламига қадам қўйди. У ўзи яратган дори-дармонларни аввало ўз яқинларида синовдан муваффақиятли ўтказди. Энди уларни бошқа беморларга ҳам қўлласа бўлар. Энди ўзининг табиблик лаёқатига, дамламалари, озик-овқат қўшилмаларининг касалликларга шифо бўлишига ишончи ортган, ишончигина эмас,

дилида кўпдан бери орзу қилиб юргани – табобат билан янада жиддийроқ шуғулланишга иштиёқи ҳам кучайган эди. Шу тариқа у секин-аста худудни, камровни кенгайтира бошлади.

1997 йил. Қайнонаси Момохон опанинг қанд касали билан оғриб ётиб қолганини эшитган Иброҳимжон Маннурахон билан Сузоққа жўнади. Кеч бўлиб қолгани учун тўғри уйларига боришди. Қайнсингиллар (улар тўртта эди) белларини боғлаб, кўча, ховлиларни супуришар, ҳамма жим, ғамгин эди.

– Тинчликми? – сўради Иброҳимжон.

– Аямиз оғирлашиб қолди, эрталаб касалхонадан олиб келамиз экан, – деди қизларнинг бири ва ўзини тўхтата олмай йиғлаб юборди.

Зудлик билан шифохонага йўл олишди. Палатага аранг киритишди. Чиндан ҳам онанинг ҳоли хароб, шифтга қараганча унсиз ётар, ҳамшира бемор ёнида кузатиб ўтирарди. Беморнинг келганларга бошини хиёл буриб қарашга ҳам мадори етмади.

Ёз, айна пишиқчилик палласи эди.

Иброҳимжон бир дона етилиб пишган отёғи шафтолини арчиб, иккига бўлди, кейин қайнонасини суяб ўтқизди-да, яримта мевани унинг лабига тутди. Опа худди ютоққан одамдай, шафтолини тамшаниб-тамшаниб еди. Сўнг куёви ва қизининг елкаларини мажолсиз қўллари билан сийпалади.

– Сизни эртага Тошкентга олиб кетамиз, катта профессорларга кўрсатамиз, яхши бўлиб қоласиз, – деди Иброҳимжон ҳам қайнонаси кафтини енгил қисиб.

Жалақудуққа келиб ётишганда соат тунги икки эди. Барвақт туриб, соат еттида Сузоққа, касалхонага етиб боришди. Момохон опа сал жонланиб қолган эди. Уни олиб, уйга боришди.

Иброҳимжон қайнсингилларидан онанинг кийимлари ва зарур майда-чуйдаларини тайёрлаб беришни сўровди, кўшнилари, қариндошлар эътироз билдиришди.

– Йўлда узилиб-нетиб қолса...

– Майли, Оллоҳга таваккал, мабодо бирон қор-қол рўй берса, қайтариб келамиз, хотиржам бўлинглар.

Қайнонани Иброҳимжоннинг хизмат машинаси – сариқ «Даган»нинг орқа ўриндиғига авайлаб ётқизишди.

Қамчиқ довонининг энг баланд жойида тўхтаб, опани суяб ўтқишиди-да, тоғ манзараларини томоша қилдиришди. Ман-нурахон онасининг хоҳишига кўра унинг ёқасини очиб кўйди.

Салкин шаббодада беморнинг енгил тортаётгани сезилиб турарди. Унинг тетиклашганидан хурсанд бўлган киз ва куёв янги чиққан шакарпалакдан ярим тилик беришди, она уни еб, Худога шукр келтирди, кизидан рўмолча сўради.

«Сергели (Сирғали) -5»да, 9 қаватли уйнинг 4-қаватида туришарди. Иброҳимжон қайнонасини опичлаб олиб чиқди. Ваъдасига кўра профессорларни чақириб кўрсатди, лекин уларнинг тайинлаган дориларини ичирмай, ўзи дамламалар берди – «Ўзбекистон», «Алқоман»...

Момохон опа секин-аста ўзига келиб, бир ҳафтада юра бошлади. Икки ойдан кейин батамом соғайган онани Сузокқа – уйига олиб бориб қўйишди.

\* \* \*

Асқаровнинг номи энди қўли енгил, ўзи ҳотам, сўзи лукмон табиб сифатида ҳам жаранглай бошлади. Ҳамон беморларни расмий қабул қилмаётган бўлса-да, уни суриштириб, излаб келадиганлар кўпайиб борарди. Зеро энди унинг халқ табobati борасидаги билим ва тажрибалари, асосли, ишончли хулосалари, тавсиялари мутахассислар, ваколатли муассасалар томонидан тан олиниб, буйрак ва ўт тошлари, ошқозон яраси, фарзандсизлик, шунингдек, бедаво ҳисобланган, замонавий тиббиётнинг синтетик-кимёвий дориларига, тигига бўйинсунмаётган қандли диабет, бош мия ўсмаси, жигар қуриши каби касалликларга эм бўлаётган дамба, озик-овқат қўшилмалари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бирин-кетин қўллаш ва ишлаб чиқаришга расман рухсат берила бошлаган, шу боис кимёгар-табиб Ўзбекистон халқ табobati академияси илмий кенгашининг раислигига, «Шарқ табobati» журнали таҳрир ҳайъати аъзолигига сайланган эди.

Энди шифо масканларининг масъул вакиллари, профессионал (ва танги) врачлар ҳам уни маслаҳатга, кўмакка чақиришдан хижолат бўлмайд қўйдилар.

– 2001 йили, Асқаров Олий ҳарбий божхона институти бошлигининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаётган пайти эди. Республика Ички ишлар вазирлигининг Марказий госпитали бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, полковник Мирҳошим Усмонов телефон қилиб, бир беморни кўриб маслаҳат бериши зарурлигини айтиб қолди.

Соат кундузги учлар чамаси эди.

Иброҳимжон Мирҳошим Ҳамидовични яхши танир ва жуда ҳурмат қиларди. У зарурат туғилса, ҳар бир касалга, қаердан бўлса ҳам ўша касалликнинг мутахассисини чақириб кўрсатар, беморларга жуда меҳрибон эди. Раҳбар сифатида ҳаракатчан, жонқуяр, ташкилотчи, ғоят дидли одам. Госпитал ҳовлисини қарағайзор-ҳиёбон қилиб юборган. Худуддаги саранжом-саришталик ҳавас қилгулик эди.

Госпитал қабулхонасида милиция полковниги, Ички ишлар вазирлиги ходими Шавкат Рўзиевни учратиб, кўришиб турувди, ичкаридан Мирҳошим Ҳамидович чиқиб келди. У «Қани, кетдик», деган эди, Шавкат Рўзиев «профессор келмади-ку», деб тайсаллади. Мирҳошим Ҳамидович кулиб юборди.

– Мана-ку профессор.

– Иброҳим Раҳмонович Олий ҳарбий божхона институти ректори-ку, – баттар ажабланди Шавкат.

Уларни жарроҳлик бўлимида врачлар кутиб олишди. Палатага киришди. Новчалиги оёқларининг қаравотдан бир қаричча чиқиб туришидан маълум бир йигит ётибди. У – Шавкат Рўзиевнинг укаси, ДАН ходими Шуҳрат Рўзиев экан. Озиб кетган.

Иброҳимжон унинг қоринларини пайпаслаб, босиб кўрди.

Даволовчи шифокор, бўлим мудирини бемор ўн хилдан ортик дорилар ичаётгани, уқоллар олаётгани, аммо қор қилмаётганини айтишди.

– Дамлама берамиз, ичиб кўради, – деди Асқаров.

– Эртага сахар, соат 5 да операция қилишади, – деди ака.

– Нега сахар бешда? – сўради Иброҳимжон.

– Абдуҳаким Мўминовичнинг бошқа пайтда қўли тегмас экан.

Абдуҳаким Мўминович Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб, уни шунақа мураккаб операцияларга чақириб туришарди.

Бемор ошқозон ости беши ўсмаси билан оғриганди. Томограмма тасвири ва хулосаларига кўра без тўрт ярим сантиметрга ўсиб, йўлни тўсиб қўйган, ошқозонга умуман овқат ўтмай қолган эди.

Ошқозон ости беши операциясидан кейин узоқ яшаган одам кам. Чунки у ўта нозик ва зарур орган – муқобили, заҳираси йўқ.

– Даволовчи врач ким? – сўради Иброҳимжон.

– Мен... – деди саф тортиб турганлардан бири.

Иброҳимжон уни ва Шавкат Рўзиевни четроққа бошлади.

– Операция қилинадиган бўлса, мени нимага чақирдинглар?

Ака шоша-пиша изоҳ бера кетди:

– Тўқсонга яқинлашган отамиз, саксондан ошган онамиз бор. Шуҳрат операциядан чиқмаслиги мумкин экан. Буни ота-онамиз кўтаришолмайди. Укамнинг тўртта боласи бор, етим қолишади. Шунга, шу тўғрида маслаҳат берадиган, шу касални тушунадиган мутахассис борми, деб сўрасам, Мирҳошим Ҳамидович «бор», деб қолди. Мен «Ким?» деб ҳам сўрамабман. Бахтимизга сиз экансиз, ёрдамингиз керак.

Иброҳимжон саратон – ўсманнинг ҳар қандай тури билан оғриганларга операциядан сақланишни маслаҳат беради. Аслида у жарроҳликка мутлақо қарши эмас, магарам ташҳис аниқ бўлиб, беморнинг шу йўл билан тузалишига кўз етса...

– Хавфли ўсма тиг тегди, болалайди, – дейди у. – Масалан, хол, ортиқлар ҳам ўсма, лекин рақмас, аммо уни озгина кесиб кўринг-чи... Кўпинча таҳлил (экиб кўриш) учун ўсмадан намуна олинади-да, тамом, шу билан рақ ёйилиб кетади. Оқибатда, яна йиллар яшаши мумкин бўлган одам бир неча ойга ҳам бормайди.

– Буни жарроҳлар билишмайдимиз?

– Билишади, лекин баъзан... таваққал ҳам қилишади. Беморларнинг ўзлари ёки яқинлари ҳам дунёи умид деб, қўйишмайди...



Хуллас, масъулият кучли эди.

– Операция қилинмаса, қанча яшаши мумкин? – сўради Иброҳимжон даволовчи врачдан.

– Яшар ўн-ўн беш кун... – деди врач.

– Унда операцияни колдириб турамиз. Дамлама бериб кўрамиз.

– Ҳеч нарса ичмаяпти.

– Озгинадан, тезда-тезда ичирамиз.

Иброҳимжон «Шифои Марҳабохон»ни ҳамширага бериб, қайнатиб келишни буюрди, қондасини тушунтирди.

Дамламадан бир қошиқ беришувди, бемор ичди.

– Бугун кечаси соат 10 гача ҳар 20 минутда бир қошиқдан ичирасизлар. Агар ичаверса, операцияни тўхтатасизлар, ичмаса, ўзгариш бўлмаса, унда операцияни ўтказаверасизлар. Мени маслаҳатим шу. Ўзгариш бўлса, Мўминовга айтиб, узр сўраб турасизлар.

Аскарлов «Мажмуи Раҳмоний», «Аскальций», «Асшифо» дамламаларини ташлаб, қайтди.

Соат 10 да госпиталдан қўнғироқ бўлди, дамламаларни ичяпти, тузук, дейишди.

Ҳар куни телефонда натижани айтиб туришди.

Иброҳимжон ўн кундан кейин борганида бемор палатада оҳиста қадам ташлаб юраётган эди. Ростдан ҳам жуда бўйчан – боши шифтга тегай дерди.

Врач Ҳамиджон Эргашевич ҳар куни томограмма қилиб (бу борада яхши мутахассис) текшириб борган, ўн кунда ўсма 1,9 см.га қисқариб, 2,3 см.га тушган эди.

Орадан салкам ўн йил ўтди. Ҳозир Шухрат Рўзиев соппа-соғ, ишлаб юрибди.

## МЕН ЁЗМАСАМ, МЕН ЁНМАСАМ...

Аскарлов севимли кимё фани бўйича мактаблар учун янги дарслик яратишнинг ҳам ташаббускорларидан, ташкилотчиларидан бири бўлди. 1997 йили ҳукумат халқ таълими ишларини яхшилаш юзасидан қарор қабул қилган бўлиб, унда олий ўқув юртлари, коллежлар, мактаблар учун янги, замонавий дарс-

ликлар яратиш масаласи қўйилган эди. Ўша пайтгача асосан эски дарсликлардан авра-астари сал-пал реставрация қилинган тарзда фойдаланиларди. Янги яратилган айрим дарсликлар ҳам танловсиз ва талаб даражасида эмас эди.

Иброҳимжон Республика Божхона коллежида ишларди, уни Халқ таълими вазирлигининг юкоридаги долзарб масалага бағишланган катта йигинига таклиф қилишиб қолди. Ишти-рокчилар етакчи олимлар, таниқли педагоглар, Олий ва Ўрта таълим муассасаларининг малакали ўқитувчилари эди. Маъ-рузалардан кейин муҳокама ва мунозара бошланди. Ҳар турли мулоҳазалар, таклифлар айтилди, баҳсчилар бир-бирини дам қўллашиб, дам рад этишар, мажлис раиси – вазир ўринбосари уларнинг гапларини саволлар билан бўлиб турарди. Асқаров аввалига индамай, кулоқ солиб ўтирди, кейин кўнглидаги гап-ларни айтиш иштиёқи кучайиб, сўзга чиқди. Хуллас, ташаб-бускорнинг «ўзи жазоланади» деганларидай, Асқаровнинг ўртамиёна дарсликлар ўрнига келажагимиз ворислари бўлган болалар, ёшларга пухта билим берадиган пишик, тўлақонли қўлланма ва дарсликлар яратиш тўғрисидаги даъвати, таклифи ўзининг зиммасига юкланди. Дастлаб 9-синф учун кимё дарс-лиги ёзишга аҳд қилиб, хонани ичидан беркитиб (унга 20 кунга ижозат ва муҳлат берилган эди) ишлаётган эди, Андижондан кадрдони, ҳамкори Камолиддин Ғофуров уни йўқлаб келиб қолди.

– Айна муддао бўлди, – деди Иброҳимжон ва Ғофуровга дарсликнинг икки бўлимини ёзишни тавсия қилди. Улар Ан-дижон Давлат университетидаги яна бир ҳамкасблари Нозим Тўхтабоевни чақиришди, компьютарини кўтариб у ҳам етиб келди. Шундай қилиб уч оғайни устоз-шоғирдлар қаламидан дастлаб 9-синф учун кимё дасрлиги дунёга келди. Шубҳасиз, бу ишга бошқа олим-педагоглар ҳам киришган эди. Еттита му-аллифлар гуруҳи иштирок этган Осиё Тараққиёт банки танло-вида Асқаровларнинг дарслиги биринчи ўринни олди ва у 2002 йили 760 минг нусхада ўзбек, 20 мингта рус, 2500 та тожик тилларида, қисқаси, етти тилда босилиб ўқувчилар қўлига етиб борди.

Кейин 7–8-синфлар учун кимё дарсликлари яратилди ва хозиргача улар ҳар йили қайта-қайта нашр этиляпти. Ҳар учала синф кимё ўқитувчилари учун ёзилган услубий қўланмаларнинг ҳам ўша муаллифларга мансублиги эътиборга моликдир.

Фақат еб-ичиш, ўзларига ато этилган умрдек бебаҳо ва бетакрор неъматни бир амаллаб тугатиш учунгина ҳаёт кечираётган миллион-миллион кишиларнинг миллиардлаб вақт-соатлари ҳавога тутундай сингиб кетаётгани ҳолда, бир шахснинг, биргина жоннинг ижтимоий фаолиятдан ташқари яна шунча ҳайратомуз ишлар қилиши – илмий изланишлар, ўнлаб фан номзодлари ва докторига раҳбарликлар, ихтиролар, кашфиётлар, дасрликлар яратиш, оила, беш фарзанд тарбияси, яна беморлар муолажаси, бедаво саналаётган касалликларга қарши дори-дармонлар топиш, яна жиддий-жиддий қаршиликлар, ғов-тўсиқларни бартараф этиш – буларнинг бари учун қанчалар истеъдод, куч, ирода, матонат зарурлигини ҳис қилиш, малол эмас, тан олиш ҳам керак! Ҳолбуки, ҳамманинг бир кеча-кундуздаги фурсати, имконияти бир хил!

Асқаров божхона тизимида – «жанггоҳ»ларда ўн икки ярим йил хизмат қилди, иш ниҳоятда оғир эди, лекин нолимади, аксинча, унга шундай баланд мартаба ва ишончлар, Божхона асосини яратиш ва унинг кенг қамровли фаолиятини шакллантиришда хизматлари бекиёс бўлган Қўмита раислари Ураимжон Абдуғаниев, Собит Алимбоев, кейин Йўлбарс Шералиев, Саидазим Орипов, Равшан Ҳайдаров, Ўткир Комилов, Ботир Парпиев, Баҳодир Матлубов, Садирхон Носировлар раҳбарлигида, улар билан бақамти, елкама-елка ишлашдек шараф насиб этганидан мамнун эди. Уни захирага кузатиш маросими (2005 йил, 14 март) Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси раҳбарияти, Олий ҳарбий божхона институти жамоаси иштирокида ўтказилди. Институт ректори Шоқосим Шораҳмедов, шогирдлар Дилором Алиева, Бахтиёр Ҳайдаров, Исроилжон Имомалиев, талабалар вакилларининг чиқишларида Иброҳимжоннинг истеъдодли, кашфиётчи олим, ташкилотчи раҳбар, меҳрибон мураббий, олижаноб инсон сифатидаги фазилатлари, ибратли ҳаёти қайта-қайта таъкидланди, улуғланди, қарсақлар билан олқишланди. Айниқса, Республика миллий

кинология маркази раҳбари, фалсафа фанлари номзоди Собир-жон Минавваровнинг сўзлари ҳаммани тўлқинлантириб юборди.

*– Профессор Иброҳимжон Раҳмонович Олий ҳарбий божхона институтидаги фаолияти давомида ушбу улуг даргоҳнинг виждони саналиб келган. Ҳар бир ташкилотда аини шу ташкилотнинг пойдеворини қўйган, уни мустаҳкамлаган, қолаверса, ўша даргоҳда адолат тарозисини меъёрда ушлаб турувчи обрўли, ҳалол ва оқил ходимлар бўлади. Мен бу ажойиб олимни худди ўшандай сиймолар қаторига қўшгим келади. Унинг қизгин саъй-ҳаракатлари билан ўқув ва илмий режалар тўла-тўқис амалга оширилганини биламиз. Иброҳимжон Раҳмонович олийгоҳда таълим-тарбия, илмий тадқиқот ишларини самарали амалга оширишга бош-қош бўлишда кучгайрати, истеъдодини аямай сарфлаб келган шижоатли олим!*

Таъриф-тавсифнинг самимийлигига шубҳа йўқ эди. Бу мухташам бинодан бирон кимса бундай юксак баҳо ва иззат-икром билан кузатилганини йиғилганлар эслай олишмасди.

Иброҳимжон анча қаттиққўл ва талабчан, бир кесар бўлишига қарамай шунча кўнгил яқин дўстлар, устозлар, шогирдлар орттирганидан дил-дилидан қувонар, шукрлар келтирарди. Демак, у шунча йиллик умрини – ҳар сонияси олтинга тенг вақтларини, куч-қувватини, салоҳиятини беҳуда совурмабди, хизматлари, куйинишлари, чеккан машаққатлари зое кетмабди.

## **ЭЪТИРОФЛАР, ЭҲТИРОМЛАР**

*«Профессор И.Р.Асқаров томонидан амалга оширилган изланишлар П-ферроценилфенолни антианемик хусусиятига эга бўлган истиқболли бирикма сифатида майдонга чиқариш имкониятини берди.*

*Ушбу бирикманинг натрийли тузлари темир этишмаслик оқибатида юзага келувчи анемия (кам қонлик)ни даволаш препарати сифатида қўллаш учун таклиф этилди. Ферроцен ҳосилалари асосида жарроҳлик яраларини елимлаш учун*

мўлжалланган елим композициясининг ишлаб чиқилиши катта аҳамиятга эгадир.

**В.С.ТИМОФЕЕВ,**  
техника фанлари доктори, профессор, Халқаро  
инженерлар академияси академиги (Россия)»

\* \* \*

«И.Р.Асқаров томонидан илк бор тажрибада ферроценил-фенолларни синтез қилишнинг қулай услуби ишлаб чиқилган ва саноат ишлаб чиқаришида тадбиқ этилган. Илк бор ферроценилбензой кислотанинг Na, K, Ca, Fe, Co тузлари хлорангидрид пропаргил ва пропадиен эфирлари ажратиб олинган. И.Р.Асқаровнинг илмий ишида умумлаштирилган изланишлар натижалари халқ хўжалигининг кўп соҳаларида қўлланилиши мумкинлиги исботланган.

**А.Л.РУСАНОВ,**  
кимё фанлари доктори, профессор,  
Россия ФА Элементоорганик бирикмалар институти»

\* \* \*

«Профессор И.Р.Асқаровни ферроценилфеноллар ва ферроценилбензой кислоталар соҳасига оид билимлар тараққиётига катта ҳисса қўшган олим сифатида биламан. У ўзининг кенг қўламли илмий тадқиқотлари натижасида илгари адабиётларда номлари қайд этилмаган моддаларнинг кўп сонли ҳосилаларини синтез қилган. Масалан, И.Р.Асқаров томонидан ишлаб чиқилган «Фераск» препарати соҳа олимлари томонидан юқори баҳоланган эди.

**В.Б.МОЧАЛИН,**  
Ломоносов номидаги Москва Нозик кимё технология-  
лари институти профессори, кимё фанлари доктори»

\* \* \*

«И.Р.Асқаров амалга оширган тадқиқотлар ниҳоятда актуалдир. Мавжуд хомашёдан иқтисодий жиҳати бўйича фойдали ва технологик жиҳатдан оддий бўлган ферроценилфенол-

лар ва ферроценнинг бошқа ароматик ҳосилалари синтезини ишлаб чиқиш борасида олимнинг улкан хизмати борлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

А.Ф.СВИРИДОВ,  
россиялик атоқли кимёгар олим»

\*\*\*

«Бу олимнинг ферроценнинг янги ароматик ҳосилаларини ажратиш олишга қаратилган илмий изланишлари қатор устуворликларга эга. Жумладан, синтезнинг янги йўллари ишлаб чиқиш ҳамда ферроценнинг илгари фанда маълум бўлмаган янги ҳосилалари синтезига оид катта ҳажмли изланишлар амалга оширилган.

Профессор Е.В.РОЗЕНГАРТ,  
Санкт-Петербургдаги Сеченов номли Эволюцион физиология ва биология институти бош илмий ходими, биология фанлари доктори»

\*\*\*

«Профессор Иброҳимжон Асқаровнинг серқирра фаолиятига назар солиб, бир нарса ҳақида ўйланиб қоласан киши. Юртимизда таниқли олимлар кўп. Том-том китоблар ёзиб донги кетганлар бор. Шундай фан фидойилари билан гурурлансак арзийди. Зеро, чинакам илм арбоблари ёшларимизга таълим беришяпти, фан-маданиятимизни бойитишяпти, улар орасида қани энди, амалиётчилариям кўпайса. Яъни Иброҳимжон Асқаровга ўхшаганлар... Айтмоқчи бўлган гапимиз шуки, чин истеъдод эгаси бўлган олим ўз халқи, ўз юртининг оғриқ нуқталарини жуда яхши ҳис этади, билими, малакаси, кучгайратини ана шу дардларга малҳам бўлишга сарфлайди.

Охунжон ҲАКИМОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири»

\*\*\*

«Иброҳимжон ака бахтли одам. Қай маънода? Аввало, кимё фанида республиканинг энг кўзга кўринган олимларидан бири, ёш мамлакатимиз сарҳадларини муҳофаза

қилиб, юрт ишига, божхона хизматининг ташкил топишига, мустаҳкамланишига катта хизматлари сингган, илмда кўп истеъдодли шогирдлар тайёрлаб, вояга етказган, бир-биридан ақлли, ўзларини эл-юрт хизматига бағишлаган фарзандларни камолга етказган... Ҳа, Иброҳимжон аканинг бахти тўқис, буларнинг ҳаммаси бир инсон учун жуда катта бахт. Зеро, у ота дуосини олган. Ҳамон кўкси она меҳридан мунаввар.

Ушбу мунавварлик муҳтарам домлани ҳеч қачон тарк этмасин!

Алишер ИБОДИНОВ,  
ёзувчи»

\* \* \*

Истеъдодли олим Бахтиёр Абдуганиевнинг сўзларида эса бошқа кўплаб шогирдларнинг ҳам дил изҳорлари жамлангандай туюлади.

«Бир одамнинг бутун умри мобайнида, эсидан чиқмайдиган ва ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган танишувлари кам бўлади. 1996 йил ҳаётимда шундай воқеа рўй берди. Куз пайтида Олимжон Тошпўлатов мени Иброҳимжон Раҳмонович қабулларига олиб келиб, божхона соҳасига қизиқишим борлигини айтди. Устоз мен билан суҳбатлашар экан, бу тизимда ишлайдиганлар фақат буйруқ ва топшириқларни бажариши билан чекланибгина қолмай, ота-онасига, ватанига, устозларига касби-вазифасига фидойи бўлиши зарурлигини таъкидлади. Албатта, бундай суҳбат катта таассурот қолдириши табиий. Мулоқот-танишувдан сўнг айнан шу соҳада, айнан шундай кишилар орасида ишлашим кераклигини ҳис қилдим.

Мана, 13 йилдирки, қандай муваффақиятларга эришган, қайси поғонагача кўтарилган бўлсам, барини устозим маслаҳатлари, берган билими, амалий ёрдамлари туфайли деб биламан.

Испаниялик файласуф олим Балтасар Грасиан «Доно киши ҳаммани қадрлайди. Чунки у ҳар бир одамнинг яхши томонини кўра олади» деган экан. Менинг назаримда, қалби кенглик, бировларга яхшилик қилишни инсоний бурч деб биладиган ва ҳар қандай шахснинг яхши томонини кўра олиши ҳам устоз Иброҳимжон Асқаровнинг асосий фазилатларидан».

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### ЮРТГА ҚАЙТИШ

Шиддат билан юксалаётган, кундан-кунга мафтункор бўлиб бораётган пойтахтда ўз унвони ва мавқеи тақозо қиладиган имтиёзлардан фойдаланиб яшаш имкони, ҳақ-хуқуқи бор эди. Илмий, ижтимоий давраларда катнашиб, катта-кичикларнинг назорати, эътиборига тушиб турса, тоғлар бағридаги аксадо каби атрофга таралиб бораётган шуҳрати, овозаси янада кенгроқ қўламда парвоз касб этиши мумкин эди. Лоақал бирон илмий муассасада ўз соҳаси – кимёгарлик бўйича энгилроқ лавозимда ишлаб, илмий-ижодий фаолиятини давом эттириши ҳам мумкин эди, шундай таклифлар, тавсиялар бўлди.

Аммо Иброҳимжон анчадан бери, Бобур таъбири билан айтганда, «зодбуд» Андижон ўзига тортаётганини сезиб юрарди. Бунинг сабаблари кўп эди. Даставвал улуғ ёшдаги онасини умрлик кўни-кўшнилари, кўнгил ёзишадиган бошқа яқинларидан айириб, олисларда олиб юрганидан хижолат чекарди. Ҳожи ая азбаройи ўғлининг хизмат вазифалари важдан унга ҳамроҳ, ҳамдам эди. Онадаги бу кайфият унинг қизлари, набиралари, уни онасидай авайлаб ҳажга олиб бориб келган якаю ягона, отадек меҳрибон укаси Муҳаммаджон ва унинг фарзандлари тўғрисида гоҳ кўмсаб, гоҳ туш ўгириб, хавотирланиб гапиришидан, юрти, юртдошлари ҳақида сўз очилган заҳоти юз-кўзлари сув қуйилган гулдай яшнаб кетишидан англашиларди.

Курашлар, олишувлар, одамларга оддий сув, кимё тили билан айтганда, «хаш-икки-о»нинг тиниқлиги жамият учун, поклик учун нақадар фойдали ва жозибали эканлигини тунштириш асносидаги хунобгарчиликлар Иброҳимжонни руҳан ва жисмонан чарчатган эди. Аллакимларнинг шун-



дай маданияшган, ривожланган, маъмур шаҳарларда ҳам бойлик, мол-дунё учун ўзини ва бошқаларни, ҳатто давлатни ўтга ташлагидан тоймасликларига гувоҳ бўлган вақтларда юраги сиқилиб, гавжум, шовқин-суронли муаззам шаҳар тор кўриниб, йироқ ва кенг жойларда кўнгил майлларига, хаёлларга берилишни хоҳлаб қоларди. Бу борада қадам излари, нигоҳлари, ҳайратлари муҳрланган Андижонсой соҳиллари айни муддао эди. Тошдан тошга урилиб оқаётган зилол сувлари қалбидаги барча губорларни ювиб, талха новдасига кўнганича узок-узок қимир этмай турадиган зангори, сариқ сўзанақлар уни дунёнинг серғалва, серташвиш, сермуаммо ҳаётдан олис даврларга – бол алигига олиб кетарди. Йўқ, у дарё бўйига Искандарнинг шожи борлигини қудуққа айтган саргарошдай, ечимига ожизлик қилган муаммолар билан боғлиқ дардлари, аламларини тўкиш учунгина эмас, балки кадрдон масканларини қаттиқ соғингани учун ҳам талпинарди. Зеро, ўзи унибўсган Сўфиқишлоқ ҳавосидан янги рух, янги куч, қувват олиб, кўнглининг бўшаб қолган пучмоқларини ҳарорат, шиддат билан, яхши ният, ёюлар билан қайта тўлдириб қайтмоғига имони комил эди. Лекин бунга ҳеч қулай ва хотиржам фурсат тополмасди. Ўсмирлик, ёшлик кадрдонлари Насимжон, Алихон, Ақромжон, Ҳошимжон, Абдуфаттоҳ, Муталлибжон, Шукурмурод, Раҳимбек, Ўзамжон, Позилжон, Нуриддин, Абдусалом, Мухтор, Хотамбеклар билан бир чойнак чойни бемалол бирга ичишолмаганига ҳам неча йиллар бўлди!

Бу ёқда ўғил-қизларнинг бўйи етиб бораётганди. Бувижон ҳам, ота-оналар ҳам муқим яшаш жойларида қуандалашишни истар, фарзандларининг тирқираб кетишларига райлари йўқ эди. Иброҳимжоннинг ўзи ҳам қариндошуруғларидан, туғилган диёридан ўзга юртда умрбод қолиб кетишни ҳаёлига ҳам келтиролмасди.

Қолаверса, аждодлардан, катта бувиси Бузокира опадан юққан ва «ҳаётбахш елим», камқонлик, шамоллашга қарши дори-дармонлар яратган маҳалларда халқ табобатига туғилган иштиёқ, муҳаббат турли касалликлар билан оғриган отани, онани, сингилни даволаш чоғларида кучайган, янада қатъий-

лашган, қолган умрини халқ саломатлигига бахшида этиш нияти ўша пайтлардаёқ шаклланиб улгурган эди. Дарҳақиқат, бу соҳа билан астойдил шуғулланишни ўйлаб юрарди. Турли идораларда жон қойитиб ишлади, қандай бало, синовларга гирифтор, қандай улуғ мартабаларга, юксак рағбатларга, олий унвонларга сазовор бўлмади, аммо дардига шифо топган бир хокисор ё муштипар бандаи ожизнинг сидқидилдан билдирган миннатдорчилиги, дуоסי ҳаммасидан ёқимли, ҳаловатбахш ва кадрли эди.

Ҳа, дард изтиробида, оғриқлар исканжасида, умидсизлик гирдобида кўзига дунё коронгу, аммо жон нақадар ширин, бетакрор ҳаёт ғоятда тансиқ, гўзал, ундан айрилиш нақадар азобли, аламли эканини туйиб талвасага тушиб қолган беморнинг нурсизланган кўзлари қайта чарақлаганини кўриш, айниқса, серзавқ, ҳиссиётчан табиб, шифокорга қанчалик қувонч, мамнуният бағишлашини тасаввур қилиш қийин эмас. Энг муҳими, бу ҳол инсонда ўз ишидан, ўзгаларга нафи тегаётганидан қониқиш ҳиссини кучайтиради.

\* \* \*

Шундай қилиб, Иброҳимжон боғхоналар тизимидан захирага чиқиб, ўз юртига қайтди. Уни қачонлардан бери илҳақ бўлиб кутаётган кадрдон жамоаси – Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети яна очик юз билан ўз бағрига олди. У тагин аввалги лавозимларидан бири – кимё кафедрасини бошқариб, талабаларга илм, сабоқ бериб, илмий-ижодий фаолиятни ҳам давом эттира бошлади. Айни вақтда Жалакудукда ўғиллари билан «Олтин водий табобати» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этишди-да, бир вақтлар отаси ишлаган Сўфиқишлоқ пахта заводининг бўш турган биноларини олиб, чет тилларни, спортни, бичиш-тиқишни, компьютер, интернетларни ўрганиш марказларини очишди ва икки ҳафтада бир маротаба – пайшанба кунлари шу ерда беморларни расман қабул қилишни йўлга қўйди. Шундан кейин «Профессор-табиб Аскарлов» овозаси мамлакатга ёйи-

либ, турли вилоятлар, шаҳар ва туманлардан шифо, нажот излаб келувчилар оқими авжланди.

Иброҳимжон Асқаровнинг (ва бошқаларнинг) табиблик фаолиятига, умуман халқ табобатига берилган эркинлик учун аввало Истиклол шаънига ҳамду сано айтмоқ лозим, негаки Шўролар даврида ота-боболардан мерос бўлиб келаётган кўплаб қадриятлар қатори халқ табобати ҳам қувғинга, қатағонга учраган, бундан ҳаволанган тиббиёт халқ табобатига кундошдай ёвқараш қилиб юрарди. Ҳолбуки, тиббиёт халқ табобатининг пушти камаридан бинога келган зурриёд эди. Ахир таълимотлари, тажрибалари Оврўпа (замонавий) медицинасига асос бўлган Гиппократ, Ар-Розий, Ибн Синолар ҳам халқ табобати пешволари эмасмиди? Мана энди республикада ҳақли равишда Халқ табобати Академияси ташкил топди. (2010 йил 1 февралда Халқаро Халқ табобати Ассоциацияси тузилиб, унда Тошкент Халқ табобати маркази деб эътироф этилди). Зотан, иккисининг ҳам аввал-охир мақсади, моҳияти битта – инсон саломатлигини тиклаш, муҳофаза қилиш ва яхшилашдан иборатлиги аён-ку. Ахир дунёга машхур кўплаб «казо-казолар» бориб даволаниб келадиган Тибет, умуман хитой муолажа усуллари айни халқ табобатининг ўзи-ку. Америка, Япония каби ривожланган, сиёсати, дунёқарашлари турлича бўлган мамлакатларда ҳам халқ табобатига ўғай кўз билан қарамасликлари маълум. Асқаровнинг ютуғи ҳам шундаки, тиббиёт билан яқин соҳа – кимё фани профессори, профессионал шифокор олим сифатида замонавий тиб билан шарқона халқ табобатининг фойдали, зарурий даволаш асослари ва усулларини уйғунлаштирган ҳолда фаолият олиб бориб, улар орасидаги «қондошлик» ришталарини мустаҳкамлашга, «бошларини қовуштиришга» ҳаракат қилмоқда. Балки Асқаровга ўхшаганлар сабабдир, ёки шарт-шароит, вазият тақозосими, «кейинги даврларда халқ табобати дунё миқёсида қайта тикланиб, турли мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимида ўз ўрнини эгаллай бошлади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> “Шифо-инфо” газетаси, 2011 йил, 36-сон.

Дарҳақиқат, Истанбулда Пайғамбаримиз Муҳаммад алай-ҳиссалом қўллаган қадимий даволаш усули – хижома муолажаси бўйича тарихда биринчи марта халқаро анжуман бўлиб ўтганлиги бунинг ёрқин исботидир.

«Хижома – вакуумли укалалаш ва ортиқча қонни олиш муолажаси – бир неча касалликларга даво эканини олимлар тан олишган», дейилади «Ҳидоят» журналининг 2011 йил, 8-сониди. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган мутахассислар уч кун давомида мавзу бўйича маърузалар қилишган, суҳбатлар уюштирилган.

Балки шаҳарларнинг аксарият биноларини дорихоналар ташкил этаётган, бойиш мақсадида чет эллардан жигар-буйрак, мияни ишдан чиқариши мумкин бўлган теппа, зарарли доридармонларни вагонлаб олиб келаётган «тадбиркорлар» болалаб кетган, қай бир хорижий фирма билан «ҳамкорлик» килаётган шифокорлар чору ночор беморларга бўйи ҳам, қўли ҳам етмайдиган баҳодаги дориларни шартиллатиб ёзиб беришаётган, боз устига мужмал ва ҳатто бутунлай нотўғри ташхислар беморлар саломатлигига акс таъсир кўрсатаётган бир замон, эркин танлаш ҳукуки юзага келган мустақил давр тақозосига йўйиш ҳам мумкин дир бу ҳолни.

Асли касби, аъмоли ўзга, аммо тиббиёт илми, билим даргоҳларида салкам ўн йил (мактаб, коллежларни ҳам кўшганда бир йигит умри бу!) ўқиган ва шу соҳада кўп йиллар «тер тўккан»ларнинг айримларига қараганда беморларнинг соғайишига кўпроқ нафи тегаётган халқ табobati билимдонлари, амалиётчилари майдонга чиқаётган экан, бундан фақат суюниш керак.

– Инсон саломатлиги маънавий-ижтимоий, хусусан бизнинг мамлакатимизда давлат аҳамиятига молик масала, – дейди Иброҳимжон. – Менинг назаримда жамият, тузумнинг қанчалик инсонпарварлиги фуқароларнинг саломатлиги, соғлом фикрлаши билан ҳам белгиланади.

## “КЎЗИМ ОЧИЛАДИМИ, ДЎХТИР?”

2005 йили Иброҳимжон қабулига ўрта ёшлардаги бир-бирига ўхшаган уч жувон кирди.

– Биз Улуғнор туманиданмиз. Катта опамиз Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида яшайди. Ўша опамизнинг ўғли касал, Тошкентда... Бир кўрсангиз, илтимос... – дейишди.

Икки кундан кейин беморнинг отаси ҳам Юнусободдан кўнғироқ қилди. Иброҳимжон индинига етиб борди.

Дилмурод тўшакда ётар, бошини қимирлатса, кўнгли айниб, қайт қиларди. Кўзлари кўрмасди.

У 27 ёшда, Миллий университетнинг фалсафа факультетини битирган экан.

Кўзлари аввал хиралашиб, кейин бутунлай кўрмай қолган эди. Отасининг айтишича, ўглининг боши оғриб, бир неча ой ўзлари тарафда, кейин Тошкентда 35 кун даволатишган. Компьютер-томограмма текширувларида йигитнинг бошида ўсма борлиги аниқланган. Шифокорлар тезда операция қилиш керак дейишар, аммо биронтаси кўзларнинг очилиб кетишига қафолат бермасди.

Иброҳимжон биллагини ушлаши билан «Кўзим очиладимиз, дўхтир», – деб сўради Дилмурод илтижо билан.

– Очилади, Худо хоҳласа, албатта очилади, – таскин берди Иброҳимжон.

Бир-бирига ўхшаган жувонларга қараб: мени олдимга сизлар борувдинларми? – деб сўради.

– Йўқ, улар бошқа опа-сингилларимиз эди, – дейишди.

Маълум бўлишича улар ўн қиз экан. Иброҳимжон бу қадар ўхшаш, нақ эгизаксимон опа-сингилларни умрида учратмаган эди.

«Мажмуи Раҳмоний», «Мажмуи шифо», «Аскальций», «Шифои Марҳабохон», «Асдаво», «Астош» берди.

– Ҳеч нарса ичолмаяпти, – деди сингиллардан бири.

– Дамламаларни оз-оздан ичириб, кўпайтириб борасизлар, ичмаса, чаток бўлади.

Ота телефонда натижани айтиб турди.

Уч кунда беморнинг бош оғриги пасайди.

Бир ҳафтадан кейин кўнгили айниши тўхтади.

Ўттиз тўрт кун деганда кўзлар очилди! Бу ҳақда Дилмуроднинг ўзи телефон қилди. Қувончининг чеки йўқ, ҳаяжонланганидан дадил гапиролмасди. Иброҳимжон ҳам тўлқинланиб кетди.

Йигит бир йилдан кейин уйланди. Бир қиз билан яхши кўришиб, аҳд-паймон қилишган, Дилмуроднинг кўзлари кўрмай қолгач, қиз «борди-келди»ни узган экан. Тузалгач, келиб йигитдан узр сўрабди, лекин Дилмурод кечиролмабди.

Ҳозир унинг 2 та фарзанди бор. Онаси Мамлакатхон Раҳмонқулова билан (у физика фани муаллими) Жалақудуққа халоскорини йўқлаб келиб туради.

\* \* \*

«Асқаров рақни даволаётганмиш», «Асқаров кўр бўлиб қолган кўзларни очаётганмиш», «Асқаров жигар церрозини тузатиб юбораётганмиш», «Асқаров...» каби овозларга, миш-мишларга ҳамма, ҳатто ён-атрофдагилар ҳам тўла ишонарди дейиш қийин.

Иброҳимжон билан бир бинода, ёнма-ён хонада ишлайдиган тиш доктори бор, фақат яшаш жойи бошқа манзилда эди. Асқаровнинг қабули икки ҳафтада бир марталиги учун кам кўришишарди. Тиш дўхтирининг муомаласи совуқроқ туюлар, аммо Иброҳимжон парво қилмай, феъли шунақадир-да, деб қўяқоларди.

Бир куни, қабул пайтида ёрдамчи ходимлардан бири «Анави, кўшни стоматолог Элмурод ака кирмоқчи экан», деб қолди.

– Навбатга ёзилган эканми? – сўради Иброҳимжон.

– Йўқ.

– Навбатга ёзилиб, кейинги сафар кирсин.

– Жуда илтимос қиятувди, ҳарқалай, бир бинодаги одам...

– Майли, чақиринг, – деди Иброҳимжон.

Элмурод бир йигитни тирсагидан етаклаб кирди. Иброҳимжон билдики, йигитнинг кўзи кўрмайди.

– Иброҳим ака, бу – укам. Кўзи кўрмаяпти.

– Дўхтирларга қаратдингларми?

– Қаратдик.

– Нима дейишди?

– Қийин, дейишяпти.

– Хўп, нима қилиш керак?

– Бир кўрсангиз...

– Яхши, гап йўқ.

– Кўзи очилармикин?

– Худо хоҳласа, яхши бўлади.

Аскарлов акага дори-дамламаларни бериб, ичиш тартибларини тушунтирди.

Орадан анча ўтиб кетди. Иброҳимжон қабулида бўлган касалларни кейин суриштиравермайди. У ҳеч кимга касалингизни тузатвораман, деб кафолат бермайди. Шифони Худо беради, банда сабаб бўлиши мумкин холос. Қолаверса, унинг қабулига келиб-кетувчиларнинг сон-саногии йўқ, қайси бири эсда қоладию, қанчасининг ҳолини сўраб улгуради?

Бир гал қабул учун келаётганда, эрталаб соат еттиларда, Элмурод уни кўча бошида кутиб турган экан. Сўрашишди.

– Беш минут вақтингизни оламан, – деди тиш дўхтири.

– Беш минутмас, икки минут, одамлар кутиб туришибди, – деди Иброҳимжон.

– Укамнинг кўзи очилди.

– Яхши, табриклайман.

– Тўғриси, мен сизга унча ишонмасидим. Узоқлардан шунча одамлар келишига ҳайрон бўлиб, баъзида ғашим ҳам келарди. Вилоятдан укамни Тошкентга йўллашди. Тошкентда, Нейрохирургия марказида операция қилиш керак, дейишди. Рози бўлдим. “Хизмати”ни келишдик, лекин операциядан чикмай қолишям мумкин, дейишганидан кейин иккиланиб қолдим. Кўзи кўрмаса, бошқа аъзолари соғ, тирик юрибди-ку, агар бир бало бўлса, уйга қандай бораман, дедиму, айнидим, нима бўлсаям, тирик опкелганман, тирик опкетаман, дедим. Арафа кунии эди. Эртасига Хаст Имомга ҳайит намозига бордик. Шундай саждага бош қўйган пайтимда кўзимга сиз кўриндингиз.

Ҳалиги куни Тошкентдан қайтиб, тўғри сизнинг олдингизга кирувдик. Сизни анчадан бери пойлайман. Укамнинг, оила аъзоларимизнинг хурсандлигини, раҳматимизни айтмоқчийдим...

– Бўлди, мана шу гапингиз етарли. Укангиз қайтиб оғримасин, қани «омин» денг...

## БИР ҚАБУЛ ТАФСИЛОТИ

2010–2011 йиллар қишининг охири кунлари – 24 февраль. Бу гал қиш кам ёғин келди. У январда бир мартагина ер бетини оқартириб, ўзидан хабар берди, кейин совуғи қолдию, ўзи ғойиб бўлди.

Навбатдаги қабул арафасида – чоршанба эрталаб бошлаган қор кечаси ҳам тинмади. Тонгда ҳаммаёқ қалин оппок «чойшаб»га бурканганини кўрган Асқаровнинг дилидан «Бугун одам унча кўп бўлмаса керак», деган фикр ўтди. Чунки беморларнинг аксарияти мамлакатнинг жанубий, ғарбий вилоятларидан бўлиб, улар Қамчиқ довони орқали ўтиб келишарди. Бундай катта қор тушган кунлари довон беркитиб қўйиларди.

Иброҳимжон одатдагидай бомдод намозидан сўнг онасидан дуо олиб, соат еттида уйдан чикди, қабул масканига яқинлашгач, бино олдидаги майдоннинг ҳар сафаргидай эркагу аёл, ёшу кексалар билан гавжумлигини кўрди. Уларнинг кўпи кечаси билан йўл юриб келишганди. Баъзилар қонушиб, дийдираб турарди. Одамларнинг ҳафсаласига, матонатига қойил қолди, айти чогда касаллик кўпайиб, авж олиб кетаётганига ачинди.

Қабул бошланди.

\*Носиржон Рустамов – Сирдарёнинг Сайхунобод туманидан. Салгина совуққа ўнг бикини увуша бошлайди.

\*Муҳаббатхон (43 ёш) – Сирдарёдан. У кўринишидан мутлақо касалга ўхшамайди: тўлагина, кош-кўзларига оро берилган, керилгангина, қўлларида қўша узуклар – бойбадавлатлиги сезилиб турибди. Унинг томирида қон увиши бор, юраги қисилади.



\*Матназар Курбонов (1972 йил) – Хоразмнинг Янгиарик туманидан. Уч кундан бери шериклари билан шу маҳалладаги хонадонлардан бирида ижарада туришибди.

\*Мақсуда Абдуваҳобова – Чимкент (Қозоғистон)дан (1961 йил). Етти йилдан бери қанд касали қийнайди. Белида чурраси бор. Қўлтиғида без пайдо бўлган.

\*Муножотхон Бадалова – эллик беш ёшларда (Жалақудукдан). Аввал томоқ остидаги лимфа безлари касалланган эди. Кейин тухумдони қаттиқ шамоллаганда ҳам Иброҳимжоннинг дорилари билан тузалган. Уч йилдан бери яхши, лекин ҳар замонда даволаниб туради.

– Яна дамламалардан олиб, сизни зиёрат қилай деб келдим-да, – деди Бадалова ва ёнидагиларга қандай оғригани ва яхши бўлганларини гапира бошлади.

Профессор опанинг «достон»ини қисқартириш учун (ташқарида юзлаб одамлар навбатда туришарди) унга омонлик тилаб хайрлашаркан, қўлига дори-дармон ва пул тутди. Аёл пулни қайтарди: «Вой, нимага ундай қиласиз, мен сизга беришим керак-ку, йўқ, олмайман», деди хижолат бўлиб.

– Олаверинг, кўнгилдан чиқариб беряпман. Дуо қилиб кўясиз.

Опа қип-қизариб, яна ёнидагиларга жовдирайди.

– Ҳам дори, ҳам пул берадиган дўхтирни кўрганмисизлар? Бизнинг Иброҳимжон шунақа...

Табибнинг шу каби феъллари табобатнинг бобокалонлари – камбағалпарвар ва саховатли Ар-Розий, Ибн Синоларни эсла-тиб юборади. Масалан, Ар-Розий ҳақида тиб тарихчиларидан бири Ибн ан-Надим шундай деб ёзган: «Розий кишиларга нисбатан жуда меҳрибон ва сахий бўлган. Фақир ва беморларнинг ҳолига жуда ачинарди. Уларга кўп садақа қилар, беморларни ўзи (бепул) даволаб, ўзи уларни парвариш қиларди». Ҳолбуки, Абул Фаражнинг ёзишича, Розийнинг ўзи мухтожликдан азоб чекиб Худога шундай нола қиларкан: «Ё Раббий! Сен мени қобилиятли ва билимга нисбатан ўч қилиб яратдинг. Менинг ўз истакларимга эришмоғим учун бир оз давлат ҳам бергин. Ёки

бўлмаса, мендаги илмга бўлган ўчликни ва жонимни олгинки, мен бу азоблардан кутулай».

Беморнинг аҳволи оғир бўлса, айрим шифокорлар юзи-кўзи, сўзидаги ўзгариш билан сездириб қўяди. Иброҳимжон эҳтиёткорликни, ўзининг бурчини унутмасди. Оғир беморга ҳам яхши бўлиб кетасиз, Худо хоҳласа, дейди тетик овоз билан.

– Ихлос – халос, бандаси сабаб холос, – дейди у. – Мен ҳаётдаги ҳар хил ҳолатларга кўникаман, турфа феълли кимсаларнинг баланд-паст гапларига, оғир касалларнинг инжиқликларига чидайман, фақат амалдорларнинг телефонда «Мен фалон – Эшмат-Тошматман.., келиб, писмадон беморимизни бир кўриб қўйсангиз!..» деган иддаоларини кўтаришга тоқатим етмайди.

Иброҳимжон беморларни авваллари пойтахтда ҳам қабул қилиб турарди. Бутунлай Сўфиқишлоққа «чекениш»ни лозим топишига ана шундай кўнғироклар ҳам сабаб бўлган.

Одатда шифокорлар, табиблар беморга табиий шифо чораларини, воситаларини айтавермайди: бу борада билими, тажрибасига ишончи йўқлиги учунгина эмас... Асқаров эса табиий даволаниш усуллари ҳеч иккиланмай айтаверарди. Демак, у дамламаларининг ўтмай қолишидан, унга юқиниб келувчилар сони камайиб кетишидан хавфсирамайди.

\*Олтмишларни қоралаган бир одамни опичлаб олиб киришди. Ориқ. Қай бир туман бош врачининг тавсияси билан келибди. Ичидан кўп қон кетаркан. Иштаҳаси йўқ, овқатни кўрса, қайт қилади.

\*Ўн ёшлар атрофидаги боланинг тутун, исирик, гулларнинг ҳидига нафаси қайтаркан, ичи ўтаркан. Унга ошқовоқни пишириб ейиш тавсия этилди, шунингдек, икки дона қизил пиёзни қайнатиб бериш, сувини ичириш.

\*Простатитдан шикоят қилган келишган ёш йигитни кўриб профессорнинг раҳми келади. Бунақалар, афсуски, кўп. Уларга пиёзни манти қосқонда пишириб ейиш ва иссиқ қўй ёғини чови атрофларига суркаш тавсия этилади.

– Яхши бўлади, ҳаммаси яхши бўлади. Фақат, кайфиятни яхши қилиш, ишонч, дориларни мунтазам ичиш керак, – дейди

Иброҳимжон очик чеҳра билан. Бу гапларни касалини тузатиб юборишга табобат ҳам ожиз, жони ҳилвираб, омонат турганларга нисбатан айтиш нақадар азоб. Лекин бизнингча, шифокорнинг ёлғонини шариат изн берган зарурий ёлғонлар сирасига кўшиш мумкин.

Баъзи беморларга ўзидан мисол келтириб, ҳушидан кетиб ётиб қолганларини қизиқарли эртақдек гапириб беради ва буни шундай изоҳлайди:

– Биронтасига мен инфаркт бўлганман, десам, «Йўғ-е, сиз-а?» дейди ишонқирамай. Ҳа, бир марта эмас, икки марта десам, у одамнинг ранги-рўйи ўчиб, ҳозир тирик юрганамга ҳайратлангандай туюлади.

Ҳа, аслида касалликлар жуда ваҳимали эмас, улар ҳам итга ўхшайди чамаси: кўрққанга ҳамла қилаверади ва даҳшатли кўринаверади шекилли. Шунинг учун руҳан тетик, бардам кишилар хасталикка кам чалиниб, дардни осон енгсалар керак. Бинобарин, Асқаров аввало беморнинг руҳиятини даволаб, тузалиб кетишига ишонч уйғотиш керак, деб бежиз таъкидламайди.

У беморларнинг касаллик тарихини узоқ титкиламайди, «болалигингизда бурнингиз оқармиди, бирон ерда қоқилиб-нетмаганмисиз, сариқ ё кўк бўлганмисиз?» каби саволлар билан унинг бошини қотирмайди, қачон оғригани, қаерларга, кимларга учрашганини, шифокорларнинг фикрини сўрайди ва томирини ушлаб кўради, тилига қарайди. Шу аснода беморнинг қайси аъзосида қандай модда етишмаётганини аниқлайди.

– Одамзотнинг комиллиги, ҳамма мучаларининг расо ва соғломлиги еган овқати, ичадиган суви, нафас оладиган ҳавоси, табиати – дарахтлар, ўсимликлар таркибидаги кимёвий элементларнинг сони, тури ва муҳимлиги, сифатига боғлиқ, – дейди профессор-табиб. – Инсон узви болалигиданоқ ана шу моддалар билан тўйиниб боради. Зарурий элементларнинг қай бири йўқ ё кам бўлса, ҳар хил касалликлар келиб чиқади. Бола нимжон, қобилиятсиз бўлиб ўсади. Масалан, темир етишмаса, камқонлик, литий етишмаса хотиранинг сусайиши юз беради. Ёки магний етишмаса, юракда ишқаллик, кальций ва фосфор

камайса, суяк хасталиклари, йодсизликда бўқоқ ва юрак, фтор билан боғлиқ муаммода тиш касаллиги... Қисқаси, элементларнинг киши саломатлигигагина эмас, балки унинг ақл-идрокига ҳам таъсири катта.

Подагра эса кальций, калий, рух ва фторнинг етишмаслиги ёки шуларнинг уйғунлашувидаги номуносиблик оқибати ва ҳоказо... Табобатниям, тиббиётниям асосий вазифаси, усули касалликнинг сабабини аниқлаб, илдизи, асосини даволашдан иборат бўлиши керак. Кўпинча оқибат даволанаверади ва касаллик қайталанаверади.

Терига оқ доғлар тушиб қолишини ҳам тиббиёт айнан организмда моддалар етишмаслиги билан боғлайди. Лекин Иброҳимжон сабаб бугина эмас, деб ўйлайди. У бемордан доғлар қачон пайдо бўла бошланганини сўрайди. Кўплар аниқ айтиб беролмайди. Аҳамият бермас эканман, кейин бирдан пайқаб қолдим, дейишади.

– Ота-онангиз борми? – сўрайди табиб.

– «Онам ўтиб кетган, отам бор», ёки аксинча... дейишади.

– Муносабатларингиз яхшими?

– Яхши... – дейди бемор сустроқ оҳангда.

– Тўғриси айтинг, бу касалликнинг тузалиши мана шу жавобингизга боғлиқ.

– Чекка чиқиб кетганман.

– Хабар олиб турасизми?

– Тўғриси, гаплашмаймиз.

– Тушунарли, дориларни ичасиз, лекин бугуноқ бориб тиз чўкиб кечирим сўрайсиз, агар отангиз кечирса, соғайишингиз осонроқ кечади.

– Мен ўз тажрибамда бунақаларнинг анчасини кўрдим, синадим, – дея изоҳ беради Аскарров. – Масалан, териси бошқа сабаб билан оқарса йўқолади, аммо ота-она ёки устози назаридан қолган бўлса, тузалиши қийин.

Иброҳимжоннинг ўзи ҳаётда эришган барча муваффақиятларининг сабаби ва сирини ота-оналари ва устозларининг уни деб чеккан заҳматларидан, дуоларидан деб билади ва Навоий таъбири билан айтганда унга ранж билан бир харф

Ўргатган барча устозлари олдида ўзини доимий қарздор ва бурчли ҳисоблайди. Ўшандай қарзларининг биридан хориж бўлганда ўзида ғаройиб бир енгиллик туйган, шундан кейин катта бувиси Бузокира аянинг яхшиликка яхшилик қайтариш керак, яхшиликни билмаган одамнинг иши юришмайди, дейиши бежиз эмаслигини англаган эди.

Унинг Андижон давлат педагогика институти талабаси бўлиб қолишига хайрихоҳлик қилган ва дастлаб уни тетапоя йўлга солган, ўз касби-соҳасини юксак кадрлайдиган – олимпик деганда кимё фани билимдонлигини назарда тутадиган, шу боис «кимё – оламнинг асоси» деб тез-тез такрорлаб туришни хуш кўрадиган ажойиб инсон, кимё фанлари номзоди, доцент Ғуломнаби Ҳакимов ўша пайтларда (бундан қарийб салкам қирқ йил муқаддам) «Олимпиада масалаларини ечиш усуллари» деган қўлланма ёзган, аммо бевақт ва барвақт келган ажал педагог-олим ниятининг амалга ошувига имкон бермаган эди. 1974 йили Иброҳимжон кўлёмани кўриб, таҳрирдан чиқариб, «Ўқитувчи» нашриётида ўн минг нусхада чоп эттирди-да, уни қалам ҳақлари билан бирга уйига олиб бориб берди. Домланинг аёли ўз миннатдорчилигини қандай изҳор этишни билмай, Иброҳимжонни қайта-қайта дуо қиларди.

Ўшанда нашриётдагилар Асқаровга ўз фамилиянгизни ҳам кўшинг, дейишди. Иброҳимжон унамади. «Меҳнатимга мингдан-минг розиман», деди.

– Шунинг учун ҳам Худо менга кейин шунча китоблар ёзишни насиб этдим... – дейди, – қобил ва садоқатли шогирд.

Ғуломнаби Ҳакимов вафотидан йигирма бир йил ўтгач, Асқаров ташкилотчилигида Андижон шаҳридаги муаллим яшаган кўчага унинг номи берилди. Яна ўн тўрт йилдан сўнг Иброҳимжон мухтарам устоз уйининг пештоқига хотира лавҳа тоши ўрнаттирди. Бот-бот у онаси билан бу табаррук хонадонга ташриф буюриб, домланинг оила аъзоларини йўқлаб туради.

– Иброҳимжон, домланинг сиздан бўлак ҳам шогирдлари бор эди шекилли... – деб кўяди устознинг рафикаси Моҳларойим келинойи кўзларига ёш олиб.

– Домла зўр одам эди, – дейди Иброҳимжон бош чайқаб.  
– Қийинчилик билан ўқигани учунми, ўзига ўхшаганларни қўлларди.

– Яқинда бир одам келди, – давом этади профессор асосий мавзуга қайтиб. – Семириб кетган, лекин йўгон сонидан ўсма чиқиб, ўша атрофдаги аъзолари ирий бошлабди. У ҳам бу дарди қачон, қандай бошланганини айтиб беролмади. Мен айлан-тириб сўрайверганимдан кейин гап отасини кўп ранжитганига бориб тақалди. «Отангиздан кечирим сўрайсиз», дедим.

– Афсуски, бунинг иложи йўқ, – деди бемор бош тебратиб.

– Нимага?

– Ўтиб кетган.

– Унда тезда-тезда эҳсон қилиб, отангизнинг ҳақиға дуои фотиҳа қилдириб туриб, онангизни дуосини олинг.

Иброҳимжон яна намоз ўқиш-ўқимаслигини сўрайди.

– Ўтириб туришга қийналаман, – дейди касал.

– Ўқинг, ўтириб бўлсаям, ётиб бўлсаям ўқинг, – дейди Иброҳимжон амирона. Сиз отангизнинг олдидаям, Худонинг олдидаям қарздор, юзи шувит одам экансиз. Намозингизда отангизнинг бу дунёда билиб-билмай қилган гуноҳларини маҳфират қилишини сўранг, ўзингизга шифо тиланг..

Ўша куни Иброҳимжон хузурига олислардан нажот излаб келувчилар орасида москвалик Корташян Климентий Албертович ҳам бор эди.

– Арманимисиз – сўради Иброҳимжоннинг ёнида ўтирганлардан бири.

– Ҳа, миллатим армани, Гуржистонда туғилганман, Москвада яшайман, – дея ўзича лутф қилди меҳмон.

Ўрта бўйли, юзлари думалоқроқ, қизил – худди ҳаммомдан чиқиб келаётган одамни эслатади. Тепакал, бурун тўмтоқроқ. Тўқ кулранг свитер устидан қора силлик костюм ва калта чарм куртқа кийган, оёғида қора ялтироқ туфли.

Корташян жигар қуриши хасталигига мубтало бўлган эди. Бундан ташқари ўн беш йилдан буён қандли диабетдан ҳам азият чекар экан. Айтишича, ҳар куни инсулин қабул қилади.

«Гепатит-С»ни Москва касалхоналарининг бирида илаштириб олган. Аёллар сутини ичиб кўрган, Ўзбекистондан кўрма илонни топтириб бориб шўрвасини ичган.

Америкада ҳам даволаниб келган. У ердаги врачларнинг тавсияларига кўра 6800 долларлик дори-дармон, укол олган.

У асли савдогар-тижоратчи. Дўконлари бор. Асқаров ҳақида кўл остида ишлайдиган бир ўзбек йигитидан эшитган. У Корташянга ўзлари томонлик, жигар циррози билан оғриган бир кишини шифохонадан қайтариб юборишганда Асқаровга бориб тузалганини, ҳозир соппа-соғ юрганини айтган.

Ундан бир неча яқини ҳам ўзларининг касаллик варақалари, қон ва бошқа таҳлили натижаларини бериб юборишибди.

Ҳа, келувчилар кимнингдир миннатдорчилик билдириб ва янги дамламалар сўраб ёзишган хатларини топширишиб ёки кўни-кўшни, таниш-билишларининг касаллиги юзасидан ҳам маслаҳат ва тавсия сўрашарди.

Иброҳимжон уларга ҳам тавсия, дорилар ёзиб беради. У ўз дамламалари ва бошқа дори-дармонларининг ҳар қалай, организмга фойдаси бўлса бўладики, акс таъсир қилмаслигига ишонади.

Ўша куни қабул одатдагидай эртасига тонггача давом этди. Турли касалликлар билан оғриётган 300 дан ортиқ беморга дори-дармон ва маслаҳат берилди, парҳезлар буюрилди. 300 дан ортиқ-а!

Айтмоққа осон холос, лекин рўйхат дафтари далил ва рақамларни тасдиқловчи энг собит гувоҳдир. Қарийб бир-кеча кундузни бедор, беором ўтказишни, 20 соатдан ортиқ турли феъл, турли тоифадагилар, ҳаммаси фақат дарди, ғамини сўйлаб одамни оғирлаштирадиган, қалбини вайрон қиладиганлар билан бўладиган нохуш мулоқотларга чидаш, сабр-тоқат қилиш ва ҳаммасига кулиб, таскинбахш сўз айтиб, кўнглини кўтариб, дардини енгиллаштиришга уринишни бир тасаввур қилиб кўринг! Лекин иш вақтим тугади, чарчадим, ухлашим керак, деб, олис-олислардан нажот излаб, кунлар ва маблағлар сарфлаб, айримлари инқиллаб, азоб тортиб келганларни қандай ноумид қайтариб бўлади? Балки, аслида кимё муаллими,

хукукшунос ва божхоначи бўлган одамнинг пешонасига шунча хаста баданларга, шикаста дилларга шифо, ожизланган, ожизланаётган кўзларга нур бағишлаш толеи ёзилгандир...

Баъзан Иброҳимжоннинг олдига кимдир ҳовлиқиб келадида, «Мени раксан, раkning давоси йўқ дейишувди-ку. Ахир бу мислсиз кашфиёт-ку! Нимага буни бутун дунёга овоза қилмайсиз?» ва ҳоказолар деб ҳаяжон ва эҳтиросини ифода этади.

– Ҳай-хай, Худо хайрингизни берсин, – тинчлантиришга уринади Аскароров... – Тузалиб қолдингизми, хурсандмисиз?..

– Хурсанд бўлиш ҳам гапми, дўхтир, мен-мен... – каловланади собиқ бемор.

– Шунинг ўзи етади. Мен бу ишни Оллоҳнинг йўлида, савоб-хайр учун, қолаверса, ўзим хоҳлаганим учун қиламан.

Албатта, биргина саратон эмас, давосиз деб ҳисобланган бошқа касалликларга шифо топиш йўлида бутун дунё шифокорлари, олимлари шуғулланишаётгани шубҳасиз. Аввал ҳам шуғулланишган. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида россиялик олим, ветеренария фанлари номзоди А.В.Дорогов ўзи кашф қилган АСД (антисептик стимулятор Дорогова) деб номланган мўъжизакор дори билан псориаз, нейродермит касалликларини даволаган, гинекология, урологияга оид саратон бўйича муваффақиятли тажрибаларни амалга оширган ва ҳатто Совет Иттифоқининг собиқ энг ашаддий раҳбарларидан бири Л.П.Бериянинг бачадон раки, жигар ва ўпка метастази туфайли оғир аҳволда ётган (бутуниттифоқ медицина мутахассислари оёққа турғазилган!) онасини ҳам ҳаётга қайтарган эди. Шундан кейин Сталин «АСД»ни тиббиётда кенг қўллаш тўғрисида буйруқ ҳам берганди. Аммо 1953 ва ундан кейинги йиллардаги алғов-далғовлардан сўнг Дорогов ҳам, унинг мўъжизакор дорилари – «АСД», «АСД-К Ф-2», «АСД-К» (кристалл-антисептик стимулятор Дорогова)лар ҳам четга суриб ташланди.

Эҳтимол *одамлар* қандайдир қайсар ветеринарнинг лаёқатига, кашфига шубҳа билан қарашгандир. Бачадон раки билан «ана кетди-мана кетди» бўлиб ётган беморнинг тузалиб



кетишини тасодифга йўйишгандир. Ҳарқалай, Дороговнинг ўзи ҳам, унинг ихтироси ҳам махв этилганди. Назаримизда, бу ҳам бахил, ғаразгўйларнинг иши эди.

Ҳа, қалтис даврлар эди, кашфиётчини қўллаб-қувватлайдиганлар кам, бори ҳам кўрқишарди. Профессор Аскаронинг дори-дармонларини, дамламаларини ёқлаётган, маъқуллаётганларнинг сон-саногии йўқ. Уни Республика халқ таботати академияси, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги қўллаб-қувватляпти, мустақил мамлакатимиз, ҳукуватимиз эъозляпти, тақдирляпти.

Ҳа, саратон ва бошқа ашаддий касалликларга даво изланиб келган, изланишмоқда, ижобий натижаларга ҳам эришилган, бунга ҳозир ҳам дунё миқёсида мисоллар йўқ эмас. Китобларда машхури жаҳон ёзувчилари – Нобель мукофоти соҳиблари – рус адаби Солженицин, колумбиялик Габриел Гарсия Маркесларнинг (кейингиси ҳатто икки марта) тузалиши мумкин бўлмаган саратон хасталигидан соғайиб кетишгани тўғрисида ёзадилар. Тўғри, тузалганлар бой ва машхур шахслар, шифо топиш ҳодисаси санокли. Аскаронга келаётганлар эса кўп ва уларнинг аксарияти ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, нафақадагилар ва бошқа оддий кишилардир.

Йирик мутахассис, олимлар ҳам «Ҳамон рақнинг давоси йўқ, топиш лозим, изланиш керак» деган гапларни катта минбарлардан кўп гапиришади, лекин унинг даф этила бошлаганига эса негадир бефарқлик билан қарашади. Ахир шифо воқитасининг тиббиётга ёки халқ таботатига хошлигининг қандай фарқи, аҳамияти бор? Муҳими, одамларнинг ўша шафқатсиз, қаттол хасталиқдан халос этилиши эмасми?

Пойтахтдаги нуфузли йиғинларнинг бирида Иброҳимжоннинг сабри чидамади, қўл кўтарди.

– Ўртоқлар, бу ердаги чиқишларда рақ – саратоннинг давоси йўқ, унинг чорасини излаш, шу касалликка қарши дори яратиш керак, деган мулоҳазалар бўлди, – деди дангалига. – Рақ – давосиз, деган фикрлар 1940 йиллардан олдинги китобларда ёзилган. Ўшандан бери олтмиш-етмиш йил ўтди, изланишлар олиб борилди. Замонавий медицина, доришунослик томонидан

саратонга қарши кўплаб дори-дармонлар яратилипти, уларни бутунлай қор қилмаяпти, деб бўлмайди. Республика халқ табо-бати академияси илмий кенгаши раиси, шу соҳа ичида юрган одам сифатида халқ табобати йўли билан ҳам саратон ва бошқа хавфли касалликларни муваффақиятли даволаш мумкин, деб ҳисоблайман. Чунки ўз тажрибамда ҳам бедаво деб саналган касалликлар билан оғриб тузалганлар мингдан ортиқ...

Минбардан тушгач, сал оширвормадиммикин, деган андиша хаёлидан ўтди. Лекин унинг феъли, табиати шунақа: борини, дангал гапиради. Ишонишмаса, жонли воқеалар, миннатдорчиликлар билан тўлиб бораётган катта-катта дафтарлар гувоҳ...

## ИРОДА ВА УНИНГ ОНАСИ

Маданиятлик (Пахтаобод тумани) Ирода бир-бирларини ёқтириб турмуш қуришган ва шу пайтгача аҳил ва бахтли яшаб келишаётган институтдошлар – рус тили муаллимлари Абдусаттор ва асли марҳаматлик Раънохонларнинг сеvimли тўнғич кизлари. 2003 йилнинг ёзида уни орзу-ҳаваслар билан, ўзлари харидор бўлиб ҳеч қўйишмаган хонадонга узатишди. Куёв йигит келинчакни жуда эъзозлар, унга меҳри-муҳаббати кучли эди.

– 2003 йилнинг ноябрь ойида ҳомилам тушиб, оёқларим оғриб, чапи ишламай қола бошлади. Шунда чов соҳасида тугунча пайдо бўлганини сездим, – деб ҳикоя қилади Ирода Каримова. – Маданият қишлоғидаги шифохонанинг жарроҳлик бўлимига учраганимда Андижон шаҳар Онкология диспансерига йўлланма беришди. У ерда чов соҳасидаги лимфа безлари шамоллаганлигини айтиб, даволадилар. Лекин фойдаси бўлмагач, 4 февраль куни операция йўли билан олиб ташлашди. Шундан кейин лимфа тугунчалари баттар кўпайиб кетди. 1 мартда яна шифохонага ётдим: нур ва физиотерапия муолажаларини олдим, лекин ҳеч қандай самарасини билмадим. Кундан-кунга озиб, иштаҳам бўғилиб борар, ўзимни ёмон ҳис қилардим.

Операциядан кейин, 2004 йилнинг 20 апрелида Ирода қайнота-қайноналарининг хоҳишига биноан ўз уйларига кўчиб келди.

– Хотиржам тузалиб олаверинг, кейин олиб кетамиз, – дейишганди.

Куёвнинг ёш, келишган қайлиғидан кўнгил узолмаётгани сезилиб турарди, лекин ота-онасининг раъйи шу бўлса, у бечора нима қилсин?

Иродага ва унинг ота-онасига эса қизнинг соғлиги зарур эди. Саломатлик яхши бўлмаса...

– Тақдир тақозоси билан менинг бахтимга Оллоҳ Иброҳим акадек инсонни рўпара қилди, – аламли ҳикоясини давом эттиради Ирода. – Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар бошқармасида ишлайдиган укам Масъудбек бошлиғи Козимжон Турдиалиевдан Иброҳимжон Асқаров тўғрисида эшитган экан. Ўша пайтда у Тошкентда экан, бир неча кун кутдик. Иброҳим ака кўриб, бу ҳеч нарса эмас. Сиз албатта тузалиб кетасиз, деб менга тасалли берди.

Онколог шифокорлар онамга «Яхши муҳитда яшаб, тез-тез даволаниб турса, узоқроқ яшаши мумкин, бўлмаса бир йилга ҳам бориши даргумон» деб, бизни жуда оғир тушкунликка тушириб қўйишган эди. Иброҳим аканинг сўзлари менинг ҳаётга қизиқишимни қайтарди. У берган «Мажмуи Раҳмоний», «Аскальций», «Шифои Марҳабохон», «Алқоён», «Алқоман» ва бошқа дори-дамламаларни мунтазам ичиб, олти ойда жуда катта ўзгариш бўлганини сездим. Иброҳимжон ака ҳар сафар Тошкент шаҳридан келганида, мени кўриб, ҳали келажакнинг олдинда, сен албатта ўқишинг керак, деб таъкидларди. Марҳабохон ҳожи онамиз кафтларини очиб: «Йилоҳо, институтларга ўқишга кириб, ниятингизга етинг» деб дуо қилардилар. Уларнинг дуолари ижобат бўлиб, 2004 йили Наманган Муҳандислик педагогика-иқтисодиёт институтига кирдим ва уни битириб, ўша ердаги магистратурада ҳам ўқидим. Ҳозирда Пахтаобод педагогика коллежида молия фанидан дарс бераман. Соғлигим яхши, батамом тузалиб кетганман. Халоскорим, нажоткорим Иброҳим акага Оллоҳдан соғлик, узоқ умр тилайман. Бахтига

уни доим дуо килиб, кўллаб-қувватлаб турган онаизорига ҳам узок умр берсин.

Орадан тўққиз йил ўтди. Қонда ҳар қанча узок турадиган кимётерапия ва нурларнинг ҳам организмда асорати қолмади. Энди Ирода учун ҳамма нарса мумкин. Фарзанд кўриш ҳам...

*Энди Ироданинг онаси Раънохон Каримованинг ҳикоясини ўқинг:*

– Мен 2002 йили ички бўқоқ касали билан оғридим, тез-тез шифохонада даволаниб турардим. 2006 йили Иброҳим ака қизимни даволаётганда ўзимнинг дардимни ҳам айтдим. Уч ой ичида «Алқоман», «Алқоён» дорилари фойда килиб, дарддан батамом хориж бўлдим. Қирқ саккиз ёшимда бачадонимда ўзгариш юз берди, бунда ҳам Иброҳим аканинг муолажалари билан тузалиб кетдим. Ҳозир эллик икки ёшдаман. 2011 йилнинг 16 майида кўкқисдан кўтарилган иситмам тушмай, уч кун ётиб қолдим. «УЗИ»га тушганимда ипомьёма ташхисини қўйишди ва онкология шифохонасига даволаниш учун йўлланма беришди. Лекин мен Иброҳим ака ҳузурига бориб даволаняпман. Биринчи қабулига 9 июнь куни суяб олиб киришган эди. Мана, тўрт ой ичида ўзимни яхши ҳис қиляпман. 15 августдан ишга қайтдим.

Иброҳим акадан ўла-ўлгунча миннатдормиз. Дунё тургунча турсин.

## ҚЎШНИ КЕЛИН

Авваллари Иброҳимжоннинг ҳамқишлоқлари унинг муолажаларига кўпам қизиқишавермас, қабулига келаётган одамларнинг кўплигига ажабланиб қўйишарди.

Улардан бир неча ҳовли нарида турадиган, хонадонга Булоқбошидан келин бўлиб тушган Ферузахон Ҳафизованинг бели 2005 йили кузда бирдан оғриб қолди, еганини ташлар, иситмаси кўтариларди. Туман шифохонасидаги УЗИ аппарати унинг буйраги шамоллаганини кўрсатди.

Муолажалар кор қилмай, бел оғриғи кучайиб борарди. Қўллари шишиб кетди.

Тумандагилар Андижон шаҳридаги Онкология шифохона-сига учрашни тавсия этишди. Ферузахоннинг отаси ваҳимага тушди. Унинг аёли худди шу буйрак касали билан оламдан ўтган эди. Ота қизини бир йўла Тошкентга олиб борди. Тош-МИ клиникасида иккала буйракда ҳам ўсма бор, биттасида бўлса ҳам уни операция қилиб олиб ташлаш мумкин эди, энди ўзинглар томонда даволаниб тураверсин, дейишди,

Иситма ҳам пастлаб-кўтарилишда давом этарди. Феруза-хон Андижон Онкология шифохонасига қатнаб даволана бош-лади.

– Богдасаров деганининг шапалоғи катта – меникига икки баробар, панжалари темирдай қаттиқки, эзиб кўрганида азоб кучайиб кўзимга олам қоронғи бўлиб кетар, уйга кел-ганимдан кейин ҳам бир неча кунгача оғриқ пасаймасди, – дейди жувон ўша уқубатли кунларни эслаб. – Бир куни уй-дагилар «Асқаровнинг олдига, нафи тегаётгандирки, шун-ча одам келяпти, сиз ҳам бир учраб кўраверингчи», дейишиб колди. Ҳолсизлигимдан қабулхонасига боришга ярамас эдим, ҳовлиларига чиқдим. Аҳволим шу даражада оғир эдики, доим кўнглим айниб, қон босимим икки юзга чиқиб кетар, ўзимни умуман бошқаролмай қолардим. Иброҳимжон ака берган «Ши-фои Марҳабохон», «Мажмуи Раҳмоний» деган дамламаларни ичишни бошлашим билан буйрагимда илиқлик сезилиб, оғриқ кундан-кунга пасайиб, қўл-оёғимдаги шишлар ҳам қайта бош-лади. Тўрт ойда қайта компьютер томограмма қилишганда қирқ саккизу қирқ икки миллиметрлик ўсимта ўн биру ўн милли-метрга тушиб қолганини билиб, ўзлари ҳам ҳайрон бўлишди. Мана, олти йилдирки, Худога шуқр, соппа-соғман.

## ХОНАДОНДАГИ ГУРУНГ

Марҳабохон хожи ая билан, кексалик қаддини бир оз бук-кан бўлса-да, тетик, чехрасидан нур ёғилиб, сўзларидан бол томиб турадиган оқ рўмолли фариштамисол бу мўътабар она

билан суҳбатлашсангиз, олимдаги фазилатлар сирининг тагига етгандай бўласиз.

Иброҳимжон ўзи яратган дамлама, озиқ-овқат кўшилмалари ва бошқа дори-дармонларга анъанага кўра ўз исми-фамилиясининг бош ҳарфларини кўшган ҳолда ном берган. Масалан: Аскальций, Асшифо, Астош ва ҳоказо. Баъзилари отаси ва онасининг тўла исми билан аталади: «Мажмуи Раҳмоний», «Шифои Марҳабохон»... Мен дастлаб шу атамаларга «...ий», «...хон» кўшимчалари шартмикин, уларни ўшаларсиз талаффуз этиш ихчамроқ, қулайроқ-ку, деб ўйлагандим. Иброҳимжоннинг ота-оналарига меҳри, иззат-икромига гувоҳ бўлиб, Марҳабохон ая билан сўзлашгач, фикримдан қайтдим, бу улуғ инсонларни мазкур кўшимчаларсиз, тоқ аташ чиндан-да дуруст эмас экан.

– Болалигида шўх эди, лекин ақлли шўх, беозор эди, – дейди ҳожи ая оналарча фахр билан. – Яхши бола бўлган. Ўзи беш ёшидан опасига эргашиб мактабга бордию, бувимга (яъни Марҳабохон аянинг онаси, Иброҳимжоннинг катта онаси – Қ.Қ.) «Мени дуо қилинг, каттабуви, яхши баҳолар олиб келай», дерди. Бувим жуда ҳайрон қолиб, «ҳай, Марҳабо, бу болангдан бир ажойиб хислатли одам чиқади-да, дуо сўрашини қара, дуо сўрашни ҳозир катталар ҳам билишмайди», дерди. Худога шукр, бувимни башорати тўғри чикди, қанча-қанча дардманларни даволаб, савобга дохил бўляпти. Ҳаммасидан, меҳрибонлигини айтинг, уйда бўлса, бир пиёла чойни менсиз ичмайди. Дуо сўрашни ҳалиям қанда қилмайди. Касаллар уйимизга ҳам келиб туришади. Уларни кўришдан олдин ҳам Иброҳимжон менга «қани буви, бир дуо қилинг», деб, кейин иш бошлайди. Илойим сендан нажот излаб келганлар ноумид кетишмасин, деб дуо қиламан. Асли ўзи Иброҳимжон отасининг дардига даво истаб, мени дардларимга даво истаб шунақа табиб бўлиб кетди. Кечалари бир-икки ухлаб туриб қарасам ҳам хонасида чирок ўчмайди. Шунақа ишлайди бечора. Жуда хавотирланаман, жоним шу боламнинг ичида.

Бу сўзлар беихтиёр Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг Асқаров тўғрисидаги достонини эслатиб юборади. Унда

ҳам шундай сатрлар бор, демак, бу – онаизорнинг энг севган ва кўп такрорлайдиган ибораси.

– Мен ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, – таъкидлайди Иброҳимжон, – катта бувим, отам ва бувимнинг дуоларидан, акамнинг кўмаги, тарбиясидан деб биламан.

Бу ҳисобга «профессор Аскарлов»нинг кўлидан шифо топаётган юзлаб, минглаб кишиларнинг (хасталарнинг дуолари ижобат бўлади, дейилади ҳадисларда) тилакларини ҳам кўшмоқ керак.

Иброҳимжон яккаю-ягона тоғасини ҳам энг азиз, энг улуг яқинларидан кам кўрмайди. Тоғанинг ҳам оқибатли жиянга ихлоси, эътиқоди баландлиги ибратомуз.

Жиянларига меҳрибон-ғамхўрлиги, қариндошпарварлиги учунми, Марҳабохон опанинг дуолари сабабми, Парвардигор Муҳаммаджон акани ҳам ёрлақайди. Етти фарзанд – беш ўғил, икки қиз ато қилди, лекин у Иброҳимжонни тўнғич ўғлидай кўради, бир иш бошламоқчи бўлса, албатта у билан маслаҳатлашади. Яратган эгам Иброҳимжонни ҳам ниятига етказди – ўзидан, оила-рўзгор сарф харажатларидан ўзиниб бошқаларга хайр-харж беришга ҳам қодир қилиб қўйди. Тоғасидан тез-тез хабар олиб туради. Муҳаммаджон ака опаси ва жиянини йўқлаб бот-бот келади. Ҳар кўришганда Иброҳимжон тоғаси «ҳай-ҳай»лашига қарамай, унинг чўнтагига беш-ўн сўм пул солиб қўяди – бир кунда икки марта учрашишса, иккала сафар ҳам.

– Қўй, боя бердинг-ку, укам, – дейди ҳожи ака жиянининг кўлини қайтаришга уриниб.

– Э, сизнинг бизга қилган яхшиликларингиз, ёрдамларингиз олдида меники дарёдан томчи, ака, – дея оғасини бағрига босади Иброҳимжон. – Ўша оғир пайтларда сиз бўлмасангиз, ё ковоқгирлик қилиб турганингизда биз нима қилардик, кимларга саргайиб юкинардик? Сиз мени ҳам тоғам, ҳам акам эдингиз, энди отам ҳамсиз. Сизнинг олдингиздаги қарзларимни ҳеч қачон узиб тугатолмайман.

Биология ўқитувчиси бўлган Муҳаммаджон аканинг (у бу соҳада қирқ уч йил ишлаб нафақага чикқан) Иброҳимжоннинг

илмга кизикишига ҳам таъсири катта эди. Хизматлари, ёрдамлари деганда у шуни ҳам назарда тутарди.

– Унақа дема, ука, – жиянининг елкасига қоқади киприкларига ёш сизган хожи ака. – Мен нима қилган бўлсам, оддий бурчимни бажарганман. Мана, сен етук олим, яхши инсон бўлиб етишдинг, мен шунга хурсандман. Қолаверса, сендан жуда миннатдорман.

Муҳаммаджон ака ҳозир маҳалладаги энг обрўли оқсоқоллардан. Унинг олдига маслаҳат ё кўмак сўраб кўп одам келишади.

«Ким ним деса, яхши, фикрлашамиз, денг-да, менга айтинг», деб таъкидлаб туради Иброҳимжон.

Тоғаси бирон ночорроқ оилага моддий ёрдам зарурлигини шаъма қилса, Иброҳимжон дарҳол «Манавини ўшаларга беринг», деб бир сиким пул узатади.

– Шунақа гап чиқиб қолса, ўлим-йитимларда нимага зориқишса, масалан, ғассолни ё гўрковни рози қилишми, бошқа ҳожатми, «Мана, мен кўтараман», денг-да, дарров менга айтинг ё одам жўнатинг. Сира тортинманг, ака, мени фақат кўнглим ёришади.

Муҳаммаджон хожи ака 2010 йили 80 ёшга тўлди. Иброҳимжон «Кўнгил яқинларга ёзиладиган дастурхон сарфхаражати менинг бўйнимга», деган эди, тоғанинг ўғиллари кўйишмади.

– Бизни хижолат қилманг, ака (жиянлар ҳам анъанага кўра Иброҳимжонни шундай аташарди), беш ўғил турибмиз-а, эшитганлар нима дейди?

Дарҳақиқат, беш ўғлон, икки қизнинг ҳаммаси олий маълумотли, жамиятда ўз ўрнига эга. Иброҳимжон уларни етаклади, қаддиларини тутиб олишларига баҳоли қудрат кўмаклашди.

Иброҳимжон тоғасини ўзларининг чорва фермасига бошлаб борди.

Кўрада йигирматача кўчкор боқувда эди.

– Шулардан энг зўрини танланг, – деди жиян.

Ҳожи ака каловланди.

– Кўнгилдан чиқариб айтяпман. Издаҳом мендан десам, укаларим унашмади. Ҳеч бўлмаса гўштини мен кўтарай, – деди



Иброҳимжон ва чўнтагидан бир бойлам мингталиқ чиқарди. — Манови ўзингизнинг майда-чуйда сарфларингизга.

Ўз ҳимматидан ичи чиқмаган жиян катта ўғли Нодирбекка пул берди.

— Бозорга борасан, беш кило хандон писта, беш кило бодом — энг яхшисидан олиб, акамларникига ташлаб қўясан.

Тоғанинг кўзларида яна ёш милтиллади.

— Поччам — Раҳмонжон ака ҳам валломат одам эди, — дейди Муҳаммаджон ака, — қўли очиқ, саховати бисёр эди. Одамларга жуда раҳмдил, камбағалпарвар... Қамалишига ҳам худди шу хислатлари сабаб бўлган. Колхозда омборчилигида ким нима сўраса, ариза-париза талаб қилмай, маслаҳатлашиб ҳам ўтирмай, бериб юбораверарди. Буғдой воқеасида ҳам шунақа бўлган. Иброҳимжоннинг баъзи феъллари, айниқса, ҳимматлилиги раҳматлик поччамга ўхшайди. Беморларни даволаши, бошқа хайрли ишларини қўйинг. Бир неча йилдан бери бир иш қилади — бунақасини мен кўрмаганман ҳам, эшитмаганман ҳам: ҳар йили рамазон ва қурбон ҳайитлари арафасида катта бир новвосни сўйиб, гўштини ўзи яшаётган кўчадаги 114 хонадонга етганича улашиб чиқади. Одамлар ҳам бунга шунақа ўрганишибдики, мабодо бирон дарвоза берк бўлиб, беришолмаса, эртасигами, индинигами, ўша ҳовлидагилардан бири опамларникига келади: гўшт тарқатилганда биз йўқ эканмиз, деб. Иброҳимжон шунақа чиқди. Мени бешта ўғлим бор, ҳаммаси яхши, аммо жияним бўлакча... Умрини берсин...

— Лекин акам мени нуқул исрофгарсан, деб койийди, — деди Иброҳимжон кулиб.

— Ҳа, тўғри, — тасдиқлайди ҳожи ака жиддий тортиб. — Пулни баъзида сочгандай харжлайди-да. Қанақа қийин кунларни, оғирчиликларни кўрмадик. Топганига барақа берсину, сал тежаб-тергагин, дейман-да.

Бироқ агар табиатида зикналиқ бўлганида болалигида, ёшлигида (кейинроқ ҳам) кўп муҳтож бўлиб зорикқан нарсасини беаёв сарфламасди.

Айтишларича, амакилари Муқимжон ва Қодиржон акалар ҳам шунақа дангал, шатир одамлар бўлган экан. Умуман

Иброҳимжоннинг қариндошлардан ҳам омади келган. Она авлодида ҳам олижаноб инсонлар кўп. Бу ҳақда гап кетганда кўз олдига дарҳол Қобилжон ва Мадаминжон акалар келади: улар ҳам жуда ҳимматли, олижаноб, илмпарвар кишилар эди.

## Х О Т И М А

2011 йилнинг баҳорида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда университет ташкилотчилигида «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш муаммолари ва истиқболлари»га бағишланган 2-Республика илмий-амалий анжумани бир катор масалаларга ойдинлик киритди.

Мавзу Иброҳимжон Асқаров (Т.Рисқиев билан ҳамкорликда) яратган янги фанга оидлиги боис, йигинни университетнинг умумий кимё кафедраси мудири, профессор Асқаровнинг бошқариши табиий эди.

Тошкент Кимё-технология институти кафедра мудири, кимё фанлари доктори, профессор Ғофиржон Ҳамроқулов, Фарғона политехника институти кафедра мудири, кимё фанлари номзоди, доцент Абдулазиз Намозов, Тошкент Кимё-технология институти доценти, божхона хизмати генерали Собит Алимбоевларнинг маърузаларида юқоридаги ихтисослик асослари ва йўналишларидан келиб чиқилган ҳолда «Сифатни бошқариш йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш – давр талаби», «Алкоголсиз ичимликларни кимёвий таркиби асосида қалбаки ичимликлардан фарқлаш омиллари» тўғрисида гап борди. Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси марказий божхона лабораторияси бошлиғи, кимё фанлари номзоди, доцент Бахтиёр Абдуғаниевнинг «Ташқи иқтисодий фаолиятда товарлардан божхона тўловларининг ундирилишида уларнинг кимёвий таркиби асосида синфлашнинг аҳамияти» мавзуидаги маърузасида ғоят характерли далиллар ва рақамлар келтирилди.

– Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ)да давлат бошқаруви икки хил усул билан, яъни тарифли ва нотариф йўл билан бошқарилади, – дейди маърузачи. – ТИФнинг тарифли ёки нотариф йўл билан бошқарилишида ҳар қандай талаб товар коди асосида, жумладан божхона расмийлаштируви учун товарга нисбатан ҳужжатлар талаб қилиниши, товарнинг мажбурий сертификацияланиши, квоталаниши, лицензияланиши, экспорт, импорт ёки транзитнинг тақиқланиши, тўлов турлари ва уларнинг миқдорларини белгилаш ва бошқалар фақат биргина мезон – товарнинг ТИФ товарлар номенклатураси (ТН) бўйича коди асосида амалга оширилади.

Демак, божхона нозири товарга қўйилган коднинг тўғрилигини назорат қилиш билан тўловлар ундирилишининг қонунийлигини таъминлайди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъекти томонидан импорт қилинаётган бўёқлар 321000100 ТИФ ТН коди билан расмийлаштирилган. Ушбу кодда мойлар асосидаги бўёқлар классификацияланади. Хадича Сулаймонова номидаги суд экспертизаси билан Марказий божхона лабораторияси ҳамкорлигида бўёқнинг кимёвий таркибини ўрганиш натижасида, бўёқ алкид лак асосида тайёрланганлиги аниқланиб, унинг тўғри ТИФ ТН коди 320810900 эканлиги юзасидан ҳулоса тайёрланди. Натижада давлат бюджетига қўшимча 1,07 млрд.сўм маблағ ундирилди.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъекти томонидан сигареталар ишлаб чиқариш учун «фильтровые палочки» товарлари ТИФ ТНнинг 481310000 коди билан классификацияланиб импорт қилинган. Марказий божхона лабораторияси томонидан ўтказилган экспертиза натижасида ушбу товарнинг ТИФ ТН коди 5601229900 эканлиги аниқланиб, давлат бюджетига қўшимча 30 миллиард 79 миллион сўм божхона тўловлари ундирилди.

Шу тариқа хўжалик субъектлари томонидан кодлари нотўғри расмийлаштирилган «Заменитель молочного продукта», «Сухое молоко», «Сухие сливки Классик леди» (135,1 млн сўм), «Суперпенообразователь» (12,8 млн сўм), полимердан

тайёрланган клейлар учун қўшимча 73 млн сўм маблағ давлат бюджетига ўтказилган. Бундай ходисалар эса божхона ва унинг лабораторияси фаолиятида тез-тез рўй бериб туради. Ана шу рақамлар ва ҳолатлардан янги ихтисосликнинг мамлакат иқтисодига қанчалик манфаат етказаяётганини англаш қийин эмас.

Абдулазиз Намозовнинг маърузасида келтирилган далиллар эса, бевосита инсон саломатлигига дахлдордир. Қисқаси, товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш йўли билан қарийб барча товар ва маҳсулотларнинг давлат ғазнасига ва халқ манфаатига фойдали ёки зарарлигини, мамлакатимиз халқ хўжалиги, жумладан саноатининг ривожига, эл-юрт фаровонлигига ижобий ёки салбий таъсирини аниқлаш мумкин. Демак, чет эллар билан алоқаларимизнинг мустақамланиши, муносабатларимиз самимийлиги, ҳамкор-шерикчилик истикболлари, экспорт маданияти, тадбиркорлик маънавияти ва адолати борасида қандай таассурот уйғотишимиз хорижга юборажак маҳсулотларимизнинг таркиби, сифатига ҳам боғлиқ.

Айни вақтда юқоридагидай кирдикорлар ва далиллар, мулоҳазалар хориждан кириб келадиган маҳсулотларга ҳам тўла тааллуқли бўлиб, бунга ҳам салбий мисоллар кўп эди.

Демак, Иброҳимжон Асқаров ғояси билан яратилган янги фанни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий вакили, йирик олим Жеймс Шавер бежиз қўллаб-қувватламаган, бу ихтисосликни дунё илм аҳли бежиз эътироф қилмаган. Фанлар ихтиро этилган мамлакатлар саноғи, салмоғида эса жаҳоннинг энг йирик ва кудратли давлатлари – Англия, Швеция, Россия, Италия, Германия, АҚШ, Франция, Австрия, Нидерландлар... 20 аср – икки минг йил давомида қарийб 230 мамлакат орасида кимё соҳасида фан яратилган бор-йўғи ўнтагина давлатнинг ва бор-йўғи йигирматагина ихтисосликдан биттасининг ватани, не бахтки, мустақилликка эришганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмаган, аммо тетапоялигиданок ривожланишга юз тутган ва аслида табиий фанларнинг буюк кашфиётчилари, дарғалари юрти Ўзбекистондир!

Нақадар шарафли бу!

Накадар фахрли!

Ҳа, фаннинг юзага келиши ғоятда камёб ҳодиса ва ҳамма элга, ҳамма олимга насиб қилавермайдиган ноёб бахт! Кимёга оид ихтисосликлар жадвалида Дальтон, Бойл, айникса, Ломоносов деган фамилия ярқираб кўринади.

Ломоносов! Накадар машҳур, накадар жарангдор ном! Бутун оламнинг органик ва неорганик ўсишлардан иборатлигини таъкидлаган, материя ва ҳаракатнинг сақланиш қонунини кашф этган, илмий асарлари Россия ва бутун дунёдаги фанларни янги ғоялар билан бойитган физик, кимёгар, механик, фалакиётшунос, жуғрофий олим! Ўзингизни у билан бир маросимда тасаввур қилиб кўринг-а, сизни тушуниксиз ҳаяжон чулғаши, олимнинг сири, салобати босиши турган гап.

Йиғинларда ёнма-ён, издаҳомларда елкама-елка ўтирган ва жуда оддий, бошқалардан кўра ҳам сипорок, одмирок кўринадиган танишингизни, юртдошингизни (агар кадрдонингиз бўлса-ку, кўяверинг!) рўйхатларда, қомусий китобларда Ломоносов ва Дальтон ёки Бойл, Полинг, Шредингер каби фан даҳолари билан бирга эшитиш, ўқиш накадар ёқимли! Шундай инсон билан миллатдош, шундай ихтирочи билан ватандош, шундай олим билан замондош бўлганлар ўзларини бахтиёр санасалар, ҳар қанча ғурурлансалар арзийди, ўзларини ўша зуваласи пишиқ зотнинг хизматлари, шарафига шерик ҳисобласалар биров айб санамайди. Ҳа, бундай одамлар ўз халқи-элининг юзи, эътибори, илму фани нуфузи, шон-шавкати, мамлакати таянчи ва ифтихоридир.

Шу маънода таниқли тарихчи ва бобуршунос Сайфиддин Жалиловнинг ўша анжуманда айтган «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, биз ҳамжамоамиз Иброҳимжон амалга ошираётган илмий-ихтирочилик ишларининг шу қадар кўламдор ва қимматли эканлигига жиддий эътибор бермай юрар эканмиз, мен бугун профессор Асқаровни ўзим учун қайта кашф этдим», деган гаплари бошқа кўплаб сафдошларнинг эътирофи сифатида ҳам янгради-ёв!

Катта олим ва мўътабар инсоннинг бу иқрори гарчи самимий, қувноқ оҳангда ифода этилган бўлса-да, унда ҳақиқатнинг

катта бир қисми бўйинини қисиб турарди. Андижонда, балки Асқаров ишлайдиган ушбу даргоҳнинг ўзида ҳам унинг ёнидан кун-кун ора бепарво ўтиб юрадиганлар бўлиши мумкин-да. Ахир фахрланишга асоси йўқ, асоси бўлса-да, фахрланиш туйғусидан маҳрум кимсалар кам дейсизми бу хою-хаваслар тўла кемтик дунёда!

Қадимги юнон файласуфи Демокрит «Битта илмий исботу далилни қўлга киритиш мен учун бутун Форс салтанатига ҳокимлик қилишдан аълороқдир», деган экан. Асқаров бир илмий исбот эмас, ўнлаб ихтиро ва икки фанга асос солган каш-фиётчидир.

Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш ихтисослигининг кимё ва техника фанларидан илмий даражалар ҳамда илмий унвонлар беришга ҳам мўлжалланганлиги унинг илмий-маънавий киррасидир. Ҳозиргача профессор Асқаровнинг илмий раҳбарлигида ўн иккита иқтидорли олим фан номзодлиги ва докторлиги бўйича диссертациялар ёклаган бўлса, уларнинг айримлари янги ихтисослик билан боғлиқдир. Жумладан, соҳа бўйича биринчи фан доктори Курбонқул Каримқулов (Олий Ҳарбий Божхона институти)нинг мавзуи «Пахта толаси ва унинг чиқиндиларини кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» (унга Россия, Белоруссиялардан келган фикрнома-тақризларда янги фанга юксак баҳо берилган) эди. Абдулазиз Намозов «Алкоголсиз ичимликларни кимёвий таркиби асосида сертификатлаш муаммолари», Бахтиёр Абдуғаниев «Нефт ва нефт маҳсулотларини кимёвий таркиби асосида таснифлаш муаммолари» мавзуларидаги докторлик илмий ишларини ниҳоясига етказиш арафасида.

Асқаров хонадонидagi кутубхонанинг, бу хазинанинг бой ва ранг-баранглиги – кимёга, умуман илм-фанга, замонавий тиббиёт ва доришуносликка, халқ табobati ва бошқа соҳаларга оид китоблар, шунингдек, бадий адабиётларнинг кўп ва хўплиги кишида мана шундай илм ва маърифат уммонида сузган олимнинг бошқаларга аён бўлмаган дуру гавҳарлар топишига ишонч ҳосил қилиши шубҳасиз. Жавонларни безаб турган илм ва завк

манбалари орасида қаҳрамонимиз муаллифлигидаги китобларни кўриб, унинг яна бир борадаги – китоб, рисола битиш, мақолалар ёзиш бобидаги тезкорлиги, маҳсулдорлигига, мезонни, мавзу ва йўналишларни замон талаби ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда танлашига ҳам ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. 70 та (энг сўнггиси Ўзбекистон қаҳрамони, шахрихонлик кимё муаллими билан ҳаммуаллифликдаги «Кимё асослари» деган жуда салмоқдор кўлланма) китоб, вақтли матбуотда ёритилган 600 дан зиёд мақола айтмоққа ҳам осонмас! Тўғри, уларнинг аксарияти ҳамкорликда юзага келган, ammo бу далил китоб ёзишга кетган вақт, қувватни камайтириб айтишга асос бўлолмайди, зеро, кўлланма ва дарсликларнинг ё бошқа рисодаларнинг асосан Аскарлов гоёси, ташкилотчилигида ва бевоқифта иштирокида қоғозга туширилганини эътибордан соқит қилиш мумкин эмас.

Ҳар саҳифасида моддаларнинг тузилиши, бирикishi ва бошқа ўзгаришларни ифодаловчи ўнлаб мураккаб реакция формулалари, масалаларни, фанга оид кўплаб назариялар, қонунларни ҳаётий мисоллар билан асослаш, тасдиқлаш асосида ўқувчибопроқ – енгилроқ, соддароқ изоҳлаб, шарҳлаб берувчи китоблар яратиш муаллифдан қанчалик зақоват, сабртоқат талаб этишини англамоқ учун кимёнинг ўта сертармоқ, ўта илмий ва ўта поёнсизлигидан озми-кўпми хабардор бўлмоқ зарур.

Аскарловнинг, ўз эътирофича, қатта ихлос ва ҳафсала билан, қониқishi билан ёзган китоблари – 1996 йилда чоп этилган «Органик бирикмалар номенклатураси ва изомерияси» ўқув кўлланмасида номенклатура (номлаш) усуллари ҳамда изомерия ҳодисаларининг (таркиби бир хил кимёвий моддаларнинг тузилиш жиҳатдан ҳар хиллиги) ҳозирги замон органик кимё фани ютуқлари асосида баён қилинганлиги, «Производные ферроцена» («Ферроцен ҳосилалари», 1999 й.) монографиясининг 600 дан ортиқ илмий манбани ўрганиш, қоғиштириш натижасида юзага келганлиги фикримизнинг далилидир.

Ўрта мактабларда ўқитиладиган умумий ва анорганик кимё дастурига кўра ёзилган «Анорганик ва умумий кимё-

дан масалалар ечиш» (1995 й., М.Қаюмова ва Х.Раҳимов билан ҳаммуаллифликда) номли кўлланмада кимёвий масалалар ечишга оид услубий кўрсатмалар, умумий ва аорганик кимёнинг асосий бўлимларига доир масалалар, ҳар бир бўлимда эса айна бўлимга тааллуқли масалаларни ечиш усуллари баён этилган.

Яна шуни инобатга олиш керакки, жуда долзарб, ҳажман ва мазмунан салмоқли мазкур асарлар муаллиф ниҳоятда масъулиятли, ўта банд вазифада – божхона лабораториясининг бошлиғи ёки умуман божхона тизимида ишлаётган пайтларда ёзилган. Демак, Асқаровнинг қалбида ўз касби, соҳасига бўлган кучли меҳр-муҳаббат ҳар қандай вазиятда барқарор сақланган, олим ўзининг аввало кимёгар-педагог, тадқиқотчилигини ҳаёлидан асло фаромуш айламаган.

Иброҳимжоннинг китоб, рисоаларини лоақал варақлаб кўрган кишида олимнинг минглаб кимёвий формулаларни ёд билгани тўғрисидаги эҳтиросли гаплари сира маҳобат эмаслигига, унинг москвалик атоқли кимёгар олимларни, Ихтиролар ва кашфиётлар кўмитасининг йирик мутахассисларини тан бергизганига шубҳа қолмайди.

Айни чоғда, муаллифдошлар билан ҳамкорликда, ўзлари яратган ихтисосликларга доир «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш ҳамда божхона тўловлари» (2003 й.), «Божхона тизимида бошқарув асослари» (2002 й.), «Божхона ҳуқуқи» (2004 й.) сингари ўнлаб дарслик ва кўлланмалар профессордаги қизиқиш ва иқтидор кўламининг, илми ва фикр доирасининг тиниклигини, кўл урган ҳар бир соҳасига унинг ўзига хос хусусиятларидан, талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, катта масъулият билан ёндошганини кўрсатади. Энг муҳими, бу асарлар ҳам шунчаки ўқиб маълумотга эга бўлиш учун эмас, балки соҳа мутахассисларига, умуман давлат ва халққа муайян манфаати тегадиган йўл-йўриқлар, мулоҳазалар, таклифларга бойлиги билан ҳам аҳамиятли ва қимматлидир.



**КАШФИЁТЧИ, ИХТИРОЧИ, ТАБИБ БИЛАН  
СУҲБАТЛАР**

*Биринчи суҳбат*

**ЭНГ ҲАЁТИЙ САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР**

– Дорихоналар кўлайган сари касаллик ортяптими ёки аксинча, касаллик ортгани учун дорихонлар кўпайяптими? Масалан, Андижонда илгари бор-йўғи 5 та дорихона бор эди, лекин бирортасида навбат кутилмасди. Ҳозир шаҳарда юздан ортик дорихона бўлса керак, ҳаммаси гавжум, ҳаммаси тирбанд. Одамларимизнинг дорига шу қадар ружу қўйишлари сабаби нимада деб ўйлайсиз?

– Аввало бунда дорихоналарнинг манфаати бор. Чунки бугунги кунда дори савдосининг ҳам бизнесга айлангани ҳеч кимга сир эмас. Рекламаларнинг кўплиги шундан. Реклама – том маънодаги рақобатларнинг ошкора ифодаси, рекламанинг кучи, сири бекиёслигини тан олиш керакки, одамларимиз гўшт олиб емаса емаяпти, аммо дориларга ружу қўйяпти. Бу, албатта, кимёвий-синтетик дориларнинг салбий таъсирини билмаслик, тиббий савиянинг пастлиги оқибати. Ҳатто табиий спирт билан синтетик йўл билан олинган спиртнинг ҳам жуда катта фарқи бор. Синтетик спирт, умуман кимёвий препаратлар жигар, буйрак, талок, ошқозон ва бошқа аъзоларга салбий таъсир қилади. Кўпчилик буни билишмайди. Чунки рекламада дори-дармоннинг фақат ижобий жихатлари кўкларга кўтариб мақталади, тарғибу ташвиқ этилади. Масалан, оддий табиий муоложа билан даволанадиган тумов учун ҳам дорихонага югуришяпти. Албатта, ҳамма кимёвий дорини зарарли деб бўлмайди, лекин ҳарқалай, зарарли хусусияти бўлмаган кимёвий дори кам.

– Касалликнинг кўпайиши борасида «яшаш тарзи» деган нарсани рўқач қилишадн. Шу ҳақдаги фикрингиз.

– Яшаш тарзи – одамларнинг тутуми, озиқ-овқат танлаш, шарт-шароит, муҳит ва ҳоказо демак. Масалан, экологик муҳитнинг бузилиши, жумладан, Орол денгизининг куриб бориши оқибатида атрофга – бутун мамлакат (ва қўшни давлатлар) ҳудудига чанг-тўзон билан бирга туз кукунларининг учиб-тарқалиши кўпгина касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлаётганини бугунги кунда бутун жаҳон олимлари, шифокорлари тан олишмоқда, хавотирга тушишмоқда. Лекин касалликларнинг фақат кўпаяётгани тўғрисидаги фикрлар унча тўғри эмас. Жиддий касалликлар, масалан қоқшол, қизамик, безгак сингари инсон ҳаётига хавф солувчи бир қатор хасталиклар деярли батамом бартараф этилди ёки олди олинапти. Бунда замонавий тиббиётнинг хизмати катта, албатта. Саратон – жигар куриши, бош мия ўсмаси, кўкрак беши каби касалликларнинг кўпайиши эса диагностика – ташхисни аниқлаб берувчи тиббий ускунларнинг такомиллашиши билан ҳам боғлиқ. Гап шундаки, авваллари мазкур касалликларнинг кўпи яхши аниқланмай, бошқа ташхислар қўйиларди. Ҳозир ЯМР (ядромагнит резонанси), компьютер-томограмма каби аппаратлар ривожланиб, ҳар қандай хасталикларга аниқ ташхис қўйишга мислсиз ёрдам берапти.

– Табобатда (ҳадисларда ҳам) нуқул «кам е...» дея таъкидланади. Пол Брегг дегани ҳам очликни тавсия қилади. Бўш қоп тик турмайди, деганларидек, дурустроқ овқат ейилмаса, одам куч-қувватни қаердан олади? Масалан, гўшти ҳам мумкин қадар чеклаш тўғрисида кўп гапиришади. Ўзи, одамларнинг аксарияти кам қон бўлса...

– «Кам е» деб ҳаммага эмас, овқатхўрларга айтилади. Тўғри, очлик билан даволаш амалиёти, тажрибаси жаҳон табобатида бор, бир қанча касалликлар шундай йўл билан шифо топиши аниқланган. Лекин бу усул ҳали жуда оммалашиб кетгани йўқ. Қолаверса, очлик билан даволашни ҳамма дардга нисбатан ҳам қўллаб бўлмайди. Аввало, тананинг, организмнинг ўзига хос хусусиятлари, мизожни эътиборга олиш керак. Албатта, орга-

низм керакли озиқ-моддаларни, куч-қувватни овқатдан олади, аммо меъёрдан ортиқ овқат танага ҳам, юракка ҳам, умуман организмга ортиқча юк бўлади, куч келади. Бироқ сил, ўсма, ошқозон яраси (бунда оз-оздан тез-тез овқатланиш зарур) каби хасталикларга очлик тавсия этиш мутлақо мумкин эмас.

– Ота-боболаримиз кўй гўштини кўп истеъмол қилишган, лекин жуда кам оғришган, қон босими деганиниям билишмаган. Қисқаси, чеклов кўп. Ҳатто овқат билан саломатлик бир-бирига зид тушунчаларми, деган хаёлга ҳам бориб қоласиз.

– Нотўғри. Умуман олганда, ҳар қандай овқат мизожга қараб танланиши ва истеъмол қилиниши лозим. Кўй гўшти тўғрисидаги фикрлар (масалан, холестерин тўплаши) нисбий гап. Тўғри, холестерин организмда қон-томир деворларини қалинлаштиради, бу эса қон ҳаракати, оқимининг сусайишига олиб келади. Аммо кўй гўштини еб, орқасидан кўк чой ичиб юрса бўлаверади. Қолаверса, организмга холестерин ҳам зарур, фақат унинг ҳам меъёрдан ошиб кетишига йўл қўймаслик керак.

– Ота-боболаримиз яна кўй ёғини, сарёғни кўп ишла-тишган. Улар ёғ еб, яланғоч ёт деган мақол ҳам тўқишган. Ҳозир нукул хайвон ёғига ёпишишгани-ёпишишган. Шу ҳақда нима дейсиз?

– Яна такрорлашга тўғри келади – бундай тақиқлар ёки тавсиялар ҳаммага бирдай мос, тўғри келавермайди. Одам иккита муҳим нарсани жуда аниқ билиб олиши ва доимо шуларга риоя қилиши лозим: ўз мизожини ва меъёрни, яъни нимани, қанча ейиш мумкин? Бу борада албатта ота-боболаримиз биз каби пала-партиш бўлишмаган, тўғриси, у даврларда озиқ-овқат турлари ҳам, тўй, маърака-маросим ҳам, байрам (туғилган кунлар) ҳозиргичалик кўп ва оммавий эмас эди. Яна, иқлимни ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Масалан, салқин табиатли ҳудудларда организм кўй ёғини (гўштини ҳам) кўтараверади. Иссиқ ўлкаларда эса оғирлик қилади. Ҳар қандай иқлимда, шароитда ҳам ёғ, гўшт билан бирга ҳар турли мевалар ейиш овқат ҳазмига ва организмдаги мувозанатни сақлашга ёрдам беради.

Кейин гўшт-ёғни ортиқча тузлашдан, умуман таомни тузлироқ ейишдан сақланиш керак. Қон босими кўтарилишининг асосий сабабларидан бири буйракда тузнинг кўпайишидир. Шунингдек, хавфли ўсма касаллиги билан оғриган кишиларга кўй ёғи, умуман ҳайвон ёғи тақиқланади. Чунки бундай касалликларнинг овқати – ҳайвон ёғи.

Қисқаси, менинг фикримча, соғлом кишилар ҳам вақти-вақти билан кўй гўшти, кўй ёғидан меъёрида истеъмол қилиб туришлари мақсадга мувофиқдир.

– Кўп касалликлар организмда модда алмашинуви бузилишидан келиб чиқади ҳам дейишади. Шунинг билан бирга, халқонароқ изоҳлаб берсангиз ва модда алмашинуви бузилмаслиги учун нималарга риоя қилиш керак?

– Мизожнинг иссиқлик ёки совуқлик томонга кескин ўзгариб қолиши, организмга керакли моддалар ҳазми жараёнининг издан чиқиши – модда алмашинувининг бузилиши демак. Масалан, мизожи совуқ бемор минерал сув ичса, ўти димланадиган одам ҳамир овқат еса, аҳволи баттарлашади. Қондаги муҳит РН 7,36 га<sup>1</sup> тенг бўлади. Бу кучсиз ишқорий муҳит дега ни. Мана шу муҳитнинг кислотали ёки ишқорли томонга бурилиши модда алмашинувининг бузилишига олиб келади. Халқ табобатида қон муҳитини овқатлар ёрдамида тартибга солишга асосий эътибор қаратилади. Кимёвий дорилар воситасида ҳам бу жараён ўзгаради, ўнгланади, лекин бу вақтинча бўлиши эҳтимол. Яъни, бизнинг кузатишларимиз, тажрибаларимизга кўра, совуқ мизожли беморларга совуқлик овқатлар, иссиқ мизожли беморларга эса иссиқлик таомлар буюриш ножоиздир. Шунингдек, боши оғриганки одамнинг аналгин ёки цитрамон ичиравериши ҳам мумкин эмас. Модда алмашинуви бузилмаслиги учун ҳам киши ўз мизожини яхши билиши лозим. Кимгадир совуқ сув, кимгадир иссиқ чой ёқади. Кимдир қора чой билан хузур қилади, кимдир кўк чой билан... Мизожни ростлаш учун доғ сув ичиш мақсадга мувофиқ, бу модда алмашинувининг изга тушишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

---

<sup>1</sup> Қондаги водород кўрсаткичи. Айнан шу нарса мизож аломатидир.

– Баъзи шифокорлар беморга янги чиққан, анча-мунча одамнинг қўли, бўйи чўзилиб қоладиган даражада қиммат дориларни ёзиб беришади, баъзилар эса эски, синовдан ўтган дорилар маъқул, ҳам илгаригиларга нисбатан кам ҳийла аралашган, дейишади. Бу қарашларга қандай қарайсиз?

– Бугунги кунда кимё, фармацевтика ва бошқа фанларнинг шиддат билан ривожланиши минглаб кимёвий, синтетик бирикмаларнинг доривор моддалар сифатида ишлатилишига сабаб бўляпти. Аслида, ҳар қандай янги дорининг канцероген, мутаген, эмбриотоксик, аллергик ва бошқа хоссаларини мукамал ўрганиш шарт. Бу жуда узоқ давом этадиган жараён. Бир дорини амалиётга жорий этиш учун ўн йиллаб тажриба олиб бориш керак. Барча мақталган қимматбаҳо дорилар ҳам ҳар доим кутилган натижани беравермайди. Ўша қиммат дориларни тавсия этишда чуқур мулоҳаза юритиш зарур. Инсон ҳаёти ўйинчоқ эмас. Иложи борича синалган, мумкин қадар арзон дориларни қўллаш лозим. Айрим арзон дориларнинг ижобий таъсири баъзи қиммат дориникидан афзал. Лекин баъзи шифокорлар бемор (ва бошқалар) «Бу врач фақат эски дориларни буюраркан, янги чиққан дориларни яхши билмайди шеклли» деб ўйламасин деган мақсадда, ўзини илғор, билимдон кўрсатиш учун ҳам янги, сиз айтган нархи осмонда дориларни ёзиб бераверади. Бири бўлмаса, бири фойда қилиб қолар деган ҳаёлда бир дунё дорини тавсия этадиганлар ҳам учрайди. Ҳа, шифокорнинг шахсий манфаати, яъни дорихоналар, фирмалар билан «ҳамкор»лиги ҳам йўқ эмас. Бундайлар, афсуски, беморнинг моддий шароити, имкониятлари билан қизиқмайди ё билса ҳам ҳисобга олмайди. Мабодо шунга шама қилсангиз, саломатлик керак бўлса, топади-да, мол-қўйи, бой қариндошлари бордир, дейди пинагини бузмай. Айрим шифокорларимиз эса дори-дармонлари арзон ва безарар бўлган халқ табобати тавсияларидан фойдаланишни ўзларига эп кўрмайдилар. Менимча, бу ҳам унчалик тўғри эмас. Чунки мақсад, вазифа битта – қайси йўл, қандай восита билан бўлмасин, беморни соғайтириш! Кўп касалликларга нисбатан оддий халқ табобати

усулларини ўз ўрнида қўллаш самарали натижалар беришлиги бутун дунёда исботланган. Масалан, юрак-қон томир хасталиклариди қайнатилган ўрик шарбати (ота-боболаримиз маъракамаросимларда бежиз ўрик шарбати тортишмайди)ни (овқатдан кейин) ичиш, ҳар куни камида бир қошиқ қора майиз еб, лимонли-асалли чой ичиб юриш жуда яхши наф бериши минг йиллардан бери маълум. Фақат бу оддий, натижаси узоқроқда сезиладиган, аммо нисбатан арзон, топиш ўнғай, организмга нукул фойдадан иборат неъматларни менсимаймиз-да, бебаҳо вақт, маблағни шопириб дўхтир ё табибга, дорихонага югурамиз. Бу синтетик дориларни умуман ичманг, деган сўз эмас. Улардан ҳам, ташхис аниқ бўлса, меъёрида, ўз ўрнида фойдаланилса, самара беради, албатта.

*Иккинчи суҳбат*

## САРАТОН ВА БОШҚА...ЛАР ХУСУСИДА

– Сиз саратон билан оғриганларни даволаяпсиз. Дил изҳорлари, миннатдорчилик, ташаккурномаларга қараганда шифо топганлар сон-саноксиз. Саратоннинг давоси йўқ деб юрганлар ҳозир ҳам кўп-ку. Бунга нима дейсиз?

– Саратон ўта мураккаб хасталиклар сирасига киради. Уни даволаш мушкуллиги, кўп ҳолларда умуман даволашнинг иложи бўлмай қолиши ҳеч кимга сир эмас. Аммо бизнинг кўп йиллик кузатишларимиз саратон ҳам шифоси бор хасталиклар қаторига киришини тасдиқламоқда. Ҳар қандай дардни фақат дорилар билан даволаш қийин бўлганидек, саратон билан оғриганларнинг муолажаси ҳам энг аввало беморнинг руҳиятини сошлаш, мизожини тартибга солишдан бошланиши керак. Бу соҳада, кўп ҳолларда кимёвий терапия ва нур билан даволаш муваффақиятли амалга оширилаётгани маълум. Фақат бу ёнда бир нарсани эътибордан соқит қилмаслик зарур: организмнинг ҳимоя қувватини мустаҳкамламасдан туриб кучли кимёвий бирикмалар юборилиши ёки нурнинг меъеридан ортик берилиши салбий таъсир кўрсатиши – бир

жойда тўхтатилган ўсманинг бошқа ерда ривожланиши учун шарт-шароит яратиб бериши эҳтимолдан узоқ эмас. Саратон сиқилишдан, газабланишдан, вақтида овқатланмасликдан, шамоллашдан, хужайраларнинг шикастланишидан ва бошқа сабаблардан келиб чиқиши мумкин. Саратон билан касалланганда хужайралар бошқа, соғлом хужайраларга нисбатан ҳайвон ёғи, витаминлар билан озикланиб тез кўпайиш хусусиятига эга бўлгани боис, ушбу хасталик билан оғриганларга ҳайвон ёғлари, витаминли дори-дармонлар буюриш асло мумкин эмас. Уларга қизил лавлаги шарбати ва қизил лавлагининг қайнатиб пиширилгани, маржумак (гречиха)нинг узоқ қайнатилган суви, помидор, буғда пиширилган саримсоқпиез, кўк нок истеъмол қилиш маслаҳат берилади. Бизнинг тажрибаларимизда мазкур хасталикка чалинганлар, масалан, бош мия ўсмасига дучор бўлганлар махсус парҳез билан бирга гиёҳлардан ўзимиз тайёрлаган «Шифои Марҳабохон», «Асшифо», «Астош», «Мажмуи Раҳмоний», «Аскальций», «Мажмуи даво» каби озик-овқат қўшилмалари ёрдамида даволаняпти. Шу усул билан ҳозиргача бир минг икки юздан ортиқ бемор шифо топди. Ҳолбуки, бош мия ўсмасини жаррохлик операциясиз даволаш қийин, кўп ҳолларда иложсиз дейилади. Умуман эртароқ аниқланиб, астойдил ҳаракат қилинса, кимёвий, табиий усуллар, дори-дармонлардан оқилона фойдаланилса, саратон деб аталмиш ёвуз хасталикларнинг ҳам шифоси бор, деб ҳисоблайман.

– Қабул кунингиз ойда икки кунгина. Беморлар бир неча ойлаб навбат кутишаркан. Қабул кунларини кўпайтириш ҳақида ўйлаб кўрмаяпсизми?

– Тўғри, қабул кунларимиз чекланган. Бунга асосий сабаб шуки, келган ҳар бир беморга озик-овқат қўшилмалари ва дамламалар бериш керак. Уларни биз гиёҳлардан, ўсимликлардан оламиз. Ўсимликларнинг баъзи қисмлари, айрим турлари муайян мавсумларда дориворлик, шифобахшлик хусусиятларини намоён қилади. Биз қўллайдиган ўсимлик-гиёҳлар микдорий жиҳатдан маълум даражада чекланганлиги, яъни озик-овқат қўшилмалари учун зарур бўлган хомашёни йиғиб-териби, саралаб, куришиб, лаборатория текширувларидан ўтказиб тайёр

ҳолатга келтиришга кўп вақт ва меҳнат талаб этилгани, шунда ҳам қабулга келувчи беморлар миқдорига яраша дори-дармон тайёрлашнинг жисмоний жиҳатдан ҳам имкони йўқлиги учун касалларни чекланган тарзда қабул қилишга мажбурмиз.

– Ҳаётий тажрибаларингиз, кўрган, кузатганларингиз мисолида назар – ота-она, устоз назари ва дуоסי ҳақидаги мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Кўп йиллик кузатишларимиз натижасида шунга амин бўлдимки, айрим нохуш касалликлар ота-онанинг, устозларнинг дилини оғритиш, уларнинг назаридан қолиш оқибатида ҳам пайдо бўлади ёки ана шу сабабларга кўра беморнинг дарддан фориғ бўлиши қийин кечади. Масалан, терига тушадиган оқ доғлар муолажалари давомида мен кўп бор шу фикрга иқроп бўлдим. Зеро, энг аввало ота-онани, устозларни, умуман кимсанинг ўсиб-улғайиши, илм эгаллаши, қай бир ҳунар, касб ё ижодда бўлмасин, салоҳият, иқтидор касб этишига хизмати, меҳнати сингган одамларнинг мамнун ва рози бўлишлари ҳар қандай инсоннинг ишлари юришишида, кўзлаган мақсадига эришувида асосий омиллардан бири бўлиши шубҳасиз. Уларнинг чин дилдан билдирган тилаклари, қилган дуолари албатта амалга ошади, рўёбга чиқади. Мен шу пайтгача ота-онасини ёки устозини норизо қилиб униб-ўсган, кўқарган одамни учратмадим.

– Сизни олижаноб, ҳимматли, кўпларга нафи тегади, дейишади. Булар сизга қимматга тушмайдами?

– Йўқ, менга қимматга тушмайди. Аввало менга иши, тили билан, яъни яхши сўзи, маслаҳати, тўғри йўл-йўриги билан кўмак берганлар олдида ҳамиша ўзимни бурчли ҳисоблайман ва уларга моддий, маънавий жиҳатдан қўлимдан келганича ёрдам беришга интиламан, ўзимга нимани раво кўрсам, шуни бошқаларга ҳам илинаман, етказишга, баҳраманд этишга ҳаракат қиламан. Менинг асосий гоям, шиорим – атрофимдагиларни қай йўл билан бўлса ҳам, хурсанд қилсам, корига ярасам. Шу йўлда кимгадир қандайдир нафим теккан бўлса (булар ота-онамнинг ўғитлари, менга берган тарбиялари), ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.



– Умуман инсон қандай яшаши керак деб ҳисоблайсиз?

– Инсон ҳалол йўл билан ризкланиши, шу билан бирга, юқорида айтганимдай, ўзига нимани раво кўрса, бошқаларга ҳам шуни раво кўриши керак (ҳадисда шундай айтилган). Парвардигор томонидан ато этилган соғлик, дунёни кўриб туриш, тафаккур қилиш, фарзандлар, қавму қариндошлар, дўстлар, уй-жойлар ва бошқа моддий-маънавий неъматларга эга бўлиб юрганимизга шуқр қилиб яшашимиз зарур. Юқорига қараб эмас, пастга қараб яшашни ўрганиш лозим. Масалан, мен нимадан-дир ранжиб, юрагим сиқилиб қолса, атрофимдаги одамларнинг шароит ва имкониятлари билан, хусусан тенгқурларим, курсдошларим ҳаёти билан ўзимникини солиштираман. Улар нималарга эришдию, мен нималарга эришдим? Хуллас, ўшалардан кам эмаслигимни, бир кишичалик меҳнат қилиб, обрў топиб яшаётганимни ўйлаб ҳушёр тортаман, ўзимни ўзим тергайман, шуқр қилиш керак, деган хулосага келаман. Қолаверса, одам вақтдан, унга берилган умрдан оқилона фойдаланишга, ҳаётда қандайдир из қолдиришга интилиб яшаши керак, деб ҳисоблайман, ўзим ҳам шунга ҳаракат қиламан.

– Дунёвий тинчлик, экология ва бошқа муаммоларга муносабатингиз?

– Ўзбекистонимиз осмони мусаффо, одамларимиз тинч-хотиржам умр кечиряпти. Бу жуда катта бахт, бебаҳо бойлик. Бошқа давлатларда юз бераётган нотинчликлар, бесаранжомликлар, табиий офатлар, фалокатларни кўриб ҳар куни эрталаб ҳам, кечкурун ҳам Худога шуқр келтираман.

Экология ҳозир бутун дунё муаммоси. Бизнинг Президентимиз ва ҳукуматимиз бу муаммога катта эътибор билан қараяпти. Албатта, муаммосиз ҳаёт йўқ, ҳамма нарса бадас-тир, беками-қўст бўлиши мумкин эмас, ҳамма нарса нисбий баҳоланади. Бундан қирк, йигирма йил олдинги турмуш билан ҳозиргисининг ер билан осмонча фарқи бор. Катта тўйлар, тўкин дастурхонлар, турли-туман тантаналар, анжуманларнинг бари юртимиздаги тинчлик меваси. Бошқа муаммолар аста-секин бартараф этиб бориляпти.

– Сиз кенг миқёсли, кўп қиррали мутахассиссиз. Фарзандларингизнинг қай бири қайси соҳада сизнинг касбингизни давом эттиришяпти?

– Катта қизим Раънохон олий тоифали шифокор. Ўғилларим – Нодирбек ҳам юрист, ҳам иқтисодчи олим, Носиржон – юрист – ҳуқуқшунослик бўйича менинг ишларимни давом эттиришяпти. Лекин улардан кимёгарлар чикмади, набираларим Акмалжон, Абдулазизлар табобатга қаттиқ қизиқишади, ажаб эмас... Ўртанчи қизим Барнохон ўқитувчи, Нилуфар психолог. Фарзандларимнинг ақлли, меҳрибонлигидан, баркамол инсонлар бўлиб етишганидан мамнунман.

– Сизни омадли одам дейишади. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Дарҳақиқат, улуғ ёшдаги онангиз – дунёдаги энг азиз ҳамдам, ҳамроҳингиз, ҳамиша сизга дуоғўй. Беш фарзандингизнинг ҳаммаси мактабни олтин медал билан битирган, ҳозир ҳаммаси олий маълумотли ва жамиятда ўз мавқе, ўринларига эга. Ўзингиз баланд мартабали маҳкамаларда раҳбарлик лавозимларида ишлаб обрў-эътибор топгансиз, бир неча фан яратган кашфиётчи олимсиз, ихтирочи-рационализаторсиз (балки булар хақида кейин алоҳида суҳбатлашармиз), тиббиёт билан табобатни уйғунликда олиб бораётган ҳалоскор, нажоткор шифокорсиз. Яна қандай орзу, армонларингиз бор?

– Менда армон бор десам, ношукрлик бўлади, аммо орзуларим кўп. Асосий орзуим – халқимиз саломат бўлса, ҳар бир киши ўз мизожини билиб, ўзига ўзи табиб бўлса. Масалан, ичи кетган одам дарров дорихонага югурмай, гуручни қайнатиб еса, анор пўстини қайнатиб ичса, саримсоқпиёзни манти қосқонда пишириб еса, олам гулистон. Левомецин, тетрациклин каби кимёвий дорилар албатта, ич кетишини тўхтатади, аммо, улар ичбуруғ бактериялари билан бирга организм учун зарур бўлган микроорганизмларни ҳам қириб ташлайди. Оқибатда қабзият келиб чиқиши, бир касалдан қутилиб, иккинчисини ўздириб олиш ҳеч гапмас. Бунинг учун аҳолининг тиббий савиясини ошириш, сабр, мушоҳада кўникмаларига ўргатиш зарур. Умуман, одамзот ҳамма соҳада фойда-зарарни ҳисоб-китоб

қилганидек, дориларнинг ҳам фойда-зарарини ҳисоб-китоб қилишга ўрганиши, бунинг учун шу соҳадан озми-кўпми хабардор бўлиши, инсофли, тажрибали шифокордан маслаҳат, йўл-йўриқ олиши лозим.

Мен ҳозирга қадар кимёга, ҳуқуққа оид кўплаб китоб, илмий-оммабоп мақолалар ёзганман. Галдаги ният-режаларим — ота-оналар, устозлар ризолиги ва уларнинг дуолари ижобати, халқ таобатидан амалиётда фойдаланишга доир китоблар ёзиш.

*Учинчи суҳбат*

## **ҚАНДЛИ ДИАБЕТ САБАБЛАРИ ВА МУОЛАЖАЛАРИ**

— Сиз қандли диабет билан оғриган беморларни халқ таобати услублари билан даволаяпсиз. Ушбу касалликни бутунлай даволаса бўладими?

— Қандли диабет мураккаб касалликлардан бири бўлса-да, замонавий тиббиётда ҳам, халқ таобатида ҳам даволанадиган хасталик ҳисобланади. Уни даволашда энг аввало бемор буюрилган парҳезларга қатъий амал қилиши ва тузалишига қалбан ишониши зарур.

— Қандли диабет касаллиги қаердан келиб чиқади?

— Ушбу касаллик қаттиқ кўрқиш, ҳаяжонланиш, узоқ муддат ўйланиш каби ҳолларда ошқозон ости беши томонидан ишлаб чиқариладиган инсулин миқдори камайиши ҳисобига қонда ва сийдикда қанд моддаси миқдори кўпайиши оқибатида юзага келади.

— Ушбу хасталик билан оғриган беморда қандай белгилар кузатилиши мумкин?

— Энг аввало қонда парчаланмаган қанд миқдорининг кўпайиши организмнинг қувватсизланиши, тез чарчаш, оғиз қуриши, сийдикнинг тезлашиши, организмнинг суюқликка бўлган талаби ортиши, айрим ҳолларда вазнининг камайиши, умумий ҳолсизлик, кайфиятнинг кўтарилмаслиги, тез қорин очиши, оёқ-қўлларнинг зиркираб оғриши, мизожнинг сусайи-

ши каби ҳолатлар безовта қилади. Қон ва сийдик таркиби текширилганда қанд миқдори меъёридан ортиқлиги кузатилади. Чунки истеъмол қилинган озиқ-овқат таркибидаги қанд моддасини инсулин мунтазам парчалаши эвазига ҳосил бўлган биологик қувват одам организмга энергия беради. Ошқозон ости безидан ажралиб чиқаётган инсулин миқдорининг камайиши қонда парчаланмаган қанд миқдорининг нисбатан кўпайишига ва оқибатда организмнинг умумий қувватсизланишига олиб келади. Қандли диабет касаллигига аниқ ташхис қўйиш учун наҳорда, нонуштадан 1 соат олдин ёки 3 соат кейин қон ва сийдикдаги қанд миқдори текширилиши зарур.

– Қандли диабетни даволашда халқ табobati услублари замонавий муолажа усулларида қандай фарқ қилади?

– Маълумки, замонавий тиббиётда қандли диабетни даволашда синтетик йўллар билан олинган манелин, амарил, инсулин каби ўнлаб кимёвий бирикмаларни қабул қилиш буюрилади. Бу доривор моддаларнинг барчаси қондаги қанд моддасининг хужайраларга осон ўтишини таъминлайди, эвазига қонда ва сийдикда қанд миқдори камаяди. Қондаги қанд миқдорини кимёвий моддалар билан камайтириш ошқозон ости безининг инсулин ишлаб чиқариш фаолияти янада сусайишига сабаб бўлади. Узоқ муддат кимёвий моддаларни қабул қилиш ошқозон ости безининг атрофияга учрашига олиб боради. Кимёвий доривор моддалар тўхтатилиши билан қонда қанд миқдори кўтарилиб кетаверади. Шунинг учун замонавий тиббиётда қандли диабет билан оғриганларга мунтазам доривор моддаларни қабул қилиш тавсия этилади. Ўзбек халқ табobatiда қўлланадиган доривор воситалар эса ошқозон ости беzi фаолиятини фаоллаштиради, бу организмда ишлаб чиқариладиган инсулин миқдорини кўпайтириш орқали қонда қанд миқдорини камайтиришга қаратилган. Шунинг учун қандли диабет касаллиги халқ табobati услублари ёрдамида даволанганда ошқозон ости беzi иш фаолияти тиклангандан сўнг дори-дармон ичишни тўхтатиш имконини беради.

– Халқ табobati қандли диабет касаллигида нималарни истеъмол қилишни буюради?

– Халқ табобатидаги қандли диабетни даволашда буюриладиган озиқ-овқатлар ва дамламаларни ҳамма учун бир хил деб айтиш мумкин эмас. Бунда ҳам энг аввало беморнинг мизожи инобатга олинган ҳолда ошқозон ости беши фаоллигининг кучайишига олиб келувчи ва қонда қанд моддасининг биологик парчаланиши эвазига организмга қувват берувчи қуйидаги озиқ-овқатлар ва озиқ-овқат қўшилмаларидан фойдаланиш тавсия этилади. (Мазкур озиқ-овқатларнинг барчасини албатта қабул қилиш зарур деган фикрда эмасмиз. Улардан ҳар бир одам ўз мизожига ва имкониятига кўра, ўзи учун мақбулларини танлаб қўллаши мумкин).

1. 450 гр. ошқовоқ билан 200 гр. мошини бирга эзилтириб қайнатиб таъбга кўра истеъмол қилиш.

2. 1 кг. ошқовоқни қоқлаб қуритиб, талқонлаб, 3 маҳал 6 гр. дан истеъмол қилиш мумкин.

3. Мунтазам равишда ошқовоқни пишириб еб юриш.

4. 10 гр. арпа билан 10 гр. нўхотни 2 чинни сувда ярми қолгунча қайнатиб истеъмол қилиш.

5. 50 гр. арпани 2 л. сувда ярим литр қолгунча паст оловда қайнатиб истеъмол қилинади ва суви ичилади.

6. Ҳар кунни 1–2 маҳал қатиқ зардобидан таъбга кўра, 100–200 мл. дан ичиш ҳам наф беради.

7. Узум гўрасидан 20–30 донадан овқатдан ярим соат олдин чайнаб ташлаш ҳам фойдали.

8. Анжир баргини чой ўрнида дамлаб ичиш керак.

9. Товуқ гўшитини мунтазам истеъмол қилиш лозим.

10. Пиёзнинг сувини чиқариб асал ва тухум саригига аралаштириб ҳар кунни истеъмол қилиш.

11. Ерёngoқни сиркага бир кеча чилаб, қуритиб, бир маҳал 3–4 донадан истеъмол қилиш.

12. Ўрик гўрасидан 50 дона, узум гўрасидан 150 дона, беҳи гўрасидан 20 дона, янги пишган гайлонадан 30 дона, ҳўл қовоқ этидан 30 гр., тут мевасидан 100 гр., заъфарондан 3 гр. олиб қайноқ сувга солиб юмшатиб, таъмини чиқариб, сиқиб, сузиб, сувига заъфаронни солиб 2 маҳал 10 мл. дан ичиш тавсия этилади.

13. 20 гр. олхўри қоқини қайноқ сувга дамлаб чой қилиб ичиш ҳам мумкин.

14. 10 гр. маккажўхори попуғи, 10 гр. анор гули, 10 гр. райҳонни бирга дамлаб ичиш керак.

15. Тарвуз пўчоғидан 12 гр., кўк ошқовоқ пўчоғидан 12 гр., аччиқ тарвуздан 12 гр. олиб, қайнатиб, 1–2 маҳал ичиш мумкин.

16. Қизғин пиёзни бугда пишириб таъбга кўра, истеъмол қилса ҳам бўлади.

– Қандли диабет касаллиги билан оғриган беморга ўзингиз ихтиро қилган қайси дамлама ва озик-овқат кўшилмаларини ичишни тавсия этасиз?

– «Ўзбекистон», «Астош», «Олтин водий», «Аскальций», «Алқоман», «Мажмуи Раҳмоний», «Алқоён»ларни.

### *Тўртинчи суҳбат*

## **БУЙРАК, ЎТ... ДАГИ ТОШЛАР...**

– Ҳозирги пайтда буйрак, ўт, сийдик йўлларида тош ҳосил бўлиши билан боғлиқ хасталиклар кўп учрамоқда. Шуларни халқ табobati услублари ёрдамида жарроҳликсиз даволаш мумкинми?

– Буйрак, ўт ва бошқа аъзоларда ҳар хил туз ва тошларнинг ҳосил бўлиши нотўғри овқатланиш туфайли организмда модда алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқиши исботланган. Ўтдаги тош ва тузларни жарроҳлик амалиётисиз эритиб юбориш мумкин. Лекин бунинг учун қатъий парҳезга амал қилиш ва узоқ муддат, яъни 6 ой давомида буюрилган дамлама ва озик-овқат кўшилмаларини мунтазам қабул қилиш керак. Буйрак, сийдик йўллари ва бошқа аъзоларда ҳосил бўлган туз ва тошларни эса парҳезга амал қилган ҳолда 2–3 ой давомида батамом эритиб юборса бўлади.

– Организмда туз ва тошлар ҳосил бўлганлигини қандай аломатлардан билнш мумкин?

– Одам организмнинг кўпчилик аъзоларида доимий ҳар хил органик кислоталарнинг тузлари ҳосил бўлиб туриши табиий ҳол. Модда алмашинувининг издан чиқиши оқибатида ортиқча миқдордаги тузларнинг аста-секин эримайдиган тошларга айланиши натижасида кўнгил айнаши, жигар фаллятининг заифланиши, овқатнинг яхши ҳазм бўлмаслиги, оғиздан аччиқ сув келиши ва бошқа аломатлар ўт пуфагида тузлар кўпайиб тошга айланиб бораётганлигидан далолат беради. Буйракда туз ва тошларнинг ортиқча миқдорда ҳосил бўлиши жараёнида эса бел қисмда оғриқ, сийдик маромининг бузилиши, баъзида кўнгил айнаши каби ҳолатлар кузатилади. Аъзоларда ортиқча туз ва тош ҳосил бўлганлигига аниқ ташхис қўйиш учун ултратовуш ёрдамида ишлайдиган замонавий асбоблардан фойдаланиш зарур.

– Организмда ҳосил бўлган ортиқча туз ва тошларни эритиш учун қандай дамламаларни ичиш керак?

– Организмда модда алмашинувининг издан чиқиши натижасида ҳосил бўладиган ортиқча туз ва тошларни эритиб юбориш учун мизожга кўра, «Астош», «Айритош», «Ўзбекистон», «Шифои даво», «Асдаво», «Олтин водий» каби қайнатма ва дамламаларни белгиланган тартибда қабул қилиш мумкин.

– Бу хасталикларни даволашда қандай парҳезга амал қилиш талаб этилади?

– Хамирли ва ёғли овқатлардан иложи борича тийилиш, тухумни камроқ ейиш, қовурилган таомлар ўрнига кўпроқ қайнатма, кам тузли овқатлар мақсадга мувофиқ. Сабзавотларни, айниқса, сабзи шарбати ва қирғичдан ўтказилиб майдаланган турпни майонез кўшиб истеъмол қилиш буюрилади. Гўшт маҳсулотларидан эса кўпроқ парранда ва балиқ гўштлири фойдали.

Ўзбек халқ табobati услублари ёрдамида парҳезга катъий амал қилган ҳолда, юқоридаги қайнатма ва дамламаларни ичиш орқали организмда ҳосил бўладиган ортиқча туз ва тошларни эритиб юбориш мумкин. Бу фақат беморнинг ўзига боғлиқ.

– Организмда шундай аъзолар борки, улар оғримай, биратўла катта асорат пайдо қилгандагина уларнинг шикастлангани маълум бўлади. Бундай ҳолат ўша аъзода қон томирлар мавжуд эмаслиги билан ҳам изоҳланади. Масалан, жигар. Жигар хасталиклари, уларнинг олдини олиш, касалланган жигар муолажасию парҳези тўғрисида маълумот берсангиз.

– Жигар касалликларининг тури кўп. Жигар одам организмда ўта муҳим вазифалардан бири – қонни филтрлаш орқали тозалаш ва бошқа бир қатор муҳим вазифаларни бажаради. Ҳар бир жигар хасталиги бўйича алоҳида-алоҳида китоблар ёзилган (булар ҳақида алоҳида суҳбат лозим). Жигар хасталиклари орасида бугунги кунда нисбатан кўп тарқалгани жигар циррози ҳисобланади.

– Жигар циррози касаллигини халқ табobati услублари ёрдамида даволаш мумкинми?

– Жигар циррози бутун дунёда даволаниши қийин, оғир хасталиклар қаторига киради. Ўзбек халқ табobatiда жигар циррози билан оғриган беморларни кўп ҳолларда самарали даволаш мумкинлиги исботланган.

– Бунинг учун қандай муолажалар олиш ва қай тартибда парҳезларга амал қилиш керак?

– Бемор суюқликларни камроқ истеъмол қилиши, қайнатилмаган сувни ичмаслиги, қовурилган овқатларни, қалампирли ва тузланган ҳамда хамирли овқатларни вақтинча истеъмол қилмаслиги зарур. Узок қайнатилиб пиширилган парранда гўштли овқатлар, қайнатилган ўрик шарбати, маҳаллий нок, гречка қайнатмаси, асалли чой каби овқатлар буюрилади. Ҳайвон ёғлари, Е витаминдан ташқари бошқа витаминлар, шоколадли маҳсулотлар вақтинча чекланади. «Аскальций»ни овқатга қўшиб, «Астош» ва «Шифои Марҳабохон» дамламаларини 5 дақиқа давомида қайнатиб, илиқ ҳолатда ичиш тавсия этилади. Шу билан бирга оғир юк кўтармаслик, соф ҳавода сайр қилиш, сиқилмаслик, асабни асраш муҳим омиллардан ҳисобланади.



## **ФАРЗАНДСИЗЛИК ...ЎҒИЛ ХОҲЛАЙСИЗМИ, ҚИЗМИ?..**

– Фарзандсизликни халқ табобати услуби билан даво-  
ласа бўладими?

– Ўзбек халқ табобати услубларидан оқилона фойдала-  
нилса, бугунги кунда у асосан даволанадиган хасталиклар  
қаторига киради.

– Фарзандсизлик сабаблари ҳақида тўхталсангиз.

– Энг аввало инсон учун фарзанд Оллоҳ томонидан берила-  
диган мўъжизадир. Парвардигор хоҳлаганига қиз, хоҳлаганига  
ўғил бериши Қуръони каримда ҳам қайд этилган. Фарзанд-  
сизлик – соғлом, етук инсоннинг насл қолдирмаслигидир. Бу-  
нинг сабаблари турлича бўлиб, ҳар бир ҳолат алоҳида ўрганиб  
чиқишни тақозо этади.

– Бунақа ҳолатда аёлни даволаш зарурми ёки эркакни?

– Замонавий илм-фан мутахассислари томонидан олиб  
борилган илмий тадқиқотлар натижасида аниқланишича, фар-  
зандсизликнинг 30–50 фоизда эркаклар сабабчи эканлиги ис-  
ботланган. Демак, оилада фарзанд дунёга келмаслигига эр ёки  
хотин, айрим ҳолларда эса ҳар иккаласи сабабчи бўлиши мум-  
кин.

– Аёлнинг фарзанд кўрмаслигига олиб келувчи хаста-  
ликлар ва уларнинг белгилари ҳақида тўхталсангиз.

– Аёлда тухумдон ва уруғ йўлининг яллиғланиши, аёл-  
нинг жинсий ўтказув йўлларидаги нуқсонлар сабабли жин-  
сий муносабат имкони сақлангани ҳолда, оталаниши мумкин  
бўлган хужайраларнинг тўқнаш келиш имконияти камаяди. Бу  
сабаблардан бири бўлиши мумкин. Шунингдек, асаб тизими  
бузилиши туфайли жинсий аъзоларда ўзгаришлар юз бери-  
ши оқибатида ёки оғир руҳий жароҳатлар, руҳий кечинмалар  
боисидан ҳам фарзанд бўлмаслиги эҳтимол. Баъзан бачадон-  
нинг танада нотўғри жойлашуви ҳам зурёдсизликка олиб ке-  
лиши аниқланган. Бачадон орқа томонга эгилган ёки олд то-  
монга букилган бўлса манийнинг бачадонга келиб тушиши

кийинлашади. Шунингдек, сил бактериялари бачадондаги шиллик пардани емириши, жинсий гормонларнинг етарли микдорда ишлаб чиқарилмаслиги ҳам бефарзандлик хавфини келтириб чиқаради. Жинсий аъзоларнинг яхши ривожланмаганлиги, яъни, бачадоннинг ноетуклиги оқибатида тухумдонлар етук тухум ишлаб чиқара олмайди. Аёл организмда А, В, С ва Е витаминларининг етишмаслиги тухум хужайраларининг оталанмаслигига ёки ҳомиланинг тушиб кетишига сабаб бўлади.

– Эркакларнинг фарзанд кўрмаслигига сабаб бўлувчи омиллар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

– Жинсий қобилият сақланган ҳолда мойкнинг гормон ишлаб чиқариш фаолияти, асаб тармоғининг рефлекс фаолияти бузилиши натижасида эрекция юз бермаслиги, мойкнинг маний ишлаб чиқариш қобилиятсизлиги ёки уруғ хужайраларининг ҳаракатсизлиги, шунингдек, олигоспермия (шаҳват камлиги), астеноспермия (шаҳват сустлиги), некроспермия (шаҳватларнинг ўликлиги) фарзандсизликка сабаб бўлиши мумкин. Эркакларда бепуштлик бирор бир касаллик аломатини кўзгатмайди. Улар фақат фарзандсизликлари оқибатидагина шифокорга мурожаат қилишга мажбур бўладилар. Простатит касаллигида простата бези ишлаб чиқарадиган шира микдори камайиши ёки шаҳватларнинг озайиши, ҳаракатчанлигининг сусайиши оқибатида ўлик уруғларнинг сони ортиши туфайли бефарзандлик келиб чиқади. Уруғлар ўзаро ёпишиб қолиб, уруғланиш содир бўлмаслиги ҳам мумкин. Тана ҳароратининг ошиб кетиши, ёки доимий иситманинг кўтарилиши, новвойхона, темирчилик устахоналари, қозонхоналарда узоқ вақт ишлаш ҳам эркак уруғларининг фаолиятсизлигига ёки уруғлар ҳаракатчанлигининг чекланишига олиб бориши эҳтимол. Турли хил оғир хасталиклар боис уруғ тизимчаси томирининг кенгайиши, мойк чурраси хасталигида жинсий безларнинг заифланиб қолиши ҳам учрайди. Маний суюқлигида суст ҳаракатланувчи уруғлар ҳосил бўлиши эвазига ҳам зурёдсизлик юзага келади. Жинсий аъзолари ногирон туғилган киши ҳам оталик қобилиятидан маҳрум бўлиши мумкин. Эр ёки хотиндаги хромосомалар номутаносибликлигида ёки эркак, аёл

ҳар томонлама соғлом бўлганда ҳам улардаги реэус деб аталувчи омил ўзаро мос келмаса фарзандсизлик келиб чиқади.

– Фарзандсизликни даволашда нималарга эътибор берилиши керак?

– Фарзандсизликнинг у ёки бу турига дучор бўлган эркак ҳам, аёл ҳам асло тушкунликка тушмаслиги, фарзандли бўлишга ишонишлари ва ҳаракат қилишлари зарур. Уларга росмана овқатланиш, мизожга кўра ёнғоқ, ўрик ва бошқа меваларни, мош, ловия, қатик, сут, асал каби озиқ-овқатларни мунтазам истеъмол қилиш тавсия этилади. Шу билан бирга «Аснасл», «Асбола», «Аскальций», «Шифои Марҳабохон», «Асшифо» каби озиқ-овқат қўшилмаларини белгиланган тартибда қабул қилиш буюрилади.

– Ўғиллилар қиз фарзанд кўришни, қиз фарзанди борлар эса ўғилни орзу қиладилар. Бу масалани ҳал қилиш учун нималарга эътибор бериш керак?

– Одам вужуди 92 кимёвий элементлар ҳосил қилган бирикмалардан таркиб топган бўлиб, организмда маълум кимёвий элементларнинг етишмаслиги ҳам фарзандсизликка сабаб бўлиши, айрим элементлараро миқдорий нисбатларнинг бир томонга ўзгариши оқибатида фақат қиз ёки ўғил фарзанд туғилиши мумкин. Ўғил ёки қиз фарзанд туғилиши аёл ва эркак мизожига, шунингдек, ой, мавсумга ва ота-онанинг ёш ҳолатларига боғлиқлиги ҳам кузатилган. Фарзанд кўришни, ўғил ёки қиз фарзандга эга бўлишни хоҳловчилар учун биз томонимиздан ишлаб чиқилган фарзанд айланма дискидан фойдаланиши мумкин. Ёш ва ой мезонлари ҳамда қандай овқатлар ва доривор моддалар истеъмол қилиш зарурлиги мавзуи алоҳида суҳбатларни тақозо этади.

*Олтинчи суҳбат*

## ПОДАГРАНИНГ ДАВОСИ БОР

– Подагра касаллиги қандай келиб чиқади?

– Етакчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда аниқланишича, одам организмда моддалар алмашинувининг

бузилиши натижасида бўғимларда сийдик кислотаси тузлари йиғилиши оқибатида подагра касаллиги юзага келади. Бунга кам ҳаракатлилик, шолғом, мош, ловия, нўхат, ёнғоқ, писта, бодом, гўшт махсулотларини, хамирли овқатларни ва аччиқ ҳамда шўр бодринг, помидорларни керагидан ортиқча истеъмол қилиш ҳам сабаб бўлиши мумкин.

– **Подагра касаллигида қандай белгилар кузатилади?**

– Уратлар деб юритилувчи тузларнинг тўпланиши натижасида бошмалдоқ бўғимларида бирдан каттиқ оғриқ туриши, кўнгилнинг беҳузур бўлиши билан бошланиши мумкин. Баъзан оғриётган бўғимни қимирлата олмай қолиш ҳолати ҳам кузатилади.

– **Касаллик қай вақтда авж олади?**

– Оғриқ кечаси, кўпроқ сахарга яқин кучаяди. Беморнинг эти увишади, тана ҳарорати кўтарилади. Хуружли ҳолат 3–4 кун давом этади. Бўғимлар териси қизариб, шишади. Қўл теккизилганда жизиллаб оғрийдди. Айрим ҳолларда подагра билан оғриган беморларда ичак хасталиклари ҳам кўшилиб ич юриши қийинлашади, қабзият безовта қилади.

– **Касаллик қанча муддат давом этиши мумкин?**

– Бошмалдоқ бўғимларидаги каттиқ оғриқ ё увишиб оғриш 1–3 кун ёки кўпроқ давом этади. Касалликнинг бир неча кундан сўнг, баъзан 2–3 ойдан кейин такрорланиш эҳтимоли бор.

– **Бу хасталик авлоддан авлодга ўтадимми?**

– Кузатишларнинг кўрсатишича, подагра ирсий касалликлар қаторига киритилади.

– **У қайси ёшдаги одамларда кўпроқ учрайди?**

– Подагра эркакларда кўпроқ учраб, асосан 40 ёшдан кейин кузатилади.

– **Касаллик ўткир хуружларсиз ҳам ўтиши мумкинми?**

– Ҳа, касаллик ўткир хуружларсиз бўлиши ҳам мумкин. Бунда бўғимлар шакли ўзгариб, фаолияти издан чиқади. Баъзан бемор оғриётган бўғимни қимирлата олмай қолади.

– **Подагра сурункали ҳолатга ўтмаслиги учун нималар қилиш керак?**

– Бошмалдоқ бўғимларида сабабсиз бирдан оғриқ бошланиши ва тунда ҳароратнинг кўтарилиши подагра касаллиги-

нинг бошланганлигидан далолат беради. Бундай ҳолатда шифокорга мурожаат қилиш зарур.

– У даволанадиган касалликлар қаторига қирадими?

– Ўзбек халқ табобатида бемор мизожига эътибор берган ҳолда, қатъий парҳез ёрдамида подагра касаллигини даволаш мумкин. Ушбу касаллик билан оғриган беморларда **кальций, магний, фтор, фосфор** каби кимёвий элементларнинг нисбатан камайиши, **хлор, рух, натрий, темир** ва бошқа кимёвий элементлар ҳосил қилган бирикмаларнинг нисбатан кўпайиши натижасида модда алмашинуви издан чиқади. Ўзгарган модда алмашинувини тартибга келтириш орқали касаллик даволанади.

– Уни даволашда нималарга эътибор бериш зарур?

– Касаллик қўзғалган даврда кўпроқ яхши қайнатилган суюқликлар ичиш, оғриқ қолдирувчи дорилар қабул қилиш, гўштли, балиқли, хамирли овқатларни емаслик ёки уларни узоқ муддат қайнатиб оз-оздан тановул қилиш тавсия этилади. Сут ва ўсимлик ёғларида тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилиш мумкин. Жигар, буйрак, редиска, мош, ловия, ёнгок, нўхат каби озиқ-овқатлардан ҳам вақтинча тийилиш зарур.

– Халқ табобати услублари билан даволашчи?

– Подагра касаллигини даволашда ҳар куни 3 маҳал овқатга қўшиб «Аскальций»ни 1 ой муддатда ичиш керак бўлади. Сўнгра 1 ой 2 маҳал, учинчи ойда эса 1 маҳалдан ичиш буюрилади. «Ўзбекистон» дамламасидан, «Шифойи даво», «Шифойи Мархабохон» қайнатмаларидан эса, кунига 2–3 маҳал 100–150 мл. дан ичиш яхши наф беради.

– Уй шароитида ҳам фойдаланадиган тавсиялар борми ?

– Бор.

1. Энг яхши тавсиялардан бири асаларига бир неча марта чактиришдир.

2. Зайтун ёғини ҳар куни оғриган бўғимларга суртиш керак.

3. Зира қайнатмасидан ҳар куни 50–60 мл.дан 2–3 маҳал ичиш мумкин.

4. Қирғичдан ўтказилган 100 гр. сабзига яхши доғ қилинган бир ош қошиқ ўсимлик ёғи аралаштириб истеъмол қилиш буюрилади.

5. 15-20 гр. арча меваси устига 100–120 мл. қайноқ сув қуйиб, 15 дақиқа дамлаб қўйилади. Ҳосил бўлган дамлама жарохатланган жойга суртилади.

6. Бир ош қошиқ майдаланган арча меваси устига 200 мл. сув солиб, ўн дақиқа давомида паст оловда қайнатилади. Ушбу қайнатмадан бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичиш фойда беради.

7. Арча меваси ва шохларидан 150–200 гр. олиб, 5–6 л. сувда ярим соат қайнатилади. Ҳарорати 38-40 даражага тушгач, 15–20 дақиқа ванна қилинади.

8. Ёнғоқнинг ёш баргларини майдалаб, 15–20 гр. микдо-рида олиб, устига 200 мл. қайноқ сув қуйиб дамлаб қўйилади. 15–20 дақиқа тургач, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичиш лозим.

9. Тоғда ўсувчи далачой ўтининг бир чой қошиғи устига 250 мл. қайноқ сув қуйиб бир соат давомида дамлаб қўйилади. Сузиб, кунига 2–3 маҳал 75–100 мл. дан ичилади.

10. Итузумнинг пишган мевасидан бир ош қошиқ олиб, устига 150 мл. қайноқ сув қуйиб 15–20 дақиқа дамлаб қўйилгач, сузиб, кунига 2–3 маҳал бир ош қошиқдан ичиш керак.

Ўзбек халқ табобатида подаграни даволашда қўлланиладиган тавсиялар жуда кўп. Уларнинг ҳар биридан бемор ўз мизожига кўра, оқилона фойдаланиши даркор.

Подагра билан оғриган беморлар спиртли ичимликлар истеъмол қилмасликлари зарур.

*2-илова*

## **ПАРҲЕЗ ТАВСИЯЛАР**

**“АСКАЛЬЦИЙ” – Асқаровнинг**

***Ибн Сино тавсиялари асосидаги янги яратмаси***

Одамзот танасидаги кимёвий элементлар ичида углерод, кислород, кальций, магний, фосфор, олтингугурт, азот синга-

ри элементлар нисбатан кўп микдорда бўлиб, улар модда алмашинуви жараёнида, умуман саломатликни сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Инсон танасидаги суяк ва бошқа тўқималар ҳамда қондаги асосий элементлардан бири кальцийдир.

Танадаги кальцийнинг 99%и суякда бирикма ҳолида, қолган бир фоизи эса қон ва бошқа тўқималарда асосан ион ҳолида бўлади. Қондаги кальций микдорининг камайиши суякларнинг емирилишига олиб қелади. Шунинг учун катта ёшли кишиларда қўл, оёқ, бел оғриғи кўп кузатилади. Бу танада кальцийнинг етишмаслигидан далолат беради.

Инсон организмнинг 1 кунлик кальцийга бўлган эҳтиёжи 800–2500 миллиграммгача бўлади. Қатик, сут, пишлоқ сингари озиқ-овқатлар орқали кальцийга бўлган эҳтиёжни қондириш мумкин.

Кальций тананинг бутунлигини таъминловчи “биологик елим” ҳисобланади. Ион ҳолидаги кальций таъсирида қондаги РН 7,36 га тенг бўлиб кучсиз ишқорий муҳит таъминланади. Кальций иштирокида қалқонсимон без, жигар, буйрак, ошқозон ости беzi фаолияти, қон ҳосил бўлиш жараёни мўътадиллашади.

Организмда кальцийнинг етишмаслиги оқибатида 15 дан ортиқ турдаги касалликлар келиб чиқиши илмий исботланган. Бугунги кунда табобатда кальцийнинг хлорид, кальций оксалит, кальций глюконат сингари бир қатор бирикмалари доривор моддалар сифатида қўлланилади.

Кўп йиллик тадқиқотлар ва кузатишлар натижасида табиий бирикмалар асосида яратилган ва овқатга қўшиб истеъмол қилинадиган “Аскальций” талқони бутунлай зарарсиз бўлиб, куйидаги хусусиятларга эгадир:

- организмнинг ҳимоя воситасини кучайтиради;
- лейкоцитлар фаоллигини оширади;
- суяк ва бошқа ҳужайраларнинг ҳосил бўлишига ёрдам беради, қўл, оёқ, бел оғриқларини қолдиради;
- ҳомиладорлик даврида ижобий таъсир кўрсатади;

– хавфли ўсма, гастрит, рахит, аллергия, қорин дамлиги, полиомиелит, анемия, чувалчанг хасталиклари, жигар фаолиятининг бузилиши, жинсий ожизлик, соч тўкилиши ва суяк хасталикларининг тузалишида яхши самара беради;

– радиоактив нурланиш таъсирида ҳосил бўладиган радионуклетоидларни организмдан чиқаришга ёрдам беради;

– инсулин ҳосил бўлишига ижобий таъсир кўрсатади;

– ёшартирувчи таъсирга эга.

Асқаров томонидан яратилган бошқа дори-дармон ва дамламаларнинг ҳосиятларига Тўлан Низом достонида шундай муносиб шеърий таърифлар берилганки, бу борада ундан ошириб тавсиф айтиш қийин.

### “АЛҚАЁН”

Хавфли ўсмаларга келтирар қирон,

Ичаклар ичини ювади рости.

“Алқоён” ичмоқни тарк этма, бир он,

Сўзимни укдингми, яхшилар дўсти?

### “АЛҚОМАН”

Бўқоқ касалига дори шу эрур,

Ошқозон безини юмшатади у.

Доимо ичганнинг кўнглида сурур,

Қалбини тарк этиб кетади қайғу.

### “АСДАРМОН”

Жинсий қувват эрур ҳар бир хўплами,

Соғайиб кетасан, кўрасан фарзанд.

Йўқса қийнаб кўяр дарднинг тўплами,

“Асдармон” ича бер, бўласан хурсанд.

### “АСБОЛА”

Фарзанд – қалб парчаси, умр давоми,

Бефарзанд яшамок қанчалар аччиқ.

Мана шу дамлама бўлса овқатинг,

Сен фарзанд кўрасан, айтаман очик!



### **“АСШИФО”**

Ошқозон дардига малҳам бўлади,  
Шамоллаш илллати кетади сендан.  
Ичмасанг ичингга ғубор тўлади,  
Бошимдан ўтказдим, сўрагил мендан.

### **“МАЖМУИ РАҲМОНИЙ”**

Танангдан иллатни кувади мутлок,  
Ўсимта тўхтайтиди, битади яра.  
Ушбу шифобахшни ича бер, ўртоқ,  
Ўзгариш бўлгандир, рангингга қара!

### **“ШИФОИ МАРҲАБОХОН”**

Она номи билан аталган малҳам,  
Доридур бош мия, кўкрак безига.  
Ошқозон соғаяр, ўсимталар ҳам  
Тўхтаб, қайтиб кетар яна изига.

### **“ЎЗБЕКИСТОН”**

Қон босими ошмайди, хотира тоза,  
Буйрак касаллиги топади барҳам.  
“Ўзбекистон” номи билан овоза,  
Дамлама танангни қилар мустаҳкам.

### **“ОЛТИН ВОДИЙ”**

Ёш туриб тўкилса бошингда сочинг,  
Ё буйрак тошлари келтирса азоб,  
Табиб айтганидай “Олтин водий”дан  
Ичабер, ичабер, бўлмайсан хуноб.

### **“АСБОСИМ”**

Қон босиминг ортса чора дамлама,  
Кўзни рашван қилиб, кўнгил очади.  
Унутиб, ичмасдан дардни жамлама,  
Ичабер, касаллик сендан қочади.

## АСҚАРОВНИНГ “ПАРҲЕЗ-1” ТАВСИЯЛАРИ

(Бош мия ва орқа мия ўсмаси, кўкрак беzi, миома, лимфа безлари ва бошқа ўсма касалликлари билан оғриганлар учун)

\*Сувда қайнатиб пиширилган қизил лавлагидан ҳар куни 1–2 дона истеъмол қилиш;

\*Қизил хом лавлагининг шарбатини олиб, усти очик ҳолатда 8–10 соат тургизилгач, сариқ сабзи шарбати билан тенг миқдорда аралаштириб, овқатдан сўнг кунига 1–2 маҳал, 150–200 мл. дан ичиш;

\*100 гр. гречка устига тахминан 5 л. сув қуйиб, ярим литр қолгунча қайнатилади. Қолган суюқлик кун давомида ичилади, гречканинг ўзини таъбга кўра ейиш мумкин;

\*Буғда пиширилган бир дона саримсоқпиез, 2–3 дона қизил пиезни илиқ ҳолатда бир кунда 1–2 маҳал, овқатдан сўнг;

\*Помидор шарбатини илиқ ҳолатда бир кунда 100–150 мл.дан;

\*Ҳар куни овқатдан сўнг 1–2 донадан кўк нок ва хом ёки пиширилган карамдан таъбга кўра тановул қилиш;

\*Ёғсиз гўшти овқатлар, балиқ ва парранда гўштлири тавсия этилади;

\*Асалдан бошқа ширинликлар, музқаймоқ, совуқ сув, совуқ минерал сувлар, тузланган бодринг, помидор, карам, шунингдек қалампирли маҳсулотлар, хамиртурушли овқатлар, тухум, қаймоқ ва ёғли қатик, ҳайвон ёғлари, пиво ва бошқа спиртли ичимликлар таъқиқланади.

## “ПАРҲЕЗ – 2” ТАВСИЯЛАРИ

(Қандли диабет хасталиги билан оғриганлар учун)

\*450 гр. ошқовоқ билан 200 гр. мошни биргаликда эзилтириб қайнатиб, таъбга кўра тановул қилиш;

\*Товуқ гўштини қайнатиб, пиширилган тухумни истеъмол қилиб туриш;

\*Ошқовоқни доимий равишда пишириб ейиш;

\*10 гр. арпа, 10 гр. нўхотни икки чинни сувда ярми қолгунча қайнатиб, ҳар куни истеъмол қилиш;

\*50 гр. арпани икки литр сувга солиб, паст оловда ярим литр қолгунча қайнатиб истеъмол қилиш ва сувини ичиш;

\*Ҳар куни бир-икки маҳал, овқатдан сўнг қатик зардобидан ичиш;

\*Узум ғўрасидан 20–30 донадан овқатланишдан ярим соат олдин чайнаб ташлаш;

\*Анжир баргини дамлаб ичиш;

\*20 гр. олхўри қоқини дамлаб ичиш;

\*10 гр. маккажўхори попуги, 10 гр. анор гули, 10 гр. райҳон баргини бирга дамлаб ичиш;

\*Тарвуз пўчоги, кўк ошқовоқ пўчоғи ва аччиқ тарвудан тенг миқдорда аралаштириб, сувда қайнатиб бир-икки маҳал ичиш;

\*Қизғиш пиёзни бугда яхши пишириб, овқатдан сўнг таъбга кўра илиқ ҳолатда истеъмол қилиш;

\*Хамирли овқатлар, ширинликлар, пишириқлар, ортиқча аччиқ ва шўр, ўта қовуриб пиширилган таомлардан тийилиш;

\*Асалдан бошқа ширинликлардан чекланиш лозим.

\*Парҳезларга амал қилиш билан бирга куйидаги озиқ-овқат қўшилмаларини қабул қилиш тавсия этилади: “Ўзбекистон”, “Мажмуи Раҳмоний”, “Аскальций”, “Олтин водий”.

## ТЕРИДАГИ ОҚ ДОҒЛАР МУОЛАЖАСИ

Теридаги доғли жойга беморнинг ўз сўлаги суртилгач, эҳтиётлик билан С-1 суртилади. Ўн беш-йигирма дақиқадан сўнг С-2 суртилиб, ўн беш-йигирма дақиқа тургизилгач, сирол<sup>1</sup>, суртилиб беш-ўн дақиқадан сўнг ўсма суви суртилади ва очик ҳавода ўттиз дақиқа турилади. Сўнгра сувда қайнатиб пиширилган пиёз илиқ ҳолатда доғли жойга ярим-бир соатга боғлаб кўйилади. Пиёз қайнатилган сувдан илиқ ҳолатда таъбга кўра, иложи борича кўпроқ миқдорда ичиш тавсия этилади. Оғриқ жойга кўйилган пиёз олиб ташлангач, Ассуртма суртиб

<sup>1</sup> С-1, С-2 сирол – ўсимликлардан олиниб тайёрланадиган шарбат, малҳамлар.

эрталабгача сақланади. Эрталаб суртилган малҳам дока билан артиб юборилади.

Муолажа давомида “Ўзбекистон”, “Шифой Мархабохон”, “Асшифо”, “Асқов” дамламаларини ичиш ҳамда мош, ловия, ёнғоқ, писта, бодом, қатик, сут, балиқ, тухум, асалдан бошқа ширинликлар, хамирли, аччиқ, шўр таомлар истеъмол қилмаслик буюрилади.

## ПСОРИАЗ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ ТАРТИБИ

Псориаз касаллигидан даволаниш асосан беморнинг ўзига боғлиқ. У қуйидагиларга қатъий амал қилиши зарур:

1. Касаллик тузалгунга қадар ҳар қандай ширинликлардан тийилиш шарт.

2. Мош, ловия, ёнғоқ, ер ёнғоқ, сут, қатик, хамирли, аччиқ таомлар, тухум, писта, бодом, кўкатлар, спиртли ичимликлар, цитрус мевалари ман этилади.

3. Емаклар тузи имкони борича кам бўлиши мақсадга мувофиқдир.

4. Даволаниш мобайнида ҳар куни 100–150 мл.дан тўрт-беш маҳал “Ўзбекистон” дамламасидан, бир-икки маҳал “Шифой Мархабохон” қайнатмасидан, бир-икки маҳал “Аскальций”ни овқатга қўшиб ичиш буюрилади. Икки ойдан сўнг юқоридагилар билан бирга бир-икки маҳал, овқатланишдан бир соат олдин “Мажмуи Раҳмоний”дан ва “Олтин водий” қайнатмасидан ичиш лозим.

5. Муолажа муддати олти ой бўлиб, бу даврда қайнатма овқатлар, кўпроқ парранда гўштлари истеъмол қилиш керак.

*3-илова*

**“МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ...”**

**ИҚРОРЛАР, ИЗҲОРЛАР**

(Оғзаки ва телефон орқали билдирилган ташаккур, раҳматномаларнинг сон-саногии йўқ. Ёзмаларига ҳам бир неча

салмоқли умумий дафтар тўла, вароқ ҳолатида дасталаниб ётганлари қанча! Қуйида улардан намуналар келтиришни лозим топдик.)

\* \* \*

“2004 йил кўкрагимда без пайдо бўлиб врачга учрашдим. Врачлар мени Онкология диспансерига юборишди. У ердаги мутахассислар туғишни маслаҳат беришди, чунки бола эмганда без йўқ бўлиб кетаркан. 2005 йил учинчи фарзандим дунёга келди. 3 йилга яқин эмиздим боламни. Аммо без йўқолмади. Дунё кўзимга қоронғу кўрина бошлади. Назаримда ўлиб қоладигандай, кўнглимга ҳеч нарса сиғмай қолди. Ҳатто учта болам ҳам кўзимга кўринмасди. 2009 йил 15 январь куни яна Онкологияга бордим. Бу гал докторлар зудлик билан операция қилиш кераклигини, без катталашиб кетганини айтишди. Мен йиғлаб уйга келдим. Тўғриси, операциядан жуда кўрқдим. Шунда ён қўшнимиз бир қариндоши саратон касаллиги билан оғриб ўлим ёқасидан қайтганини айтиб, Иброҳимжон Асқаровнинг манзилини берди. Иброҳимжон ака мени илик кутиб олди, дорилар берди. Албатта соғайиб кетишимни таъкидлади. Мен бир ярим ой мобайнида «Мажмуи Раҳмоний», «Аскальций», «Алқоён», «Шифои Марҳабохон», «Астош», «Мажмуи даво» дориларини ичдим. Тез орада без кичрайиб, соғая бошладим. Яна Иброҳимжон аканинг олдига бордим. У киши яна 15 кунлик дори берди. Дорилар тугагач УЗИ кўригига бордим. УЗИ менинг соғайиб кетганимни кўрсатди. Ишонмасдан Онкология диспансерига бордим. Ҳайрон қолишди. Чунки улар икки ой аввал мени операция қилмаса бўлмаслигини айтишганди. Мен дунёга қайта келгандай бўлдим. Олам ёришиб, қувончим ичимга сиғмай кетди. Турмуш ўртоғим, фарзандларим ва ота-онамнинг севинганини айтмайсизми!

**Андижон шаҳар,  
Қўшариқ даҳаси, 49-уй, 73-хонадондан  
Матмусаева Барноҳон”**

\* \* \*

«43 ёшимда ўз-ўзидан қон кета бошлади, 9 ойгача тўхтамади. Дўхтирлар тухумдон саратони деб ташхис қўйишди. Адойи-тамом бўлдим. Куним санокли қолган эди гўё. «Қайнона» газетасида Иброҳимжон ака ҳақида ўқиган бир қариндошимиз тавсияси билан бу ёққа келдим. Дориларни бир ҳафта қабул қилганимдаёқ қон тўхтаб, иштаҳага кирдим. Икки ойда тамоман яхши бўлдим. Дўхтирга раҳмат айтгани келган эдим.

**Ўғилхон, Улуғнор тумани»**

\* \* \*

«Баданимда оқ доғлар бор эди. Борган сари кўпайиб, кўчага чиқолмайдиган бўлиб қолдим. Ичкиликка берилиб, бутунлай умидсизликка тушдим. Оллоҳга ҳар кеча: «Ухлайину қайтиб турмайин», деб илтижо қилардим. Бир ўртоғим Аскароровга олиб келди. Бир ой бўлмай, баданимдаги оқ терилар тушиб, янги соғлом тери пайдо бўлди. Иброҳимжон аканинг олдида жуда катта қарздорман. Улар мени ҳаётга қайтардилар.

**Дилшод, Андижон»**

\* \* \*

«Мен 1961 йилда Фарғона вилояти, Бағдод тумани, «Пахтакор» қишлоғида туғилганман. Тумандаги 46-мактабда ўқитувчилик қиламан. 2007 йил, январ ойида қаттиқ грипп билан оғриб, еганимни ташлай бошладим. 15–16 кун шундай бўлди. Туман, вилоят шифокорларига учрадим. УЗИ хулосасига кўра тухумдонлар шамоллаган, жигарда 8x8 см.ли ўсма бор эди. Қўкон шаҳрида ҳам худди шундай диагноз қўйилди. Онкология бўлимида операция қилинади, деган хулосага келишди. Турмуш ўртоғим Тошкентга – Республика Онкология илмий марказига олиб борди. У ердаги шифохонага ўқувчим Соҳибжон Алижонов («DABP») ёрдами билан жойландим. Мени операцияга тайёрлай бошлашди. Докторлар жуда яхши қарашди.

Бир куни қўшни палатада онасига қараб ётган йигитнинг кўлида «Қайнона» газетасини кўриб қолдим. Унда

Иброҳимжон Асқаров ҳақида ёзилган экан. Негадир тигдан кўрқиб турган эдим, ўша одамга олиб борасиз, деб туриб олдим. Қисқаси, турмуш ўртоғим мени Жалакудукка олиб келди. Иброҳим аканинг маслаҳатлари билан буюрилган муолажаларни олдим. Орадан 15–20 кун ўтгач, энди бориб УЗИга тушиб келинг, дедилар. Бордик. Не кўз билан кўрайки, текширувда ўсма йўқлиги аниқланди.

**Иродахон Ғойипова»**

\* \* \*

**Азизова Зухраҳон (1941 йилда туғилган):** «Жалолободдан келдик. Набирам Санжарбек Холдорев ёшлигида қаттиқ шамоллаган. 1-синфга борганда, уни қаттиқ йўтал безовта кила бошлади. Охири бола елкасидан нафас олиб, ҳансираб, йўлга юролмай қолди.

Жалолобод, Андижон, Ўш шифохоналарида узок ётди. Дўхтирлар ўпкасида йиринг бор, операция қиламиз, бирор гап бўлса, даъвомиз йўқ, деб ёзиб беринглар, дейишди. Биз жуда кўрқиб кетдик. Охири, Асқаровга олиб келдик. Икки марта келганда йўталмай қолди. Чопкиллаб юриб кетди. Оллоҳга шукр. Бу одамдан ўлгунча миннатдорман».

\*\*\*

**Ғаниев Юсуфжон, 50 ёшда:** «Ўтим оғриб, зарда бўлардим. Кўп дори, уколлар олдим. Лекин Иброҳим аканинг дориларидан дардимга дармон топдим».

\*\*\*

**Муҳаммаджон Отажонов, 52 ёш:** «Соғлигим жуда ёмонлашди. Андижон, Тошкент онкология бўлимларида даволандим. Охири умуман овқат ўтмай қолди. Ўпка раки деган ташхис қўйишди. Бир жойда операция қиламиз, бўлмаса 2,5–3 ойдан кейин ўлади, дейишди. Юролмай қолган эдим. Икки киши қўлтиғимдан суяб шу жойга олиб келишди. Уч ойда оёққа туриб, кўрмагандай бўлиб кетдим».

Зулайҳо Ҳамдамова, Фарғона вилояти, Оқ билал қишлоғидан: «Мен вилоят касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлардим. Соғлигим ёмонлашгандан кейин, 11 йил бўлди, ишламай қўйганман. Айтишларича, бу дарднинг (ўсма) давоси йўқ экан. Онкология бўлимларида, Фарғона, Кўкон, Тошкент шаҳарларида кўп даволандим, кўп марта нур олдим. Беш ойдан бери деярли овқат емай, асосан сув ичардим. Газета орқали Иброҳим акани таниб, шифо излаб келдим. Бир ярим ой деганда, ўзгариш бўлди. Ҳозирча бир пиёла овқат ейдиган бўлдим. «Аскальций», «Асшифо», «Мажмуи Раҳмоний» дорилари жуда яхши экан, шифокорга минг раҳмат.

\* \* \*

Аҳмадхон Мадаминов: «Мен шу Жалақудуқ туманида яшайман. Аввало Худо, қолаверса, шу профессор Асқаровнинг шарофати билан кўплар дардига даво топмоқда. Қизим Қаримахон Мадаминова акушерка бўлиб ишларди. Бетоб бўлиб, клиникага тушиб қолди. Кўкрак беги бор, кўкракни кесиб ташлаймиз, дейишди. Қизим кўрқиб, рози бўлмади. Иброҳимжон унга малҳам, суюқ дори тайёрлаб берди. У батамом тузалиб кетди. Яна бир бемор бўларди. Онкология шифохонасида ётди. Икки ой умри қолди, деб жавоб беришганди. Иброҳимжон ўша йигитни даволагандан сўнг саккиз йил яшади. Укам Мадаминов Ботирхон ошқозон раки билан оғриди. Юрак, ўпка кетган эди. Тўйни тезлатдик. Иброҳимжон уни кўриб, дори берди. Уч йил давомида 18 марта укамнинг уйига борди. Унга ҳар сафар моддий ёрдам сифатида дори ва бошқа нарсалар берарди. Укаси Исмоилжон Комилов билан бирга оиламиз учун қилган яхшиликларини ҳеч қачон унутмаймиз. Оллоҳ уларнинг умрини зиёда қилсин...»

\* \* \*

«Оллоҳ бандаларига минг бир дард бериб бир суйган бандасини сабабчи қилиб, минг дардга давосини ҳам Ўзи берар



экан. Ўшандай Оллоҳ суйган бандалардан бири ихтирочи профессор Иброҳимжон Раҳмонович Асқаровдир.

Ёшим олтмишда. Оллоҳнинг кудрати билан у ажойиб муъжизакор табибдан шифо топдим. Касаллик тарихимни баён этсам, менга бу касаллик яъни бел оғриғи, оёқ оғриғи 1975 йилдан буён “ҳамроҳ”, “ошна”. Ўша вақтларда мени касалимни ревматизм, кейинчалик эса радикулит дейишди. 2004 йилга келиб остеохондроз деб ташхис қўйишди. 2007 йил куз ойига келганда ўнг оёғим ўз-ўзидан увишиб оғрий бошлади. Оёғимнинг бармоқлари ишламай қолди. Кейинчалик кучли оғрик пайдо бўлди. Оқсоқланиб ҳассага суяниб қолдим.

Андижоннинг Тельман деган жойидаги касалхонашифокорлари қабулида бўлдим. Улар мени рентгенга тушиб келишимни айтишди. Бу текширувдан ўтканимдан сўнг докторлар рентген натижаларини кўриб, зудлик билан операция қилдиришимни маслаҳат беришди. Агар операция қилдирмасам, иккала оёғим ҳам ишламай шол бўлиб қолишимни айтишди. Касаллигимни суриштирсам, умуртқа поғонасининг ички пай қисмида ўсма пайдо бўлиб, асаб толаларини сиқиб, оёғимни ишлатмай қўйган экан.

Ўша вақтдаги аҳволимни тушунтириб бера олмайман. Ниҳоятда тушқунликка тушдим, “финиш” деганлари шу экан-да, деган хаёлларга ҳам бордим. Ўсмани операция қилдирганларни кўрганман ва эшитганман. Операциядан умид йўқ. Уйга келиб, нима қилишимни билмай ўйланиб ўтириб, бирдан хаёлимга маҳалламиздаги Рустамжон деган йигит келди. У ўз қизини Жалақудукдаги бир профессорга олиб бораётганини эшитган эдим.

Рустамжоннинг олдига маслаҳатлашгани бордим. У олиб келган дориларини кўрсатди ва “бугун жума, келаси пайшанба куни профессор қабулига борамиз, яна беш кун вақт бор, унга қадар мана бу дорини ичиб туринг”, деб, бир пачка “Асшифо” дамламасини берди. Мен уни беш кун ичдим ва олтинчи куни Иброҳимжон Асқаровнинг қабулида бўлдим. У ниҳоятда чиройли, хушмумомалалик билан кутиб олди ва синчиклаб тек-

шириб, рентген натижаларини кўриб, озиқ-овқатдан парҳез қилишимни тайинлаб, ўзи ихтиро қилган шифобахш дама-ламалардан ичишимни тавсия қилди. Дориларни олиб уйга қайтдим. Ярим йўлга келганимда ўнг томонимдан ўнг оёғимга қараб қандайдир куч, электр токи ургандек баданимни зириллатиб юборди. Ҳайрон бўлдим, нима бўлаётганини тушунмас эдим. Аср намозига таҳорат олмоқчи бўлиб пайпоғимни ечдим, не кўз билан қарайки, оёғим бармоқларини кимирилтсам, улар жонланиб ҳаракатлана бошлади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, беш кун давомида ичган “Асшифо” дамламаси асаб толаларимни ишга солиб юборган эди. Уч кун ўткандан сўнг оёғимнинг увишгани йўқолди. Яна бир ҳафта ўтиб, оёғимдаги оғриқ батамом қолди. Лекин оқсоқланиш давом этар эди. Асқаров қабулига кириб арзимни айтдим. Профессор “Мажмуи Раҳмоний” томчи дорисини эллик томчидан етмиш беш томчига кўпайтиришимни маслаҳат берди. Ҳамма дориларни ўз вақтида ичиб, парҳезга амал қилдим ва олти ой деганда ҳасани ташлаб, ростмана юра бошладим. Бундан ташқари дориларни инсон организмнинг бошқа ерларига ҳам мўъжизавий таъсирини гувоҳи бўлдим. Юзимда болаликдаги яраларнинг ўрни қора доғ бўлиб қолган эди. Бир куни бехосдан қўлимни чеккамга олиб бориб қашлаган бўлдим, шунда қўлимга тангадек қоп-қора қақирмачоқ теримдан ажралиб чикди. Ўрни намланиб қолди. Яна уч кун ўтиб, олдингига нисбатан кичикроқ қақирмачоқ кўчиб чикди. Шундай қилиб, беш ёки олти мартаба кўчиб тушди. Охирида нуктадек тери ажралиб тушиб, қора доғ ўрнида ҳеч нарса қолмади. Яна бир ҳолатни ўзимда кузатдим. Ҳар доим қиш мавсумида беш-олти мартаба қайта-қайта резанда-грипп бўлар эдим. 2007 йил сентябрь ойидан бошлаб дориларни ичган бўлсам, мана, бир йилдан зиёд вақт ўтди-ки, бирор мартаба ҳам грипп касалига учрамадим. Иброҳимжон Асқаровнинг дори-дармонлари инсон организмнинг ҳамма жойига, ички ва ташқи аъзоларига бирдек шифо беришини ўз жисмимда синадим ва ҳис этдим.

Халоскорим Иброҳимжон Асқаровга ўз миннатдорчилигимни қандай изҳор қилишга тилим лол. Умрингизга, ризқингизга барака берсин, Оллоҳ ёрлақан азиз инсон.

**Аҳмаджонов Иброҳимжон,  
Хўжаобод тумани,  
Бешкарам МФЙ, Анҳор кўча, 11-уй,  
18 декабрь, 2008 йил»**

\* \* \*

“2008 йил бошларида соғлигим ёмонлашиб, шифокорларга учрадим. Простата безим шамоллаган экан, касалхонада ётиб даволандим. Аммо мени бош оғриғи, асаб ва ҳолсизлик қийнар, ваҳима босарди. Кўп шифокорларга учрадим, улар менга ҳар хил ташхислар қўйишиб, даволашарди. Дорилар фойда бермагач, баттар асабийлашадиган бўлиб қолдим. Менга телевизор тугул, болалар шовқини ҳам ёқмасди. Кўчада биров қаттиқрок гапирса ҳам юрагим ўйнаб, аҳволим оғирлашарди.

Бир куни аёлим мен ётган уйни йиғиштираётиб, токчадаги нон сатилни тагидан газетани олиб ташлади. Газетани олиб варақласам, профессор Асқаровнинг расми билан мақоласига кўзим тушди. Унда “Давосиз дард йўқ” дейилган, табибнинг ўз онасини ва бошқа беморларни даволагани, уларнинг миннатдорлик сўзлари ёзилган эди. Менда Асқаровга қизиқиш уйғонди ва қатъий қарорга келиб, отамга ўша профессорга олиб боринглар дедим. Сўраб-суриштириб пайшанба куни қабулига бордик. У ерда одам жуда кўп эди. Беморлардан сўраб рўйхат бўйича қабул қилишини, навбатсиз қабул қилмаслигини билдик. Мен қайтиб кетишни истамасдим. Оғригим кучайиб, касалим кўзиди, отам ва хотиним парвона бўлишарди. Докторлар менга томография қилдирмасанг, бир нарса қийин, дейишганди. Буни ўйлаб эзилдим. Шу пайт отам бир аёлни бошлаб келди. У профессорнинг дамламаларидан тузалган экан, менга анча далда берди. Ўша куни профессор икки хил дахлама берди. Уч кунда ўз таъсирини кўрсатди. Оғриқ бир мунча пасайди. Етти кундан сўнг қабулига яна бордим. Иброҳимжон ака мени

текшириб, бўқоксиз, томография шартмас, деб яна дамламалар берди. Ҳозир аҳволим яхши, уйдагилар хурсанд.

**Орифжон Араббоев,  
Балиқчи тумани,  
Полвонкўл қишлоғи.  
23 апрель, 2009 йил”**

\* \* \*

“2009 йили февраль ойида турмуш ўртоғимнинг соғлиги ёмонлашгани сабабли кўриқдан ўтказганимизда, қизил ўнгач раки билан оғригани аниқланди. Кўкон онкология шифохонасига мурожаат қилдик. Улар бу дарднинг давосизлигини, ёрдам беришолмаслигини айтишди.

Тасодифан бу вабога даво борлигини, унинг халоскори Жалакудук туманида яшовчи профессор Иброҳимжон Асқаров эканлигини эшитиб, зудлик билан етиб келдик. Шифокор текшириб, бу касалликни даволаш мумкинлигини, ҳеч қандай ваҳимага ўрин йўқлигини айтиб, гиёҳлардан махсус тайёрланган дамламалар берди. Уларни ичиб, икки ойда келишимизни айтдилар.

Турмуш ўртоғим дамламаларни ичиб, уч кун ичида овқат ея бошлади. Туришга ҳоллари йўқ одам, бемалол ибодатга чиқадиган, дўстлар билан айланиб келадиган бўлдилар.

**Тоштемировлар оиласи,  
Кўкон шаҳри, Машраб кўчаси, 104-уй.  
14 май, 2009 йил”**

\* \* \*

“Мен 2007 йил Иброҳимжон Асқаров ҳузурига келганман. Тўрт йил фарзандсиз юрган эдим. “Асшифо”, “Асбола”, “Ал-кальций”, “Аснасл” дамламаларини ичдим. 2008 йил 6 сентябрда ўғил кўрдим.

Ҳозирда фарзандим соғлом, профессорга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Зулфизар Абдуғаниева,  
Қирғизистон, Киров тумани.  
14 май, 2009 йил”**

\* \* \*

“2007 йилдан буён ўпка ўсмаси билан оғрирдим. Қўкон, Фарғона шифокорлари ташхис қўя олишмади. Тошкентга бордик. Қўкрак хирургияси институтида томография қилишиб, ўпка ўсмаси эканлигини аниқлашди ва профессор Кротовга кўринишимни айтишди.

Профессор Кротов томография ва бронхоскопия натижаларини кўриб икки ой умри қолган дебди. Шундан сўнг уйга келдик. Онам қариндошларимизникига борганларида профессор Асқаров ҳақида Энахон Сиддиқова ёзган китобни олиб келдилар. Мени профессорнинг қабулига кўтариб олиб келишди. Улар мени кўриб, дориларни ичиб, парҳезга риоя қилсангиз, яхши бўлади, деди ва дорилар берди. Уч ойдан сўнг ўз оёқларим билан профессор хузурига келдим.

**Муҳаббат Низомиддинова,  
Қўкон шаҳри, Охунбобоев кўчаси.  
21 май, 2009 йил”**

\* \* \*

“Мен 2009 йил 20 февраль куни простата беги касаллиги билан профессор Асқаровга учрадим. У тавсия қилган “Мажмуи Раҳмоний”, “Мажмуи шифо”, “Алқоён”, “Аскальций”, “Астош” дориларини ичдим, ҳақиқатда мендаги қаттиқ оғриқлар умуман йўқолди.

Онкология ва бошқа шифохоналарда даволаниб уқоллар олганимда фойдаси бўлмаганди. Худога шукр.

**Ҳакимжон Йўлдошев,  
Асака шаҳри, Чўмбоғич маҳалласи.  
11 июнь, 2009 йил”**

\*\*\*

“2008 йили январь ойида кўкқисдан қизимнинг томоғида без пайдо бўлиб, шифокорларга учрадик. Улар онкология касалхонасига йўллашди. У ердаги шифокор Комилжон (фамилияси эсимда йўқ) тезда операция қилиб бездан экиб кўриш керак, деди. Операция қилишди ва бир ҳафтадан кейин анализ

ёмон чикди. Қизингизни тезда химия терапия қилмасак, иш чатоқ... дейишди. Мен рози бўлмадим ва у ерга қайтиб бормадик. Она бўлганлигим учун жуда қаттиқ изтиробга тушдим. Нима қилишимни, қаерга боришимни билмай қолдим. Бу орада, операциядан сўнг безлар кўпайди, мени ваҳима босди.

Бир танишим берган “Халоскорлик” китобидан Жалакудук туманида Асқаров деган профессор раққа даво топганлигини ва ҳар хил касалликлардан халос бўлган беморларнинг ташаккурномаларини ўқиб, менда умид уйғонди. Қизимни олиб 2008 йил 12 февраль куни Жалакудукқа бордим. Профессор бизга дамламалар берди.

Икки ойда безлар йўқолди, кизимнинг аҳволи яхшиланди. Худо ишимизни ўнглаб шундай табибга рўпара бўлдик. Агар бу инсон ҳақида эшитмаганимда, аҳволимиз нима кечарди?

**Мавлуда Эргашева,**

**Андижон вилоят**

**эндокринология диспансери ҳисобчиси.**

**11 июнь, 2009 йил”**

\* \* \*

“Мен 2008 йили лейкоз (қон ҳосил қилувчи органларнинг касаллиги) билан оғридим. Андижон клиникаси, гематология бўлимида даволандим, лекин натижа бўлмади. 2009 йилнинг апрель ойида профессор Асқаров ҳақида эшитиб, хузурларига келдим. Юзидан нур ёғилиб турувчи бу инсон қабулига кирганимда унинг беморларга қилаётган муомаласидан чуқур заковат эгаси эканлигини, бу ерга келиб адашмаганлигимни англадим. Асқаровга нисбатан ишонч ва ихлос ҳиссини туйдим. У киши ёзиб берган тавсиялари ва махсус дамламаларини ичиб оғриқлардан қутилдим. Ўзимни қушдек енги ҳис қиляпман. Қон касаллиги бедаво деб ўйлаган ва жуда кўрққан эдим. Оллоҳга шукрки, Иброҳимжон ака сабаб, тузалдим.

**Осиё Қамчиева,**

**Жалолобод вилояти,**

**Ладонқора қишлоғи.**

**16 июнь, 2009 йил”**

\*\*\*

“2004 йил компьютер томографиясида касалимга арханом-дальная киста деб ташхис қўйишди. Бошим айланиб, ўзимни жуда ёмон ҳис қилардим. Асқаров берган “Аскальций”, “Мажмуи даво”, “Мажмуи Раҳмоний”, “Асшифо” дамламаларини ичдим. Ҳозир жуда яхшиман. Дарддан қутилдим.

Асқаровга узок умр тилайман.

Мамира Ҳайитбоева,  
Ўш вилояти, Қорасув тумани,  
Асан-чек, 7-уй.  
16 июль, 2009 йил”

\*\*\*

“2008 йилдан буён бел оғриғи билан оғриб, шифокорларга учрадим, улар буйрагингиз безовта қиялпти дейишди. Фарғона ФПЗ касалхонаси асаб касалликлари бўлимида даволандим. Томографияга тушдим, белингизда чурра бор экан дейишди. Кўп шифокорлар қабулида бўлдим. Лекин аҳволим борган сари оғирлашар, ўзгариш йўқ эди.

“Қалб садоси” газетасида профессор Асқаров ҳақида ўқиб, февраль ойида келиб учрадим. У тавсия қилган дориларни ичиб кундан-кунга яхши бўла бошладим. Асқаровга келгунимча ҳар куни тез ёрдам чакириб яқинларимга ҳам тинчлик бермай қўювдим. Чап оёғим яхши ишламас, юрак, қон босимим жуда кийнади. Бир ярим ойдан сўнг ҳаётга яна кизикишим ортиб, ишга қайтдим.

Маҳфуза Аҳмадбекова,  
Марғилон шаҳар,  
Марғилоний, 67/17.  
16 июль, 2009 йил”

\*\*\*

“Ўттиз йилдан бери ревматизм, полиартрит билан оғриб, бормаган санаториям, учрамаган шифокорим қолмади.

2007 йили октябрь ойида “Қайнона” газетасида профессор Иброҳимжон Асқаров ҳақида ўқиб, шу кишига келиб даво

топдим. Мен юролмасдим, қўлларимда суяк ўсиб чиққан эди. Ҳозир ёшлар сингари юряпман. Мени кўрганлар ўн ёшга ёшарибсиз дейишяпти.

Иброҳимжон, мен каби касалларни даволаш учун Оллоҳ сизга куч-қувват, узоқ умр берсин.

**Махфузахон Абдурахмонова,  
Фарғона шаҳри,  
М.Қосимов кўчаси, 32-уй, 2-хонадон”**

\*\*\*

“2009 йил май ойида қизим Мубинахоннинг баданидаги тошмалар (псориаз) сабаб профессор Асқаровга келдик. Бир нечта шифокордан шифо топа олмаган дардга бу қўллари енгил, Оллоҳ назар қилган инсондан даво топдик. Унга миннатдорчилик билдираман.

**М. Машарипова,  
Қўқон шаҳри”**

\* \* \*

**“Ассалому алайкум, кадрдон дўстим Иброҳимжон!**

Аввалбошданок айтиб қўяй: Аллоҳ сиздайин камтар ва олижаноб инсонни дўст сифатида менга ато қилганидан танишган кунимиздан бери шукрона айтиб келаман. Лекин 11 йиллик хасталигимни енгиллатишга ёрдам берганингиз шукрини қандай изоҳлашга лолман.

Турмуш тарзим ўша – ўша, деярли бир хил давом этаяпти. Лекин сиз берган шифобахш дориворларни ихлос билан ичганимдан бери орадан бир ойча вақт ўтгач бир қон таркибидаги қанд миқдорини ўлчатай, деб таҳлилга борсам, натижа – 5,5 ммолни кўрсатиб турибди. Хасталикка учраганимдан буён бунақа кўрсаткич бўлмаган. Бунга ишонмай, қон таркибидаги қандни ошириши мумкин бўлган таомлардан кўркмай еб, келаси ҳафта яна қон топширдим. Натижа – 6,6 ммол. Кундалик қабул қилинадиган инсулин миқдорини 18 бирликдан 10 бирликка туширдим. Кейинги ҳафта ўртача режимда тамадди қилиб яна топширдим. Натижа – 6,1 ммол.



Кеча кечки овқатдан кейин инсулин олмасдан ётиб, эрта-  
лаб яна қон топширдим. Натижа – 6,1 ммолни кўрсатди. Инсу-  
лин миқдорини 10 бирликдан 5 бирликка туширдим.

Ҳозирча ўзимни ҳис қилишим ёмон эмас. Фақат  
холсизланиш дармонимни қуритаяпти, холос. Бунгаям чора то-  
пилиб қолса ажаб эмас.

Сиздан ниҳоятда миннатдорман, чунки авваллари самимий  
дўстим сифатида қадрласам, бундан буёғига азиз халоскорим  
сифатида номингизни, ўзингизни бошимга кўтараман.

Сизга самимий миннатдорлик туйғуси билан:

**Гофуржон Сатимов,  
Тошкент.  
28 август, 2009 йил”**

\* \* \*

“Ёшим 69 да. 2007 йили май ойида инфаркт бўлдим. 2008  
йилда қандли диабет билан қаттиқ оғридим. 2009 йил февраль  
ойида инсультни ўтказдим.

2009 йил 19 март куни профессор Асқаров ҳузурига кел-  
дим. У менга бир қанча махсус тайёрланган дамламаларни  
бериб, парҳез қилишни тайинлади. Мен уларга қатъий амал  
қилдим. Бугунга келиб қандли диабетдан қутилдим, юрак-қон  
томир касалликлари безовта қилмай қўйди. Ўн беш йиллик оёқ  
оғригим бор эди, профессорнинг малҳам дорисини суртиб, ун-  
дан ҳам халос бўлдим. Ҳозир соғлигим яхши.

**Олимжон Абдуллаев,  
Наманган вилояти,  
Олтинкўл қишлоғи.  
17 сентябрь, 2009 йил”**

\* \* \*

“2008 йил декабрь ойида касал бўлиб текширтирсам,  
қоним 2,8 га тушиб қолибди. Жигаримдаги 36 мм. киста сабаб  
тўрт ойдан бери юролмаб қолган эдим. Қишлоқдаги шифокор-  
лар даволади, бўлмади. 2009 йил 6 майда Андижон клиника-  
сида даволандим, кейин қўшним Маҳмуджонова Маҳбубахон

опа орқали профессор Иброҳимжон Асқаров ҳақида эшитиб, 21 май куни хузурига келдим. Бир қанча дамламаларни тавсия қилди. Уларни ичиб даво топдим. Киста 26 мм. кичрайган, даволанишни давом эттиряпман.

**Қимматхон Исроилова,  
Жалақудук тумани,  
Ёрқишлоқ.  
16 сентябрь, 2009 йил”**

\* \* \*

“Ёшлигимдан қулоғим оғриб, сув оқарди. Бошим ҳам қаттиқ оғриб турарди. Мактабда дарсларда ҳам қийналардим. Ота-онам олиб бормаган шифокор қолмади. Ўн беш кун яхши бўлганга ўхшаб, кейин яна қайталанарди. 2008 йилнинг август ойида профессор Асқаров олдиға олиб келишди. Профессор мени синчиклаб текшириб, маслаҳатлар ва дамламалар берди. Қулоққа қуйиладиган дорисини қуйиб, дамламаларини ичдим ва бир ойда бош оғригим йўқолиб, қулоғимдан сув окмай, яхши эшитадиган бўлдим. Бундан ўзим, ота-онам, устозларим ҳаммаси хурсанд.

Мен сизга узоқ умр тилаб, сиздек профессор бўлиб, беморларга даво улашиб юришни орзу қиламан.

**Мадинабону Абдуллаева,  
Балиқчи тумани,  
Олимбек қишлоғи.  
1 октябрь, 2009 йил”**

\* \* \*

“2006 йилда туғилган ўғлим тўққиз ойлигида ўткир шамоллаб оғриб қолди. Касалхонада даволаниб чиққанзимиздан сўнг яна тез-тез касал бўлаверди. Шифокорлар сушт бола синдроми деб ташхис қўйишди. 2008 йил баҳорда шамоллайвериши натижасида лимфа безлари шишиб қолди. Вилоят сил касалликлари бўлимида икки ой даволаниб қайтдик. Орадан ой-йил ўтиб, болам 3 ёшга кирди. Лекин ҳамон юрмасди ва гапирмасди. Одамлар Андижонда Иброҳимжон Асқаров деган

профессор бор, шу одамга олиб боринг, дейишди. Мен ихлос билан профессор хузурига келдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, буюрилган дори-дармонларнинг кучи 10 кунда сезилди. Болам ўзи ўрнидан туриб 1–2 кадам ташлай бошлади. Ҳозир у мустақил юриб, бемалол гапира олади. Бунинг учун профессордан миннатдормиз.

**Нафосатхон Мамадалиева,  
Марғилон шаҳри.  
1 октябрь, 2009 йил”**

\* \* \*

“Мен Ички ишлар тизимида 25 йил хизмат қилиб нафақага чиққанман. Бундан бир йил олдин ўғлим Ҳайитбой 23 ёшида, умуртқа поғонаси, яъни орқа миёда ўсма пайдо бўлиб, умуман юролмай қолди. Бормаган, кўрсатмаган шифокоримиз қолмади. Тошкентдаги Республика нейрохирургия илмий марказида ва бошқа шифохоналарда узоқ-узоқ даволанди аммо ижобий натижа сезилмади. Шу йилнинг июн ойида кимё фанлари доктори, профессор Иброҳимжон ака Асқаровнинг Жалакудук шаҳрида даволаш муолажалари ўтказаетганлигини эшитиб ўғлимни олиб бордим. Домла ўғлимни кўриб, уни яхшилаб текширгандан сўнг 7 хил дори-дармон ёзиб берди ва “Худо хоҳласа, уч ой ичида юриб кетасан” деди. Минг шукрлар бўлсинким, ўғлим доктор айтганидек, уч ой ичида аста-аста босиб юра бошлади.

**Маҳаммадали Қўлдошев.  
1 октябрь, 2009 йил”**

\* \* \*

“Бошим оғриб, кўнглим айниб юардим. Бошим оғриганда бурнимдан ўпка рангидаги қон аралаш ахлат тушарди. Наманган, Кўқондаги кўп шифокорларга учрадим, томографияларга тушдим. Гипофиз безларим катталашган экан. Шу орада Таиланднинг Бангкок шаҳрига, қизлари ва куёви турган жойга жўнашаётган акам билан келин аям томография қоғозини олиб кетишди. У ерда агар томография хулосаси тўғри бўлса, ўн минг АҚШ долларига операция қилинишимни айтишиб-

ди. Ўғлим рози бўлди. Ёлғиз ўғлим отасидан 14 ёшида етим қолганлиги учун жуда кўркиб кетувди. Лекин бизнинг унча пулимиз йўқ эди, нима бўлса, пешонамдан кўрдим, деб, унамадим. Бир куни ўғлим Жалақудукдаги профессор Асқаров ҳақида гап топиб келди, унинг қабулига навбат олиб, 2009 йил 3 декабрда ҳузурига кирдик. Доктор берган дамламаларни ичиб яхши бўлдим.

**Гулноза Қодирова,  
Бўз тумани, А.Икром кўчаси, 11-уй.  
8 апрель, 2010 йил”**

\*\*\*

“Мен туман тиббиёт бирлашмасида, туғруқ уйида доя бўлиб ишлайман. Бел оғриғи, оёқ оғриғи безовта қиларди. Кўзларим хиралашиб ёзиш, ўқишга қийналиб бораётган эдим. Белимни рентген қилдирдим, бошланғич умуртка чуррачи, 4–5-умуртқаларда деб ташхис қўйишди. Вилоят нейрохирургларида даволандим. Вақтинчалик оғриқлар қолдию, кейин яна оёғим увишиб, белим оғриб, кўзим хиралаша бошлади. 2007 йил Иброҳим акага мурожаат қилдим. Дардимни эшитиб, “дард борми, давоси ҳам бор, фақат ихлос билан дори-дармонларни ўз вақтида ичиб, парҳез қилиб, соғлигингиз ҳақида мунтазам ўйлаб турсангиз, Оллоҳнинг инояти билан ҳаммаси яхши бўлади, кўрмагандай бўлиб кетасиз”, деди ва менга “Аскальций”, “Шифои Марҳабохон”, “Ўзбекистон” деган дамламалар бериб, сабзавотлар, мевалар, кўкатларни тавсия қилди. Мен тўрт ой шу дамламаларни ичдим. Оғриқлардан қутилдим, кўзларим равшанлашди, юрагим қувватга кирди.

Иброҳимжон ака! Дунё тургунча туринг, қилган савобли ишларингиз ҳамиша бошингиздан нур ёғдириб турсин.

**Хуршида Мадаминова,  
Жалақудук тумани,  
Охунбобев шаҳар, Маҳмудов кўчаси, 42-уй.  
5 май, 2011 йил»**

\* \* \*

“2009 йилдан бери соч тўкилиши ва ошқозон ости беи оғриғи билан касалланганман. Бир неча бор вилоят онкология бўлимида даволандим. 2011 йил Асқаров тўғрисидаги “Халоскорлик” китобини ўқиб, қолдим. “Аскальций”, “Мажмуи Раҳмоний”, “Шифои Марҳабохон” дамламалари билан икки ой даволандим.

Натижа яхши. Соч тўкилиши тўхтади. Домлага бутун оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман.

**Ғуломжон Дўсмагов,  
Наманган вилояти,  
Мингбулок тумани.  
июнь, 2011 йил”**

\* \* \*

“Икки кўзимдан операция бўлиб (кўксув), кўзларим хира-лашиб қолди. Набираларим Аҳмаджон, Фотимахон, Зухраҳон ва Мадинахонларда бўғиндан суяк ўсиб, ота-оналарини анча диққат қилиб қўйган эди. Наманган вилояти, онкология бўлимига учрадик. Шундай ўсаверса, қон томир ва асаб толаларини қисиб қўйиши натижасида келажакда болалар ногиронлик аравачаларига ўтириб қолишларини айтишганида қон босимим кўтарилди. Қизларим Шохистахон, Дилфузахон ва набираларимни олиб, 30 июнь куни Иброҳимжон Асқаровга учрадим, ундан ўсмалар ўсишдан тўхташлиги ва кичрайишини эшитиб бошим осмонга етди. “Шифои Марҳабохон”, “Мажмуи Раҳмоний”, “Асшифо”, “Аскальций” деган шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар ўн беш кунда ўз таъсири-ни кўрсата бошлади. Бугун яна табиб қабулига келдик.

Оллоҳ назари тушган Иброҳимжон Асқаровга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Бир умр таъзимдаман, умрингиз боқий бўлсин.

**Оминахон Нуридинова,  
Наманган вилояти, Учкўрғон тумани,  
Ғафур Ғулом кўчаси, 6-уй.  
15 июль, 2011 йил”**

\* \* \*

“2010 йил октябрь ойида кизим Мавжуданинг турмушга чикиб, уч-тўрт йилдан бери фарзанд кўрмаётганлиги сабабли келган эдик. Унгача кўп шифокорларга учрашиб, айрим муолажаларни ҳам қилиб кўрганмиз, самараси бўлмаган. Шифокорлар кистанг бор, камқонликдан деган сабабларни айтишган эди. Мана, Оллоҳга шукрки, қизим Иброҳимжон ака берган дамламаларни ичиб, эрта-индин фарзандли бўлиш арафасида турибди. Иброҳимжон акага узоқ умр тилаб қоламан.

**Малика Салимова,  
Сурхондарё вилояти, Жаркўрғон тумани.  
1 сентябрь, 2011 йил”**

\* \* \*

“Ўғлим Мелибоев Носиржон 1993 йил 15 февралда туғилган. У тўрт нафар фарзандимнинг каттаси, соғлиги кўкқисдан ёмонлашиб қолди, турли хил шифокорларга кўрсатдик. Улардан бири умурткасидан укол қилди. Бири массажга буюрса, яна бири эса асаб толалари шамоллаган деб бир неча хил маз ёзиб берди, лекин фойдаси бўлмади. Охири ўғлимни Андижондаги томографияга туширишимизни тайинлашди. Биз 2011 йил 1 июлда айтилган жойга олиб бордик, у ерда орка мияда ўсимта бор экан дейишди. Бизга Тошкент шаҳар ТТЗ тиббий санчастига, Республика Нейрохирургия маркази ёки ИИВ госпиталига боришни тавсия этишди. Улар билан гаплашсак, “юзтадан битта...” дейишди. Сўнг опам Мукаррамхон “Халоскорлик” деган китобни олиб келди. Биз ундан Жалакудукда Иброҳимжон Аскарров деган профессордан шифо топаётганларни ўқидик. У ерга 2011 йил 15 июлда бордик. “Шифои Марҳабохон”, “Мажмуи Раҳмоний”, “Асшифо”, “Олтин водий” каби дамламаларни олиб боламга ичира бошладик. Ҳозир мана, ўғлимнинг соғлиги анча яхши. Профессор дунё тургунча турсин, доимо соғ-саломат бўлсин.

**Олмаҳон Тўйчиева,  
Фарғона вилояти, Қува тумани,  
Навий номли жамоа хўжалиги.  
2011 йил, 1 сентябрь”**

\* \* \*

“Мен кўкрак саратони, миома ва қанд касали билан оғриган эдим. Иброҳимжон Асқаров менга “Мажмуи Раҳмоний”, “Алқоён”, “Шифои Марҳабохон”, “Астош”, “Асбосим”, “Аскальций”, “Ўзбекистон” деган дамламаларини берди. Уларни ичиб касаллигим 50–60 фоизга чекинди.

**Гулнора Шарипова,  
Қорақалпоғистон Республикаси,  
Тўрткўл тумани,  
Н.Сапаров кўчаси, 5-уй.  
15 сентябрь, 2011 йил”**

\* \* \*

“Менинг қанд касалим бор эди. Кейин баданимга тошмалар тошиб кетди. Иброҳимжон Асқаровни эшитиб у кишининг хузурларига келдим, тўрт ой давомида дамламаларидан ичиб, яхши даво топдим.

У кишининг умрлари узок бўлсин.

**Фарход Собиров,  
Хоразм вилояти,  
Янгибозор тумани,  
Ширинкўнғирот қишлоғи.  
15 сентябрь, 2011 йил”**

\* \* \*

“2006 йилдан бери бетоб эдим. Бормаган табибим, бормаган шифокорим, қилмаган дори-дармоним қолмади ҳисоб. Дунё кўзимга қоронғу эди. Тавбалар қилдим, Оллоҳимга беадад шукрлар бўлсин, 2011 йил март ойида Иброҳимжон акага учрашиб дамламаларини олиб ичдим. Мана ҳозир бемалол нарсаларни ея оляпман. Аввал оддий нон ҳам ея олмасдим. Ҳеч бир банда мендек қийналмасин. Профессор Асқаровга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмайман. Ҳозир бу сўзларни кўзларимда ёш билан қоғозга туширяпман. Бу ёшлар умрбод севинч ёшлари бўлиб қолсин. Иброҳимжон акага Олтиариқ аҳлидан мингдан-минг раҳматлар айтаман. Обрўлари бундан-

да баланд бўлсин, оилам ва болаларим номидан Худодан шуни сўраймиз.

**Дилором Шерматова,  
Фарғона вилояти, Повулғон қишлоғи,  
Маҳмудобод кўчаси, 17-уй.  
29 сентябрь, 2011 йил”**

\* \* \*

“Мен 24 йилдан бери астма касаллиги билан билан оғрийман. Бир ой олдин профессор Асқаровнинг қабулига оғир аҳволда келган эдим. “Полкарталон” таблеткасини ичиб юрардим. Бир ойдан бери профессор тавсияларига кўра парҳез қилиб, “Шифои Марҳабохон”, “Аскальций”, “Шифои даво”, “Мажмуи Раҳмоний” дамламаларини ичиб аҳволим жуда яхши. Гармон дориларни ичмай қўйдим.

Мен Иброҳимжон Асқаровга, у кишини дунёга келтирган Марҳабохон ҳожи аяга мингдан-минг раҳмат айтаман. Омон бўлинглар.

**Мавжуда Курбонбоева,  
Тошкент вилояти, Янгийўл тумани,  
Ю.Толипов кўчаси, 4-уй.  
20 октябрь, 2011 йил”**

\* \* \*

“Мен 30 йил давомида уч маротаба операция бўлдим. Ошқозон, бачадондан. Яна ўт пуфагимда, буйрақларимда тош, тузлар бор эди. Буйрагимнинг бири кичрайган, иккинчиси каттайиб кетган эди. Тўрт ой олдин Иброҳимжон Асқаров олдига оғир аҳволда келган эдим. Профессорнинг берган дамламаларини ичиб дардларимга шифо топиб, анча енгил тортдим.

Мен бу инсонга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман.

**Ҳамидахон Ҳакимова,  
Фарғона вилояти,  
Олтиариқ тумани.  
20 октябрь, 2011 йил”**



“Мен мактабда ёшларга математика фанидан дарс берман. 2004 йилдан буён буйрак касаллиги, полиартрит, бўқоқ, бош оғриғидан азоб чекаман. Бормаган шифокорим қолмади. Ниҳоят 2011 йил, май ойида Асқаровни эшитиб, бир ишониб, бир ишонмай келдим.

Иброҳимжон ака менга “Мажмуи Раҳмоний”, “Шифои Марҳабохон”, “Аскальций”, “Астош” дамламаларини берди. Бир ойда ўзимда ўзгариш сеза бошладим. Уч ойда эса анча тузалиб қолдим. Олти ойдан кейин таҳлиллар топшириб, яхши бўлганимни эшитиб, қувончим ичимга сиғмай кетди.

Профессор-табибга катта раҳмат, болаларининг хузурини кўрсинлар.

**Шахло Ботирова,  
Қарши шахри.  
24 ноябрь, 2011 йил”**

### **Муаллифдан:**

Асқаровнинг табиблик иқтидорига, дамламаларининг шифобахшлигига шубҳа билдирувчилар эътиборига ҳавола сифатида, шунингдек, дарддан фориғ бўлганларнинг қувончи, бахтиёрлигини, халқимизда шукур, миннатдорлик туйғулари нақадар юксаклигини ифода этиш ниятида ташаккурномалардан кўпроқ мисол келтиришни жоиз деб билдик.

## С Ў Н Г

Хатлар, иқрорлар, ташаккурномаларнинг ўнтасига ишонмаслик, балки йигирматасидан гумонсираш, яна шунчасини муболаға, маҳобат дея чимирилиш мумкиндир, аммо муайян шахслар, аниқ далиллар, манзиллар, касалликлар, ташхислар ва уларнинг исботли натижалари тўғрисидаги маълумотлар асосида битилган бир-биридан таъсирли, бир-биридан самимий юзлаб дил сўзларига қандай инонмай бўлади?

Биргина маҳзун дилга шодлик, ҳузур бахш этиш бузилган, вайрон бўлган Каъбани қайта тиклаш, обод этиш билан баробар, деган эди Ҳазрат Навоий.

Тўғри, Асқаровга йўлиққан беморларнинг айримлари турли сабабларга (касалликнинг ўтиб кетганлиги, организм ва мижознинг мураккаблигига ёки муолажа тартиблари ва парҳезгария этилмаганлигига) кўра дардига муфассал шифо топмаган бўлиши мумкин. Бу истисно қилинмайди, алаҳусус, табибнинг ўзи ҳам ҳеч кимга ҳеч қачон тўла кафиллик бермайди. Зотан, банда бундай кафолатдан ожиздир. Аммо факт ва рақамлардан кўз юмиш ҳам адолатдан, инсофдан эмас.

Иброҳимжон Асқаровнинг таваллудига 60 йил тўлиши ва бошқа муносабатлар билан ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари йўллаган қутловларда олимнинг одамлар кўнглини билиш ва уларни тушуниш, бошқаларга яхшилик соғиниш каби фазилатлари кўп таъкидланади, бу эса кимё фанлари доктори Алижон Ибрагимов қайд этган «кучли психолог-руҳиятшунос»лик билан боғлиқ бўлиб, айна ана шу хусусият профессор-табибнинг беморларни даволашида жуда асқотаётган асосий омиллардан биридир.

Шунга қарамай, Асқаров дарахтининг табобат шохига ҳам тош отадиганлар чиқиб қолади. Ё, алҳазар! Одамларнинг саломатлигига беқиёс нафи тегаётган новда ва япроқларга ҳам-а!.. Энди унақалар ўзларини танитмай, қоронгуликда ёки бирон

кимса ё нарса панасидан, мўлжални аниқ олмай, таваккалига дап қилишга ўтишган. Баъзан айрим даврий нашрларнинг ҳам “тош отарлар”га “ҳомийлик”, “ҳамдардлик” қилиши эса ғоят ажабланарлидир.

“Мевали дарахтга тош отилади-да”, дея тасалли берувчиларга Иброҳимжон Абдулла Ориповнинг машҳур бир рубоийсини келтиради:

*Дейдилар: ит хурар, ўтади карвон,  
Ранжу маломатда ёнмасин жонинг.  
Лекин алам қилар: бир умр гирён  
Итлар орасидан ўтса карвонинг.*

– Шунга ўхшаб, ит ҳадеб акиллайверса, асабингизга тегади, албатта. Аммо булар барибир майда гаплар. Аслида олимлар атом бомбаларини яратишдан, ойга чиқишдан, Марсни тадқиқ қилишдан аввал инсон организмнинг чидамлилигини мустаҳкамлаш, умрини узайтириш борасида бош қотиришсайди... – дейди олим бутун башариятнинг армон, орзуларини ифода айлаб.

Нияти эзгулик, мақсадлари улуг, қалби, қулочи кенг бўлгани учун ҳам у шунча олам ва одамлар кўнгли, эътиборини забт этаётгандир.

Бир шахснинг шунча ишларни бажаришга қачон, қандай улгургани, улгураётганига ажабланмоқ табиий.

– Инсон онги, идроки имкониятларининг чексизлиги кимёвий нуқтаи назардан ҳам тўғри. Одамзот ўзига буюк саволат билан инъом қилинган тафаккур уммонидан анча оз миқдорда фойдаланиши ҳам ҳақ гап. Мен ана шу неъматлардан унумлироқ нафланишга уринаман холос, – дейди Иброҳимжон. Бу фикр таниқли инглиз ёзувчиси Сомерсет Моэмнинг “Модомики, биз ҳаётда бор-йўғи бир мартабагина яшар эканмиз, ҳаётдан имкон қадар кўпроқ нарсани олишимиз керак” деган ахдига, даъватига ҳам мосдир.

Менга қолса, Асқаровнинг эътирофларига “беҳудага со-вурмай”, “мақсадга мувофиқ” ибораларини ҳам қўшиб қўйган бўлардим.

Тадбиқий-назарий механика бўйича йирик мутахассис, соҳага оид кўплаб тадқиқотлар муаллифи, элликдан ортик фан номзодлари ва докторларини етиштирган академик Муҳаммаджон Ғразбоев: “Фанда, ҳаётда ўз йўлим, ўз ўрним бўлиши керак. Бўлмаса, яшашимдан қандай маъно бор?! Шунчаки яшашни ҳайвонлар ҳам билади. Мен бошқача яшашим лозим. Фанда ўз йўлим бўлиши керак” деган экан. Асқаров фанда (табобатда, инсоний муносабатларда, умуман, дунёга, ҳаётга қарашда ҳам) ўз йўли бор, бошқача яшаётганлардан.

Дарвоқе, Иброҳимжоннинг муваффақиятларида у қадрлайдиган қуйидаги етти ҳикматнинг ҳам ҳиссаси катта:

- Ота-онам – жони-жаҳоним;
- Дуода хосият кўп;
- Устоз – отангдай улуг;
- Кенга кенг дунё;
- Берганга бераман деган;
- Яхшилиқни билган унади;
- Эгилганга эгил, бошинг ерга теккунча...

Иброҳимжоннинг ўзига нисбатан эса, хулоса сифатида, шундай таъбир айтиш мумкин: Парвардигор ҳам бўладиганга бўлишади шекилли-да. Агар Яратганнинг ўзи бутун юрак ато этиб, унга шунча шижоат ва жасоратни жойламаганида бандаси ҳаёт довоидаги шунча синовларга бардош бериб, шунча машаққатларни енгиб ўта билармиди? Агар Аллоҳ қанот сунмаганида оддий қишлоқ йигити илм-фан осмонида шунчалар парвоз қила олармиди? Агар Воҳид-ул ҳаким ёрлақамганида кўлидан ва тилидан минглаб хаста вужудлар шифо топадиган нажот фариштасига айланармиди?..

## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА



Қамчибек Кенжа 1946 йил 15 августда Избоскан туманидаги Гуркиров қишлоғида туғилган. 1964 йили ўрта мактабни, 1969 йили Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини битирган. «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») ҳафтаномада, Избоскан тумани «Пахтакор» газетасида адабий ходим, бўлим мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар

уюшмаси Бадий адабиётни тарғиб қилиш марказининг вилоят вакили вазифаларида ишлаган. 1983 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси наср кенгашига адабий маслаҳатчи этиб тайинланган. 1985 йилдан 2006 йилгача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимига раҳбарлик қилган.

1996 йил бошидан «Холис» номли ижтимоий-оммабоп газета ташкил этиб, ҳозиргача унга бош муҳаррирлик қилиб келади.

Биринчи шеърӣ китоби – «Соғинч» 1975 йили нашр этилган.

«Шарқ юлдузи» журналининг 1974 йил 4-сонида «Яшил барг» номли дастлабки ҳикояси эълон қилинди. Ҳикояни журналхонлар ва адабий танқидчилик яхши кутиб олди. Ёш адибнинг «Яшил барг», «Балиқ ови», «Соҳилда» ва бошқа ҳикоялари тўғрисида таниқли ёзувчилар, адабиётшунос олимлар (Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Нинель Владимирова ва бошқалар) илиқ фикр билдирдилар. 1977 йили унинг «Яшил барг» сарлавҳали ҳикоялар тўплами юзага келди ва у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган қизғин муҳокамада юқори баҳоланди.

Ёзувчининг насрий машқлари хусусида, жумладан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов шундай деб ёзган эди: «Қамчибек Кенжанинг «Балиқ ови» ҳикояси ҳаммамизга маъқул бўлди. Ҳикояда ҳушомадгўйлик қусури ёмон оқибатларга олиб бориши, ҳатто кучли фожиаларга сабаб бўлиши ишонарли тасвирланади. Бу ҳикоя «Яшил барг» тўпамининг муаллифи

Қамчибек Кенжанинг умидли прозаик эканини кўрсатади...» («Ўзбекистон маданияти», 1978 йил, 28 март).

Адибнинг «Кўнгил кўчалари» (1979 й.), «Ишқинг тушса» (1981 й.), «Орзумандлар» (1982 й.), «Нотаниш гул» (1986 й.), «Тоғ йўлида бир окшом» (1987 й.), «Соҳилдаги сув париси» (1993 й.), «Қизил гуллар» (1995 й.), «Муҳаббатни гуноҳ десалар» (1996 й.), «Соҳибжамол аёл сири» (1996 й.), «Кулгибахш умр» (1997 й.), «Бобурийлардан бири» (2000 й.), «Бахт куши ёки ушалган орзулар» (2001 й.), «Ҳамир учидан патир ёхуд кулча ҳикоялар» (2005 й.), 2 жилдли «Сайланма» (2006-2007 й.), «Севинчларим ва куйинчларим», «Кўнгил кечинмалари» (2010 й.) «Палахмон» романи (2011 й.) каби шеърӣй, насрий ва публицистик китоблари чоп этилган.

Қ.Кенжа Бобур номли халқаро илмий экспедиция аъзоси сифатида Бобурийлар ва бошқа буюк аждодларимиз изидан Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Туркия, Сурия, Йордания, Саудия Арабистони, Ироқ каби мамлакатлар бўйлаб ижодий сафарларда бўлди. Ана шу сафарлар таассуротлари асосида яратилган «Ҳинд сориға», «Андижондан Даккагача», «Буюклар изидан», «Андижондан Бағдодгача» номли йирик бадий сафарномалар китобхонлар ҳамда адабий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

У «Бобурийлар изидан», «Бобур саломи», «Буюк Бобур воислари» номли ҳужжатли-оммабоп фильмларнинг сценарий муаллифидир.

Қамчибек Кенжа Александр Пушкин, Ҳенрих Ҳайне, Шандор Петефи, Валерий Брюсов, Михаил Светлов, Вл.Фирсов, Назрул Ислон каби таниқли шоирларнинг шеър ва дostonлари, яна бир қатор хорижий муаллифларнинг насрий асарларини ўзбек тилига ўгирган.

Унинг шеър ва ҳикоялари рус, инглиз, украин, қозок, кирғиз, қорақалпоқ, уйғур ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмаларининг аъзоси Қ. Кенжанинг меҳнат ва ижодий фаолияти «Мустақиллик» нишони, «Шуҳрат» медали, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони, Халқаро Бобур мукофоти ва бошқа ёрликлар билан тақдирланган.

## МУНДАРИЖА

Буюк жасорат соҳиби – адабиёт кўзгусида .....	3
«Ҳаётдан умидимни узгандим...» .....	6
Муқаддима .....	9

### Биринчи боб

Мусодара ва ҳукм .....	13
Муттаҳамлар .....	21
Илк жасорат.....	26
Кейинги тўқнашув .....	31
Кимё-ажойиботлар олами .....	37
Она дуоси .....	39
Куртак барг ёза бошлади.....	46

### Иккинчи боб

Низомий панжасига панжа уриб .....	54
Наҳотки севмаган бўлса.....	58
«Кит»лар ўртасида.....	64
Бор отанга, бор онанга .....	75
Ўзингдан чиққан балога.....	81
Ҳаётбахш елим.....	86
Чиркин хасталик .....	92
Дардингизни олай, аёллар.....	105
Табиблик илдизлари. Дастлабки муолажалар.....	111
Раҳбар ҳақми, ҳақиқат? .....	114
Қадр синовии .....	118
Ота васияти .....	121
Саратонга қарши кураш ва ғалабалар.....	125
Залворли одимлар. Катта «ковун».....	128

### Учинчи боб

Катта «гап» .....	141
Испания сабоқлари .....	145
Ваколатли жаноб ҳиммати .....	149
Қимматли хислат.....	151
Туркия сафари.....	153
Тафтишлар, таҳдидлар .....	155
Чора – илм .....	161

Янги фан машаққатлари.....	170
Профессор қочди .....	177
Ғирромлар .....	180
Инфаркт .....	191
Иккинчи хуруж .....	193
«Халоскоримга таъзим».....	197
Яна бир янги ихтисослик .....	201
Жиддий муолажалар.....	203
Мен ёзмасам, мен ёнмасам .....	209
Эътирофлар, эҳтиромлар .....	211

### Тўртинчи боб

Юртга қайтиш .....	215
«Кўзим очиладими, дўхтир?» .....	220
Бир қабул тафсилоти .....	223
Ирода ва унинг онаси .....	233
Қўшни келин .....	235
Хонадондаги гурунг .....	236
Хотима .....	241

### Иловалар

<i>1-илова. Кашифётчи, ихтирочи, табиб билан суҳбатлар</i>	
Энг ҳаётий саволларга жавоблар .....	248
Саратон ва бошқа...лар хусусида.....	253
Қандли диабет сабаблари ва муолажалари .....	258
Буйрак, ўт...даги тошлар .....	261
Фарзандсизлик... Ўғил хоҳлайсизми, қизми?.....	264
Подагранинг давоси бор .....	266
<i>2-илова. Парҳез тавсиялар</i>	
“Аскальций” – Аскаронинг Ибн Сино тавсиялари	
асосидаги янги яратмаси.....	269
Аскаронинг “Парҳез – 1” тавсиялари .....	273
“Парҳез – 2” тавсиялари .....	273
Теридаги оқ доғларни даволаш тартиби.....	274
Псориаз касаллигини даволаш тартиби .....	275
<i>3-илова. “Мен сиздан шифо топдим...”</i>	
Иқдорлар, изҳорлар .....	275
Сўнг .....	297
Муаллиф ҳақида.....	300



Адабий-бадий нашр

ҚАМЧИБЕК КЕНЖА


**ЖАСОРАТ**

*Маърифий-биографик қисса*

Мухаррир Б. АКРОМОВ  
Бадий муҳаррир Б. СУЛАЙМОНОВ  
Техник муҳаррир Д. ГАБДРАХМАНОВА  
Саҳифаловчи Б. ГУЛБОЕВ

Нашриёт лицензияси А1 № 182. 08.12.2010 йил.  
Босишга 12.04.2012 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Times New Roman гарнитураси.  
Ҳажми 19,0 б.т. Адади 10000. Баҳоси шартнома асосида.  
Буюртма № 029.

«ТАФАККУР» нашриёти босмаҳонаси.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 1 уй.



ISBN 978-9943-24-088-9



9 789943 240889